



Судьялар, адвокатлар
ва прокурорларнинг
мустикаллиги,
жавобгарлигига доир
халқаро тамойиллар

1-сонли амалий қўлланма

Халқаро юристлар комиссияси

Халқаро юристлар комиссияси (ХЮК) ноҳукумат ташкилот бўлиб, унинг фаолияти бутун дунёда қонун устуворлиги тамойилини тушуниш ва унга риоя қилишни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини юридик ҳимоялашга йўналтирилган. ХЮКнинг бош қароргоҳи Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган. Унинг таркибига 85-та миллий бўлинмалар ва алоқадор ташкилотлар киради. ХЮК БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашида, ЮНЕСКО, Европа Кенгаши ва Африка бирдамлиги ташкилотида маслаҳатчи мақомига эга. ХЮК Америка давлатлари ташкилотининг турли идоралари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.



P.O. Box 91
33 Rue des Bains
CH-1211 Geneva 8
Switzerland
E-mail: info@icj.org
www.icj.org

Судьялар, адвокатлар ва
прокурорларнинг мустақиллиги,
жавобгарлигига доир
халқаро тамойиллар

1-сонли амалий қўлланма

© Муаллифлик ҳуқуқлари Халқаро юристлар комиссиясига тегишли, 2007

ХЮК тегишли тарзда манба кўрсатилгани ва нашр нусхасини тегишли кўчирма келтириш билан қуйидаги манзил бўйича ХЮКнинг бош қароргоҳига йўллаш шarti билан ўз нашрларидан кўчирмаларни бепул чоп этилишига рухсат беради:

International Commission Of Jurists

P.O. Box 91
33 Rue des Bains
CH-1211 Geneva 8
Switzerland
E-mail: info@icj.org
www.icj.org

® Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар — амалий қўлланма (иккинчи нашр).

График дизайн ва саҳифалаш: Евгений Тен



Ушбу нашр «Марказий Осиёда миллий адлия тизимларини такомиллаштириш мақсадида халқаро ҳуқуқ соҳасида малака ошириш ва тажриба алмашиш» лойиҳасининг бир қисми сифатида Европа Иттифоқи кўмаги билан амалга оширилди.

Европа Иттифоқи 27 аъзо-мамлакатдан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич равишда ўз ноу-хау, ресурслари ва тақдирларини ўзаро боғлашга қарор қилишган. Биргалиқда, 50 йил давомидаги кенгайиш даврида, улар барқарорлик, демократия ва устувор тараққиёт ҳудудини яратиб, айна пайтда маданий хилма-хиллик, бағрикенглик ва шахсий эркинликларни таъминлашди. Европа Иттифоқи ўз чегараларидан ташқаридаги мамлакатлар ва халқлар билан ўз ютуқлари ва қадриятларини ўртоқлашишга содиқдир

Ушбу нашрнинг таркиби фақат Халқаро юристлар комиссиясининг масъулиятидадир ва Европа Иттифоқининг қарашларини акс эттиради, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

ISBN: 978-92-9037-118-8
Женева, 2007 й.

Таржима. Женева 2017 й.
ISBN: 978-92-9037-252-3

Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар

1-сонли амалий қўлланма

Ушбу қўлланма Хосе Зейтун томонидан тайёрланган.
Федерико Андре-Гусман юридик муҳаррирлик қилди
ва Прямовада Ярнелл чоп этишга кўмаклашди.

Қўлланмани ўзбек тилига Аҳроржон Асқаров таржима
қилди. Адабий таҳрир муаллифи Нажмиддин Икромий.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	xv
БИРИНЧИ ҚИСМ	1
Муқаддима	3
Халқаро ҳуқуқда адолатли судловга оид ҳуқуқ: универал ва ҳудудий воситалар	5
«Табиий судья» тамойили	8
Ҳарбий трибуналлар	11
А. Судьялар	19
1. Мустақиллик	19
Шарҳ	19
Халқаро андозалар	19
Ҳокимият бўлиниши тамойили	20
Институционал мустақиллик	23
Индивидуал мустақиллик	25
2. Холислик	29
Шарҳ	29
Ҳақиқий ва юзаки холислик	30
Судьянинг ўзини ўзи четлатиши бўйича мажбурияти	32
3. Молиявий автономлик ва ресурсларнинг етарлилиги	35
Шарҳ	35
Молиявий автоном(мухтор)ликнинг халқаро андозалари	36
4. Асосий эркинликлар	39
Шарҳ	39
Ассоциациялар эркинлиги	39
Фикр ифодалаш эркинлиги	40
5. Судьяларни тайинлаш	43
Шарҳ	43

Тайинлаш мезонлари	43
Тайинлаш тартиби	47
Халқ овоз бериши воситасида сайлаш	50
6. Лавозимда бўлиш муддатлари ва мансабда кўтарилиш	53
Шарҳ	53
Лавозимда бўлиш муддатларига оид халқаро андозалар	53
Лавозимни эгаллаш муддатларига таъсир қилувчи тартиботлар	54
Мансабда кўтарилиш	56
7. Жавобгарлик	59
Шарҳ	59
Халқаро жавобгарлик андозалари	59
Халқаро прецедент ҳуқуқи	63
В. Адвокатларнинг роли	67
Кириш	67
Адвокатларнинг мустақиллиги	68
Юридик касбида фаолият юритишнинг муҳим кафолатлари	68
Касбий мажбуриятлар	70
Фикр ва уюшмалар эркинлиги	71
Жавобгарлик	73
С. Прокурорларнинг роли	75
Кириш	75
Бетарафлик ва холислик	75
Малака, танлаб олиш ва тайёргарлик	76
Прокуратуранинг фаолият юритиши кафолатлари	77
Фикр билдириш ва уюшмалар эркинлиги	77
Профессионал мажбуриятлар	78
Интизомий иш юритуви	80

ИККИНЧИ ҚИСМ	83
1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	85
A. Судлар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллигига оид махсус андозалар	85
Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллар	85
Юристарнинг ролига оид Асосий тамойиллар	89
Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги амалдаги тамойиллар	95
Суд органлари мустақиллигининг Асосий тамойилларини самарали амалга ошириш тартиблари	102
Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги ялпи декларация лойиҳаси	106
B. Шартнома меъёрлари	120
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	120
Барча меҳнаткаш-муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция	121
Бола ҳуқуқлари бўйича конвенция	122
Барча шахсларни ғайритабиий йўқолишлардан ҳимоя қилиш халқаро конвенцияси	123
C. Декларатив меъёрлар	124
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	124
Алоҳида шахслар, жамият гуруҳлари ва органларининг умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларация	125
D. Бошқа андозалар	126
Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 2004/33 сонли резолюцияси	126
Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 2003/39 сонли резолюцияси	127
Халқаро жиноий судда адвокатларнинг касбий ахлоқ кодекси	128
Ҳарбий трибуналлар томонидан одил судловни амалга ошириш тамойиллари лойиҳаси	144

2. Бошқа универсал андозалар	146
Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойиллари	146
Умумжаҳон судьялар хартияси	154
Халқаро суд органларининг мустақиллигига доир тамойиллар («Бург-Хаус тамойиллари»)	157
3. Европа Кенгаши	163
А. Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллигига доир ихтисослаштирилган андозалар	163
Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси	163
Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга Адвокатлик фаолиятини ошириш эркинлиги тўғрисидаги R (2000) 21 сонли тавсияси	169
Вазирлар Қўмитасининг аъзо-давлатларга Жиноий ишлар бўйича одил судлов тизимида прокурорларнинг роли тўғрисида R (2000) 19 сонли тавсияси	174
Судьялар статути учун Европа хартияси ва Тушунтириш/изоҳлаш меморандуми	183
В. Шартномавий меъёрлар	200
Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси	200
С. Бошқа стандартлар	201
Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид бошқарув тамойиллари	201
4. Америкааро тизим	202
А. Шартномавий меъёрлар	202
Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси	202
В. Декларатив меъёрлар	203
Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка декларацияси	203
Америкааро демократик хартия	204

5. Африка тизими	205
А. Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллигига доир ихтисослаштирилган стандартлар	205
Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар	205
В. Шартномавий меъёрлар	215
Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси	215
Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисида Африка хартияси	216
6. Европа Иттифоқи	217
Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлари хартияси	217
7. Осиё-Тинч океани минтақаси	218
LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти	218
8. Миллатлар ҳамдўстлиги	224
Миллатлар Ҳамдўстлигининг Парламент устуворлиги ва судьялар мустақиллигига оид Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари («Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари»)	224
Миллатлар Ҳамдўстлигининг Давлат ҳокимияти уч тармоғининг жавобгарлиги ва улар ўртасидаги муносабатларга оид тамойиллари	227
9. Халқаро гуманитар ҳуқуқ	230
1949 йилдаги тўрттала Женева конвенциялари учун умумий бўлган 3-модда	230
Халқаро қуроли тўқнашувлардан жабрланганларни ҳимоя қилишга оид 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциясига қўшимча протокол (I протокол)	231
Нохалқаро қуроли тўқнашувлардан жабрланганларни ҳимоя қилишга оид 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциясига қўшимча протокол (II протокол)	232

Сўз боши

Асос солинганидан буён ўтган эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида Халқаро юристлар комиссияси (ХЮК) бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўта муҳим воситаси бўлган судловни адолатли ва таъсирчан амалга оширилишини рағбатлантириш мақсадида фаол иш олиб бормоқда. ХЮК юристлар бирлашмаси сифатида ҳамиша ўз эътиборини суд тизимининг инсон ҳуқуқлари бузилиши қурбони бўлган ёки потенциал қурбон шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича самарали воситалар берилиши кафолатини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга алоҳида эътибор қаратади. Бундан ташқари, улар жиноят содир қилишда гумон қилинаётган ҳар қандай шахсга оид ишнинг халқаро андозаларга мувофиқ адолатли судлов тартибида кўриб чиқилишини, шунингдек, халқаро инсон ҳуқуқларига, шу билан бирга, ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият идоралари томонидан қонунийлик талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

Турли ҳудудларда ва юрисдикцияларда ХЮК мустақил ва холис суд томонидан амалга оширилаётган ишни судда адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини кафолатловчи адолатли судловни амалга ошириш андозаларини ишлаб чиқиш ва келгусида жорий этиш усулларини излаб топишга интилади.

ХЮК адолатли судлов тизимлари билан ишлаш бўйича йигирма беш йиллик иш тажрибасига эга бўлиб, унинг фаолияти судларнинг мустақиллигини таъминлашга ва инсон ҳуқуқларининг фаол ҳимояланишига йўналтирилган. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича маркази ёрдамида ХЮК судга оид ва ҳуқуқий мустақилликни рағбатлантириш ва ҳимоялаш бўйича амалий воситаларни, шу жумладан, БМТнинг суд органлари мустақиллигига ва юристларнинг ролига оид Асосий тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

ХЮК 1-сонли амалий қўлланмасининг ушбу иккинчи тўлдирилган нашри судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигига оид халқаро тамойиллардан фойдаланиш имкониятлари билан амалий танишувга мўлжалланган. Барча тегишли андозалар ва суд амалиётидаги ҳодисаларнинг таҳлили келтирилгани туфайли Қўлланма давлатлар бошқарув органларига адолатли судловни амалга ошириш бўйича янги тамойилларни ишлаб чиқишда кўмаклашади ва мамлакатлар суд тизимларини баҳолашда ва халқаро андозаларни жорий қилиш бўйича аниқ таклифларни тайёрлашда қўл келади. Унда айна пайтда ушбу мавзуга доир барча халқаро андозаларнинг матнлари келтирилган — ва шу тарзда мазкур Қўлланма ХЮК томонидан 1990 йилда чоп этилган тўпلامнинг, ва ундан олдинги нашрнинг янги таҳрири ҳисобланади.

Қўлланма судьялар, амалиётчи юристлар, давлатларнинг раҳбар органлари, таълим муассасалари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳимоя стратегиясини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади, ва бу, уларга ўз фаолиятини амалга оширишда, жумладан, судьяларни ўқитишдан бошлаб қонунлар ва стратегик курсларни халқаро андозаларга мувофиқ қабул қилиш жараёнида кўмаклашади.



Николаас Хауэн (1960–2010)
Бош котиб

1 - ҚИСМ

Судьялар, адвокатлар
ва прокурорларнинг роли

«Адолатли судловни амалга ошириш тизими, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва прокуратура органлари, айниқса, мустақил суд органлари ва адвокатура ходимларини қўшган ҳолда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда белгиланган андозаларни тўла қўллаган ҳолда инсон ҳуқуқларининг ҳар томонлама ва камситишсиз амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга ҳамда демократия ва барқарор ривожланиш жараёнларининг таркибий қисми ҳисобланади»¹.

Муқаддима

Давлат суд тизими инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг марказий таркибий қисми ҳисобланади. Судлар инсон ҳуқуқлари бузилиши қурбонлари ёки потенциал (яширин) қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоянинг таъсирчан воситаларини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини бузувчиларни жавобгарликка тортиш, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ ҳар қандай гумон қилинаётган шахсга нисбатан ишнинг судда адолатли кўриб чиқирилиши таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Суд тизими ҳокимиятнинг бошқа тармоқларини тизгинловчи ва мувозанатловчи, ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ва ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларнинг халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларига, ва ҳуқуқ устуворлигига риоя қилиниши ўртасидаги мувофиқликнинг гарови ҳисобланувчи муҳим куч ҳисобланади.

Ушбу ролнинг аҳамияти инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи барча ҳукуматлар аро тизимлар томонидан эътироф этилган. БМТ Бош Ассамблеяси бир неча бор таъкидлаганидек, «ҳуқуқ устуворлиги ва адолатли судловнинг керакли тарзда амалга оширилиши [...] инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоялашда марказий роль ўйнайди»² ва «адолатли судловни амалга ошириш тизими, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва прокуратура органлари, айниқса, мустақил суд органлари ва адвокатура ходимларини қўшган ҳолда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда белгиланган андозаларни тўла қўллаган ҳолда инсон ҳуқуқларининг ҳар томонлама ва камситишсиз амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга ҳамда демократия ва барқарор ривожланиш жараёнларининг таркибий қисми ҳисобланади»³.

БМТ Бош котиби ушбу далилга алоҳида эътибор қаратганидек, «инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлаш борасидаги ҳуқуқ устуворлигининг аҳамияти ва судлар ҳамда адвокатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнидаги роли тобора кенгроқ тан олинмоқда»⁴.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди эътироф этишича, «ҳуқуқларнинг кафолатланиши қонунга қатъий риоя қилувчи, малакали, мустақил ва холис

¹ 1993 йил 25 июнда Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференцияда қабул қилинган *Вена Декларацияси ва хатти-ҳаракатлар дастури*, 27-п.

² Қаранг, масалан: 1995 йил 22 декабрдаги 50/181 сонли резолюция ва 1993 йил 20 декабрдаги 48/137 сонли резолюция, «Адолатли судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари».

³ Ўша жойда.

⁴ «Қонунчиликнинг кучайтирилиши» — Бош котибнинг БМТ Бош Ассамблеясига хисоботи, БМТ ҳужжати А/57/275, 41-п.

суд органи иштирокида уларни аниқлаш ва ҳимоялаш учун самарали ҳуқуқий воситалар мавжудлигини кўзда тутуди, бунда ихтиёрий қарор қабул қилиш ваколати мавжудлиги, қонунийлик ва мувофиқлик мезонлари доирасида белги-ланади»⁵. Худди шу тарзда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкаро комиссияси шуни қайд этадики, «суд тизимининг мустақиллиги амалда инсон ҳуқуқлари-га риоя қилишнинг ўта муҳим жиҳати ҳисобланади»⁶. Комиссиянинг фикрича, «адолатли судлов ҳуқуқи демократик жамиятнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ Конвенцияда тан олинган бошқа ҳуқуқлар ҳурмат қилинишининг асосий кафолати саналади, чунки у давлат томонидан суиис-теъмоличликларни чеклайди»⁷.

Мустақиллик ва бетарафлик

Мустақил ва бетараф судларнинг мавжудлиги инсон ҳуқуқларига оид халқ-аро ҳуқуққа тўла мос равишда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи суд тизими-нинг марказий нуқтасида туради. Конституция, қонунлар ва давлатнинг умумий йўналиши адолатли судловнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларидан тўлиқ мустақиллигини таъминлайди. Адолатли судлов тизими доирасида ад-вокатлар ва прокурорлар ўз касбий мажбуриятларини сиёсий аралашувлар-сиз ижро этиш эркинлигига эга ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир касбий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳужумлар, таъқиблар ёки репрессиялардан юридик жиҳатдан ҳимояланган бўлишлари керак. Ўз нав-батиди, улар инсон ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиши, фуқаролар олдида бурчли ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқ, шунингдек, ахлоқий меъёрлар билан белгиланадиган юқори даражада ахлоқли бўлишлари лозим.

Бироқ, кўпинча судьялар, адвокатлар ва прокурорлар касбий малакаси, би-лими ва ресурсларнинг, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳу-қуқни тушуниш ва уни миллий даражада қўлланиш имкониятларининг етиш-маслиги оқибатида инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатидаги ўз вазифасини бажара олиш лаёқатига эга эмас.

Шу билан бир вақтда, судьялар, адвокатлар ва прокурорлар ҳам бошқа шах-слар каби инсон ҳуқуқларига эгадирлар, шунингдек, алоҳида ҳимоядан фойда-ланадилар, зеро, улар қолган аҳоли учун инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг асосий кафили ҳисобланадилар. Судьялар фактларни баҳолай олмайдиган ва уларга нисбатан хоҳ миллий, хоҳ тегишли халқаро ҳуқуқий меъёрларни қўллай олмайдиган ҳолатларда адолатли судлов тизими ўз ҳолига ташланиб қолади. Агар адвокатлар ўз мижозлари билан бемалол мулоқот қила олмаса, у ҳолда ҳимоя ҳуқуқига риоя этиш ҳам ва жиноий иш жараёнида барча то-монларга бир хил муносабатни талаб қилувчи томонлар тенглиги тамойилига амал қилиш ҳам тўхтайдди. Прокурорларга жисмоний хавфсизлик кафолат-ланмайдиган, ўз касбий вазифаларини амалга ошириши туфайли ҳаёти хавф остида қоладиган ҳолларда бу улар томонидан айбловни қўллаб-қувватлаш

⁵ *Боланинг ҳуқуқий мақоми ва инсон ҳуқуқлари*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Амери-каро суднинг (ИХАС) маслаҳат хулосаси ОС-17/2002, 2002 йил 28 август, 120-п.

⁶ *Кубада инсон ҳуқуқларига оид ҳолат: Еттинчи маъруза*, АДТ ҳужжати, ОЕА/Ser. L/V/II.61, Doc. 29 rev. 1, 1983, IV 606, 2-п.

⁷ 78/02 сонли ҳисобот, 11.335 иш, *Гай Малари Гаитига қарши*, 2002 йил 27 декабрь, 53-п.

билан боғлиқ вазифаларини бажариш имкониятлари учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бундай махсус ҳимоя, ўз навбатида, алоҳида мажбуриятларни ҳам юзага чиқаради. Судларнинг мустақиллиги тамойили ғаразли мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас; унинг мақсади — шахсларни ҳокимият суиистеъ-моллиларидан ҳимоялаш ҳисобланади. Демак, судьялар ишларни ўз хоҳиш-ларига кўра, ихтиёрий тарзда ҳал қила олмайдилар, аммо ҳуқуқни тегишли фактларга нисбатан қўллашлари керак. Прокурорларга келсак, уларнинг мажбуриятига ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, барча инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини текшириш ва уларнинг олдини олиш вазифаси киради. Адвокатлар эса доимо ўз вазифасини ҳимояланувчилари манфаатлари йўлида амалга оширишлари лозим.

Шу муносабат билан судьялар, адовкатлар ва прокурорлар адолатли судловни амалга ошириш йўлида асосий аҳамиятга эга. Улардан биронтаси ўз вазифаларини тегишли тарзда бажариш имкониятига эга бўлмаса, қонунийлик ва адолатли судловга бўлган ҳуқуқ жиддий хавф остида қолади.

Халқаро ҳуқуқда адолатли судловга оид ҳуқуқ: универал ва ҳудудий воситалар

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча универсал ва ҳудудий ҳужжатлар суд жа-раёнида (жиноий, фуқаролик, интизомий ва маъмурий масалалар бўйича) мустақил ва бетараф суд ёки адолатли судловнинг бошқа органи томонидан ишларни ҳаққоний кўриб чиқиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Халқаро шартномалар

Халқаро шартнома — давлат ва ёки давлатлараро ташкилотлар ўртасида тузиладиган ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро ёзма битим ҳисобланади⁸. Бу ўринда халқаро шартномага томонлар берадиган номлар (пакт, конвенция, шартнома, баённома ва ҳ. к.) аҳамиятга эга эмас; шартноманинг мазмуни ва ифодаланиши, шунингдек, томонларнинг унинг шартлари билан боғлиқлик мақсади аҳамиятга эга. Шартномада ҳамиша унга кўра томонлар битим юридик мажбурий характерга эга эканлигини тан олувчи қо-ида кўзда тутилган бўлади.

Шартнома томонлари халқаро ҳуқуққа мувофиқ шартнома қоидаларига виж-донан риоя қилиш ва уларни амалга ошириш мажбурияти билан ўзаро боғ-лиқдир. Бунда давлат халқаро шартномани бажармаганлигини оқлаш учун ўзининг ички қонунчилиги қоидаларини рўқач қила олмайди⁹.

160-та давлат томонидан имзоланган ва ратификация қилинган *Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг* (ФСХТХП) 14(1) моддаси

⁸ Қаранг: *Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси*, 1-модда, ва *Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги Вена конвенцияси*, 2-модда.

⁹ *Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси*, юқорида белги-ланган, 26 ва 27-моддалар.

қуйидагиларни кўзда тутати: «Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир» ва «ҳар ким ўзига билдирилган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ёки унинг бирон бир фуқаролик жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ишнинг қонун асосида ташкил қилинган малакали, мустақил ва бетараф суд томонидан адолатли ва холис кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга»¹⁰. Ушбу пактга давлатлар томонидан риоя қилиниши мониторинги учун масъул бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита таъкидлашича, ишнинг мустақил ва бетараф суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи «ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлақ ҳуқуқ» ҳисобланади¹¹.

Шунингдек қўмита ҳатто уруш даври ёки фавқулодда вазиятларда ҳам «фақатгина суд бирон бир шахсни жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкин»лигини ойдинлаштириб берди. Шундай экан, бу ҳуқуқ барча ҳолатларда ва барча оддий, махсус судларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Яна, *Барча меҳнаткаш муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенциянинг* 18(1) моддасида белгиланишича, «меҳнаткаш-муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари [...] иши қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва бетараф суд томонидан адолатли ва ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга».

Худудий миқёсда *Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг* 8(1) моддасида белгиланишича эса, «Ҳар бир инсон ўз ишининг тегишли кафолатлар билан ва муайян вақт давомида ўзига нисбатан жиноий характердаги ҳар қандай айбловни асослаш учун ёки унинг фуқаролик, меҳнатга оид, молиявий ёки бошқа характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун қонуний тузилган малакали, мустақил ва бетараф суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга».

Шунга ўхшаш ифодадан фойдаланилган ҳолда *Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясида* шундай дейилади: «Ҳар бир инсон ўз ишининг кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга», ушбу ҳуқуқ «айби ваколатли суд ёки трибунал томонидан белгиланмагунча айбсиз, деб ҳисобланиш ҳуқуқи»ни ҳам назарда тутати, «ишининг малакали суд ёки трибунал томонидан мантиқли муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга». Ушбу моддани Хартиянинг 26-моддаси билан бирга ўқиш керак, унга кўра, аъзо-давлатлар «судларнинг мустақиллигини кафолатлашга мажбур». Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси эса, 7-модда «чекиниш мумкин бўлмаган сифатда кўриб чиқилиши» кераклиги, зеро, у «фуқароларнинг энг кам даражадаги ҳимоясини» таъминлашини»¹² таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 6(1) моддасида белгиланадики, «Ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва

¹⁰ 263/1987 сонли хабар, *М. Гонсалес дел Рио Перуга қарши* (1992 йилнинг 28 октябрида қабул қилинган мулоҳазалар), БМТ ҳужжати ССРР/С/46/Д/263/1987 (суд амалиёти), 5.2 п.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, *29-сонли умумий тартибдаги мулоҳазалар—Фавқулодда вазиятлар* (4-модда), ССРР/С/21/Rev. 1/Add. 11, 2001 йил 31 август, 16-п.

¹² Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, *Фуқаролик эркинликлари ташкилоти, Ҳуқуқий ҳимоя маркази, Ҳуқуқий ҳимоя ва ёрдам бўйича лойиҳа Нигерияга қарши*, 218/98 сонли хабар, 2001 йил 23 апрель–7 майда 29-нчи навбатдаги сессия томонидан қабул қилинган қарор, 7-п.

мажбуриятлари ҳақидаги даъволашувда ёки ўзига нисбатан ҳар қандай жиноий айблов билдирилганда, ўз ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва бетараф суд томонидан мантиқли муддатда адолатли ва ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга».

Халқаро гуманитар ҳуқуқда ҳам ишнинг адолатли судлов йўли билан кўриб чиқилиши ҳуқуқи тан олинади. *Женева конвенциясининг биринчи баённомаси* 75(4) моддасида белгиланганидек: «Қуролли можаро билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарлик содир қилишда айбланган шахсга нисбатан оддий суд жараёнининг умумэътироф этилган тамойилларига риоя қилувчи бетараф ва тегишли тарзда таъсис этилган суд қарорисиз ҳеч қандай ҳукм чиқарилиши ва жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас»¹³.

Декларатив хусусиятли воситалар

Декларатив хусусиятли воситалар юридик маънода мажбурий эмас, аммо инсон ҳуқуқлариغا оид қатор масалалар бўйича кенг тан олинadиган андозаларни белгилайди. Умуман, ушбу ҳужжатлар, хусусан, БМТ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар халқаро ҳуқуқни ифодалайди.

Ушбу воситаларнинг аксарияти халқаро ҳужжатларда такрорланувчи ва айрим ҳолларда халқаро оддий ҳуқуқда ифодаланган қоидаларни акс эттиради. Масалан, *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойилларининг* 1-тамойили (юридик вакиллик ҳуқуқига оид) ФСҲТХП 14-моддаси 3(d) бандида келтирилган ҳуқуқни баён этади.

Қатор декларатив воситалар мустақил ва бетараф суд томонидан ишнинг адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид қоидаларни ифодалайди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган *Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг* эътироф этишича, «Ҳар бир инсон унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ҳамда унга билдирилган жиноий айбловнинг асосли эканлигини аниқлаш учун, тўлиқ тенглик асосида ишнинг ошқора тарзда мустақил ва бетараф суд томонидан адолатлилик талабларига риоя қилинган ҳолда кўриб чиқилишига ҳақли». *Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид бошқарув тамойилларининг* IX тамойили¹⁴ шуни белгилайдики: «Террорчилик ҳаракатларида айбланаётган шахс [...] ишнинг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли». *Европа Иттифоқи асосий ҳуқуқлари хартиясининг* 7-моддасида айтилишича: «Ҳар ким [...] ишнинг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли». *Америка инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларациясининг* XXVI моддасида таъкидланишича эса: «[...] Ҳуқуқбузарликда айбланаётган ҳар бир киши ишнинг мавжуд қонунлар асосида тузилган суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли».

¹³ Ушбу тамойиллар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: «(а) жараён айбланувчи ўзи айбланаётган ҳуқуқбузарлик тафсилотлари ҳақида дарҳол хабардор қилиниши ва айбланувчига судгача ва суд жараёнида барча зарур ҳуқуқлар ва ҳимоя воситалари берилишини кўзда тутиши керак; (b) ҳеч бир шахс шахсан жиноий жавобгарлик асосидан ташқари ҳуқуқбузарлик учун ҳукм қилиниши мумкин эмас; [...] (d) ҳуқуқбузарликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонун йўли билан исботланмагунча, айбсиз ҳисобланади; (e) айбланаётган ҳар бир шахс ишнинг ўзи иштирокида судда кўриб чиқилишига ҳақли».

¹⁴ *Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид бошқарув тамойиллари*, Вазирлар Қўмитаси томонидан 2002 йил 11 июлда Европа Иттифоқи вазирлар ўринбосарларининг 804-нчи сессиясида қабул қилинган.

Ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи нафақат халқаро шартномаларда тан олинган бўлиб, айни пайтда оддий халқаро ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу шартномаларга қўшилмаган ёки уларни ратификация қилмаган мамлакатлар, бундан қатъи назар, ушбу ҳуқуқни ҳурмат қилиши ва тегишли тарзда ўз суд тизимини унга мувофиқлаштириши керак.

«Табиий судья» тамойили

«Табиий судья» тамойили (*juez natural*) ишнинг адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига фундаментал кафолат ҳисобланади. Ушбу тамойил бирон бир шахс оддий, олдиндан тайинланган, ваколатли суд ёки судьядан бошқача тарзда ҳукм қилиниши мумкин эмаслигини англатади. Мазкур тамойил натижасида шошилинч, *ad hoc*, фавқулодда, *ex post facto* тузилган судлар ва судьялар ташкил қилинишига йўл қўйилмайди. Ушбу таъқиқни махсус юрисдикциялар масаласи билан чалкаштириш керак эмас. «Табиий судья» тамойили қонун ва суд олдида тенгликка оид, қонунлар камситувчи бўлмаслиги ёки судьялар томонидан камситувчи тарзда қўлланилмаслигини билдирувчи турдош тамойилга асосланган бўлишига қарамай, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита таъкидлаганидек, «қонун олдида тенглик ва қонуннинг бирон бир камситишсиз тенг ҳимоялашига оид ҳуқуқи муомаласидаги ҳар қандай фарқ камситувчи эканлигини билдирмайди»¹⁵. Шундай бўлса-да, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан бир неча бор кўрсатилганидек, у оқилона ва холис мезонларга асосланган тақдирдагина муомаладаги фарққа йўл қўйилиши мумкин¹⁶.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ўзи қабул қилган қатор резолюцияларида «табиий судья» тамойилини тасдиқлади. Масалан, 1989/32 резолюциясида Комиссия давлатларга *Сингхви декларацияси* сифатида маълум бўлган *Умумжаҳон мустақиллик ва адолатли судлов тўғрисидаги декларациясида* келтирилган тамойилларни эътиборга олишни тавсия қилади¹⁷. Ушбу Декларациянинг 5-моддаси қуйидагиларни белгилайди: «(b) Бирон бир суд органи тегишли тарзда судлар таъминлаган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида *ad hoc* ташкил қилинмаслиги керак; (c) Ҳар ким ишининг тегишли тарзда тезкорлик билан ва оддий судлар ва ёки суд трибуналлари томонидан асосланмаган кечиктиришларсиз, қонунда кўзда тутилган тартибда, судда қайта кўриб чиқиш имконияти кўзда тутилган ҳолда кўриб чиқилишига ҳақли; [...] (e) Бундай фавқулодда ҳолатларда давлат барча саъй-ҳаракатларини бирон-бир жиноий ҳуқуқбузарликларда айбланаётган шахсларнинг ишлари оддий фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилишига интилади».

¹⁵ 172/1984 сонли хабар. С. В. М. Брукс Нидерландияга қарши (Мулоҳазалар 1987 йил 9 апрелда қабул қилинган), БМТ ҳужжати, Қўшимча 40 (A/42/40) 139-да, VIII.В илова, 13-п. Шунингдек, қаранг, бошқалар орасида: 182/1984 сонли хабар, *Зваан-де-Врис Нидерландияга қарши* (Мулоҳазалар 1987 йил 9 апрелда қабул қилинган), БМТ ҳужжати, Қўшимча 40 (A/42/40) 160-да, VIII.В илова; 196/1985 хабар, *Ибраҳима Гуэе ва бошқалар Францияга қарши* (Мулоҳазалар 1989 йил 3 апрелда қабул қилинган), БМТ ҳужжати, ССРР/С/35/D/196/1985; ва 516/1992 сонли хабар, *Алина Симунек Чехия Республикасига қарши* (Мулоҳазалар 1995 йил 19 июлда қабул қилинган), БМТ ҳужжати, ССРР/С/54/D/516/1992.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ *Сингхви Декларацияси БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари* пойдеворини шакллантирди.

Шунингдек, иккита резолюцияни, «суд тизимининг ҳалоллиги ва сотилмаслиги» тўғрисидаги иккита резолюцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларда Комиссия яна бир бор таъкидлайдики, «ҳар бир киши ишининг белгиланган юридик тартибларни қўлловчи оддий судларда ёки трибуналларда кўриб чиқилишига ҳақли, ва тегишли тарзда юридик тартибларни қўлламайдиган, оддий судлар ёки суд органларининг ваколатини алмаштириш мақсадида трибуналлар ташкил қилинмаслиги керак»¹⁸.

Махсус судлар ёки юрисдикцияларнинг мавжудлиги кенг тарқалган ва улар кўриб чиқиладиган масалаларнинг ўзига хослиги билан шартланган. Масалан, кўплаб ҳуқуқий тизимларда меҳнат, маъмурий, оилавий ва тижорий ҳуқуқ билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ихтисослашган юрисдикциялар мавжуд. Қўшимча равишда, жиноий ишларни кўриб чиқишда фавқулодда ҳолатларда туб аҳоли ва вояга етмаганлар каби муайян гуруҳлар учун махсус юрисдикцияларнинг мавжудлиги халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган, ва жиноий таъқиб олиб борилаётган шахсларга нисбатан ўзига хослиги билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита «табиий судья» тамойилига тегишли жиддий амалиётни ишлаб чиқмаган. Айна пайтда у «фавқулодда» ёки махсус судлар масаласини кўриб чиққан. Анъанавий тарзда у махсус судларни «моҳиятига кўра Пактнинг 14-моддаси 1-бандига мос эмас», деб ҳисоблайди.

- 1984 йилда қабул қилинган *13-сонли умумий тартибдаги мулоҳазаларда* Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита қуйидаги нуқтаи-назарни ифодалайди: «14-модда қоидалари барча, оддий ва махсус судларга, ушбу модда билан қамраб олинмайдиган трибуналларга нисбатан қўлланилади. Қўмита кўплаб мамлакатларда оддий шахсларнинг ишларини кўриб чиқувчи ҳарбий ва махсус судларнинг мавжудлигини қайд этади. Бу эса судловнинг адолатли, холис ва мустақил амалга оширилишида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай судлар ташкил қилинишининг кўп учрайдиган сабабларидан бири шундан иборатки, одатдаги адолатли судлов меъёрларига тўғри келмайдиган фавқулодда тартибларни қўллаш имкониятини беради. Пакт судларнинг бундай тоифаларини тақиқламаса-да, шунга қарамай, уларда кўзда тутиладиган шароитлар аниқ шунга ишора қиладики, фуқаролик ишларининг бундай судлар томонидан кўриб чиқилиши фавқулодда асосларда амалга оширилиши мумкин, ва 14-моддада кўзда тутилган шароитларда қўлланилиши керак [...] Агарда аъзо давлатлар мамлакатдаги фавқулодда ҳолатда, 4-моддада кўзда тутилганидек, одатдаги тартибдан чекинишга, 14-моддада кўзда тутилган тартибга риоя қилишга қарор қилган бўлса, улар ушбу чекинишлар амалдаги ҳолат кескинлиги туфайли зарурий доирадан ташқарига чиқмаслиги, ҳамда 14-модданинг 1-банди шартларини қондириши зарур»¹⁹.

¹⁸ 2002 йил 22 апрелдаги 2002/37 сонли ва 2003 йил 23 апрелдаги 2003/39 сонли резолюцияларнинг 2 резолютив параграф.

¹⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, *13-сонли умумий тартибдаги мулоҳазалар*: Судлар ва трибуналлар олдидаги тенглик, қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва холис суд томонидан ишининг адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқи (Пактнинг 14-моддаси), 4-п., БМТ ҳужжати HR1/GEN/1/Rev. 3, 17-бет.

Кейинги йилларда Қўмита махсус судлардан фойдаланишга нисбатан ўз хаво-тирини билдирди²⁰ ва бир неча ҳолатда бундай судларни бекор қилишни тавсия қилди²¹. Қўмита, шунингдек, махсус судларни миллий даражада ФСХТХП имплементациясига ижобий ҳисса қўшувчи омил сифатида кўриб чиқади²².

- Қўмита Нигерияга «махсус трибуналларни таъсис қилувчи, ёки асосий ҳуқуқларнинг одатдаги конституциявий кафолатларини, ёки оддий судлар юрисдикциясини бекор қилувчи барча фармонларни рад этишни тавсия қилди»²³.
- Никарагуага қарши ишда Қўмита шуни белгиладики, «Tribunales Especiales de Justicia [ad hoc махсус трибуналлари] Пактнинг 14-моддасида кўзда тутилган ишнинг адолатли кўриб чиқиши кафолатларини тақдим этолмаган»²⁴.
- Қўмита айбланувчига нисбатан суд эшитуви қўлланилган, ва у биринчи инстанцияда ҳамда «қиёфасиз судлардан» ташкил топган апелляция босқичида ҳукм қилинган ишда оммавий эшитув ва муҳокама жараёни тегишли тарзда таъминланмаган адолатли судлов борасида ҳуқуқ бузилишини аниқлади; унга ишни кўриб чиқишида иштирок этиш ва ўзини шахсан ёки ўз вакили орқали ҳимоялашга имкон берилмади, айблов гувоҳига савол бериш имконияти яратилмади²⁵.
- Перуга тааллуқли бўлган шунга ўхшаш ишда Қўмита шундай хулосага келдики, «ишни “қиёфасиз судьялар” томонидан чекка қамоқхонада кўриб чиқишининг ўзи суд жараёнидан жамоатчиликнинг истисно қилинишига асосланган. Бу ҳолда айбланувчилар ўзларига нисбатан ишни кўриб чиқаётган судьялар кимлигини билмайди, айбланувчиларни ҳимоялашга тайёрлаш ва ўз адвокатлари билан мулоқот қилишлари учун йўл қўйиб бўлмайдиган тўсиқлар яратилади. Бундан ташқари, ушбу тизим адолатли суднинг бош жиҳати—суд, шубҳасиз мустақил ва холис бўлиши кераклигини кафолатлай олмайди. “Қиёфасиз судьялар” томонидан ишни кўриб чиқиш тизимида

²⁰ 328/1988 сонли хабар, Роберто Зелайя Бланко Никарагуага қарши (Мулоҳазалар 1994 йил 20 июлда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/51/Д/328/1988. Шунингдек, қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Нигерия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжатлари ССРР/С/79/Add. 65 ва ССРР/С/79/Add. 64; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Марокаш бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжатлари А/47/40, 48–79-пп., ва ССРР/С/79/Add. 113, 18-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Франция бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 80, 23-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Ироқ бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 84, 15-п.; ва *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Миср бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати А/48/40, 706-п.

²¹ Қаранг, масалан: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Габон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/70/GAB, 11-п.

²² Қаранг, масалан: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Гвинея бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 20, 3-п., ва *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Сенегал бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 10, 3-п.

²³ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Нигерия бўйича дастлабки якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 64, 11-п.

²⁴ 328/1988 сонли хабар, Роберто Зелайя Бланко Никарагуага қарши, юқорида белгиланган, 10.4 п.

²⁵ 1298/2004 сонли хабар, Мануэл Франциско Бесерра Барни Колумбияга қарши (Мулоҳазалар 2006 йил 11 июлда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/87/Д/1298/2004, 7.2 п.

судьяларнинг мустақиллиги ҳам, холислиги ҳам кафолатланмайди, зеро суд, *ad hoc* таъсис этилгани учун қуролли кучларнинг амалдаги хизматчиларини қамраб олиши мумкин»²⁶.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг қайд этишича, махсус трибуналлар ФСҲТХП 14-моддаси қоидаларига мос бўлиши керак. Шунга қарамай, яна таъкидланадики, «кўпинча бундай судларнинг ташкил қилиниши сабаблари одатдаги адолатли судлов меъёрларига мос келмайдиган фавқулодда тартиблар қўлланилиши билан боғлиқ бўлади»²⁷.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси, улар «табиий судья» тамойилини асос қилиб кўрсатишидан қатъи назар, ишнинг қонунга асосан тузилган судда кўриб чиқилиши ҳуқуқи бўйича қарор чиқаришди.

■ *Занд Австрияга қарши* иши бўйича ўз ҳисоботида Европа комиссияси шундай фикр билдирдики, судларнинг қонунга мувофиқ тузилишини талаб қилувчи 6-модда 1-бандининг мақсади [*Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг*] демократик жамиятда суд тизимининг ташкил қилиниши ижро ҳокимиятининг қўлига берилмаслиги, балки парламент томонидан чиқариладиган қонун билан тартибга солинишини таъминлашдан иборат бўлган. Аммо бу ваколатларнинг берилишига суд тизимини ташкил қилишга доир ҳолатларда йўл қўйиб бўлмаслигини аниқлатмайди. 6-модданинг 1-банди ушбу соҳада қонунчилик органлари ҳар бир тафсилотнинг расмий қонунчилик воситасида тартибга солинишини талаб қилмайди, бундай шароитда камида суд тизимининг умумий тузилмасини яратиш тақозо этилади²⁸.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси ҳам «табиий судья» тамойилига мурожаат қилди. Комиссия нуқтаи назари 1997 йилда ўз аъзо-давлатлари учун ифодаланган умумий тартибдаги тавсияларда аниқ умумлаштирилган: «Юрисдикция масалалари муносабати билан Комиссия аъзо давлатларига шуни эслатадики, уларнинг фуқароларига нисбатан ишларнинг судда кўриб чиқилиши одатдаги қонунга ва адолатли судлов тизимига мувофиқ ва уларнинг табиий судьялари томонидан амалга оширилиши лозим»²⁹.

Ҳарбий трибуналлар

Ҳарбий жиноий трибуналларнинг мавжудлиги одил судлов ҳуқуқи билан боғлиқ жиддий масалаларни кўтариб чиқаради. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бир неча ҳолатларда ўзининг якуний хулосаларида мамлакатлар бўйича

²⁶ 577/1994 сонли хабар, *Виктор Алфредо Полай Кампос Перуга қарши* (Мулоҳазалар 1997 йил 6 ноябрда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/61/D/577/1994, 8.8 п. Шунингдек, қаранг: 1126/2002 сонли хабар, *Марлем Карранза Алгре Перуга қарши* (Мулоҳазалар 2005 йил 28 октябрда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/85/D/1126/2002, 7.5 п.

²⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, *29-сонли умумий тартибдаги мулоҳазалар — Фавқулодда вазиятлар* (4-модда), юқорида белгиланган, 4-п.

²⁸ 1978 йил 12 октябрдаги ҳисоботи, *Примнцев Занд Австрияга қарши*, 7360/76 сонли сўров, 70-п.

²⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиянинг йиллик ҳисоботи — 1997, АДТ ҳужжати ОЕА/Ser. L/V/II.98, Doc. 6, VII боб, I тавсия, 4-абзац.

қонунчиликни шундай ташкил этишни таклиф қилдики, оддий шахслари ҳарбий трибуналлар томонидан эмас, фуқаролик судлари томонидан судланиши керак³⁰.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Ливандаги «ҳарбий судларнинг интисомий масалалар доирасидан ташқарига чиқмайдиган ва оддий шахсларга нисбатан қўлланиладиган кенг юрисдикцияси борасида ўз хавотирини изҳор этди. У ушбу ҳарбий судлар томонидан қўлланиладиган тадбирлар борасида, шунингдек, оддий судлар томонидан ҳарбий судлар тартиблари ва уларнинг ҳукмлари устидан назоратнинг йўқлиги хусусида [ҳам ташвиш билдирди. Қўмита] аъзо-давлатга ҳарбий судлар юрисдикциясини қайта кўриб чиқиш ва оддий шахслар ва қуроли кучлар хизматчилари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид барча ишларни ҳарбий судлар ваколатидан оддий судларга берилишини тавсия қилди»³¹.
- Перу билан боғлиқ ҳолатда Қўмита шундай фикр билдиришича, оддий шахсларнинг ҳарбий трибуналлар томонидан кўриб чиқилиши ФСҲТХПнинг 14-моддасига мос келмайди, чунки бу «судловнинг одил, холис ва мустақил амалга оширилиши»га зид келади³².
- Тожикистон билан боғлиқ ҳолатда эса Қўмита «ҳарбий судларга ҳам ҳарбийларга, ҳам оддий шахсларга оид жиноий ишларни кўриб чиқиш ваколатлари берилган», ва айни пайтда жиноий-процессуал кодексга «ҳарбий судлар юрисдикциясини фақат ҳарбий хизматчилар ишлари билан чегаралаган ҳолда бундай амалиётни тақиқлаш» мақсадида ўзгартириш киритиш тавсия қилинган»лигини³³ қайд қилади.

³⁰ Қаранг, масалан: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Перу бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 67, 12-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Ўзбекистон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/71/УЗБ, 15-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Сурия Араб Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/71/SYR, 17-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Қувайт бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/69/KWT, 10-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Миср бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 23, 9-п.; БМТ ҳужжати ССРР/СО/76/EGY, 16-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Россия Федерацияси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 54, 25-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Словакия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 79, 20-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Венесуэла бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 13, 8-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Камерун бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 116, 21-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Жазоир бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 1, 5-п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Польша бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 110, 21-п.; ва *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Чили бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 104, 9-п.

³¹ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Ливан бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 78, 14-п.

³² *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Перу бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/70/PER, 11-п.

³³ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Тожикистон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/84/TJK, 18-п. Шунингдек, қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Сербия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/81/СЕМО, 20-п. Бунда Қўмита ўзининг «фуқаролик шахсларининг давлат сирини фош этиш каби жиноятлар бўйича ишларининг ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиш эҳтимоли» борасида ўз хавотирини билдирди ва шунини маълум қилдики, Сербия «фуқароларнинг ҳарбий судлар томонидан судланишидан сақлаш борасидаги истагини амалга ошириши лозим». Шунингдек қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Экваториал Гвинея бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/79/GNQ, 7-п.

Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича Махсус маърузачининг фикрича, «Ҳарбий трибуналлардан оддий шахслар ишларини кўриб чиқишда фойдаланилиши муносабати билан халқаро ҳуқуқ ушбу амалиёт кескин чегараланиши ёки ҳатто тақиқланиши кераклиги борасида келишувга эришиш йўлидан бормоқда»³⁴.

Ҳарбий трибуналлар мавжудлиги туфайли юзага келадиган яна бир масала — кўриб чиқиладиган предмет билан боғлиқ ҳолатлар, шу жумладан, бундай судлар томонидан кўрилиши мумкин бўлган жиноятлар характери билан боғлиқ бўлган уларнинг юрисдикцияси қўламига тегишли. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ҳам, Қийноқларга қарши қўмита ҳам бир неча ҳолатда қатор мамлакатларда кузатиладиган ҳарбий судларга кенг юрисдикция берилишига доир амалиётни тилга олишган. Ҳарбий хизматчилар томонидан инсон ҳуқуқларини бузишга оид ишлар ҳам шулар жумласидандир, айти пайтда бундай юрисдикцияни фақат ҳарбий тусдаги жиноятлар билан чегаралаш тавсия қилинди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид ишлар эса бундан мустасно.

- 1992 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Венесуэлага «Пакт билан кафолатланган ҳуқуқларни бузган барча қуролли кучлар ёки полиция хизматчиларига нисбатан ишларнинг фуқаро судлари томонидан кўриб чиқилиши ва жазо тайинланишини назорат қилиш бўйича» чоралар кўришни тавсия қилди³⁵.
- Бразилия билан боғлиқ ҳолатда Қўмита «инсон ҳуқуқларини бузишда айбланаётган ҳарбий полиция аъзоларига нисбатан ишларнинг ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилиши» борасида ташвишланаётганлигини билдирди»³⁶.
- Колумбия томонидан тақдим қилинган 1992 йилги ҳисоботни таҳлил қилган ҳолда, Қўмита «полиция, хавфсизлик хизмати ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жазосиз эканлиги муносабати билан» ўз хавотирини билдирди. Бу борада қабул қилинган чоралар, ўз ваколатларини суистеъмол қилаётган ва фуқаролар ҳуқуқларини бузаётган қуролли кучлар хизматчилари суд олдида жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши учун етарли эмаслиги аён бўлмоқда. Чамаси, ҳарбий судларнинг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиши номақбул кўринади, зеро, ҳарбийларнинг ўзлари бундай ҳуқуқларни бузадилар»³⁷.

³⁴ Махсус маърузачининг Перудаги миссияси бўйича судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузаси, БМТ ҳужжати E/GN.4/1998/39/Add. 1, 78-п.

³⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Венесуэла бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати CСPR/CO/79/Add. 13, 10-п.

³⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Бразилия бўйича якуний мулоҳазалари (1996), БМТ ҳужжати CСPR/CO/79/Add. 66, 315-п. 2005 йилда Қўмита такроран ўз хавотирини куйидаги тарзда билдирди: «[...] Одатдаги судьялар ҳарбий полиция томонидан содир қилинган инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ барча жиддий ҳолатлар, шу жумладан, йўл кўйилган куч ишлатишни ошириб юборилиши ва қасддан бўлмаган одам ўлдириш, шунингдек қасддан одам ўлдириш бўйича жиноий юрисдикцияга эга бўлиши лозим». Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Бразилия бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати CСPR/CO/BRA/CO/2, 9-п.

³⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Колумбия бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати CСPR/CO/79/Add. 2, 393-п.

- Гватемала Конгрессига тақдим қилинган ҳарбий юрисдикция тўғрисидаги қонун лойиҳасига мувофиқ, ҳарбий судлар оддий жиноятларда айбланаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ишларни судда кўриб чиқиш учун юрисдикцияга эга эканлиги кўзда тутилган. Қийноқларга қарши қўмита қонун лойиҳасига «ҳарбий судлар юрисдикциясини фақат ҳарбий характердаги жиноятларда айбланаётган ҳарбий хизматчиларнинг ишларини кўриб чиқиш билан чегараловчи» ўзгаришлар киритилишини тавсия қилди³⁸.
- 2006 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Конго Демократик Республикасида «ҳарбий судларнинг мавжудлиги ва бундай судлар томонидан қўлланиладиган тартибларда ишларнинг судлар томонидан адолатли кўриб чиқиш кафолатлари йўқлиги» муносабати билан ўз ҳавотирини билдирди ҳамда аъзо давлатга оддий ҳуқуқбузарликлар ҳолатида ҳарбий судлардан фойдаланишдан воз кечишни тавсия қилди³⁹.
- Қийноқларга қарши қўмита аъзо давлатлардан бирига «ҳарбий хизматчилар томонидан фуқароларга нисбатан содир қилинган инсон ҳуқуқларини бузишга доир, айниқса, қийноқлар ва қадр-қимматни камситувчи муносабатга оид ишлар, ҳатто улар хизматга доир бўлса ҳам, ҳар доим фуқаролик судларида кўриб чиқилган»лиги⁴⁰ масаласини таъминлашни тавсия этди.

БМТнинг асоссиз ҳибсга олиш бўйича ишчи гуруҳи ҳарбий трибуналлар ҳақидаги қоидаларни аниқ ифодалаб берган, унда белгиланишича, «ҳарбий адолатли судлов бирон бир шаклда амал қилиши давом этса, улар қуйидаги тўртта қоидага риоя қилиши керак:

- Фуқароларга оид ишларни кўриб чиқиш унинг ваколатига кирмаслиги лозим;
- Унинг ваколатига қурбонлар ўртасида фуқаролар бўлгани тақдирда ҳарбий хизматчиларга нисбатан ишларни кўриб чиқиш кирмаслиги даркор;
- Қўзғолон, инқилоб ва бирон-бир ҳуқуқбузарликлар ҳолатларида демократик тартибга хавф соладиган ёки бундай таҳдид эҳтимolini келтириб чиқарувчи ҳолатларда фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан ишларни кўриб чиқиш кирмаслиги керак;

³⁸ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Гватемала бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати CAT/C/GTM/CO/4, 14-п. Шунингдек, қаранг: ХЮКнинг 2006 йил 31 майдаги пресс-релизи «Гватемала — инсон ҳуқуқларига мос келмайдиган ҳарбий адолатли судлов бўйича қонун лойиҳалари» ва Конгрессга тақдим қилинган испан тилидаги юридик меморандум.

³⁹ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Конго Демократик Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати CCPR/C/COD/CO/3, 21-п.

⁴⁰ *Қийноқларга қарши қўмитанинг Мексика бўйича хулосалари ва тавсиялари*, БМТ ҳужжати CAT/C/MEX/CO/4, 14-п. Шунингдек, қаранг: *Қийноқларга қарши қўмитанинг Перу бўйича хулосалари ва тавсиялари*, БМТ ҳужжати CAT/C/PER/CO/4, 16-п.: «Аъзо давлат қуйидагиларни амалга ошириш лозим: (а) Давлат агентлари томонидан содир қилинган қийноқлар ва шавфқатсиз муносабатларни, шунингдек сирли йўқолишлар ҳақидаги барча хабарларни тезликда, ҳолис ва синчковлик билан текширилишини кафолатлаши керак. Бундай текширишларни жиной адолатли судловнинг ҳарбий кучлари ёрдамида амалга ошириш керак».

- Унга ҳар қандай ҳолатларда ўлим жазоси кўринишида жазо тайинлаш тақиқланиши зарур»⁴¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам кўп маротаба ҳарбий суд ва трибуналлар масаласини кўтариб чиққан. Суднинг фикрича, ҳарбий судьялар ўзлари тегишли бўлган тузилма хусусияти туфайли мустақил ва ҳолис ҳисобланмаслиги мумкин.

- *Финдли Буюк Британияга қарши* ишида Европа суди шундай ҳукм чиқардики, арз қилувчининг иши бўйича ҳарбий-дала суди мустақил ҳам, ҳолис ҳам бўлмаган, чунки унинг аъзолари унвонига кўра суд мажлисини чақирган зобитнинг қўл остида бўлишган, айни пайтда у «тасдиқловчи зобит» ролини бажарган ва чиқарилган ҳар қандай ҳукмни ўзгартири олган⁴².

Умуман, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси (ИХҲАК) «ҳарбий трибунал ўз-ўзидан Хартия ҳуқуқларини бузиш саналмайди ва адолатсиз ҳамда ноқонуний жараёни кўзда тутмайди», дея ҳисоблайди. Аммо, Комиссия шуну ўқтиришича, «ҳарбий трибуналлар ҳар қандай суд каби адолатлилик, очиқлик ва адолатлилик талабларига бўйсунуши керак»⁴³. ИХҲАК фикрича, фундаментал масалалардан бири, бундай судларнинг ҳар қандай суддан талаб қилинадиган мустақиллик ва ҳолислик стандартларига мослиги ҳисобланади⁴⁴.

ИХҲАК нуқтаи-назарига кўра, «ҳарбий судларнинг вазифаси ҳарбий хизматчилар томонидан содир қилинган ҳарбий хусусиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг гина кўриб чиқишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда ҳарбий судлардан ишга адолатли кўриб чиқиш андозаларини ҳурмат қилиш талаб қилинади. Худди шу тарзда, махсус трибуналлар оддий судлар юрисдикциясига кирувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқмаслиги керак»⁴⁵.

⁴¹ *Ассосиз озодликдан маҳрум қилиш бўйича ишчи гурӯҳининг ҳисоботи*, БМТ ҳужжати E/CN.4/1999/63, 80-п.

⁴² *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1997 йил 25 февралдаги қарори, 1997-I серияси, 74–77-пп. *Инжал Туркияга қарши* ишида суд шундай қарорга келдики, давлат хавфсизлиги судида ҳарбий судьянинг иштироки ишга адолатли кўриб чиқилишининг энг муҳим шарти бўлган мустақиллик ва ҳолислик тамойилларига зид келади, *Инжал Туркияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1998 йил 9 июнидаги қарори, 1998-IV серияси, 67–73-пп.

⁴³ 2001 йил майидаги қарор, 218/98 сонли хабар (Нигерия), 44-п.

⁴⁴ Қаранг: 2000 йил ноябридаги қарор, 223/98 сонли хабар (Сьерра-Леоне); 1997 йил апрелидаги қарор; 39/90 сонли хабар (Камерун); 1999 йил ноябридаги қарор, 151/96 сонли хабар (Нигерия); 1999 йил ноябридаги қарор, 206/97 сонли хабар (Нигерия), 15-п.; 1995 йилдаги қарор, 60/91 сонли хабар (Нигерия); 1995 йилдаги қарор, 60/91 сонли хабар (Нигерия), 15-п.; ва 1995 йилдаги қарор, 87/93 сонли хабар (Нигерия).

⁴⁵ *Африкада ишга адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқи бўйича декларация ва тавсиялар*, Африкада адолатли судлов ҳуқуқи бўйича Дакар семинари томонидан маъқулланган, 3-п. Шунингдек, қаранг: *Африкада ишга адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалари бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллари*, L тамойили, Африка Комиссиясининг 2-нчи саммитида ва Африка иттифоқи давлатлари раҳбарларининг учрашувида ҳисоботнинг бир қисми сифатида қабул қилинган, Мапуту, 2003 йил 4–12 июль: «а) Ҳарбий судларнинг ягона мақсади, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳарбий хусусиятга жиноятларни кўриб чиқишдан иборат бўлиши лозим; [...] с) Ҳарбий судларнинг юрисдикцияси ҳар қандай ҳолатда фуқаролик шахсларига татбиқ қилинмаслиги керак. Худди шу тарзда, махсус трибуналлар оддий судлар юрисдикциясига кирувчи ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқмаслиги керак».

Нигерия бўйича қарорда Африка комиссияси «Фуқаролар ғалаёнлари тўғрисидаги қонун»га мувофиқ тузилган махсус ҳарбий трибуналлар томонидан бир неча фуқароларга нисбатан кўриб чиқилган суд ишлари ва чиқарилган ҳукмларини текширган. Ушбу трибуналларнинг аъзолари ижро ҳокимияти вакиллари томонидан тайинланган. Улар томонидан ҳукм қилинган шахслар оддий судларга апелляция кирита олмаган, ҳукмнинг тасдиқланиши учун жавобгар орган эса Муваққат ҳукумат Кенгаши (МҲК) бўлган, ва бу орган фақат қуроли кучлар хизматчиларидан ташкил топган. ИХҲАКнинг фикрича, ишларни оддий судлар юрисдикциясидан ижро ҳокимиятининг давоми ҳисобланган орган томонидан кўриб чиқилишига берилиши Африка хартиясига шартларига мувофиқ суд томонидан талаб қилинадиган холисликка раҳна солди. ИХҲАК, шунингдек, тасдиқловчи идора—МҲКни ваколатли суд органи сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Зеро, у мустақил ҳам, холис ҳам эмас. Шу асосда ИХҲАК махсус трибуналлар ҳам, МҲК ҳам мустақил эмас, ва шу сабабли Нигерия Африка хартиясининг судларнинг мустақиллигини кафолатлаш бўйича 26-моддаси бўйича ўз мажбуриятларини бузган ҳисобланади, деган хулосага келди. ИХҲАК хулосасига кўра, кўриб чиқилаётган ишда, бошқа жиҳатлардан ташқари, ишнинг холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи ҳам бузилган⁴⁶.

«Табийий судья» тамойили қайта тасдиқланганидан сўнг Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия шуни баён қилдики, «[...] фуқаролар ҳарбий трибуналлар томонидан судланиши мумкин эмас. Ҳарбий адолатли судлов фақат интизомий хусусиятга эга ва қуроли кучлар хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган кам аҳамиятли жиноятлари ёки ҳуқуқбузарликларига оид ишларни кўриб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ушбу алоҳида юрисдикцияга инсониятга қарши жиноятлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши кирмаслиги керак»⁴⁷.

Ўзининг террорчилик ва инсон ҳуқуқлари бўйича тадқиқотида эслатиб ўтилишича, Комиссия «Америкааро тизимнинг суд амалиёти оддий судлар ёки суд трибуналларига тегишли юрисдикцияни ўз зиммасига олувчи, шунингдек, юридик жараённинг белгиланган тартибларидан тегишлича фойдаланмайдиган махсус судлар ёки трибуналларнинг тузилишини кўп вақтдан буён қоралайди. Бунга, хусусан, *ad hoc* тузилган ёки махсус судлардан, шунингдек, ҳарбий трибуналлардан фавқулодда вазиятларда содир қилинган жиноятлар учун фуқароларга оид ишларни кўриб чиқиш учун фойдаланиш—ушбу Комиссия, Америкааро суд ва бошқа халқаро органлар томонидан қораланган амалиёт ҳам киради. Бундай трибуналларнинг ижро ҳокимиятидан мустақил эмаслиги ва тегишли тартибларнинг энг кам даражали кафолатлари ҳамда жараёнларда адолатли судлов кафолатларининг мавжуд эмаслиги бундай танқид учун асос бўлиб хизмат қилади»⁴⁸.

⁴⁶ 1998 йил 31 октябрдаги қарор, 137/94, 139/94, 154/96 ва 161/97 сонли хабарлар (Нигерия), 86, 93 ва 95-пп.

⁴⁷ *Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиясининг йиллик ҳисоботи— 1997, VII боб, I тавсия, 4-абзац*: «Комиссия аъзо давлатларга ўз юрисдикцияларида ишни адолатли кўриб чиқилишини яхшилаш бўйича чоралар кўрилишини тавсия қилади». «Табийий судья» тамойилига нисбатан, шунингдек: 2000 йил 13 апрелдаги 50/00 сонли ҳисобот, *Рейналдо Фигереди Планчарт Венесуэла Боливар Республикасига қарши, 11.298 сонли иш, ва Чилида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ҳақидаги ҳисобот, АДТ ҳужжати OEA/Ser. L/V/II.77, Doc. 18 rev. 1.*

⁴⁸ *Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳисобот, АДТ ҳужжати OEA/Ser. L/V/II.116, Doc. 5 rev. 1 corr., 2002 йил 22 октябрь, 230-п.*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши* ишида ҳарбий судлар томонидан фуқароларга нисбатан ишларни кўриб чиқиш амалиёти бўйича аниқ ва бир маъноли нуқтаи назарни танлади. 1999 йил 30 майдаги қарорда келтирилган қўшимча мулоҳазада Суд «мустақил суд тизимининг асосий тамойили шундан иборатки, ҳар бир инсон ўз ишининг олдиндан қонун йўли билан белгиланган тартибга риоя қилувчи оддий суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли»⁴⁹ эканини қайд этди.

Ишнинг махсус судда ёки трибуналда тингланиши ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ўз-ўзидан ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмаслигига қарамай, табиий юрисдикциядан воз кечиш ва аниқ жараённинг адолатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик топиллиши мумкин. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ҳарбий трибуналлар ҳеч қандай ҳолатда фуқароларга нисбатан ишларни судда кўриб чиқишни амалга оширмайди, уларнинг юрисдикцияси, инсон ҳуқуқларига оид бузилишларни истисно қилган ҳолда, ҳарбий хусусиятдаги жиноятлар билан чегараланиши керак.

⁴⁹ *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суднинг 1999 йил 30 майдаги қарори, С серияси, 52-сон, 128-п. Шунингдек, қаранг: *Канторал Бенавидес Перуга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суднинг 2000 йил 18 августдаги қарори, С серияси, 69-сон, 112-п.

A. СУДЬЯЛАР

1. Мустақиллик

Шарҳ

Ишнинг адолатли ҳал қилиниши учун у ёки бу ишни кўриб чиқувчи судьянинг ёки суднинг мустақиллиги таъминланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро воситалар ишнинг «мустақил ва холис трибуналлар» томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини кўзда тутди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита мустақил ва холис судга бўлган ҳуқуқ «ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлақ ҳуқуқ» ҳисобланиши⁵⁰ бир неча бор фикр билдирган.

Инсоннинг ишнинг судда адолатли кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқига, мустақил судья мавжуд бўлгани ҳолда риоя қилиниши мумкин, давлат, суд тизими ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлмагани ҳолда ўзининг халқаро мажбуриятларини бузади. Шу сабабли ушбу нуқтаи назардан мустақиллик шахсан судьяга, ва умуман суд тизимига тааллуқли бўлади.

Халқаро андозалар

БМТнинг суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойилларида мустақилликнинг зарурий жиҳати қуйидагича баён қилинган:

«Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституциясида ёки қонунларида мустаҳкамланади. Барча давлат ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши керак»⁵¹.

Европа Иттифоқи Кенгашининг *Судьялар мустақиллигига оид тавсияларида* кўзда тутилишича, судьялар мустақиллиги аниқ қоидаларнинг конституцияга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига киритилиши орқали кафолатланиши керак, ҳамда «ижро ҳокимияти ва қонунчилик ҳокимияти тармоқлари судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда судьяларнинг мустақиллигига раҳна солувчи чораларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслиги керак»⁵².

Суд тизимининг мустақиллиги, шунингдек, бошқа қитъаларда, хусусан, Африка, Осиё ва Тинч океани минтақаси ҳудудларида тан олинади. Африкага

⁵⁰ 263/1987 сонли хабар, *Мигел Гонсалес дел Рио Перуга қарши* иши, юқорида белгиланган, 5.2 п.

⁵¹ Миланда 1985 йилнинг 26 августидан 6 сентябригача бўлиб ўтган БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала қилишга оид Еттинчи Конгресси томонидан қабул қилинган ва Бош Ассамблеянинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32 сонли ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146 сонли резолюциялари билан қўллаб-қувватланган *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари* («БМТ Асосий тамойиллари»).

⁵² Европа Иттифоқи, *Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси*, 1994 йил 13 октябрь, 2 (b) тамойил.

нисбатан 1999 йилда қабул қилинган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка комиссиясининг «Суд тизими мустақиллигини ҳурмат қилиш ва уни кучайтириш бўйича Резолюцияси»ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак⁵³. Осиё-Тинч океани ҳудудида *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти («Пекин тамойиллари»)*да кўзда тутилишича: «Суд ҳокимиятининг мустақиллиги у томонидан масалаларни ҳолис баҳолаш асосида ҳамда қаердан келаётганидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита тарзда, қонунни тегишли таъсирсиз тушуниш асосида ҳал қилинишини тақозо этади»⁵⁴.

Дунёнинг барча ҳудудлари судьялари томонидан тасдиқланган *Умумжаҳон судьялар хартияси* шуни белгилайдики, «[с]удьяларнинг мустақиллиги қонунга мувофиқ ҳолис адолатли судловни амалга ошириш учун зарурдир. У бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро муассасалар ва ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилиши, сақлаши ва ҳимоялаши зарур»⁵⁵.

Ҳокимият бўлиниши тамойили

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойили ҳуқуқ устуворлигининг асосий тамойилларидан, хусусан, ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилидан келиб чиқади. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг белгилашича, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлиги тамойили ички жиҳатдан ФСҲТХПга хосдир⁵⁶. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди таъкидлайдики, «қонунийлик тамойили, демократик институтлар ва ҳуқуқ устуворлиги ўртасида узвий алоқа мавжуд»⁵⁷. Ушбу тамойилга мувофиқ, ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари бошқарувнинг учта алоҳида ва мустақил тармоғини ташкил этади. Давлатнинг турли органлари фавқулодда ва фарқли мажбуриятларга эга. Бундай бўлиниш тўғрисида ҳокимият тармоқларининг биронтасига иккинчи тармоқ ваколатларига аралашувига рухсат берилмайди⁵⁸.

Ҳокимият бўлиниши тамойили мустақил ва ҳолис суд тизимининг тамал тоши ҳисобланади.

⁵³ 1996 йилнинг апрелинда Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссиясининг 19-нчи сессиясида қабул қилинган.

⁵⁴ *LAWASIA минтақаси ҳудуди олий судлари Раислари ва Осиё-Тинч океани минтақасининг ҳудудидаги бошқа судьялар томонидан 1995 йилда қабул қилинган LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, шунингдек *LAWASIA Кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган, 3-а резолютив параграф*.

⁵⁵ Халқаро судьялар ассоциацияси (ХСА) томонидан 1999 йил 17 ноябрда маъқулланган *Умумжаҳон судьялар хартияси*, 1-модда. ХСА 1953 йилда профессионал носийсий халқаро ташкилот сифатида тузилган бўлиб, у алоҳида судьяларни эмас, судьяларнинг миллий уюшмаларини бирлаштиради. 67-та миллий уюшмасини бирлаштирган Ассоциациясининг асосий мақсади — судьялик иши учун асосий талаб сифатида суд тизимининг мустақиллигини ҳимоялаш ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборат.

⁵⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 29-сонли умумий тартибдаги мулоҳазалар — *Фавқулодда вазиятлар* (4-модда), юқорида белгиланган, 16-п.

⁵⁷ *Фавқулодда вазиятларда «Хабеас корпус» (Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 27.2, 25.1 ва 7.6 моддалари)*, ИҲАС консултатив фикри ОС-8/87, А серияси, 8-сон, 24 ва 26-пп.

⁵⁸ Қаранг: АДТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган *Америкааро демократик хартия*, 2001 йил 11 сентябрь, 3 ва 4-моддалари.

- Суддан ташқари, умумий ёки ўзбошимчалик билан содир қилинган қатллар бўйича Махсус маърузачи ҳамда Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Махсус маърузачининг хулосаларига кўра, «ҳокимиятларнинг бўлиниши ва бунга риоя қилиш мустақил ва ҳолис суд тизимининг самарали ишлаши учун *sine qua non* шarti ҳисобланади»⁵⁹.
- Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича Махсус маърузачи таъкидлашicha эса, «ҳокимият бўлиниши тамойили [...] суд мустақиллиги ва ҳолислигининг пойдевори ҳисобланади. Ҳокимият бўлиниши тамойилини тушуниш ва уни ҳурмат қилиш демократик ҳукумат мавжудлигининг *sine qua non* шarti ҳисобланади [...]»⁶⁰. Шу нуқтаи назардан, «мустақил ва ҳолис адолатли судлов талаби универсал бўлиб, унинг илдизи ҳам табиий, ҳам ижобий ҳуқуққа бориб тақалади. Халқаро даражада ушбу ҳуқуқ манбаларини оддий ҳуқуққа ва ҳуқуқнинг умумий тамойилларига асосланган шартномавий воситалар, мажбуриятларда излаш керак. [...] [С]уд мустақиллиги ва ҳолислигига асос бўлувчи тушунчалар, [...] — бу *Халқаро суд Мақоми*нинг 38-моддаси (1)(с) бандида тушуниладиган “маданий миллатлар томонидан тан олинадиган ҳуқуқнинг умумий тамойиллари”»⁶¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди ўзининг *Конституциявий суд (Перу)* иши ҳақидаги қарорида қуйидаги фикр таъкидланади: «оммавий ҳокимият тармоқлари бўлинишининг энг муҳим мақсадларидан бири, судьяларнинг мустақиллигини кафолатлашдан иборат»⁶². Шу муносабат билан Суд шундай хулосага келадик, «ҳуқуқ устуворлиги туфайли барча судьяларнинг мустақиллиги кафолатланиши керак [...]»⁶³.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳам ҳокимият бўлиниши тамойилига эътибор қаратиб, таъкидлайдики, «ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятининг тегишли ваколатлари бўлинишида аниқлик етишмаслиги ҳуқуқ устуворлиги тамойили амалга оширилишига ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича изчил сиёсатга раҳна солиши мумкин»⁶⁴. Қўмита давлатларга ҳокимиятнинг ижроия ва суд ҳокимияти ўртасидаги аниқ бўлинишини таъминлаш бўйича тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва чораларини қабул қилишни бир неча бор тавсия этган⁶⁵.

⁵⁹ *Нигерияда инсон ҳуқуқларига оид вазият бўйича Махсус маърузачиларнинг маърузаси*, БМТ ҳужжати E/CN.4/1997/62/Add. 1, 71-п.

⁶⁰ *Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича Махсус маърузачининг маърузаси*, БМТ ҳужжати E/CN.4/1995/39, 55-п.

⁶¹ Ўша жойда, 32 ва 34-пп.

⁶² *Конституциявий суд иши (Агирре Рока, Рей Терри ва Реворедо Марсано Перуга қарши)*, ИХАСнинг 2001 йил 31 январдаги қарори, С серияси, 55-сон, 73-п.

⁶³ Ўша жойда, 75-п.

⁶⁴ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Словакия бўйича якуний мулоҳазалари*, ССРР/С/79/Add. 79, 3-п.

⁶⁵ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Руминия бўйича якуний мулоҳазалари*, ССРР/С/79/Add. 111, 10-п.; Шунингдек, қаранг: *Қўмитанинг Перу бўйича якуний мулоҳазалари*, ССРР/СО/70/PER, 10-п.; *Сальвадор бўйича якуний мулоҳазалар* ССРР/С/79/Add. 34, 15-п.; *Тунис бўйича якуний мулоҳазалар*, ССРР/С/79/Add. 43, 14-п.; ва *Непал бўйича якуний мулоҳазалар*, ССРР/С/79/Add. 42, 18-п.

- Шимолий Корея билан боғлиқ ҳолатда Қўмита «суд тизимининг холис-лиги ва мустақиллигига жиддий хавф солувчи конституциявий ва қонунчилик қоидалари борасида, шунингдек, Марказий суд Олий халқ мажлиси олдида ҳисоб бериши»дан ташвишланишини билдирди⁶⁶.

Ўз навбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қайта шуни таъкидладики, ҳокимият бўлиниши принципига риоя қилиш амалдаги демократиянинг шубҳа остига олиниши мумкин бўлмаган асосий тамойили ҳисобланади⁶⁷.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлат ўз аппаратини шундай ташкил қилиши керакки, халқаро ҳуқуқ билан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаши ва улардан амалиётда фойдаланишни таъминлаши лозим. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди шуни эълон қилдики, «инсон ҳуқуқларининг ҳимояси, албатта, ўз ичига давлат ҳокимиятининг амалга оширилишига нисбатан чекловлар тушунчасини қамраб олиши лозим»⁶⁸. Давлат аппарати шундай ташкил қилиниши керакки, давлатнинг яққол ифодаланган ва кўзда тутилаётган халқаро мажбуриятларига мос келиши даркор. Ушбу масала бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди [Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг] 1(1) моддасида шуни қайд қилдики, «ҳуқуқларга риоя қилиш ва кафолатлаш мажбурияти аъзо давлатлар учун ҳуқумат аппарати ва умуман, ошкора ҳукмронликнинг шу орқали амалга ошириладиган барча тузилмалари мажбурий тарзда ташкил қилинишини тақозо этадики, токи улар юридик жиҳатдан инсон ҳуқуқларидан эркин ва тўлиқ фойдаланишни таъминлаш лаёқатига эга бўлсин»⁶⁹.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва кафолатлаш мажбуриятига риоя қилишнинг дахлсиз қисми деб давлат механизмини шу тарзда ташкил қилиш мажбурияти тушуниладики, токи, бошқа жиҳатлардан ташқари, ижро, қонунчилик ва суд тармоқларининг чинакам бўлиниши асосида давлат ҳокимияти тузилмаларининг тузилиши ва фаолият кўрсатиши, мустақил ва холис суд тизими мавжудлигини таъминлаш, ҳокимият томонидан ўз хатти-ҳаракатларида ҳуқуқ ва қонунийлик устуворлигини кафолатлашни амалга ошириш мумкин бўлсин.

Ҳокимият бўлиниши тамойили адолатли судловни амалга оширишнинг энг муҳим талабларидан ҳисобланади. Амалда, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил бўлган суд тизимининг мавжудлиги адолатли судловни амалга оширишнинг, шунингдек, ҳуқуқ устуворлигининг зарурий шарти саналади.

⁶⁶ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Корея Халқ Демократик Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, ССРР/СО/72/РРК, 8-п. Олий Халқ Мажлиси Шимолий Кореянинг қонунчилик органи ҳисобланади.

⁶⁷ *Шеврол Францияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИҲЕС)нинг 2003 йил 13 февралдаги қарори, 2003-III серияси, 74-п.

⁶⁸ *Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг* 30-моддасида «қонунлар» сўзи, ИҲАСнинг 1986 йил 9 майдаги маслаҳат фикри, ОС-6/86, А серияси, 6-сон, 21-п. Шунингдек, қаранг: *Веласкес Родригес иши*, ИҲАСнинг 1988 йил 29 июлдаги ҳулосаси, С серияси, 4-сон, 165-п.; ва *Годинес Круз иши*, ИҲАСнинг 1989 йил 20 январдаги ҳулосаси, С серияси, 5-сон, 174-п.

⁶⁹ Ҳуқуқий ҳимоянинг ички давлат воситаларидан тўла фойдаланиш қондасидан истисно (*Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг* 46.1, 46.2.а ва 46.2.б моддалари), ИҲАСнинг 1990 йил 10 августдаги консултив (маслаҳат) фикри, ОС-11/90, А серияси, 11-сон, 23-п. Шунингдек, қаранг: *Веласкес Родригес иши*, юқорида белгиланган, 166-п.; ва *Годинес Круз иши*, юқорида белгиланган, 175-п.

Институционал мустақиллик

Мустақиллик ва холислик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, ва судлар кўпинча ушбу тушунчаларни ўзаро яхлит ҳисоблайдилар⁷⁰. Аммо уларнинг ҳар бири ўз аҳамиятига эга. Умумий маънода «мустақиллик» муайян судья ёки суднинг қонунни далилларга нисбатан қўллашда автономлигини англатади. Мустақилликнинг ушбу тури суд тизимига институт сифатида (ҳокимиятнинг «институционал мустақиллик», деб аталувчи бошқа тармоқларидан мустақиллик) ва муайян судьяга (суд тизимининг бошқа аъзоларидан мустақиллик, ёки «индивидуал мустақиллик») тегишлидир. «Мустақиллик» бирон бир суд тизими, унинг таркибидаги судьялар ҳам давлат ҳокимиятининг бошқа тармоғига қарам бўлмаслигини талаб этади. «Холислик» эса, аксинча, судья ёки суднинг кўриб чиқиладиган ишга ва унинг томонларига муносабатни таърифлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг баён қилишича, ФСХТХП 14.1 моддаси нуқтаи назардан «суднинг холислиги шуни назарда тутадик, судьялар кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хато фикрда бўлмаслиги керак ва улар томонларнинг бири манфаати йўлида ҳаракат қилмаслиги керак»⁷¹.

Институционал мустақиллик тушунчаси *БМТ Асосий тамойилларининг* 1-тамойилида баён этилган ва унда барча институтларнинг ушбу мустақилликни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш мажбурияти кафолатланади. Ушбу тушунча шуни англатадики, суд тизими ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан, хусусан, ижро ҳокимияти ва парламентдан мустақил бўлиши керак, улар эса бошқа институтлар каби суд қарорлари ва ҳукмларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши керак. Мазкур тамойил бошқа институтлар қарорлари бўйича фикрлар хилма-хиллигидан ва ушбу қарорларга амал қилишдан иложи бори-ча бош тортишдан ҳимояни талаб этади. Бундай мустақиллик, қарорлар қабул қилишга тегишли мустақиллик каби ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилини қўллаб-қувватлаш учун зарур.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди шуни эълон қилдики, судлар ҳам ижро ҳокимиятидан, ҳам жараёндаги томонлардан мустақил бўлиши даркор⁷².

Институционал мустақиллик тушунчаси бир неча масалалар билан боғлиқ. Бу жиҳатдан Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси қуйидагиларни баён қилди:

- «мустақиллик талаби [...] судларнинг ҳокимият бошқа тармоқларидан автономлиги, ким бўлишидан қатъи назар ва ҳар қандай асослар бўйича билдириладиган таъсир, таҳдид ёки аралашувлардан эркинликни,

⁷⁰ Қаранг, масалан: *Қийноқларга қарши қўмитанинг Бурунди бўйича хулосалари ва тавсиялари*, БМТ ҳужжати CAT/C/BDI/CO/1, 12-п.: «Қўмита суд тизими де факто ижроия ҳокимиятига боғлиқ, ва у ўзининг юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай худудда қийноқ акти содир қилингани ҳолда холис сўров узатишда жиддий тўсиқларни яратиши мумкинлигидан ташвиш билдиради».

⁷¹ 387/1989 сонли хабар, *Арво. О. Карттунен Финляндияга қарши* (Мулоҳазалар 1992 йил 23 октябрда қабул қилинган), БМТ ҳужжати CCPR/C/46/D/387/1989 (суд амалиёти), 7.2 п.

⁷² *Рингайсен Австрияга қарши*, ИХЕСнинг 1971 йил 16 июлдаги қарори, А13 серияси, 95-п.

шунингдек, суд функцияларининг тўғри ва мустақил ижросини, шу билан бирга, ваколатлар муддати ва тегишли касбий таълимни таъминлаш учун бошқа хусусиятлар заруриятини келтириб чиқаради»⁷³.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита институционал мустақиллик билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратган. Масалан, унинг таъкидлашича, иш ҳақини тўлашдаги узилишлар ва судьяларнинг лавозимни эгаллаш муддатига оид кафолатларнинг етарли эмаслиги суд тизимининг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади⁷⁴. Қўмитанинг фикрича, судьяларни танлаб олиш ва уларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича қандайдир мустақил механизмнинг мавжуд эмаслиги суд тизимининг мустақиллигини чегаралайди⁷⁵.

Халқаро ҳуқуқ суд тизими институционал мустақиллигининг айрим жиддий жиҳатларига тегишли бўлган бир қатор қоидаларни кўзда тутди. Алоҳида олинган ишлар натижаларини назорат қилишнинг эҳтимолий воситаларидан бири, уларни муайян манфаатларни ҳимоялаш мақсадида қарор чиқара оладиган судьялар томонидан кўриб чиқиши учун киритиш ҳисобланади. Бундай ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш учун *БМТ Асосий тамойилларида* қуйидаги фикр мустаҳкамлаб қўйилган: «Судларда ишларни судьялар ўрта-сида тақсимлаш суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланади»⁷⁶.

- Руминия билан боғлиқ ҳолатда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита шундай қарорга келдики, Адлия вазирлиги томонидан суд масалаларига нисбатан амалга ошириладиган ваколатлар, шу жумладан, апелляция жараёни, шунингдек, унинг судларни текширишга оид ваколатлари ижро ҳокимиятининг аралашувини ва суд тизимига нисбатан таҳдидни ташкил этади⁷⁷.

Бундан ташқари, суд тизимининг мустақиллиги унда судлов хусусиятидаги барча масалалар бўйича, шунингдек, у кўриб чиқаётган масала суд хусусиятидаги масала ҳисобланиши бўйича қарор қабул қилишга оид юрисдикцияси бўлишини талаб қилади. Демак, суд қарорлари судга оид бўлмаган ҳокимият органлари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас, жазони юмшатиш ёки жазони ўзгартириш ва афв этиш ҳолатлари бундан мустасно⁷⁸.

⁷³ *Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот*, юқорида белгиланган, 229-п.

⁷⁴ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Грузия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ хужжати ССРР/СО/74/ГЕО, 12-п.

⁷⁵ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Конго бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ хужжати ССРР/СО/79/Add. 118, 14-п.

⁷⁶ *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 14-тамойил.

⁷⁷ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Руминия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ хужжати ССРР/СО/79/Add. 111, 10-п.

⁷⁸ *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 3 ва 4-тамойиллар. 3-тамойилга кўра: «Суд органлари суд характеридаги барча масалалар бўйича компетенцияга эга ва уларга берилган ишнинг қонун томонидан белгиланган компетенцияга киришини ҳал қилиш бўйича фавқулодда ҳуқуққа эга». 4-тамойилда белгиланишича, «Адолатли судлов жараёнига ноқонуний ёки санкцияланмаган аралашувга йўл қўйилмайди ва суд томонидан қабул қилинган суд қарорлари қайта кўриб чиқилмайди. Ушбу тамойил қонун томонидан амалга ошириладиган ишни судда қайта кўриб чиқишига ёки суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмларни юмшатишга тўсқинлик қилмайди».

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди суд ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги алоқани батафсил таҳлил қилиб чиқди ва қонунчилик ҳокимияти судларнинг мустақиллигини сақлаши ва ҳурмат қилиши керак, деган хулосага келди.

- Парламент судларнинг ҳукумат томонидан бадаллар тўғрисидаги муайян шикоятлари бўйича юрисдикциясини бекор қилувчи қонун қабул қилгани, қонунан белгиланган зарар бекор қилингани ва унинг кучга эга эмас, деб топилгани тўғрисидаги иш юзасидан Суд судлар мустақиллиги бузилганлигини тан олди. Зеро, «[6]-моддада белгиланган ҳуқуқ устуворлиги тамойили ва ишни адолатли кўриб чиқиш тушунчаси қонунчилик ҳокимиятининг мунозарани суд томонидан ҳал қилишга таъсир кўрсатишга йўналтирилган ҳар қандай аралашувни истисно этади»⁷⁹.
- *Папагеоргиоу Юнонистонга қарши* ишида Европа суди парламент томонидан судларнинг айрим тоифадаги ишларни кўриб чиқиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, парламентнинг жорий суд жараёнларини тўхтатиш тўғрисидаги қарори суд тизими мустақиллигини бузиш ҳисобланиши хусусида қарор чиқарди⁸⁰.
- *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши* ишида Европа суди шунини эслатиб ўтдики, суд қарорлари суд тизимининг бир қисми бўлмаган ҳокимият томондан ўзгартирилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, суд қарорларининг юридик кучи ва уларнинг *res judicata* мақоми ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ҳаракатларига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Шу муносабат билан, Суд шундай қарорга келдики, судларнинг қарорлари мансабдор шахслар ёки ижро ҳокимиятига тегишли органлар томонидан ўзгартирилса, ёки бундай қарорлар *res judicata* сифатида ушбу ҳокимият томонидан тасдиқланган ҳолларда кўриб чиқилса, судларнинг мустақиллиги бузилади⁸¹. Судлар қарорлари муқаррарлиги бор нарса, уларнинг суд органларидан бошқа ҳокимият органлари томонидан ўзгартирилиши ёки тасдиқланиши мумкин эмаслиги, Суд қарорига кўра, барқарор тамойил, шунингдек, «“суд” тушунчасининг ажралмас қисми” ва [...] “мустақиллик”нинг [...] таркибий жиҳати ҳисобланади»⁸².

Индивидуал мустақиллик

Институционал мустақиллик зарур кафолат бўлишига қарамай, ҳар бир алоҳида ҳолатда ишнинг судда адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини таъминлаш учун етарли шарт бўла олмайди. Судьялар алоҳида ишлар бўйича

⁷⁹ *Стран Грик Рефайнериз ва Стратис Андреадис Юнонистонга қарши*, ИХЭСнинг 1994 йил 9 декабрдаги қарори, А301-В серияси, 49-п.

⁸⁰ *Папагеоргиоу Юнонистонга қарши*, ИХЭСнинг 1997 йил 22 октябрдаги қарори, 1997-VI серияси.

⁸¹ *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши*, юқорида белгиланган, 77-п. Шунингдек, қаранг: *Кэмпбелл ва Фелл Бирлашган Қиролликка қарши*, ИХЭСнинг 1984 йил 28 июндаги қарори, А80 серияси, 79-п.

⁸² Ўша жойда.

қарорлар чиқаришда аралашувлардан ҳимояланиш кафолатига эга бўлмаса, уларнинг адолатли судлов ҳуқуқи бузилади.

Бир қатор омиллар мавжудки, айримлари қуйида кўриб чиқилади ва улар суднинг мустақил эканлигини белгилаш имкониятини беради. Умумий мезонлар сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарор қиладики: «бошқа жиҳатлардан ташқари, судьяларнинг лавозимга тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколат муддати, ташқи таъсирлардан ҳимояланиш механизмларининг мавжудлиги ва “мустақиллик” таассуротини уйғотиши масаласи ҳам ҳисобга олиниши зарур»⁸³. Суд қарорига кўра, «Судьяларнинг ҳокимият ижро органлари томонидан лавозимидан озод қилинишининг имконияти йўқлиги улар мустақиллигининг табиий натижаси, деб қаралиши керак»⁸⁴. Яна шу эътироф этилдики, суд ёки судья нафақат шу объектив мезонларга мос келиши, балки уларнинг мустақиллиги ташқи кузатувчи учун шубҳасиз бўлиши ҳам зарур⁸⁵.

Бундай мустақиллик судьялар ишларни ўз ихтиёрига кўра ҳал қилиши мумкинлигини англатмайди. Аксинча, судьялар ўзлари кўриб чиқаётган ишларни қонун асосида, бирон-бир репрессив чоралардан кўрқмасдан ҳал қилиши керак. *БМТ Асосий тамойилларининг 2-тамойилида* белгиланганидек: «Суд органлари ўзларига берилган ишларни холис фактлар асосида ва қонунга мувофиқ, ҳеч қандай чекловларсиз, ҳеч бир томондан ва бирор сабабга кўра ноқонуний таъсир, ундов, тазйик, таҳдид ва аралашувларсиз ҳал қилади». Афсуски, бутун дунё бўйлаб кўплаб судьялар ўз касбий мажбуриятларини бажаришда қотиллик ва қийноқлардан то зўравонликка қадар, бошқа лавозимга ўтказиш, суд томонидан таъқиб қилиш ҳамда лавозимидан ноқонуний четлатиш каби ҳам яширин, ҳам ошкора тазйиққа дуч келади⁸⁶.

БМТнинг турли органлари бир неча бор айрим давлатларни ўз вазифаларини эркин амалга ошириши учун судьяларга зарур чора-тадбирларни кўришга чорлаб келади.

- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси барча ҳокимиятларни «судьялар ва адвокатлар мустақиллигини ҳурмат қилишга ва қўллаб-қувватлашга ҳамда шу мақсадда уларга ўз касбий мажбуриятларини бирон-бир сиқув ёки кўрқитишсиз бажариш имконини берувчи самарали қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа зарурий чораларни қабул қилишга даъват этган»⁸⁷.
- Колумбияга нисбатан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари мазкур давлатни «прокурорлар, судьялар, суд полициялари

⁸³ *Инжал Туркияга қарши*, юқорида белгиланган, 69-п. Шунингдек, қаранг: *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши*, юқорида белгиланган, 73-п., ва *Брайан Бирлашган Қиролликка қарши*, ИХЭСнинг 1995 йил 22 ноябрдаги қарори, А серияси, 335-А сон, 37-п.

⁸⁴ *Кэмпбелл ва Фелл Бирлашган Қиролликка қарши*, юқорида белгиланган, 80-п.

⁸⁵ Шунингдек, қаранг, бошқалар орасида: *Инжал Туркияга қарши*, юқорида белгиланган, 65-п.; ва *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши*, юқорида белгиланган, 73-п.

⁸⁶ Қаранг: *Адолатли судловга ҳужум: Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги га оид умумжаҳон ҳисоботи*, 11-нчи нашр, Халқаро Юристар Комиссияси, Женева, 2002 йил. Интернетда қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: www.icj.org.

⁸⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 2004/33 сонли резолюцияси, 7 резолютив параграф.

раҳбарлари, жабранувчилар ва гувоҳларнинг ҳаётини ҳимоялаш ва дахлсизлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга» чақирган⁸⁸.

Судьяларнинг шахсий мустақиллиги нуқтаи назаридан ижро ёки қонунчилик ҳокимиятига иерархик бўйсунушнинг, шунингдек, ҳокимиятнинг ушбу икки тармоғи хизматида бўлишининг мавжуд эмаслиги фавқулудда муҳимдир. Шундай қилиб, суд мустақиллигининг асосий талабларидан бири, барча даражадаги судьялар суд ҳокимиятига тегишли бўлиши ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига бўйсунмаслиги ва уларга ҳисобот бермаслигидан иборат.

- *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши* ишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди шундай хулосага келдики, аризачининг ишини кўриб чиқаётган ҳарбий дала суди мустақил ва холис бўлмаган, чунки унинг аъзолари йиғилишни чақирган мансаб жиҳатидан юқори, шунингдек, «тасдиқловчи зобит» ролини бажарувчи ва ҳар қандай чиқарилган ҳукми ўзгартира оладиган мансабдор шахсга бўйсунган⁸⁹.
- БМТнинг асоссиз қамоққа олиш бўйича ишчи гуруҳи шуни аниқлашича, Жибути Республикасининг хавфсизлик бўйича трибуналининг аксарият судьялари давлат мансабдор шахсларидан иборат экани ФСХҲПнинг судларнинг мустақиллигини талаб қилувчи 14-моддасига зид⁹⁰ бўлиб чиққан.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия қўйидагиларни белгилади: суднинг ижро ҳокимияти органларининг амалдаги ҳарбий зобитлар ҳисобланган вакилларида ташкил топиши факти ишнинг мустақил суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқини бузади⁹¹.

Ҳар бир давлат судьялар ишларни мустақил ҳал қила олишлари учун зарур механизмларни яратиши зарур. Суд тизимининг мустақиллиги унинг ишига ва қарорлари ижросига аралашмаслик орқали қўллаб-қувватланиши керак. Суд ҳокимияти институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса суд тизимининг ичида ва унинг бошқа институтларига нисбатан шахсий мустақилликдан фойдаланиши керак.

⁸⁸ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарининг Колумбиядаги вакиллиги бўйича ҳисоботи, БМТ ҳужжати E/CN.4/2000/11, 189-п. Шунингдек, қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия олдидаги ҳисоботи, БМТ ҳужжати S/EN.4/1998/16, 200-п. Унда Олий Комиссар Колумбия ҳуқуматига «суд тизимининг тўлиқ амал қилишини таъминлаш бўйича, шу жумладан суд тизими вакиллари амалий ҳимоялаш ҳисобидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришни таклиф қилди [...]».

⁸⁹ *Финдли Бирлашган Қиролликка қарши*, юқорида белгиланган, 74–77-пп. Шунингдек, қаранг: *Койн Бирлашган Қиролликка қарши*, ИҲЕСнинг 1997 йил 24 сентябрдаги қарори, 1999-V серияси, 56–58-пп.

⁹⁰ 40/1993 сонли қарор (Жибути), 1993 йил 29 сентябрь, БМТ ҳужжати S/EN.4/1994/27.

⁹¹ 78/02 сонли ҳисобот, 11.335 сонли иш, юқорида белгиланган, 76-п.

2. Холислик

Шарҳ

Ишнинг судда адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи судьялардан холисликни талаб этади. Бу шуни кўзда тутадик, судьялар (ёки суд маслаҳатчилари) муайян ишда шахсий манфаатга ёки ғараз ниятга ҳамда иштирок этувчи томонлар ҳақида олдиндан шаклланган фикрга эга бўлмайдилар. Ишлар бўйича қарорлар фақат «фактлар асосида ва қонунга мувофиқ, бирон-бир чекловларсиз» чиқарилади⁹². Шу мақсадда давлат органлари, бошқа институтлар ва хусусий шахслар судьяларни мажбурлаш ёки уларни муайян қарорлар чиқаришга оғдириш йўлида босим кўрсатишдан тийилишлари керак, судьялар эса холис бўлиш мажбуриятига эга. БМТнинг Асосий тамойиллари ушбу талабни қуйидагича мустаҳкамлайди: «[...] судьялар ҳар доим ўзини шундай тутиши керакки, токи ўз лавозимига ҳурматни таъминлаши ҳамда суд органларининг холислигини ва мустақиллигини сақлаши керак»⁹³. Европа Кенгаши ушбу тамойилни тасдиқлагани ҳолда, шуни уқтирдик: «судьялар ўз виждонига, фактлар талқинига ва амалдаги ҳуқуқий меъёрларга таянган ҳолда, қарорларни холис қабул қилиш борасида чексиз эркинликка эга»⁹⁴.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита шундай фикр билдирдики, суднинг холислиги ва жараённинг очиқлиги, 14-модда, 1-банди мазмунига кўра, ишни адолатли кўриб чиқиш бўйича ҳуқуқнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Суднинг «холислиги» шуни назарда тутадик, судьялар ўзлари кўриб чиқётган масала бўйича нохолис фикрга эга бўлмаслиги ва томонлардан бирининг манфаати йўлида ҳаракат қилмаслиги керак. Судьяни нолайиқ топиш қонун асосида белгиланган ҳолларда судга ушбу асосларни *ex officio* жиҳатдан кўриб чиқиш ҳамда нолайиқлик мезонларига тўғри келадиган суд аъзоларини алмаштириш мажбурияти юкланади»⁹⁵.

Қўмита шунингдек, холис судга бўлган ҳуқуқ ҳимояга тақдим этилган процесуал кафолатлар билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам таъкидлайдики. Шу тариқа, ишларнинг бирида Қўмита кўрсатиб ўтишича: «ҳуқуқнинг (холис судга нисбатан) энг муҳим жиҳати айбланувчида ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятлар мавжудлиги ҳисобланади»⁹⁶.

⁹² БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари, юқорида белгиланган, 2-тамойил.

⁹³ Ўша жойда, 8-тамойил.

⁹⁴ Европа Кенгаши, *R (94) сонли тавсия*, юқорида белгиланган, I.2.d тамойил. Шунингдек, қаранг: V.3.b тамойил.

⁹⁵ 387/1989 сонли хабар, *Арво О. Карттунен Финляндияга қарши*, юқорида белгиланган, 7.2 п.

⁹⁶ 451/1991 сонли хабар, *Барри Стивен Харвард Норвегияга қарши* (Мулоҳазалар 1994 йил 15 июлда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/51/Д/451/1991, 9.4 п. Шунингдек, қаранг: 577/1994 сонли хабар, *Виктор Алфредо Полай Кампос Перуга қарши* (Мулоҳазалар 1997 йил 6 ноябрда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/61/Д/577/1994, 8.8 п. Унда Қўмита шундай фикр билдирдики: «Пактнинг 14-моддаси маъносида ишни судда адолатли кўриб чиқишнинг энг муҳим жиҳати шундаки, суд [ва бу яққол бўлиши керак] мустақил ва холис бўлиши лозим».

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия шуни уқтирадики, «холис суд адолатли судловни амалга оширишнинг энг асосий жиҳатларидан бири саналади»⁹⁷.

Ҳақиқий ва юзаки холислик

Суднинг холислиги томонлардан бирига нисбатан ғаразгўйлиги, душманлиги ёки мойиллиги йўқлиги билан белгиланиши мумкин. Аммо шундай ҳолатлар борки, уларда бундай мойиллик рўй-рост эмас, балки юзаки бўлади. Шу сабабли судларнинг холислиги ҳам субъектив, ҳам объектив нуқтаи назардан текширилиши керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «алоҳида олинган судьяда алоҳида олинган ишга нисбатан шахсий ишончларни белгилашдан иборат субъектив ёндашув ва судья томонидан бу борада ҳар қандай асосланган гумонларни истисно қилиш учун етарли бўлишдан ташкил топган объектив ёндашув» ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатади⁹⁸. Ушбу концепциялардан биринчиси субъектив холислик, деб номланади; иккинчиси объектив холислик сифатида маълум. Ишни кўриб чиқиш нафақат судья ноҳолис бўлган тақдирда, балки у шундай қабул қилинганда ҳам адолатсиз бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди холисликнинг ушбу икки талаби белгиланадиган суд амалиётида катта тажрибага эга. Суднинг фикрига кўра, судья ёки суд фақат субъектив ва объектив тестдан ўтган тақдирдагина холис бўла олади. Субъектив тест «алоҳида олинган судьянинг кўриб чиқиладиган ишга нисбатан шахсий қарашларини белгилашдан иборат»⁹⁹. Бу эса шуни англатадики, «суднинг биронта аъзоси ҳеч қандай шахсий ноҳолис ёки нотўғри фикрларга эга бўлмаслиги керак. Ўзга ҳолатни исботловчи далиллар бўлмаса, шахсий холислик назарда тутилади»¹⁰⁰. Холисликка оид объектив талаб «судья ўзининг холислиги бўйича асосланган гумонларни истисно қилувчи кафолатларни тақлиф этган-эмаганлигини аниқлашдан иборат»¹⁰¹. Суднинг суд амалиётига кўра, тестлардан биронтаси ўталмаган бўлса, суд адолатсиз, деб ҳисобланади.

- *Де Куббер Бельгияга қарши* ишида Суд шундай фикрга келдики, суд терговини олиб борувчи судья ва суд муҳокамасини олиб борувчи судья мажбуриятларнинг изчил бажарилиши суднинг холислигига бирон бир шахс томонидан шубҳа уйғотиши ҳамда ишнинг холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқининг бузилишини ташкил этиши

⁹⁷ 78/02 сонли ҳисобот, 11.335 сонли иш, юқорида белгиланган, 74-п.

⁹⁸ Ушбу фарқ ҳақида бошқа манбалардан ташқари қаранг: *Пирсак Бельгияга қарши*, ИҲЕСнинг 1982 йил 1 октябрдаги қарори, А53 серияси, 30-п.

⁹⁹ *Тирс ва бошқалар Сан-Маринога қарши*, ИҲЕСнинг 2000 йил 25 июлдаги қарори, 2000-IX серияси, 75-п.

¹⁰⁰ *Дактарас Литвага қарши*, ИҲЕСнинг 2000 йил 10 октябрдаги қарори, 2000-X серияси, 30-п.

¹⁰¹ *Падовани Италияга қарши*, ИҲЕСнинг 1993 йил 26 февралдаги қарори, А257-В серияси, 25-п.

мумкин¹⁰². Суд дастлабки терговни олиб борган суд органининг холислиги бўйича шубҳа уйғотувчи асосларни топмаган бўлса-да, у шуни тан олдики, унинг суд коллегиясидаги иштироки аризаачи томонидан қатор асосли гумонларга сабаб бўлди.

- *Суднинг Кастильо Алгар Испанияга қарши* ишида кўрсатилишича, агар судья айбланувчига қарши етарли дадиллар борлиги туфайли айблов хулосасини тасдиқлаган ва шундан сўнг ишни моҳиятан кўриб чиқаётган судда қатнашаётган бўлса, мазкур суднинг холислигига шубҳа туғилиши мумкин, ва бу, ишнинг холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқини бузиш ҳисобланади¹⁰³.
- *Светлана Науменко Украинага қарши* ишида Европа суди судьянинг холислигига ўзи таркибига кирувчи суд томонидан протест киритилгани қанчалик таъсир этганини аниқлаши керак эди. Суднинг фикрича, «бундай амалиёт муайян ишни кўриб чиқаётган судьянинг «субъектив холислигига» мос келмайди, чунки ҳеч ким бир пайтда ўзининг ишида ҳам даъвогар, ҳам судья бўла олмайди», ва шу сабабли у аризаачининг ишнинг холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилишига оид ҳуқуқини бузиш ҳисобланади¹⁰⁴.
- Америкааро комиссия ўзининг *Инсон ҳуқуқлари ва террорчилик бўйича ҳисоботида* куйидаги фикрни билдирди: «Суднинг холислиги судья ёки суд томонидан ҳақиқий ноҳолис муносабат йўқлиги, ва бу борадаги ҳар қандай объектив иккиланишларни истисно қилиш учун етарли кафолатларни таъминлашда ҳам субъектив, ҳам объектив нуқтаи назарлар жиҳатидан баҳоланиши керак. Ушбу талаблар, ўз навбатида, шуни назарда тутадикки, судья ёки суд муайян иш юзасидан ҳеч қандай нотўғри қарашга эга бўлмаслиги ва судья ёки судда ноҳолис муносабат йўқлигига шубҳа туғдирмаслиги керак»¹⁰⁵.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси ҳам яққол ва юзаки холислик тўғрисидаги масалани кўриб чиққан. *Конституциявий ҳуқуқлар бўйича лойиҳа* ҳақидаги ишда Комиссия шундай қарорга келдики, битта судья ва қуроли кучлар аъзоларидан ташкил топган суд холис, деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки «бундай трибуналлар аъзоларининг хусусиятидан қатъи назар, унинг таркибининг ўзи холислик йўқлиги фикрини, ёки аслида ҳам йўқлигини келтириб чиқаради»¹⁰⁶.

¹⁰² *Де Куббер Бельгияга қарши*, ИХЕСнинг 1984 йил 26 октябрдаги қарори, А86 серияси, 27-п. ва х. к.

¹⁰³ *Кастильо Алгар Испанияга қарши иши*, ИХЕСнинг 1998 йил 28 октябрдаги қарори, 1998-VIII серияси, 47–51-пп.

¹⁰⁴ *Светлана Науменко Украинага қарши иши*, ИХЕСнинг 2004 йил 9 ноябрдаги қарори, 41984/98 сонли илова, 97-п.

¹⁰⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия, *Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот*, юқорида белгиланган, 229-п.

¹⁰⁶ *Конституциявий ҳуқуқлар бўйича лойиҳа Нигерияга қарши*, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, 87/93 (1995) сонли хабар, 13–14-пп.

Судьянинг ўзини ўзи четлатиши бўйича мажбурияти

Холислик тушунчаси судьяларга, уларнинг фикрича, холис адолатли судловни амалга ошира олмайдиган ёки уларнинг ҳақиқий холислиги обрўсизлантириладиган ҳолларда ишдан четлашиш бўйича ўзига хос мажбуриятни юзага келтиради. Бундай ҳолатларда баҳслашувчилар томонидан ўзининг холислиги тасдиқланишини кутишолмайди, балки ўзининг ишдан четланаётганлигини эълон қилиши ва ушбу ишни кўриб чиқишдан тийилиши керак.

Суд органларининг ҳалоллиги ва сотилмаслигини мустаҳкамлаш бўйича судьялик гуруҳи томонидан қабул қилинган ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия томонидан белгиланган *Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойиллари*¹⁰⁷ холисликни суд функциясига оид фундаментал қадриятлардан бири сифатида қамраб олади. 2.5 тамойили судьялар ўзини ўзи четлатиши лозим бўлган ишларга оид батафсил йўл-йўриқ тамойилларини белгилаб беради:

2.5 Судья ўзи учун иш юзасидан холис қарор қабул қилиш имконияти бўлмаган ҳолда, ёки ташқи кузатувчида судьянинг холислигига шубҳа туғилган ҳолда ишдан ўзини ўзи четлатишни эълон қилади. Қуйида бундай ҳолатларга оид қатор мисоллар келтирилган:

2.5.1 судьяда томонлардан бирига нисбатан нохолис муносабат ёки ғаразли ёндашув юзага келганда, ёки судьяга ўз шахсий манбаларидан кўриб чиқиладиган ишга тегишли бўлган бирон-бир далилий фактлар маълум бўлган ҳолларда;

2.5.2 аввал мунозаранинг ўша предметини кўриб чиқишда судья адвокат сифатида иштирок этганда ёки муҳим гувоҳ сифатида жалб қилинганда; ёки

2.5.3 судья ва унинг оила аъзолари кўриб чиқиладиган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлган ҳолда;

Ушбу ишни кўриб чиқишга бошқа бирон судья тайинланиши мумкин бўлмаган ҳолда судья кўриб чиқиладиган ишда иштирок этишдан четлатилиши мумкин бўлмаслиги шарти билан, ёки моҳиятан тезкорлиги сабаб кўриладиган ишнинг кечиктирилиши жиддий суд хатосига олиб келиши ҳолатида¹⁰⁸.

Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар суднинг холислигини аниқлаш учун батафсил мезонларни ва холислик кузатилмаган аниқ ҳолатларни қамраб олган. Сўнги ҳолатларга Африка комиссияси собиқ жамоат айбловчиси иши ёки улар томонидан ишнинг томонлар айбланган ёки судья лавозимини эгаллаган қонуний вакил ишини, ва қўйи инстанция суд органининг йиғилишида ўзи қарор қабул қилган ёки иштирок этган иш юзасидан

¹⁰⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, 2003/43 сонли резолюция.

¹⁰⁸ Суд органларининг ҳалоллиги ва сотилмаслигини мустаҳкамлаш бўйича суд гуруҳи томонидан қабул қилинган *Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойиллари*, Гаагада олий судлар раислари Давра суҳбатининг мажлисида киритилган ўзгаришлари билан, 2002 йил.

апелляция суди аъзоси иштирок этган судьялар киради. *Бошқарув тамойилларда* таърифланган бирон-бир ҳолат мавжуд бўлган тақдирда судья ишдан ўзини четлатиши керак¹⁰⁹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қуйидаги тамойилни ўрнатди: «Унга нисбатан холислик йўқлигини тахмин қилишга асослар мавжуд бўлган ҳар қандай судья ишни олиб боришдан воз кечиши керак»¹¹⁰.

Суднинг холислигини ҳар қандай томонга нисбатан ғаразли қараш, душманлик ёки мойиллик йўқлиги сифатида белгилаш мумкин. Судлар холис бўлиши ва холис кўриниши керак. Шундай қилиб, холислиги шубҳа остига қолган судьялар асослар етарли бўлган ҳолларда ишларни олиб боришдан воз кечиши шарт.

¹⁰⁹ Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар, Африка Комиссиясининг 2-нчи саммитида ва Африка иттифоқи давлатлари раҳбарларининг учрашувида ҳисоботнинг бир қисми сифатида қабул қилинган, Мапуту, 2003 йил 4–12 июль, А таймойили, 5-п.

¹¹⁰ Индра Словакияга қарши иши, ИХЭСнинг 2005 йил 1 февралдаги қарори, 46845/99 сонли илова, 49-п.

3. Молиявий автономлик ва ресурсларнинг етарлилиги

Шарҳ

Ўз функцияларини тегишли равишда бажариши учун суд тизими зарур ресурсларга эга бўлиши лозим. Суд тизими, ҳокимият тармоқларидан бири сифатида, ўз ресурсларини давлат бюджетидан олади, у эса, ўз навбатида ёки қонунчилик, ёки ижро ҳокимияти тармоғи, деб белгиланади. Шуниси муҳимки, давлат бюджетини тасдиқловчи органлар ва шахслар суд тизимининг эҳтиёжларини эътиборга олиши зарур. Ресурсларнинг етишмаслиги суд тизимининг порахўрлик олдида ожизлигини келтириб чиқариши, унинг мустақиллиги ва холислигини сусайтириши мумкин. Суд тизими учун зарур бўлган ресурсларни ажратишда судьялар ёки судлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак¹¹¹.

Суд тизимининг мустақиллиги ва холислигига раҳна солувчи омиллардан яна бири, унинг ўз бюджетини ишлаб чиқишда иштирок этмаслиги ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, маблағларнинг чегараланиши ҳар қандай тузилма устидан назоратнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларида биридир. Зеро, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ёки давлат институтларининг суд тизими учун ажратиладиган ресурсларни тақсимлаш ва тасарруф этиш жараёнига аралашуви алоҳида нозик ишларнинг натижасига таъсир ўтказиш бўйича реал имконият мавжуд. Бу эса суд ҳокимиятининг мустақиллигини чегаралашни келтириб чиқаради. Шу мақсадда кўплаб давлатлар суд тизими таркибидан суд ресурсларини бошқариш учун маъсул бўлган органларни тайинлайди ва шу орқали суд органи автономлигини мустаҳкамлайди.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси шуни таъкидлайдики, суд тизимининг институционал автономияси, шу жумладан, бошқарув, маъмурий ва молия масалаларини ўз ичига олган ҳолда, «демократик давлатда ҳокимият тармоқларининг зарур мувозанатини сақлаш учун ўта муҳим ва ажралмас омил ҳисобланади»¹¹².
- Бир неча ҳолларда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита давлатларни суд муассасалари мустақиллигини таъминлаш воситаси сифатида уларга етарли ресурслар ажратишга чақирди¹¹³.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита судьялар меҳнатига кам ҳақ тўлианиши борасида ўз хавотирини билдирди ва унинг коррупцияга алоқадорлигини кўрсатди. У судьяларга шундай иш шароитини яратишни

¹¹¹ Қаранг: *Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича режа-стратегия*, Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича ХЮК Маркази (САММ), САММ йилномаси, 127-бет ва ҳ. з.

¹¹² Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия, *Перуда инсон ҳуқуқлари бўйича вазият юзасидан иккинчи ҳисобот*, АДТ ҳужжати, ОЕА/Ser. L/V/II.106, Doc. 59 rev., II боб «Адоллатли судловни амалга ошириш ва ҳуқуқ устуворлиги», 13-п.

¹¹³ Қаранг, масалан: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Марказий Африка Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/САФ/СО/2, 16-п.

таклиф қилдики, токи улар воситасида коррупциядан ҳимояланган бўлиши керак¹¹⁴. Конго билан боғлиқ ҳолатда Қўмита «[судьялар] оладиган иш ҳақининг камлиги, ва бу кўпинча уларнинг порахўрлигига олаб келиши мумкинлиги» борасида ўз ташвишини изҳор қилди¹¹⁵.

Молиявий автоном(мухтор)ликнинг халқаро андозалари

Турли халқаро ҳужжатларда суд тизимининг етарли молияланиши зарурлиги тан олинади. Масалан, *БМТ Асосий тамойилларида* белгиланишича: «Ҳар бир аъзо давлат суд органларига ўз функцияларини тегишли тарзда бажариш имконини бериши керак»¹¹⁶. Судьялар учун мақом тўғрисидаги Европа хартияси «Давлат судьяларга ўз вазифаларини керакли тарзда бажариши, хусусан, ишларни мантиқли муддатда кўриб чиқиши учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаши керак»лигини кўзда тутди¹¹⁷. *Пекин тамойиллари*, шунингдек, қуйидаги талабни кўзда тутди: «Судьяларга улар ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган ресурслар тақдим этилиши керак»¹¹⁸.

Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари судьялари томонидан ишлаб чиқилган *Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари* молиявий масалаларга оид батафсил қоидаларни кўзда тутди:

*«Суд тизимига ўз вазифаларини энг юксак андозаларга мос равишда бажариш имкониятини бериш учун у етарли ва барқарор маблағлар билан таъминланиши керак. Суд тизими учун ажратилган бундай молиялаштириш олиб қўйиш ёки мақсадсиз равишда фойдаланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Молиялаштириш ёки уни ушлаб қолиш суд тизими устидан назоратни нотўғри амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилмаслиги керак»*¹¹⁹.

Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқи бўйича тавсиялар қуйидагиларни белгилайди: «Улар ўз вазифаларини бажаришлари учун давлат органлари етарли ресурсларни ажратиши керак. Суд органлари билан бюджетни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш керак»¹²⁰.

¹¹⁴ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Косово (Сербия) бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/УНК/СО/1, 20-п. Шунингдек, қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Тожикистон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/84/ТЖК, 17-п.

¹¹⁵ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Конго Демократик Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/COD/СО/3, 21-п.

¹¹⁶ *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 7-тамойил.

¹¹⁷ Европа Кенгаши, *Судьялар статутини учун Европа хартияси*, DAJ/DOC (98) 23, 1.6 резолютив параграф.

¹¹⁸ *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, юқорида белгиланган, 41 резолютив параграф. Шунингдек, қаранг: Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг *R (94) 12 сонли тавсияси*, юқорида белгиланган, III тамойил.

¹¹⁹ 1998 йил 19 июнда қабул қилинган *Парламент устуворлиги ва судьялар мустақиллигига оид Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари*, II.2 бошқарув тамойил.

¹²⁰ *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллари*, юқорида белгиланган, А 4 (v) п. Шунингдек, қаранг: *Умумжаҳон судьялар хартияси*, юқорида белгиланган, 14-модда.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро андозалар ҳар бир давлатга суд тизимининг етарли даражада молияланишини кафолатловчи энг яхши усулларни мустақил равишда белгилаш имконини беради. Етарли даражада молиялаш суд тизимини мустақиллигининг энг муҳим таркибий қисми бўлгани сабабли¹²¹, ушбу тамойил ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизимиغا, асосан, унинг Конституциясига киритилган бўлиши керак. Ушбу талабни бажариш учун айрим конституцияларда адолатли судловни амалга ошириш учун давлат бюджетининг белгилаб қўйилган фоизи ажратилиши ҳақидаги қоида кўзда тутилган.

Дунёнинг айрим ривожланаётган мамлакатлари суд тизимини улар ўз функцияларини зарур даражада бажаришлари учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш имкониятига эга бўлмасликлари мумкин. *Пекин тамойилларида* шу муносабат билан қуйидагилар кўзда тутилган:

«Иқтисодий чекловлар туфайли суд тизимиغا судьялар ўз функцияларини бажара олиш имкониятига эга бўлиши учун зарур ҳисоблайдиган маблағлар ва ресурсларни ажратиш қийинчилик туғдирса, ҳуқуқ устуворлиги тамойилини ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, шунга қарамай, ресурсларни тақсимлашда суд ҳокимияти ва тизимининг эҳтиёжлари юқори даражада устувор ҳисобланиши керак»¹²².

Молиявий мустақилликка оид қўшимча талаблар суд тизими ўз ресурсларини тақсимлашда автоном бўлишини талаб қилади. Шу муносабат билан, барча бошқа тузилмалар суд ҳокимияти ўзига ажратилган ресурсларни қай тарзда таассаруф этишига аралашидан тийилиши керак. Ресурслардан фойдаланиш суд тизимининг ички иши эканлигига қарамай, ҳокимиятнинг ушбу тармоғи мувозанат ва ўзаро тийиб туриш тизими туфайли қолган тармоқлар олдида ҳисобдор бўлади.

Ўз функцияларини бажариши учун суд ҳокимияти етарли даражада молиялаштирилиши керак. Давлатлар, ушбу талабнинг бажарилишини қонунчилик даражасида кафолатлаши зарур. Бюджетни ишлаб чиқишда суд ҳокимиятининг иштироки етарли даражада молиялаштирилмасликдан муҳим ҳимояни ташкил этади. Суд ҳокимияти ўз ресурсларини тақсимлашда молиявий автономликдан фойдаланса-да, улардан ҳар қандай мақсадсиз фойдалангани учун ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари олдида ҳисобот беради.

¹²¹ Қаранг: *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, бунда давлатлардан суд тизимининг мустақиллиги ва унинг давлат Конституциясида ёки қонунида мустаҳкамлаб қўйилиши талаб этилади (1-тамойил).

¹²² *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, юқорида белгиланган, 42 резолютив параграф.

4. Асосий эркинликлар

Шарҳ

БМТ Асосий тамойилларининг 8-тамойили қуйидагиларни мустаҳкамлайди:

*Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясига мувофиқ, суд идоралари аъзолари, бошқа фуқаролар каби, сўз, виждон эркинлиги, уюшмалар ва йиғилишлар эркинлигидан фойдаланади; аммо, бундай ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, судьялар ҳар доим ўзини шундай тутиши керакки, токи ўз лавозимига ҳурматни ва суд органларининг ҳолислиги ҳамда мустақиллигини сақлаши керак*¹²³.

Мазкур қоида кўрсатиб ўтилган эркинликларнинг судьялар томонидан ўз мустақиллигини ҳимоялаш воситаси сифатидаги муҳим аҳамиятини тасдиқлайди. Ушбу тамойилда таъкидланганидек, бу эркинликлардан бошқа фуқаролар ҳам фойдаланади, ва улар инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро шартномалар томонидан тан олинади. Аммо судьялар инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлигининг энг муҳим кафиллари бўлгани туфайли, бу ҳолатда мазкур эркинликлар қўшимча аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, ассоциациялар ва сўз эркинлиги улар ўз вазифаларини бажаришида асос бўлиб хизмат қилади.

Ассоциациялар эркинлиги

Судьялар ассоциацияси суд тизими мустақиллигини ҳурмат қилиш ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда ўта муҳим роль ўйнайди. Ассоциациялар судьяларни бирлаштиради ва уларга ўз мустақиллигини ҳамда суд ихтисосликлари мустақиллигини янада самарали ҳимоялаш йўлида кўпроқ уюшишга имкон беради.

Шу муносабат билан *Латимер-Хаус бошқарув тамойилларида* уқтириб ўтилдики, «Мустақил, уюшган юридик ихтисослик ҳуқуқ устуворлигини ҳимоялашнинг энг муҳим компоненти ҳисобланади»¹²⁴. Судьялар статутини учун Европа хартияси судьялар ассоциацияси бажарадиган фундаментал ролни тан олади:

*«Судьялар томонидан ташкил қилинадиган, уларнинг ҳаммаси эркин аъзо бўла оладиган профессионал ташкилотлар уларнинг зиммасига низом билан юкланадиган, хусусан, судьяларга дахлдор қарорларни қабул қилишда иштирок этадиган ҳокимият органлари ва идоралари олдида ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишига кўмаклашади*¹²⁵.

¹²³ Шунга ўхшаш, *Бангалор тамойилларининг* 4.6 тамойилига, ва *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойилларининг* А тамойили, 4(s) параграфида қаранг.

¹²⁴ *Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари*, юқорида белгиланган, VII бошқарув тамойил. Шунингдек, қаранг: *Умумжаҳон судьялар хартиясининг* 12-моддаси: «Судьянинг профессионал ассоциацияга мансуб бўлиш ҳуқуқи тан олинishi керак, токи судьялар ҳам ахлоқий, ҳам бошқа нуқтаи назарларга кўра ўзларининг статутини, ва адолатли судлов воситаларини қўллаш масаласида маслаҳат олиш имконига эга бўлсин, токи улар ўзларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қила олишлари мумкин бўлсин».

¹²⁵ *Судьялар статутини учун Европа хартияси*, юқорида белгиланган, 1.7 резолютив параграф. Шунингдек, қаранг: *БМТ Асосий тамойилларининг* 9-тамойили: «Судьялар судьялар ассоциациясини ва бошқа ташкилотларни ташкил қилиш ва уларга ўз манфаатларини ҳимоялаш, касбий тайёрлигини тақомиллаштириш ва ўзининг суд мустақиллигини сақлаш учун аъзо бўлиш эркинлигига эга».

Европа Кенгаши ўзининг *R (94) 12 сонли тавсиясида* судьялар учун ассоциациялар эркинлигини тан олди: «Судьялар ассоциацияларни ташкил этишда тўлиқ эркинликка эга бўлиши керак, ва уларнинг ўзи ёки бошқа бирон бир орган билан биргаликда судьяларнинг мустақиллигини ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлади»¹²⁶. *Пекин тамойиллари* ҳам ушбу эркинликни тан олади ва қўйидагиларни белгилайди: «Судьялар, ҳар қандай қўлланилиши мумкин бўлган қонунчиликка кўра, судьялар ассоциациясига бирлашиши ва ўз манфаатларини ифодалаш ва ўзининг касбий тайёргарлигини сақлаш ҳамда вазият тақозо қилганда, ўз мустақиллигини ҳимоялаш учун ҳар қандай шу каби хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида унга аъзо бўлиш имкониятига эга бўлиши лозим»¹²⁷.

Фикр ифодалаш эркинлиги

Фикр ифодалаш эркинлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқ устуворлиги ва юридик ҳамжамиятнинг муқаррар аъзоси бўлгани ҳолда, судьялар ислохотларни ва бошқа юридик масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиши шарт.

Инсон ҳуқуқлари бўйича барча муҳим шартномаларда фикр ифодалаш эркинлигининг умумий тан олиниши баробарида, у суд тизимининг мустақиллигига оид қатор ихтисослашган воситаларга, энг аввало *БМТ Асосий тамойилларининг* 8-тамойилига киритилган.

Аммо ушбу ҳуқуқ чексиз эмас, ва суд функциясига оид муайян чекловларга эга. Судьялар томонидан фикр ифодалаш эркинлигидан чекловларсиз фойдаланиш уларнинг мустақиллиги ёки ҳолислигини обрўсизлантириши мумкин, бунга муайян иш юзасидан маълумотни томонлардан бирига ёки матбуотга ошкор қилиниши мисол бўла олади. Шу тарзда, судьялар ўзлари кўриб чиқаётган ишда ўз хатти-ҳаракатлари билан ишни адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқига, шу жумладан, айбсизлик презумпциясига зарар етказмаслиги керак.

Бу борада *Судьялар статути учун Европа хартияси* шуни белгиладики: «Судья ўзининг ҳолислиги ва мустақиллигига ишончни поймол қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ёки ишорадан тийилиши керак»¹²⁸.

Бангалор тамойиллари ҳам қўйидагиларни кўзда тутган ҳолда, уларнинг мавқеи талаб қиладиган хатти-ҳаракатлардан тийилишга даъват қилади:

«Судьяга, ҳар қандай бошқа фуқарога бўлгани каби, фикр ифодалаш эркинлиги кафолатланади [...], аммо ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида у ҳар доим судья лавозимининг юқори мақомини сақлаш борасида

¹²⁶ *R (94) 12 сонли тавсия*, юқорида белгиланган, IV тамойил.

¹²⁷ *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, юқорида белгиланган, 9 резолютив параграф. Шунингдек, қаранг: *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар*, А тамойили, 4 (t) п.: «Судга оид мансабдор шахслар ўзларининг манфаатларини ифодаловчи профессионал ассоциацияларга ёки бошқа ташкилотларга бирлашиш ҳамда уларга ўз профессионал малакасини сақлаш ва мақомини ҳимоя қилиш учун аъзо бўлиш имкониятига эга бўлиши лозим».

¹²⁸ *Судьялар статути учун Европа хартияси*, юқорида белгиланган, 4.3 резолютив параграф.

қайғуриши ва суд органларининг холислиги ва мустақиллигига зид бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак»¹²⁹.

Шу сабабли судьялар ҳар қандай масалалар бўйича ўз фикрини эркин билдира олса-да, улар холис кузатувчи нуқтаи назаридан ўзлари томонидан адолатли судловни мустақил ва холис амалга ошириш лаёқатини обрўсизлантириши мумкин бўлган баёнотлардан тийилиши керак.

Судьялар бошқа шахслар каби асосий эркинликлардан фойдаланади. Адолатли судловни амалга оширишда уларнинг асосий роль ўйнаши туфайли улар учун фикрни ифодалаш ва ассоциациялар эркинлиги алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур эркинликлардан фойдаланган ҳолда, судьялар ўз мустақиллиги ва холислигини обрўсизлантирмаслик учун эҳтиёткор бўлиши керак.

¹²⁹ Бангалор тамойиллари, 4.6 тамойил. Шунингдек, қаранг: 4.10 тамойил: «Судьяга хизмат мавқеи туфайли маълум бўлиб қолган махфий маълумот, судья лавозимини бажариш билан боғлиқ бўлган мақсадларда фойдаланилиши ёки бировга ошкор қилиниши мумкин эмас».

5. Судьяларни тайинлаш

Шарҳ

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислиги кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро ҳуқуқ судьяларни тайинлаш танлов асосида, қатъий меъёрларга ва ошқора тартибларда амалга оширилишини тақозо этади. Агарда судьяларнинг малакаси тайинлаш учун асос ҳисобланмаса ва уларнинг лавозими ошиб бормаса, суд тизими ўзининг асосий вазифаси — адолатли судловни мустақил ва холис рўёбга чиқаришни бажара олмаслиги мумкин. Шу сабабли мустақилликнинг энг муҳим кафолатларидан бирига профессионал сифатларга асосланган аниқ танлов мезонлари киради. Аммо халқаро ҳуқуқда судьяларни тайинлаш усули борасида умумий нуқтаи назар мавжуд эмас. Бу масалада давлатга муайян танлов эркинлиги берилади, бунинг шартанлов ҳамиша номзоднинг касбий малакасига ва шахсий фазилатларига асосланган бўлиши керак.

Шундай қилиб, судьяларни тайинлаш борасида иккита асосий масала мавжуд. Биринчи масала улар бўйича халқаро ҳуқуқ томонидан аниқ тамойиллар белгиланган мезонларга тегишли. Иккинчи масала суд корпуси аъзоларининг тайинланиши учун маъсул бўлган органга ва ушбу орган томонидан қўлланиладиган тартибларга тегишли. Халқаро андозаларда судьяларни тайинлаш ваколатига қандай давлат органи эга бўлиши кераклиги ва тартиби қандай бўлиши кераклиги борасида аниқ кўрсатмалар кўзда тутилмаган. Аммо шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай тайинлаш тартиби суднинг ҳам институционал, ҳам индивидуал мустақиллигини, шунингдек, объектив ва субъектив холислигини кафолатлаши керак. Ушбу талаб ҳокимият бўлиниши тамойилдан ва мувозанат ҳамда ўзаро тийиб туриш тамойилидан келиб чиқади, улар бу ҳолатда ҳимоянинг ўта муҳим механизмини ташкил этади.

Тайинлаш мезонлари

Суд тизимининг мустақиллиги ва холислигига жиддий раҳна солиши мумкин бўлган тайинлашлардан сақланиш мақсадида халқаро ҳуқуқ инсоннинг сиёсий қарашлари, унинг ирқи ва терисининг ранги каби танлов мезонларини истисно қилади. Ушбу асослар суд вазифаларининг бажарилишига алоқадор эмас, у ёки бу давлатнинг фуқароси бўлиши талаби бундан мустасно.

БМТ Асосий тамойилларида белгиланишича:

«Суд лавозимларига танланган шахслар юксак ахлоқий фазилатлар ва лаёқатларга, шунингдек, ҳуқуқ соҳасида муайян тайёргарликка ва малакага эга бўлиши керак. Судьяларни танлашнинг ҳар қандай усули уларнинг ноқонуний асослар бўйича тайинланишидан ҳимоялашни кафолатлаши керак. Судьяларни танлашда ушбу шахсга нисбатан унинг ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавий ва бошқа белгиларига кўра камситишга йўл қўйилмаслиги керак»¹³⁰.

¹³⁰ БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари, юқорида белгиланган, 10-тамойил.

Шу сингари, *Умумжаҳон судьялар хартияси* қуйидагиларни белгилайди: «Судьяни танлаш ва ҳар бир лавозимга тайинланиши лавозимга оид касбий малакага асосланган холис ва ошқора мезонлар асосида амалга оширилиши керак»¹³¹.

Судьялар статутини учун Европа хартияси ҳам тегишли бўлмаган мезонларни истисно этади: «Статут (низом) қоидалари [...] номзодлар учун мезонларни уларнинг кўриб чиқиш учун ҳавола қилинадиган юридик масалаларни эркин ва холис баҳолаётган олиш лаёқатига кўра белгилайди. Улар номзодни унинг жинсий, миллатга оид ва ижтимоий мансублигига кўра, фалсафий, сиёсий ёки диний қарашлари туфайли четлатилиши имкониятини истисно этади»¹³².

Европа Кенгаши қуйидагиларни тавсия этган: «Судьяларнинг касбий ўсишига оид барча қарорлар танловнинг объектив мезонларига ва тамойилларига асосланиши керак, судьяларнинг хизмат поғоналаридан ўсиши эса уларнинг малакаси, ахлоқий фазилатлари ва ишчанлигига боғлиқ бўлиши зарур»¹³³. Зеро, судьяларни тайинлаш унинг мавқеининг бир қисми ҳисобланади, бу тавсия судья муваффақиятининг ҳам бошланғич босқичи ва ҳам кейинги ўсишига тааллуқли бўлади.

Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқ бўйича тамойиллар ва тавсиялар қуйидагиларни белгилайди:

«Судья лавозимига тайинлашда ягона мезон номзоднинг ушбу лавозимга муносиблиги юксак ахлоқий фазилатларга, тегишли тайёргарликка ёки маълумот ва лаёқатларга асосланган бўлиши керак».

Бундан ташқари, ушбу *Тамойиллар* номзод эга бўлиши лозим бўлган энг муҳим кўникмаларни белгилайди:

*«Ҳеч ким ўз функцияларини керакли тарзда бажариш имкониятини берувчи тегишли тайёргарликка ёки маълумотга эга бўлмаса, судья лавозимига тайинлана олмайди»*¹³⁴.

¹³¹ *Умумжаҳон судьялар хартияси*, юқорида белгиланган, 9-модда.

¹³² *Судьялар статутини учун Европа хартияси*, юқорида белгиланган, 2.1 резолютив параграф. Кейинги ўринларда Хартияда кўзда тутилишича, «Статут шундай шартларни кўзда тутдики, уларда суд вазифаларининг ўзига хос тарзда бажарилиши диплом олиш билан ёки иш тажрибаси мавжудлиги билан боғлиқ талаблар воситасида кафолатланади» (2.2 резолютив параграф).

¹³³ Европа Кенгаши, *R (94) 12 сонли тавсия*, юқорида белгиланган, I.2 тамойил.

¹³⁴ *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар*, А тамойили, 4 (i) ва (k) пп. Қоидаларда, шунингдек, камситмаслик ҳақидаги банд ҳам кўзда тутилган, аммо унда айрим истиснолар мавжуд: «Тегишли мезонларга жавоб берувчи ҳар қандай одамнинг номзоди судья лавозимига тайинлаш учун бирон бир белгига кўра, яъни ирқий аломатлари, терисининг ранги, этник келиб чиқиши, тили, жинси, гендер мансублиги, сиёсий ва бошқа қарашлари, дини, этниқоди, ногиронлиги, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши, иқтисодий ёки бошқа мақомига кўра камситишсиз кўриб чиқилиши керак. Айни пайтда давлат томонидан қуйидагиларнинг белгиланиши камситиш ҳисобланмайди: 1. Судья лавозимига номзод учун энг кам ёш ёки иш тажрибасининг кўзда тутилиши; 2. Суд мансабдор шахслари учун энг юқори ёки пенсия ёши ёки хизмат вазифаларини бажариш давомийлигининг кўзда тутилиши; 3. Суд тизимида судьялар, магистратлар ёки бошқа мансабдор шахслар эгаллаган даражага кўра энг юқори ёки пенсия ёши ёки хизмат вазифаларини бажариш давомийлигини ўзгартиришнинг кўзда тутилиши; 4. Фақат кўриб чиқилаётган давлат фуқаросигина судья лавозимига тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги талаб» (4.j тамойил).

Осиё-Тинч океани минтақасида амал қилувчи Пекин тамойилларида, шунингдек, фуқароликни аниқлаш тўғрисидаги қуйидаги қоида кўзда тутилган: «[С]удьяларни танлашда ирқий белгилари, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ва бошқа келиб чиқиши, оилавий аҳволи, жинсий мойиллиги, мулкий аҳволи, туғилиши ёки мақомига кўра камситишга йўл қўйилмайди, айти пайтда судьялик лавозимига номзод ушбу мамлакат фуқароси бўлиши кераклиги тўғрисидаги талаб камситувчи, деб ҳисобланмайди»¹³⁵.

Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари бошқа ҳужжатларда келтирилганга ўхшаш қоидаларни кўзда тутуди, фарқи шундаки, у ўз ичига суд тизимидаги тенгсизликни бартараф этиш мажбуриятини қамраб олган:

«Суд тизимининг барча даражаларида судьяларни тайинлаш касбий фазилатларга кўра амалга оширилиши ҳамда изчиллик билан гендер тенгсизлигини ва бошқа тарихий дискриминацион омилларнинг бартараф этилишини кўзда тутиши керак»¹³⁶.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бир неча бор судья лавозимига тайинлашда қўлланиладиган мезонларга мурожаат этган ва шундай қарорга келганки, судьялар ўз профессионал кўникмаларига кўра тайинланиши керак.

- Боливиянинг расмий маърузасини ўрганиб чиқиб, Қўмита шуни тавсия этдики, «судьяларни тайинлаш уларнинг сиёсий мансублигига кўра эмас, малакасига асосланиши керак»¹³⁷.
- Озарбайжон билан боғлиқ ҳолатда Қўмита давлатга «судьяларни тайинлашда ва йўналтиришда қўлланиладиган аниқ ва ошкора тартибларни [белгилаш], токи [...] суд тизимининг мустақиллиги ва холислиги таъминлашни»¹³⁸ тавсия этди.
- Қўмита Суданга нисбатан ўз хавотирини қуйидагича билдирди: «ҳам ташқи жиҳатдан, ҳам амалда суд тизими ҳақиқатан ҳам мустақил эмас, кўплаб судьялар, энг аввало, ўзининг юридик малакасига кўра танланмаган [...], ва фақат кам сонли мусулмон бўлмаган шахслар ва хотин-қизларгина барча даражалардаги суд лавозимларини эгаллайди». Шу муносабат била Қўмита «суд тизимининг мустақиллиги ва техник малакавийлиги билан боғлиқ вазиятни, шу жумладан, хотин-қизлар ва озчилик миллат вакиллари орасидан сайлаш орқали яхшилаш бўйича чора-тадбирларни кўришни» тавсия этди¹³⁹.

¹³⁵ LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти, юқорида белгиланган, 13 резолютив параграф.

¹³⁶ Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари, юқорида белгиланган, II.1 тамойил.

¹³⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Боливия бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 74, 34-п. Шунингдек, қаранг: Ливан бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 78, 15-п.

¹³⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Озарбайжон бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/73/AZE, 14-п.

¹³⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Судан бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 85, 21-п.

- Словакия билан боғлиқ ҳолатда Қўмита «судьяларнинг кейинчалик парламент томонидан тасдиқланиши орқали ҳокимият орқали тайинланиши тартибга солувчи амалдаги қоидалар суд ҳокимиятининг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин»лиги борасида ўз хавотирини билдирган ва «судьяларни тайинланиши, лавозимни эгаллаб туриши, лавозимдан бўшатилиши ва суд ҳокимияти вакиллариغا нисбатан интизомий ишлаб чиқаришни тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш орқали судьяларга сиёсий таъсир кўрсатишининг ҳар қандай шаклдан мустақиллигини кафолатловчи махсус чоралар» қабул қилишни тавсия этган¹⁴⁰.
- Молдова Республикаси билан боғлиқ ҳолатда Қўмита «судьяларнинг қисқа муддатга тайинланиши ва ундан сўнг улар ўзларининг лавозимида қолиш муддати узайтирилиши учун маълум талабларга жавоб бериши зарурлиги» борасида ўз хавотирини билдирган ҳамда ҳукуматга «қонунчиликни қайта кўриб чиқишни, ва шу орқали 14-модда, 1-бандига [ишнинг мустақил ва адолатли суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи тўғрисида] мувофиқ, уларнинг мустақиллигини таъминлаш учун судьяларнинг ўз лавозимларини эгаллаш муддатларининг етарли даражада давомийлигини кафолатлаш учун қонунчиликни қайта кўриб чиқишни» тавсия этган¹⁴¹.
- Парагвай ҳужжати таҳлил қилган ҳолда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита «Судьяларни, шу жумладан, Олий суд судьяларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан бўшатишни тартибга солувчи холис мезонлар йўқлиги» борасида ўз хавотирини билдирди¹⁴².

Ушбу мезонлар судлов функцияларини мамлакатларда ижро этадиган халқаро судьяларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бир қатор халқаро судьялар тайинланган Косоводаги вазиятни таҳлил қилган ҳолда, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита «халқаро судьяларнинг мустақиллигига оид етарли кафолатларнинг йўқлиги» борасида ўз хавотирини билдирди ва БМТнинг Косоводаги миссиясига «халқаро судьяларни ишга қабул қилиш, тайинлаш ва интизомий жавобгарлиги бўйича мустақил тартибларни ўрнатишни» тавсия этди¹⁴³. Қатар билан боғлиқ ҳолатда Қийноқларга қарши қўмита «аксарияти чет эл фуқароси бўлган судьялар фаолиятининг мустақиллигига таҳдид» борасида ташвишланишини билдирган. Зеро, фуқаролик ҳокимиятига хорижий судьяларга ушбу мамлакатда яшаш ҳуқуқини бериш топширилгани борасида Қўмита шуни қайд этдики, «ваколат муддати ҳимояланганлигига нисбатан ноаниқлик ҳисси, шунингдек, ҳокимият ваколатларига қарамликнинг пайдо бўлиши ва бунинг натижасида судьяларга босим ўтказилиши мумкин»¹⁴⁴.

¹⁴⁰ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Словакия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 79, 18-п.

¹⁴¹ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Молдова Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/МДА, 12-п.

¹⁴² *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Парагвай бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/ПР/СО/2, 17-п.

¹⁴³ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Косово (Сербия) бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/УНК/СО/1, 20-п.

¹⁴⁴ *Қийноқларга қарши қўмитанинг Қатар бўйича хулосалари ва тавсиялари*, БМТ ҳужжати САТ/С/ҚАТ/СО/1, 11-п.

Тайинлаш тартиби

Ушбу боб муқаддимасида таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқ судьяларни тайинлаш бўйича бирон бир ягона тартиб юзасидан андозани белгиламайди. Аммо қатор халқаро ҳужжатларда ушбу масалани кўриб чиқишда ҳисобга олиш лозим бўлган муайян талаблар кўзда тутилган. Хусусан, бу, ҳокимият бошқа тармоқларининг ролига ва уларни тайинлаш учун маъсул бўлган орган хусусиятига боғлиқ.

Умуман, судьяларни уларнинг ҳамкасблари ёки ижроия ва қонунчилик ҳокимиятидан мустақил бўлган орган тайинлаши мақсадга мувофиқ. Масалан, *Судьялар статути учун Европа хартиясида* қуйидагилар белгиланган: «Судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизматини ўташ ёки судья ваколатлари тугалланишига зарар етказувчи ҳар қандай қарорга нисбатан статут ярмидан кўпи судьялардан ташкил топган, худди шундай судьялар томонидан судьяларнинг кенг вакиллигини кафолатловчи тарзда сайланган ҳамда ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлган органнинг аралашуви кўзда тутилган»¹⁴⁵.

Ўз навбатида Европа Кенгаши тайинлаш тартиблари ва судьяларни танлаш учун маъсул бўлган орган бўйича батафсил йўл-йўриқларини баён этган:

«Судьяларни танлаш ва хизмат поғоналаридан ўсиши бўйича қарор қабул қилувчи орган ҳукумат ва маъмуриятдан мустақил бўлиши керак. Унинг мустақиллигини таъминлаш учун қоидалар, масалан, судьяларнинг судьялар корпуси томонидан танланиши ва ушбу орган томонидан унинг тартиб-қоидалари юзасидан мустақил қарор қабул қилинишини кўзда тутиши лозим»¹⁴⁶.

Айни пайтда Европа Кенгаши шуни тан оладики, айрим давлатларда судьяларнинг ҳукумат томонидан тайинланиши одатдаги амалиёт ҳисобланади ва ушбу амалиёт ҳимоянинг муайян механизмлари ишга солинган тақдирда суд тизимининг мустақиллигига зид келмайди. Бу борада Кенгаш қуйидагиларни уқтиради: «[...] конституция, қонунчилик ҳужжатлари қоидалари ёки аъналар судьяларнинг ҳукумат томонидан тайинланишига йўл қўйган ҳолларда, судьяларни тайинлаш тартиб-қоида(процедура)ларининг шаффофлиги ва амалий мустақиллигининг кафолатлари, шунингдек, қарорларининг юқорида тилган олинган объектив мезонлар билан боғлиқ бўлмаган турли омиллар таъсиридан ҳимояланганлиги мавжуд бўлиши керак»¹⁴⁷.

¹⁴⁵ *Судьялар статути учун Европа хартияси*, юқорида белгиланган, 1.3 резолютив параграф.

¹⁴⁶ *R (94) 12 сонли тавсия*, юқорида белгиланган, 1.2.с тамойил. Шунингдек, қаранг: *Умумжаҳон судьялар хартияси*: «[...] Бу қарор топган ва вақт синовидан ўтган аъналарга таянувчи бошқа усуллар билан таъминланмаган бўлса, сайлаш аксарияти судьялардан ташкил топган мустақил орган томонидан амалга оширилиши лозим».

¹⁴⁷ *R (94) 12 сонли тавсия*, юқорида белгиланган, 1.2.с тамойил, курсив қўшилган. Бундай ошкораликни таъминлаш учун ушбу тавсияда қатор мисоллар келтирилган: «Ҳукуматга амалий фаолиятда бажариши учун тавсиялар киритувчи махсус мустақил ваколатли органнинг тузилиши; ёки қарорлар устидан индивидуал тарзда мустақил органга шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши; ёки қарорларнинг асоссиз ёки ташқи таъсирдан ҳимояланишини таъминловчи органнинг тузилиши». Бу рўйхат тўлиқ эмас ва мисоллар бир-бирини инкор этмайди.

Ўз навбатида, Африка тамойиллари мустақил орган ғоясини қўллаб-қувватлайди, яъни унга судьяларни танлашда ишонч билдирилади, аммо бошқа органларнинг, жумладан, бошқа ҳокимият тармоқларининг, бу функцияни бошқа муайян талабларга риоя қилган ҳолда бажаришига ҳам йўл қўяди:

«Суд органларига тайинлаш жараёни ошкора ва ҳисоб берадиган бўлиши лозим; ушбу мақсадда мустақил органни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Суд органларига танлашнинг ҳар қандай усули суд тизимининг мустақиллиги ва холислигини кафолатлаши даркор»¹⁴⁸.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита амалиётида унинг судьяларни тайинлаш тарботига мурожаат этган ва унинг ошкоралигини янада оширишни тавсия этган ҳоллар кўп бўлган.

- Конго хусусида Қўмита «Пактнинг 14-моддаси, 1-бандига зид тарзда суд тизимининг мустақиллигига тажовузлар» мавжудлигидан ташвишда эканлигини билдирди ҳамда шунга эътиборни қаратдики, бундай мустақиллик «судьяларни тайинлаш ва лавозимидан олиш учун масъул қандайдир мустақил механизмнинг йўқлиги, шунингдек, босим ва тазйиқ ўтказиш ҳолларининг, жумладан, судьялар бўйсунадиган ижроия ҳокимияти томонидан тазйиқлар ўтказилиши ҳолларининг кўплиги билан чекланган эди». Қўмита Конго ҳукуматида «суд ҳокимияти мустақиллигини, жумладан, Одил судлов Олий кенгаши таркиби ва ишига ҳамда унинг амалдаги тузилмасига тегишли қоидаларни ўзгартириш йўли билан таъминлаш бўйича зарур чораларни қўллашни» тавсия этади¹⁴⁹.
- Лихтенштейн хусусида Қўмита ижроия ҳокимиятининг овоз бериш йўли билан судьяларни сайлаш жараёнига аралашуви суд тизимининг мустақиллигига путур етказиши, деб ҳисоблайди¹⁵⁰.
- Тожикистон хусусида, Қўмита «судьяларни сайлаш ва лавозимидан тушириш жараёнида суд ҳокимияти мустақиллигининг йўқлиги яққол кўриниб тургани»дан ташвишда эканлигини ифодалар экан, Тожикистон ҳукуматида «барча даражалардаги судьяларни тайинлаш, мансабда ўсиши ва интизомий жавобгарлиги учун масъул мустақил

¹⁴⁸ Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар, юқорида белгиланган, А тамойили, 4 (h) п. Шунингдек, қаранг: Пекин тамойиллари, 13–17 тамойиллар, ва Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари, юқорида белгиланган, II.1 тамойил.

¹⁴⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Конго бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 118, 14-п. Кейинчалик қўмита шундай фикр билдиради: «судьяларни уларни танлаб олиш ва интизомий жавобгарликка тортишни назорат қилувчи тизимга тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керакки, бу уларни сиёсий, молиявий ва бошқа турдаги тазйиқлардан холос этиш, улар ваколатлари муддатларининг ҳимояланганлигини таъминлаш ва уларга одил судловни тез ва холис амалга оширишга имкон бериш учун керак. Бунинг учун у иштирокчи давлатга таъсирчан чораларни кўриш ва иложи борича кўпроқ сондаги судьяларни тегишли тарзда тайёрлаш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширишни таклиф этади».

¹⁵⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Лихтенштейн бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/81/Л/Е, 12-п.

органи таъсис этиш йўли билан суд тизимининг тўлиқ мустақиллиги ва холислигини кафолатлаш»ни тавсия этади¹⁵¹.

- Гондурас тақдим этган маърузани таҳлил қилар экан, Қўмита «суд тизимининг мустақиллигини ҳимоя қилиш ва лавозимга тайинлаш, мансабда ўсиши ва касбни қатъий белгилаш учун мустақил орган тайинланмаганлиги»дан ташвишда эканлигини билдирди ҳамда бундай органи «зудлик билан» ташкил этишни тавсия қилади¹⁵².

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам суд мустақиллиги ва холислиги судьяларнинг тайинланиши усули оқибатида шубҳа остида бўлганлигига тўқнаш келган.

- *Инжал Туркияга қарши* ишида Суд жаноб Инжалга нисбатан ҳукм чиқарган трибуналнинг холислиги масаласини ҳал этиши керак эди. Ҳимоячининг таъкидлашича, ҳарбий зобитнинг иштироки унинг мустақил трибунал томонидан суд қилинишига бўлган ҳуқуқини поймол этди, чунки тилга олинган судья ижро ҳукуматига бўйсунди. Европа Суди шундай қарорга келди: «Муайян ҳолатда ҳаттоки зоҳирий жиҳат ҳам маълум даражада муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ҳақиқий ролни эса судлар демократик жамиятда жамоатчиликда, биринчи галда, айбланувчида уйғотадиган ишонч ўйнайди, ваҳоланки сўз жиноий судлов ҳақида бормоқда [...]. Муайян судда мустақиллик ва холислик йўқлигидан хавотирланиш учун кескин асослар борлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқишда айбланувчининг нуқтаи назари ҳал қилувчи бўлмаса-да, муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилувчи аҳамиятга эса унинг шубҳалари қанчалик объектив тарзда ўринли, деб ҳисобланиши эга». Суднинг хулосасига кўра, жаноб Инжалнинг «хавотирлари ўринли бўлиши мумкин эди, чунки Измир миллий хавфсизлиги суди судьяларидан бири ҳарбий судья бўлиб, иш моҳиятига ҳеч қандай дахлдор бўлмаган мулоҳазалар судга таъсир кўрсатиши мумкин эди (бунга эса йўл қўйиб бўлмайди), шу муносабатда у «суднинг [...] мустақиллиги ва холислигидан шубҳаланишга жиддий асос мавжуд бўлган»¹⁵³.

¹⁵¹ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Тожикистон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/84/ТЖК, 17-п. Қийноқларга қарши қўмита «суд тизимининг мустақиллиги ва самарадорлигининг номуносиб даражаси ҳусусида бундай хавотирликни билдиради, чунки судьялар Президент томонидан тайинланади ва озод этилади». Қаранг: *Қийноқларга қарши қўмитанинг Тожикистон бўйича хулосалари ва мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати САТ/С/ТЖК/СО/1, 10-п.

¹⁵² *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Гондурас бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/ННД/СО/1, 16-п.

¹⁵³ *Инжал Туркияга қарши*, юқорида белгиланган, 71–73-пп. Шунингдек қаранг: *Сахинер Туркияга қарши*, ИҲЕСнинг 2001 йил 25 сентябрдаги қарори, 2001-IX серияси, 45–46-пп. Унда Суд кўрсатмасига кўра, «маъзур ишдаги каби, суд таркибига ўз мажбуриятлари ва хизмат юзасидан тарафлардан бирига нисбатан бўйсунувда бўлган одамлар кирган бўлса, айбланувчилар ушбу шахсларнинг мустақиллиги ҳусусида асосли шубҳаларга эга бўлиши мумкин. Бундай вазият судлар демократик жамиятда оқлаши керак бўлган ишончга жиддий таъсир кўрсатади». Суд хулоса қиладики, ҳарбий-дала суди томонидан давлатнинг конституцион тузумини кўпоришга уринишда айблаб судланган жаноб Сахинер «ишнинг иккита ҳарбий судья ҳамда ҳарбий ҳолат шароитида командир ваколатларига эга бўлган армия зобитларидан таркиб топган коллегия томонидан ўтказиладиган суд томонидан кўрилишидан хавотирланишга кескин асосларга эга бўлиши мумкин эди. Мустақиллиги ва холислиги шубҳа остига олинмаган иккита фуқаролик судьялари ҳам шу судда қатнашаётганлиги вазиятни ўзгартирмайди».

■ *Лауко Словакияга қарши* ишида Судга маҳаллий маъмурият Лаукога жарима солганда, туман маъмурияти эса жаримани тасдиқлаганда, унинг ишининг судда адолатли кўриб чиқилишига ҳуқуқи поймол этилган ёки этилмаганлигини аниқлаш талаб қилинди. Суднинг таъкидлашича, маҳаллий маъмурият ва туман маъмуриятининг вазифаларига «ҳукумат назорати остида маҳаллий давлат бошқарувини амалга ошириш киради», «ушбу органлар бошлиқларини тайинлаш ижроия ҳукумати органлари томонидан назорат қилинади, уларнинг ходимлари билан тузиладиган меҳнат шартномалари Меҳнат кодекси билан тартибга солинади ҳамда улар штатдаги ходимлар мақомига эга бўлади». Суднинг хулосасига кўра, «маҳаллий ва туман маъмурияти ходимларини тайинлаш тартиби, ташқи босимга қарши ҳеч қандай кафолатларнинг ҳамда мустақилликнинг ҳеч бир ифодаси йўқлиги шуни яққол кўрсатиб турибдики, ушбу органлар Конвенция 6-моддасининг 1-параграфи (ишининг судда адолатли кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқ ҳақида) мазмунига кўра, ижроия ҳокимиятидан «мустақил» деб ҳисобланиши мумкин эмас». Суднинг фикрича, «майда ҳуқуқбузарлик учун жинойи таъқиб ва жазолашни маъмурий органларга юклатиш Конвенцияга зид эмас; бунда шуни таъкидлаш жоизки, шахс 6-моддага мувофиқ кафолатларни берган судда ўзига нисбатан қабул қилинган ҳар қандай қарорга қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўлиши керак». Суд, жаноб Лауконинг ишни судда адолатли кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқи бузилган, деб ҳисоблади, чунки у «қарорга қарши мустақил ва холис судга шикоят билдириш имкониятига эга бўлмади [...], чунки унинг шикояти, кўрилатган майда ҳуқуқбузарлик судлар юрисдикциясига кирмаслигига асосланиб, Конституциявий Суд томонидан рад этилди»¹⁵⁴.

Судьяларни тайинлаш борасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди «ҳокимиятни тақсимлашнинг асосий мақсадларидан бири — судьялар мустақиллигини кафолатлашдир, шу муносабатда турли сиёсий тизимлар судьяларни тайинлашнинг ҳам, уларни лавозимидан олишнинг ҳам қатъий тартиботларини ишлаб чиққан», деб қарор қилди ҳамда «ҳар қандай судьянинг мустақиллиги уни тайинлашга боғлиқ муайян жараённи, лавозимда ишлашнинг қатъий белгиланган муддатини ва ташқи таъйиқлардан ҳимоя кафолатларини назарда тутди» деб таъкидлайди¹⁵⁵.

Халқ овоз бериши воситасида сайлаш

Баъзи бир мамлакатларда судьяларни умумий овозга қўйиш йўли билан сайлаш қабул қилинган. Бу, анча демократик кўрингани, тегишлича, ваколатли орган томонидан тайинлашга қараганда анча ошқора туюлгани билан, бевосита ўтказиладиган сайловлар танланган номзодларнинг касбий лаёқати юзасидан кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Америка Қўшма Штатларининг айрим штатларида шундай амалиётга дуч

¹⁵⁴ *Лауко Словакияга қарши*, ИХЕСнинг 1998 йил 2 сентябрдаги қарори, 1998-IV се-рияси, 64-п.

¹⁵⁵ *ИХАС, Конституциявий суди иши*, юқорида белгиланган, тегишлича 73 ва 75-пп.

келганида, «баъзи бир штатларда судьяларни сайлашнинг ҳозирги ушбу тизимнинг Пактнинг 14-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга (ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўрилишига бўлган ҳуқуқ) риоя этилишига кўрсатадиган таъсири» хусусида ташвишга тушаётганини билдирди ҳамда «бир қатор штатларнинг касбий малакага асосланган тизимни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари»ни маъқуллади. Бундан ташқари, Қўмита «сайловлар йўли билан судьяларни тайинлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва уни малакага асосланиб мустақил орган томонидан тайинлаш тизимига алмаштириш»ни тавсия этди¹⁵⁶.

Судьялар касбий малакасига қараб ҳамда ошқора тартибот асосида тайинланиши керак. Халқаро андозалар судьяларнинг ижроия ёки қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайинланишини тақиқламаса-да, уларни танлаб олишни мустақил органга ишониб топшириш мақсадга мувофиқ. Зеро, сиёсий қарашлар мазкур тартибда ҳеч қандай роль ўйнамаслиги даркор. Судьяларнинг тайинланиши учун қайси орган жавоб беришидан қатъи назар, судьяларни тайинлаш натижаси доимо судья лавозимига тайинланадиган номзодларда зарур кўникмалар ва мустақиллик борлигини кафолатлаши лозим.

¹⁵⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Америка Қўшма Штатлари бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 50; А/50/40, 266–304-пп., 288 ва 301-пп. Шунингдек қаранг: Қўмитанинг Арманистон бўйича якуний хулосалари, унда таъкидланишича: «Суд тизимининг мустақиллиги тўлиқ кафолатланмаган. Хусусан, Қўмита, судьяларнинг халқ овози билан қатъий белгиланган энг кам 6 йиллик муддатга сайланиши уларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминламайди» деб қайд этади. БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 100, 8-п.

6. Лавозимда бўлиш муддатлари ва мансабда кўтарилиш

Шарҳ

Судьялар ўз мустақиллигини сақлаб қолишининг асосий шартларидан бири, лавозимни эгаллашнинг муайян муддатини кафолатлашдир. Лавозимда узоқ муддат ишлаши кафолатланмаган судьяларга ҳар хил таййиқлар қилиниши, асосан, бу муддатни узайтириш ваколатига эга бўлганлар томонидан турли босимлар ўтказилиши мумкин. Ушбу муаммо, айниқса, ижроия ҳокимияти судьяларни танлаб олиш ва тайинлашда муҳим роль ўйнайдиган мамлакатларда кескиндр. Бу мамлакатларда судьялар ўз лавозимларида қолишлари учун турли сиёсий босимлар ва таййиқлар остида қолишлари ва шу тариқа ўз мустақиллигига путур етказишлари мумкин.

Судьялар мустақиллигини кафолатлашнинг бошқа усули — уларнинг мартабаси кўтарилишининг аниқ тизимини белгилаб қўйишдир. Мазкур соҳада судьяларнинг омилкорлиги ва мавқеига асосланган тизимлар мақбул ҳисобланади. Қандай тизим танланишидан қатъи назар, давлатлар судьяларнинг мустақил орган томонидан белгиланадиган объектив мезонларга мувофиқ, хизматда мунтазам ўсишини таъминлаши даркор.

Лавозимда бўлиш муддатларига оид халқаро андозалар

Суд тизимининг мустақиллигига тегишли халқаро андозалар судьяларнинг иш шароитлари ва судья лавозимида ишлаши муддатларига оид бир қатор талабларни белгилайди. Масалан, *БМТ Асосий тамойилларида* кўрсатилишича, давлатлар ўз қонунчилигида лавозимда ишлаш шароитларини ва лавозимни эгаллаш муддатларини кафолатлаши шарт: «Судьяларнинг ваколатлари муддати, уларнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, тегишли ҳақ олиши, хизмат шароитлари, пенсияси ҳамда пенсияга чиқиш ёши тегишли тарзда қонун билан кафолатланиши лозим»¹⁵⁷. Бевосита лавозимни эгаллаш кафолатлари ҳақида гапириладиган бўлса, *Тамойилларда* белгиланганки, «[т]айинланадиган ёки сайланадиган судьяларнинг ваколатлари муддати пенсияга мажбурий чиқиш пайтигача ёки ваколатлари тугайдиган муддатгача кафолатланади»¹⁵⁸. Ушбу қоида умрбод тайинлаш (албатта, судьяларнинг ўз функцияларини лозим тарзда бажара олиши шарти билан) мақбул эканлигига шаъма қилмаса-да, лавозимни умрбод эгаллаш суд мустақиллиги ҳимоясини таъминлайди.

Лавозимда умрбод бўлиш *Латимер-Хаус бошқарув тамойилларида* назарда тутилган бўлиб, уларда лавозимга умрбод тайинлаш меъёр ҳисобланиши кераклиги белгилаб қўйилган. Амалдаги тамойилларда, шунингдек, баъзи бир мамлакатларда судьялар лавозимга вақтинчалик муддатга тайинланиши ҳам тан олинади. Бироқ, бунда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш

¹⁵⁷ *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари*, 11-тамойил. Европа Кенгашининг *R (94) 12 сонли тавсиясининг* 1.3 тамойили билан бир хил.

¹⁵⁸ Ўша жойда, 12-тамойил.

учун лавозимда бўлиш муддатларига оид умумий шартлар талабларига риоя этилиши лозим¹⁵⁹. Худди шу сингари, *Умумжаҳон судьялар хартияси* ҳам «судья умрбод тайинланиши, ёки суд ҳокимиятининг мустақиллигига ҳеч нарса хавф солмайдиган даврга ва шартларда тайинланиши лозим», деб белгилаб қўйган¹⁶⁰.

Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар белгилаб қўйилганки: «Судьялар ёки суд органлари аъзоларининг ўз лавозимида туриши пенсияга сўзсиз чиқиш ёшига етгунча ёки ваколатлари муддати тугагунча кафолатланган бўлиши керак», «судга оид мансабдор шахсларнинг лавозимда бўлиши муддати, муносиб ҳақ олиши, пенсия миқдори, уй-жой ва транспорт билан таъминланиши, жисмоний ва ижтимоий хавфсизлиги, пенсия ёши, интизомий механизмлар, шикоят бериш механизмлари ва улар хизматининг бошқа шартлари қонунда белгиланган ва кафолатланган бўлиши лозим»¹⁶¹. *Африка тамойилларида*, шунингдек, лавозимга вақт бўйича чеклаб тайинлаш ҳам аниқ баён қилинган, яъни уларда кўрсатилишича, «судга оид мансабдор шахслар муддатли меҳнат шартномаси асосида тайинланмаслиги керак»¹⁶².

Пекин тамойилларида ҳам, «судьяларнинг лавозимда туриши муддатлари кафолатланган бўлиши керак» деб қайд этилган. Аммо, *Тамойилларда* эътироф этилишича, турли тизимларда «судьяларнинг лавозимни эгаллаши муддати мунтазам равишда халқ овоз бериши ёки бошқа расмий тартибот билан тасдиқланиши даркор». Бундай ҳолларда, «битта юрисдикциядаги барча судьяларни улар муайян ёшга етганда тугайдиган муддатга тайинлаш» тавсия этилади¹⁶³.

Лавозимни эгаллаш муддатларига таъсир қилувчи тартиботлар

Судьяларнинг лавозимда бўлиши муддатларига таъсир қилувчи энг кенг тарқалган тартиботлардан бири — «муваққат судьялар»ни тайинлашдир, улар лавозимда бўлиш муддатлари ҳимоясидан фойдаланмайдилар ҳамда исталган пайтда ҳеч қандай тўсиқларсиз лавозимдан олиниши ёки четлаштирилиши

¹⁵⁹ *Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари*, юқорида белгиланган, II.1 тамойил: «Судьялар, қоида тариқасида, муддатсиз тайинланиши керак; шунга қарамай, баъзи бир юрисдикцияларда судьялар муқаррар контракт асосида тайинланиши мумкин, бунда лавозимни эгаллаш муддатларининг ҳимояси муносиб тарзда таъминланиши даркор.

¹⁶⁰ *Умумжаҳон судьялар хартияси*, юқорида белгиланган, 8-модда. Худди шу моддада пенсияга чиқиш ҳақидаги қоида ҳам бор: «Суд ходимлари пенсияга сўзсиз чиқадиган ёшнинг ҳар қандай ўзгариши тескари кучга эга бўлмаслиги лозим».

¹⁶¹ *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар*, юқорида белгиланган, А тамойили, 4 (l) ва (m) пп.

¹⁶² Ўша ерда, А тамойили, 4 (n) 3 п.

¹⁶³ *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, юқорида белгиланган, 18–20 резолютив параграфлар. Шунингдек, қаранг: 21 резолютив параграф, унда таъкидланишича, «лавозимни эгаллаш муддатлари суд лавозимда бўлган пайтда унга зарар етказадиган тарзда ўзгартирилмаслиги керак».

мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиясининг фикрича, бундай судьяларни тайинлашнинг муддатли хусусияти «шуни назарда тутадими, уларнинг ҳаракат эркинлиги муайян шарт-шароитлар билан чеклаб қўйилмасди, улар ўзларини бошқа суд тизими ёки ташқи манбаларнинг аралашуви ёки босимдан ҳимояланганлигини ҳис қилмайдилар»¹⁶⁴. Ушбу масала бўйича Қўмита шуни кўрсатдики, «муваққат судьялар сонининг кўплиги фуқароларнинг муносиб одил судловга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, судьяларнинг судлар мустақиллиги ва автономлиги кафолати сифатида ўз лавозимини барқарор эгаллашга бўлган ҳуқуқи учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради»¹⁶⁵.

Судьяларнинг лавозимда бўлиши муддатларига тажовуз усулларидан яна бири—уларнинг ректификациядан, яъни уларнинг қанчалик лавозимда қолишлари мумкинлигини аниқлаш учун вақти-вақти малака синовидан ўтишларидир.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Перу маърузасини таҳлил қилишда ректификация тартиботини тилга олади. Қўмита шуни афсусланиб қайд этадики: «судьялар етти йил ўтгандан кейин истеъфога чиқадилар ҳамда лавозимга қайта тайинланиш учун ректификациядан ўтишлари керак бўлади; лавозимни эгаллашни кафолатлаш рад этилгани туфайли бундай амалиётнинг суд тизими мустақиллигига таъсир қилиши жуда юқори». Қўмита «судьяларга қўйиладиган қайта аттестациядан ўтиш ҳақидаги талабни қайта кўриб чиқишни ҳамда судьяларнинг лавозимни кафолатли эгаллашини таъминлайдиган тизим билан алмаштиришни, ушбу тартибот устидан мустақил суд назоратини ўрнатиш»ни тавсия этади¹⁶⁶.
- Литва хусусида Қўмита «туман судлари судьялари шу пайтгача беш йилдан сўнг лавозимга доимий тайинланиш учун ижро ҳокимияти томонидан баҳоланиши зарур», деб кўрсатди ҳамда «бундай ҳар қандай баҳолаш жараёни фақат суд компетенциясига дахлдор бўлиши ва фақат мустақил профессионал орган томонидан олиб борилиши»ни тавсия қилди¹⁶⁷.
- Вьетнам хусусида Қўмита «судьяларни танлаш тартиботи, шунингдек лавозимни эгаллашнинг кафолатланган муддатлари йўқлиги» бўйича ўз ташвишларини баён этди, зеро судьялар фақат тўрт йилга

¹⁶⁴ *Венесуэлада инсон ҳуқуқлари бўйича вазият ҳақида ҳисобот*, АДТ ҳужжати ОЕА/Ser. L/V/II.118, Doc. 4 rev. 2, 2003 йил 29 декабрь, 159-п.

¹⁶⁵ Ўша ерда, 160-п., ҳамда комиссиянинг «Венесуэлада аксарият судьяларнинг лавозимни вақтинчалик эгаллаши суд тизими мустақиллигининг мажбурий шарт бўлмиш лавозимни барқарор эгаллашга салбий таъсир кўрсатиши» ҳақидаги хулосаси, 540-п. Шунингдек, қаранг: *Перуда Инсон ҳуқуқлари бўйича вазият ҳақидаги иккинчи ҳисобот*, АДТ ҳужжати ОЕА/Ser. L/V/II.106, Doc. 59 rev., 2000 йил 2 июнь, 14–15-п.

¹⁶⁶ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Перу бўйича якуний мулоҳазалари*, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг Ҳисоботи, I том, GAOR A/51/40, 352 ва 364-п.

¹⁶⁷ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Литва бўйича якуний хулосалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 87, 16-п. Шунингдек, қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Озарбайжон бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/73/AZE, 14-п., унда Қўмита «судьяларнинг лавозимини эгаллаш муддатлари ҳимояланмаганлиги» хусусида ташвишга тушаётганини билдирган.

тайинланади. Бу омиллар ҳамда судьялар учун жиддий оқибатларни келтириб чиқарадиган интизомий чораларнинг қўлланилиши уларнинг сиёсий босимга бардош беролмаслигига олиб келади ҳамда уларнинг мустақиллиги ва ҳолислигига катта хавф солади¹⁶⁸.

- Қирғизистон тақдим этган маърузани кўриб чиқиш натижалари бўйича Қўмита шундай фикр билдиради: «судьялар учун қўлланиладиган аттестация тартиботи, ҳар етти йилда баҳоланишдан ўтиш ҳақидаги талаб, иш ҳақи миқдорининг камлиги ҳамда лавозимни эгаллаш муддатларининг ноаниқлиги коррупция ва порахўрликнинг ривожланишига олиб келиши мумкин»¹⁶⁹.
- Ўзбекистон хусусида Қўмита яна «суд тизими тўлиқ мустақил эмаслиги ҳамда судьялар ижро ҳоқимияти томонидан ҳар беш йилда тайинланиши лозимлиги»ни таъкидлайди¹⁷⁰.
- Қийноқларга қарши қўмита судьяларни қисман бандлик билан тайинлаш мумкинлиги масаласини кўриб чиқиб, бу борадаги эътирозларини билдирди, чунки бу «судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигига хавф солади»¹⁷¹.

Мансабда кўтарилиш

Судьяларнинг лавозимда бўлиши муддатларига тегишли яна бир жиҳат мансабда кўтарилишга таъсир қилувчи омилларга боғлиқ. Мазкур ҳолда судьяларни тайинлашни тартибга солиш мезонлари қўлланилади, яъни улар ҳолис бўлишлари керак. Масалан, *БМТ Асосий тамойилларида* шундай белгиланган:

*«Судьяларни лавозимда кўтариш тизими мавжуд бўлганда, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобилиятлари, маънавий фазилятлари ва тажрибаси асосида амалга оширилиши даркор»*¹⁷².

Пекин тамойилларида ҳам шунга ўхшаш таърифлар бор, ammo унга омиллардан бири сифатида мустақиллик киритилган: «Судьяларнинг хизматда кўтарилиши чуқур билим, ҳалоллик, мустақиллик ва тажриба каби омилларни ҳолис баҳолашга асосланиши лозим»¹⁷³.

¹⁶⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Вьетнам бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/VNM, 10-п.

¹⁶⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Қирғизистон бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/69/KGZ, 15-п.

¹⁷⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Ўзбекистон бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/83/UZB, 16-п.

¹⁷¹ Қийноқларга қарши қўмитанинг Гайана бўйича хулосалари ва тавсиялари, БМТ ҳужжати САТ/С/GUY/СО/1, 17-п.

¹⁷² БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари, юқорида белгиланган, 13-тамойил. Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойилларнинг А тамойили, 4 (о) параграфи худди шундай.

¹⁷³ LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти, юқорида белгиланган, 17 резолютив параграф.

Судьялар статути учун Европа хартияси судьяларни хизматда кўтаришнинг иккита тизимини белгилайди: бир тарафдан, бу лавозимнинг юқорилигига асосланган тизим бўлиб, унга кўра, судьялар лавозимда муайян муддат ишлагандан кейин лавозимда кўтарилади (агар улар аввалгидек ўз касбий вазифаларини бажара олса); бошқа томондан, малакага асосланган кўтарилиш тизимида ирқи, жинси, диний ёки сиёсий қарашлари каби омиллар эътиборга олинмаслиги лозим. Хулосавий параграфда шундай дейилади: «Агар судьяларни хизматда кўтариш меҳнат стажига асосланмайдиган бўлса, у фақат судьяга топширилган вазифаларни бажаришда кузатилган, бир ёки бир нечта судьялар томонидан баҳо берилган фазилатлар ва хислатларига асосланади ҳамда манфаатдор судья томонидан муҳокама этилади. Мансабда кўтариш ҳақидаги қарор пунктнинг 1.3 бандида тилга олинган [ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлган, таркибининг камида ярмиси ўз ҳамкасблари томонидан сайланган судьялардан ташкил топган] орган томонидан унинг таклифи ва розилиги билан чиқарилади. Мансабда кўтариш учун номзоди кўрсатилмаган судья ушбу органга шикоят бериш имконига эга бўлиши керак¹⁷⁴.

Судьяларнинг лавозимда бўлиши кафолатлари судья мустақиллигини қўллаб-қувватлашнинг муҳим кафолатидир. Судьяларни мансабда кўтариш ҳақидаги қарорлар уларни тайинлаш хусусидаги қарорлар билан бир хил объектив мезонларга асосланиши ҳамда ошкора ва адолатли тартиблар натижасида қабул қилиниши лозим.

¹⁷⁴ *Судьялар статути учун Европа хартияси*, юқорида белгиланган, 4.1. резолютив параграф.

7. Жавобгарлик

Шарҳ

Судлар мустақиллиги муҳим кафолат бўлса-да, аммо, у шунингдек, судьяларнинг ахлоқий меъёрларга зид хатти-ҳаракатлари учун ниқоб сифатида хизмат қилиши ҳам мумкин¹⁷⁵. Судьялар учун аниқ хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш мақсадида айрим мамлакатлар Суд ахлоқи кодексларини қабул қилган¹⁷⁶. Баъзи ҳолларда ушбу кодекслар лойиҳалари судьяларнинг ўзи томонидан тайёрланган бўлса, бошқаларда уларга ҳукумат ўз ҳиссасини қўшган. Халқаро соҳада *Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойиллари* судьяларнинг хулқ-атворини белгилаб берадиган қадриятларни умумлаштирган. Ушбу қадриятлар кўплаб кодексларда ўз аксини топган бўлиб, мустақиллик, холислик, ҳалоллик, тенглик, андишалилик, билимлилик ва масъулиятлилик каби фазилатларни ўз ичига олади. Судьяларнинг номақбул ахлоқи туфайли лавозимдан бўшатиш, одатда, мана шу тамойилларга асосланиши керак.

Касбий функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳамда аниқ қоидаларга асосланган суд жавобгарлигини судьялар хусусий шахс сифатида йўл қўйишлари мумкин бўлган оддий жиноятлар учун жавобгарликдан фарқлай олиш керак, зеро, уларга нисбатан ҳам барча учун бир хил бўлган меъёрлар қўлланилади.

Халқаро жавобгарлик андозалари

Қоида тариқасида, судьялар жиддий ножўя ҳаракат, интизомий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик ёки ўз вазифаларини бажара олмайдиган даражадаги лаёқатсизлик учун лавозимдан озод қилинишлари мумкин. Судьяларни лавозимдан озод қилиш фақат адолатли тартибот ҳаракатларидан кейин амалга оширилиши керак. Судьялар қасддан қилинмаган хатолар¹⁷⁷, ёки қонуннинг қандайдир талқинига қўшилмаганлиги учун лавозимдан четлаштирилиши ёки жазоланиши мумкин эмас¹⁷⁸.

¹⁷⁵ Суд тизимидаги коррупция ҳақид Ричард Дж. Скоттнинг «Суд коррупциясини назорат қилиш учун ахлоқ» деб номланган асарида муҳокама қилинган, *Суд мустақиллигини кучайтириш, Суд коррупциясини бартараф этиш*, САММ йилномаси 2000, 117-бет.

¹⁷⁶ Масалан, қаранг: *Америка Қўшма Штатлари судьяларининг хулқ-атвор кодекси ҳамда Перу суд тизими учун ахлоқ кодекси* (Código de Ética del Poder Judicial del Perú).

¹⁷⁷ Қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Вьетнам бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/VNM, 10-п. Унда Қўмита «судьяларни танлаб олиш тартиботлари, шунингдек уларнинг лавозимни эгаллаши муддатлари кафолатланмаганлиги (фақат ўрт йилга тайинланиши), суд қарорларини қабул қилишда хатога йўл қўйганда интизомий жазога тортилиши мумкинлиги қонунда назарда тутилганлиги»дан таъвишда эканлигини билдиради. Бундай ҳолатлар судьяларнинг сиёсий тазйикдан ҳимояланмаганлигини келтириб чиқаради ҳамда уларнинг мустақиллиги ва холислигини хавф остига қўяди.

¹⁷⁸ Қаранг: *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойилларининг 16-тамойили*. Унда белгиланишича, «Судьялар миллий қонунчиликка мувофиқ қандайдир интизомий тартибот ёки давлат томонидан апелляция ёки компенсация берилишига боғлиқ ҳеч қандай ҳуқуқсиз, судья функцияларини бажаришда нотўғри хатти-ҳаракатлари билан етказган молиявий зарар учун суд таъқибига қарши шахсий иммунитетдан фойдаланишлари керак». Бундай мазмундаги қоидаларни *Пекин тамойилларининг* 32 резолютив параграфидида ҳамда *Умумжаҳон судьялар хартиясининг* 10-моддасида ҳам топиш мумкин.

Давлатлар судьяларни лавозимдан четлаштириш учун қатъий асосларни ва бунинг учун тегишли тартиботларни аниқ белгилаб бериши лозим. Судьянинг у ёки бу хатти-ҳаракати ёки унинг қобилиятлари уни лавозимдан озод қилиш учун қанчалик асос бўла олиши масаласи мустақил ва холис орган томонидан адолатли муҳокамадан сўнг ҳал этилиши даркор.

БМТнинг асосий тамойилларида судьялар учун интизомий жавобгарлик ҳамда уларни лавозимдан озод қилиш ҳақида бир қатор қоидалар бор. 17-тамойилда белгиланганидек: «Судья ўз суд ва касб вазифаларини бажараётганда, судга устидан келиб тушган айблов ёки шикоят кечиктирилмасдан ва холис тарзда тегишли тартиботга мувофиқ кўриб чиқилиши керак. Судья бунга жавоб бериш ва ишнинг адолатли кўрилиши ҳуқуқига эга. Шикоятни кўриб чиқиш, агар судья бошқача илтимоснома билан мурожаат қилмаса, дастлабки босқичда махфий олиб борилиши даркор». 18-тамойилда лавозимдан озод қилиш учун йўл қўйиладиган мезонлар баён қилинган:

«Судьялар фақат улар ўз вазифаларини бажара олмай қолгани ёки уларнинг ўз лавозимига зид келадиган хулқ-атвори учун лавозимдан вақтинча четлаштирилиши мумкин»¹⁷⁹.

Бундан ташқари, *БМТ Асосий тамойилларида* судьяларга интизомий қарорларга қарши эътироз (протест) билдириш имконини берадиган қонунчиликни қабул қилиш мажбуриятини юклайди. 20-тамойилга кўра, «интизомий жазо қўллаш, лавозимдан четлаштириш ёки ишдан бўшатиш ҳақидаги қарорлар мустақил текширув предмети бўлиши лозим»¹⁸⁰.

Таъкидлаш жоизки, Европа Кенгашининг судлов тизими мустақиллиги бўйича тавсияларида судьяни амалдан тушириш асослари ҳақида аниқ қоидаларга таъриф берилган:

«Тайинланадиган судьялар пенсияга чиқиш ёшига етмасдан фақат қатъий асослар билангина лавозимдан туширилиши мумкин. Бундай асослар — улар аниқ қонун билан белгилаб қўйилиши керак — судьялар муайян вақтга сайланадиган давлатларда қўлланилиши ёки судьяларнинг ўз функцияларини бажаролмай қолиши, жиноий ҳуқуқбузарликларни содир эканлиги ёки интизомий меъёрларни жиддий бузганлиги билан белгиланиши мумкин»¹⁸¹.

¹⁷⁹ Шунингдек, қаранг: *БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойилларининг* 19-тамойили. Унда белгиланишича: «Жазолаш, лавозимдан четлаштириш ва ишдан бўшатишнинг барча тартиботлари белгиланган судга оид хулқ-атвор қоидаларига мувофиқ белгиланиши лозим». *Пекин тамойилларининг* 27 резолютив параграфида ҳам худди шундай тартиб назарда тутилган.

¹⁸⁰ 20-тамойил бундай талабни алоҳида ҳолларда, яъни «олий суд қарорлари ёки импичмент тартибида ёки шунга ўхшаш тартиботга риоя қилинган ҳолларда ишларни кўриб чиқишда қонунчилик органлари қарорлари»га нисбатан истисно этади.

¹⁸¹ *R (94) 12 сонли тавсия*, юқорида белгиланган, VI.2 тамойил. Тавсия шунингдек лавозимдан озод қилишни истисно этадиган бошқа санкцияларни ҳам ўз ичига олади: «Судьялар ўз вазифаларини самарасиз ҳамда номуносиб тарзда бажараётган ёки интизомий ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётган бўлса, суд органлари мустақиллигига зарар етказмайдиган зарур чоралар кўрилиши лозим. Ҳар бир давлатнинг конституциявий тамойиллари, юридик тартиб-қоидалари ва анъаналаридан келиб чиқиб бундай чоралар, масалан, қўйиладиганларни ўз ичига олиши мумкин: а) ишларни судьядан олиб қўйиш; б) судьяни суддаги бошқа ишга ўтказиш; с) моддий жазо чоралари, масалан, маошини камайтириш; д) лавозимдан вақтинчалик четлаштириш» (VI.1 тамойил).

Бундан ташқари, Европа Кенгаши лавозимдан тушириш тартиботига аниқ талабларни, хусусан, суд тизими томонидан назорат қилинадиган алоҳида орган тузиш ва судьяларга барча процессуал кафолатларни беришни белгиллаган:

«Мазкур модданинг 1 ва 2-моддаларида назарда тутилган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, агар булар билан суд шуғулланмаса, давлатлар қонун асосида махсус ваколатли органни таъсис этиш масаласини кўриб чиқиши лозим, бу органнинг қарорлари юқори турувчи суд инстанциялари назорати остида бўлиши керак. Юқори турувчи суд инстанциясининг ўзи ҳам шундай орган бўлиши мумкин. Қонунда бундай судьялар учун, ҳеч бўлмаганда, Конвенция билан белгиланган муносиб ҳуқуқий тартиботга риоя этилишини таъминловчи тегишли тартиб назарда тутилиши даркор, масалан, ишлар мантиқли муддатлар чегарасида кўриб чиқиши ҳамда судьялар ҳар қандай қўйилаётган айбловларга жавоб бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак»¹⁸².

Судьялар статути учун Европа хартияси ўшбу масалаларга тегишли бўлган батафсил қоидаларни, масалан, жараёни бошқарадиган ёки унда иштирок этадиган органнинг таркибини, судьялар учун процессуал кафолатларни ҳамда содир этилган хатти-ҳаракат учун санкцияларга мувофиқ келадиган талабларни ўз ичига олади. 5.1 резолютив параграфда шундай белгиланган: «судьянинг бевосита низом билан белгиланган қандайдир вазифаларни бажармаслиги фақат суд органи ёки таркибининг камида ярмиси сайлаб қўйилган судьялардан иборат бўлган органнинг қарори, таклифи, тавсияси ёки розилиги билан, мунозара асосида олиб бориладиган жараён доирасидаги на санкциялар қўлланилишига олиб келиши мумкин, унинг давомида жавобгарликка тортилаётган судья ҳимоячи хизматларидан фойдаланиши мумкин. Қўлланиладиган санкциялар турлари низом билан белгиланади, уларни қўллаш эса муносабиллик тамойилига мувофиқ келади. Мазкур бандда назарда тутилган ижроия ҳокимияти, суд идоралари ёки жазо тайинлаш бўйича органнинг қарори устидан юқори суд инстанциясига шикоят қилиш мумкин»¹⁸³.

Ишнинг судда адолатли кўрилишига бўлган ҳуқуқ ҳақидаги Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқи бўйича тамойиллари ҳам лавозимдан туширишнинг қатъий мезонларини ўз ичига олади, уларда белгиланишича, судьялар жиддий ҳуқуқбузарлик содир этганда ёки судья функцияларини бажаришга лаёқатсиз бўлиб қолганда лавозимдан озод этилиши мумкин. Амалдаги қоидаларда шундай белгиланган: «Судга оид мансабдор шахслар фақат судья лавозимига зид бўлган қўпол ҳуқуқбузарлик учун, ёки уларнинг ўз судьялик вазифаларини бажаришига имкон бермайдиган жисмоний ёки ақлий лаёқатсизлиги туфайли лавозимдан туширилиши ёки ваколатлари тўхтатиб қўйилиши мумкин»¹⁸⁴. Таъкидлаш жоизки, Африка тамойиллари суд ҳокимияти мустақиллигининг судьяларни уларнинг қарорлари бекор қилингани сабабли лавозимдан туширишни тақиқловчи алоҳида меъёрга эга бўлган ягона воситасидир:

¹⁸² R (94) 12 сонли тавсия, юқорида белгиланган, VI.3 тамойил.

¹⁸³ Судьялар статути учун Европа хартияси, юқорида белгиланган, 5.1 резолютив параграф.

¹⁸⁴ Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар, юқорида белгиланган, А тамойили, 4 (р) п.

«Суднинг мансабдор шахслари фақат улар чиқарган қарор апелляция тартибида ёки юқори турувчи суд инстанцияси томонидан қайта кўриб чиқиши натижасида бекор қилинганига асосланиб лавозимдан туширилиши ёки бошқа интизомий ёхуд маъмурий жазога тортилишига йўл қўйилмаслиги лозим»¹⁸⁵.

Интизомий иш юриштида процессуал кафолатлар хусусида *Тамойилларда* қуйидагилар назарда тутилган:

«Суднинг лавозимидан тушириладиган ёки четлаштириладиган, интизомий тусдаги тартиботлар қўлланиладиган мансабдор шахсларига ишнинг адолатли кўриб чиқиши кафолатлари, шу жумладан, ўз танловига кўра, қонуний вакилга эга бўлиш ҳамда лавозимдан четлаштириш ёки тушириш бўйича интизомий тартиботлар натижасида қабул қилинган қарорларнинг ҳолис қайта кўриб чиқиши ҳуқуқлари берилиши лозим»¹⁸⁶.

Осиё-Тинч океани минтақасида худди шундай мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, *Пекин тамойилларига* мувофиқ, судьялар лавозимидан фақат меҳнатга лаёқатсизлиги ёки ножўя хатти-ҳаракати учун туширилиши мумкин: «Судьялар фақат ўз функцияларини бажариш лаёқатини йўқотганлиги, улар жиноят содир этганлиги ёки судья учун нолойиқ хулқ-атвори исботлангандагина, лавозимдан туширилиши мумкин»¹⁸⁷. Судьяни лавозимдан тушириш, шунингдек, бундай ваколат ишониб топширилган орган ҳуқуқини бекор қилиш тартиботи хусусида Пекин тамойиллари универсал қарорларни тақлиф қилмайди, улар турли мамлакатларда ҳар хил бўлиши мумкинлигини тан олади: «Умумий эътироф этилганки, турли жамиятлардаги тарихий ва маданий фарқлар туфайли судьяларни лавозимдан тушириш учун қабул қилинган жараёнлар турлича бўлиши мумкин. Баъзи бир давлатларда парламент тартиботлари орқали лавозимдан тушириш анъана бўлган. Бошқа мамлакатларда бундай тартиб ўринли эмас: у лавозимдан тушириш учун баъзи бир асосларни кўриб чиқишга тўғри келмайди ҳамда камдан-кам фойдаланилади, баъзан эса умуман фойдаланилмайди; унинг қатъий асосларсиз фойдаланилиши нотўғри қўлланишга олиб келиши мумкин»¹⁸⁸. Судьяларни лавозимдан тушириш парламент ваколатига кирмаган ёки тўғридан-тўғри овоз беришга асосланмаган ҳолларда эса суд тизимининг ўзи томонидан амалга оширилиши лозим¹⁸⁹. Аммо, судьяни лавозимдан тушириш учун жавобгар ким

¹⁸⁵ Ўша ерда, А тамойили, 4 (н) 2 п.

¹⁸⁶ *Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар*, юқорида белгиланган, А тамойили, 4 (q) п. (r) параграф белгилайдики, «Суд ходимларига қарши шикоятлар зудлик билан тезкор ва адолатли кўриб чиқиши лозим».

¹⁸⁷ *LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти*, юқорида белгиланган, 22 резолютив параграф.

¹⁸⁸ Ўша ерда, 23 резолютив параграф.

¹⁸⁹ Ўша ерда, 24 резолютив параграф. Шунингдек, қаранг, 25 резолютив параграф: «Судьяларни лавозимдан тушириш бўйича парламент тартиботлари ёки халқ овоз бериши йўли билан лавозимдан тушириш қўлланилмайдиган ҳамда судьяни лавозимдан тушириш ҳақида тақлиф келиб тушган жойда ишни расмий кўриш заруратини аниқлаш учун биринчи инстанцияда бунинг сабаблари ўрганилиши керак. Расмий муҳокама фақат дастлабки текширув уни ўтказиш учун мақбул асослар борлигини кўрсатган ҳолда ўтказилиши мумкин».

бўлишидан қатъи назар, ишнинг адолатли тингланишига бўлган ҳуқуқ ўзгармайди¹⁹⁰.

Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари юрисдикциялари учун ишлаб чиқилган *Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари*да судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш ва лавозимдан туширишга тегишли қоидалар бор. *Тамойилларда* лавозимдан тушириш учун асослар, шунингдек, ушбу тартибот учун жавобгар органга қўйиладиган процессуал кафолатлар ва талаблар белгиланган. VI тамойилда шундай дейилади: «Судьяга лавозимдан тушириш хавф солганда, у ўзига қўйилаётган айблов ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, ишда унинг номидан вакил иштирок этиши, ҳар томонлама ҳимояни амалга ошириш, шунингдек, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан қўриб чиқиши ҳуқуқига эга. Судьяни лавозимдан тушириш учун асослар қуйидагилар зарур: (А) суд функцияларини бажариш қобилятининг йўқотилиши; ва (В) жиддий ноҳўя ҳаракатлар»¹⁹¹. Тамойилларда, шунингдек, ошкора музокараларга тақиқ белгилаб қўйилган¹⁹².

Халқаро прецедент ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита судьяларни лавозимдан туширишга доир масалаларни давлатлар маърузаларининг якуний фикрлари асосида ҳам, яқка тартибдаги ишларни ҳал қилишда ҳам бир неча марта кўриб чиққан. Қўмитанинг фикрлари судьялар лавозимдан фақат ноҳўя хулқ-атвори ёки ўз функцияларини бажаришга лаёқатсизлиги учун туширилиши мумкинлиги ҳамда лавозимдан тушириш тартиблари адолат андозаларига мувофиқ олиб борилиши билан тасдиқланади.

- Шри-Ланка хусусида Қўмита «Олий суд ва апелляция судлар судьяларини лавозимдан тушириш тартиби [...] Пактнинг 14-моддасига зид эканлиги»дан ўз хавотирларини билдиради, «чунки у парламентга судьяларни лавозимдан тушириш тартибини назорат қилиш учун катта имконият беради», шунингдек, «иштирокчи давлат парламент эмас, балки суд назоратини ҳамда судьяларнинг интизомий жавобгарлигини ўрнатиб, суд тизимининг мустақиллигини кучайтириши даркор»¹⁹³.
- Қўмита Беларуссияда «Конституциявий суд ва Олий Суд судьялари ҳеч қандай кафолатларсиз республика президенти томонидан лавозимдан озод этилиши мумкин»лигига нисбатан ташвиш билдирди¹⁹⁴.

¹⁹⁰ Ўша ерда, 26 резолютив параграф: «Ҳар қандай ҳолда лавозимдан тушириш масаласи кўрилаётган судья ишнинг судда адолатли кўрилиши ҳуқуқига эга бўлиши керак».

¹⁹¹ *Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари*, юқорида белгиланган, VI.1 тамойил, (а) (i) п.

¹⁹² Ўша ерда, VI.1 тамойил, (а) (iii) п.

¹⁹³ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Шри-Ланка бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/СО/79/ЛКА, 16-п.

¹⁹⁴ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Беларуссия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 86, 13-п. Шунингдек қаранг: 814/1998 сонли хабар, *Михаил Иванович Пастухов Беларуссияга қарши* (Мулоҳазалар 2003 йил 5 августда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/78/D/814/1998, 7.3 п.

- Вьетнам хусусида Қўмита давлатни «судьяларни лавозимдан туширишга йўл қўйилмаслигини таъминлаш»га чақирди, «муस्ताқил суд уларни номақбул хулқ-атворда айбдор, деб топган ҳолатлар бундан мустасно»¹⁹⁵.
- Грузияда суд коррупциясига нисбатан Қўмита қарор қиладики, «иштирокчи давлат ҳам судьяларнинг коррупцияга берилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган шикоятларнинг мустақил орган томонидан текширилиши, шунингдек, тегишли интизомий ва жазо чораларининг қабул қилинишини таъминлаши лозим»¹⁹⁶.
- Шунингдек, Қўмита соддалаштирилган тартибда лавозимдан туширишлар Пакт¹⁹⁷ талабларига зид, «судьяларни лавозимдан фақат қонун томонидан белгиланган холис ва мустақил жараён орқали тушириш керак»лигини таъкидлайди¹⁹⁸.

Судьялар президент фармони билан «ахлоқсизлиги, порахўрлиги, хизматдан бош тортганлиги туфайли ёки ўз судьялик вазифаларига, шунингдек, лавозими кадр-қиммати ва шаънига нолайиқлик, деб тан олинганлиги» сабабли лавозимдан туширилган ҳолларда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита, «уларнинг мақоми берадиган кафолатлардан фойдалана олмайдилар», деган хулосага келади. Ушбу кафолатларга асосланиб, судьялар қонунга мувофиқ, Олий суд кенгашига мурожаат қилишлари керак эди. Бундан ташқари, Қўмита, «Олий суд раиси ошкора тарзда, иш тингланишидан олдин, судьяларнинг лавозимларидан туширилишини қўллаб-қувватлагани ва бу билан ишнинг холис кўрилишига жиддий зарар етказганини» таъкидлаб, бу ҳолат «Пактнинг 14-моддаси, 1-банди билан ҳимояланган суд тизими мустақиллигига тажовуздор», дея хулоса чиқарди¹⁹⁹.

- Оддий хизматчиларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш мезонлари хусусида, Қўмита, умуман олганда, бу «доим ҳам ўз ҳолича кимнингдир ҳуқуқ ва мажбуриятларининг фуқаролик жараёнида белгиланиши бўлавермайди ҳамда 14-модда, 1-бандининг иккинчи жумласи мазмунига кўра, жиноий айбловни кўриб чиқиш ҳисобланмайди (уларнинг миллий қонунчиликда қандай тавсифланишидан қатъи назар, ўз моҳиятига кўра, жиноий хусусиятли санкциялар бундан мустасно), деб белгилайди. [...] Интизомий жазо тариқасида лавозимдан озод қилиш ҳақидаги қарор суд ёки трибунал томонидан чиқарилиши шарт бўлмаса-да, Қўмита, суд органи олдида интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилиш вазифаси турганда (мазкур

¹⁹⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Вьетнам бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/VNM, 10-п.

¹⁹⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Грузия бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/74/GEO, 12-п.

¹⁹⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Гамбия бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/GMB, 14-п.

¹⁹⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг Молдова Республикаси бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/75/MDA, 12-п.

¹⁹⁹ 933/2000 сонли хабар, Адриен Мундио Бусио, Томас Остуди Вонгоди, Рене Сибу Матубука ва бошқалар Конго Демократик Республикасига қарши (Мулоҳазалар 2003 йил 31 июлда қабул қилинган), БМТ ҳужжати ССРР/С/78/D/933/2000, 5.2 п.

ишда бўлганидек), у барча шахсларнинг 14-модда, 1-бандида мустақамлаб қўйилган судлар ва трибуналлар олдида тенглиги кафолатларини ҳамда уларда назарда тутилган холислик, адолат ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини ҳурмат қилиши керак», деб ҳисоблайди²⁰⁰. Бундан ташқари, интизомий иш юритиш муддати хусусида Қўмита «14-модда, 1-банди билан кафолатланган суд олдидаги тенглик ҳуқуқи бир қатор талабларни, шу жумладан, миллий судларда жараёнлар адолат ва тарафлар тенглиги тамойилларини хавф остига қўймаслик учун тез, қисқа муддатларда ўтказилиши ҳақидаги талабни келтириб чиқаради», деб ҳисоблайди²⁰¹.

Ўз навбатида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди ҳам судьяларни лавозимдан тушириш масалаларини кўриб чиққан. *Конституциявий суд тўғрисидаги* ишда Суд, лавозимдан озод қилиш ҳақидаги масалани кўришда судьялар барча процессуал кафолатлардан фойдаланишини аниқлади. Жараён қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан импичмент тартиби орқали санкциялар қўлланилиши оқибатида лавозимдан туширилган уч нафар судья томонидан кўтариб чиқилди. Суд, «[с]удьяни лавозимдан тушириш учун жавобгар орган суд иши давомида холис нуқтаи назарда туриши ҳамда шу мақсадда судьяга ҳимоя ҳуқуқини бериши лозим», деб кўрсатади. Суд, судьяларнинг адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқи бузилган, деган қарорга келди, чунки «судьяларга нисбатан қўлланилган импичмент тартиби уларга муносиб юридик жараён кафолатларини таъминламайди ҳамда судьянинг холис бўлиши ҳақидаги талабни қониқтирмайди»²⁰². Бундан ташқари, мазкур ишда «қонун чиқарувчи ҳокимият Конституциявий суднинг уч нафар судьясига нисбатан импичмент тартибини қўллашда мустақиллик ва холисликнинг зарур шартларига жавоб бера олмаган», деган қарорга келди²⁰³.

Судьялар ўзларини ахлоқий андозаларга мос тарзда тутишлари ҳамда уларга риоя этмаган тақдирда, жавобгарликка тортилишлари керак. Халқаро ҳуқуқда аниқ белгилаб қўйилганки, судьялар фақат жиддий ножўя хатти-ҳаракатлар учун ёки ўз вазифаларини бажариш лаёқатини йўқотганликлари туфайлигина лавозимдан озод этилиши мумкин. Интизомий суд ишлари мустақил ва холис орган томонидан барча процессуал кафолатларга риоя қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

²⁰⁰ 1015/2001 сонли хабар, *Пол Пертерер Австрияга қарши* (Мулоҳазалар 2004 йил 20 июлда қабул қилинган, БМТ ҳужжати ССРР/С/81/Д/1015/2001, 9.4 п.

²⁰¹ Ўша жойда, 10.7 п.

²⁰² *ИҲАС, Конституциявий суди иши*, юқорида белгиланган, 74 ва 84-пп.

²⁰³ Ўша ерда, 84-п.

В. Адвокатларнинг роли

Кириш

Судьялар ва прокурорлар билан бир қаторда, адвокатлар ҳам инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилининг таянч устунларидан бири ҳисобланади. Айбланувчиларга судда лозим даражада ҳимоя тақдим этилишини таъминлаш орқали адвокатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишнинг адолатли кўриб чиқилишига нисбатан ҳуқуқнинг таъминланишида жуда муҳим вазифани бажаради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатлар асосий роль ўйнайди, хусусан, асоссиз равишда ушлаб турилмаслик ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича ариза киритади ёки «хабеас корпус» тартиби орқали ҳибсга олишга эътироз билдиради. Инсон ҳуқуқлари поймол этилиши қурбонлари ёки уларнинг қариндошлари гумон қилинган қонунбузарларга қарши жиноят ишларида ёки етказилган зарарни ундириш жараёнларида адвокатлар жабрланувчиларга маслаҳат берадилар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бундан ташқари, адвокатларнинг мақоми судларда инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устунлигининг асосий тамойилларига путур етказадиган миллий қонунчиликка қарши чиқиш имконини беради²⁰⁴. Ҳатто, хизмат ҳақи тўлаш учун молиявий имконияти бўлмаган шароитда ҳам адвокат ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ, одил судлов ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жиноят содир этишда айбланаётган шахсларнинг манфаатлари суд иши давомида адвокат томонидан ҳимоя қилиниши айбланувчининг судда ишнинг адолатли кўрилишига бўлган ҳуқуқлари мустақил ва бетараф суд томонидан таъминланишини кафолатлайди. Айнан адвокатлар судларнинг мустақиллиги ва бетарафлиги учун курашади ва ҳимоя қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини таъминлайди²⁰⁵.

²⁰⁴ Қаранг, масалан: Гаванада (Куба) 1990 йил 27 августдан 7 сентябргача бўлиб ўтган Жиноятчиликни олдини олиш ва қонунбузарлар билан муомала қилиш бўйича БМТ Саккизинги Конгресси томонидан қабул қилинган *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойилларининг* 4 ва 12-тамомойиллари; *Алоҳида шахслар, жамият гуруҳлари ва органларининг умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги БМТ декларацияси*, 1, 9 ва 11-моддалари; *Жиноят ва ҳокимиятни суистеъмол қилиш қурбонлари учун Асосий адолат тамойиллари декларацияси*, 5-тамомойил; *Барча шахсларни зўравонлик билан йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисида декларацияси*, 13-модда; *Ноконуний, асоссиз ва алал-оқибат ҳаётдан маҳрум қилиш ҳаракатларининг самарали олдини олиш ва тергов қилиш тамойиллари*, 6-тамомойил; *Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайринисоний ва камситувчи муомала турларини ва жазолашларни тергов қилиш ва ҳужжатлартириш тамойиллари*, 3 ва 4-тамомойиллар; *Кўлга ёки ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами*, 11, 12, 15, 17, 18, 23, 25, 32 ва 33-тамомойиллар; *Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидалари*, 18, 60 ва 78-қоидалар; *Вояга етмаганларга нисбатан адолат ўрнатиш бора-сида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қоидаларининг минимал стандартлари («Пекин қоидалари»)*, 7.1 ва 15.1 қоидалар; *Маҳбуслар билан муомала қилиш қоидаларининг минимал андозалари*, 93-қоида; *Барча меҳнаткаш-муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенцияси*, 17 ва 18-моддалар.

²⁰⁵ Қаранг, масалан: *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 1-тамомойил; *Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт*, 14-модда, 3 (d) п.; *Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси*, 7-модда, 1 (c) п.; *Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси*, 6-модда; *Инсон ҳуқуқлари бўйича Африка конвенцияси*, 8-модда.

Адвокатларнинг мустақиллиги

Ҳуқуқий ёрдам самарали бўлиши учун у мустақил равишда амалга оширилиши лозим. Бу, *БМТ юристларнинг ролига оид асосий тамойиллар* кириш қисмида шундай баён этилган: «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини лозим даражада ҳимоя қилиш учун ҳар бир инсон, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ёки фуқароликка оид ва сиёсий бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқ ва эркинликлардан ва, муҳими, ҳар бир инсон мустақил ва малакали юристлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим»²⁰⁶. Бу мақсадда халқаро ҳуқуқда муайян ҳимоя воситалари кўзда тутилган бўлиб, улар адвокатларнинг шахсий мустақиллиги, умуман, юрист ихтисослиги мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Юридик касбида фаолият юритишнинг муҳим кафолатлари

Адвокатлар ўз функцияларини мустақил бажаришлари учун уларни фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш лозим. Аралашув шакли турлича — уларнинг ўз мижозлари билан мулоқот қилишларига тўсқинлик қилишдан тортиб, то қўрқитиш ва жисмоний ҳужумгача бўлиши мумкин.

- *БМТ Асосий тамойилларида* бир қатор қоидалар белгиланган бўлиб, улар адвокатларни бу каби аралашувлардан ҳимоя қилишга хизмат қилди: «Ҳукумат юристлар: а) ўз вазифаларини таҳдид, тўсқинлик қилиш, қўрқитиш ёки асоссиз аралашувлардан холи шароитда бажаришлари мумкинлигини; б) сафарга чиқишлари ва ўз мижозлари билан мамлакат ичида ҳам, ташқарисида ҳам ҳеч бир қаршиликсиз маслаҳатлашишлари мумкинлигини; ва с) тан олинган профессионал вазифалар, меъёрлар ва одоб-ахлоқ доирасида қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар учун суд таъқибига учрамасликлари ва уларга судга оид, маъмурий, иқтисодий ёки бошқа таъқиблар қўлланмаслиги, шунингдек, бундай санкциялар қўллаш билан қўрқитилмасликларини таъминлайди»²⁰⁷.
- *Асосий тамойилларда* айтилишича, «юристлар ўз функцияларини бажариши натижасида уларнинг хавфсизлигига раҳна солувчи ҳолат юзга келган тақдирда, ҳокимият лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминлайди»²⁰⁸. Шунингдек, давлат шикоятларни кўриб чиқишда ёки инсон ҳуқуқлари бузилиши, шафқатсиз муносабатда бўлиш, қўрқитиш ёки ўч олиш ҳолатлари бўйича тергов ишларида иштирок этаётган адвокатлар ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўриши лозим²⁰⁹.

²⁰⁶ *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, Преамбула. Мазкур мавзуга тегишли бошқа ҳужжатлар: Европа Кенгашининг *Адвокатлик фаолиятини ошириш эркинлиги тўғрисида аъзо давлатлар вазирлари қўмитасининг R (2000) 21 сонли тавсияси* ва Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар, I тамойил.

²⁰⁷ Ўша ерда, 16-тамойил.

²⁰⁸ Ўша ерда, 17-тамойил.

²⁰⁹ Қаранг, масалан: *Барча шахсларни зўравонлик билан йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисида декларация*, 13-модда; *Ноқонуний, асоссиз ва алал-оқибат ҳаётдан маҳрум қилиш ҳаракатларининг самарали олдини олиш ва тергов қилиш тамойиллари*, 15-тамойил; *Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва камситувчи муомала турларини ва жазолашларни тергов қилиш ва ҳужжатлартириш тамойиллари*, 3-тамойил.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита адвокатлар ўз профессионал вазифаларини бажариш жараёнида қаршиликка учраган бир қатор ҳолатларни кўриб чиққан.

- Озарбайжонда «Адвокатура тўғрисида»ги янги қонунни кўриб чиқиш жараёнида Қўмита мазкур қонун «адвокатлар ўз функцияларини эркин ва мустақил бажаришлари йўлида тўсиқ ҳосил қилиши мумкин», деган хулосага келди ва ҳукуматга «адвокатурага кириш ва аъзоликка қабул қилиш мезонлари адвокатларнинг мустақиллигига тўсқинлик қилмаслиги учун керакли чораларни кўришни» тавсия этди²¹⁰.
- Ливияда эса Қўмита «[...] агар адвокатлар давлат хизматида бўлмаса, ўз профессионал вазифаларини қаршиликсиз бажариш эркинлигига эга эканликлари ва уларга ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича хизмат тақдим этилиши» хусусида жиддий шубҳа билдирди ва «Пактнинг 14-моддаси, шунингдек [...] юристларнинг ролига тааллуқли Асосий тамойилларнинг талаблари тўлиқ бажарилиши таъминланиши бўйича чоралар кўрилиши»ни тавсия этди²¹¹.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқда адвокатлар ўзлари иштирок этишлари мумкин бўлган ишга тааллуқли ҳар қандай маълумот билан танишиш имкониятига эга бўлишлари лозимлиги эътироф этилган. Шундай қилиб, давлатлар «юристарлар ўз мижозларига самарали юридик ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлишлари учун уларга ўз тасарруфида ёки назорати остида бўлган тегишли маълумот, шахсий ишлар ва ҳужжатлар билан олдиндан етарлича танишишлари учун шароит яратиб бериши»²¹² шарт. Яна бир муҳим қоида адвокат билан мижоз ўртасидаги муносабатларнинг сир тутилиши билан боғлиқ. Адвокатлар ўз мижозларининг манфаатларини самарали ҳимоя қилишлари учун ваколатли органлар бундай махфийликка риоя этишлари лозим. Сир тутиш адвокат билан мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Шу сабабдан БМТ Асосий тамойилларида белгиланишича, «ҳукуматлар юристарлар ва мижозлар ўртасида кечадиган профессионал муносабатлар доирасидаги ҳар қандай алоқалар ва маслаҳатлашувларнинг сир тутилишини эътиборга олади ва таъминлайди»²¹³.

²¹⁰ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Озарбайжон бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/СО/73/AZE, 14-п.*

²¹¹ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Ливия Араб Жамаҳирияси бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 101, 14-п.*

²¹² *БМТ Асосий тамойиллари, 21-тамойил. Ушбу тамойилда, шунингдек, қайд этилган: «Бундай имконият зарурат туғилиши билан таъминланиши лозим». Шунингдек, қаранг: Алоҳида шахслар, жамият гуруҳлари ва органларининг умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги БМТ декларацияси, 1, 9, 11-моддалар; Барча шахсларни зўравонлик билан йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисида декларация, 13(4) модда; Ноқонуний, асоссиз ва алал-оқибат ҳаётдан маҳрум қилиш ҳаракатларнинг самарали олдини олиш ва тергов қилиш тамойиллари, 6-тамойил; Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва камситувчи муомала турларини ва жазолашларни тергов қилиш ва ҳужжатлантириш тамойиллари, 4-тамойил; Қўлга ёки ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами, 11, 12, 15 ва 17-тамойиллар; Махбуслар билан муомала қилиш қоидаларининг минимал андозалари, 93-қоида.*

²¹³ *БМТ юристарларнинг ролига оид Асосий тамойиллари, юқорида белгиланган, 22-тамойил. Шунингдек, қаранг: Қўлга ёки ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари, юқорида белгиланган, 18-тамойил, ва Махбуслар билан муомала қилиш қоидаларининг минимал андозалари, юқорида белгиланган, 93-қоида.*

Адвокатлар тўқнаш келиши мумкин бўлган тўсиқлардан яна бири — улар айна сифатда расмий ҳокимият органлари, масалан, судлар ва бошқалар томонидан тан олинмаслигидир. Адвокат ўз гувоҳномасидан маҳрум қилинган ёки тегишли тартиб натижасида четлаштирилган ҳоллар бундан мустасно. Бу органлар адвокатнинг ваколатларини эътироф этиши лозим. *БМТ Асосий тамойилларида* бундай эътирофнинг зарурлиги кўзда тутилган ва «адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи тан олинмаган биронта суд ва маъмурий орган юристнинг судда ўз мижози манфаатини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини тан олишдан бош тортмайди, миллий ҳуқуқ ва амалиётга ҳамда ушбу тамойилларга мувофиқ, юристнинг ўз профессионал вазифаларини бажариш ҳуқуқи рад этилган ҳолатлар бундан мустасно»²¹⁴, деб белгилаб қўйилган.

БМТ Асосий тамойилларининг 18-бандига мувофиқ, «юристар ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўз мижозлари ва уларнинг манфаатлари билан тенглаштирилмайди». Бу қоида айрим мамлакатларда ҳимоя қилинаётганларнинг манфаатларини адвокатларнинг манфаатлари билан аралаштириш тенденцияси кузатилаётгани муносабати билан жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси учун тайёрланган маърузаларнинг бирида судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Махсус маърузачи «ҳукуматлар адвокатларни мижозларнинг манфаатлари билан тенглаштириши юзасидан шикоятлар сони кўпайгани» хусусида ўз хавотирларини баён этган. «Кўп ҳолларда сиёсий тусга эга ишлар бўйича айбланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатларга худди шундай айблар қўйилмоқда»²¹⁵. Махсус маърузачи шундай хулоса қилди: «биронта исбот-далилга эга бўлмаган ҳолатда адвокатлар ўз мижозлари манфаатлари билан тенглаштирилиши уларни кўрқитиш ва таъқиб этиш, деб баҳолаш мумкин»²¹⁶. Махсус маърузачининг фикрича, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, «агар адвокатлар ўз манфаатларини мижозларининг манфаатлари билан тенглаштираётганига исбот-далиллар мавжуд бўлса, давлат органлари тегишли шикоятларни юристарнинг ишлари билан шуғулланувчи ваколатли интизомий органларга кўриб чиқиш учун юборишлари лозим»²¹⁷.

Касбий мажбуриятлар

Халқаро ҳуқуқ томонидан тақдим этиладиган ҳимоядан ташқари, адвокатларнинг асосий касбий мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар, асосан, мижозларга тааллуқли. Хусусан, *БМТ Асосий тамойилларининг* 13-бандида асосий мажбурият белгиланган. У, адвокат ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга бор кучини сарфлаши лозимлигидан иборат. Мазкур тамойилга мувофиқ ушбу мажбурият қуйидагиларни ўз ичига олади:

²¹⁴ БМТ юристарнинг ролига оид Асосий тамойиллари, юқорида белгиланган, 19-тамойил.

²¹⁵ Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Махсус маърузачининг маърузаси, БМТ ҳужжати E/CN.4/1998/39, 179-п.

²¹⁶ Ўша ерда.

²¹⁷ Ўша ерда, 181-п.

«а) мижозларга ҳуқуқ тизимининг иши юзасидан уларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бўлган даражада маслаҳат бериш; б) ихтиёрида мавжуд ҳар қандай воситалар билан мижозларга ёрдам бериш ҳамда уларни ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний чоралар кўриш; с) зарурат бўлганда, мижозларга суд, трибунал ёки маъмурий органларда ёрдам бериш».

Бундан ташқари, «юрислар доим ўз мижозларининг манфаатларига қатъий амал қиладилар»²¹⁸.

Айни вақтда ҳимоясидаги мижозларига нисбатан белгиланган алоҳида мажбуриятлардан ташқари, адвокатлар ўз ҳамкасбларига нисбатан ҳам «[...] ҳар қандай шароитда юрист касбига хос бўлган шараф ва номусни сақлаш»²¹⁹ юзасидан мажбуриятларга эгадирлар. Адолат ўрнатишда адвокатлар алоҳида ўрин тутиши муносабати билан улардан, шунингдек, «[...] миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш [...]» талаб этилади²²⁰. Ва, ниҳоят, улар «[...] ҳар қандай шароитда қонун ва белгиланган нормалар, юристнинг касб этикасига мувофиқ мустақил ва виждонан ҳаракат қилиш»лари лозим²²¹.

Фикр ва уюшмалар эркинлиги

Судьялар билан бўлгани каби, фикр ва уюшмалар эркинлиги адвокатлар ўз вазифаларини лозим даражада бажаришлари таъминланишининг муҳим таълабларидан бири ҳисобланади. Гарчи, бундай эркинликларга барча шахслар эга бўлса-да, адолат ўрнатишда иштирок этувчиларга келганда, у алоҳида аҳамият касб этади. *БМТ Асосий тамойилларининг* 23-тамойилида бу эркинликлар аниқ ифодаланган: «[ю]рислар бошқа фуқаролар каби фикр, эътиқод ва йиғилишлар эркинлигига эга. Хусусан, улар ўзларининг қонуний хатти-ҳаракатлари ёки қонуний ташкилотларда аъзолик қилиши туфайли касбий фаолияти чекланмаган ҳолда, ҳуқуқ, адолат ўрнатиш ва инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари юзасидан жамоат мунозараларида иштирок этиш, маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки уларни ташкил этиш ва уларнинг йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширад эканлар, юристлар доим ҳуқуқ, эътироф этилган меъёрлар ва касбий ахлоқ қоидаларига амал қиладилар».

Юрисларнинг профессионал уюшмалари (ёки адвокатлар уюшмаси) хусусида сўз борадиган бўлса, *БМТ Асосий тамойилларида* «[ю]рислар ўзларининг манфаатларини ифодаловчи, тинимсиз билим оширишига ва тайёргарликдан ўтишига кўмаклашувчи ҳамда уларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил профессионал уюшмалари ташкил этиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Профессионал уюшмаларнинг ижро органи уларнинг аъзолари томонидан сайланади ва ташқаридан аралашувларсиз ўз функцияларини

²¹⁸ *БМТ юрисларнинг ролига оид Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 15-тамойил.

²¹⁹ Ўша ерда, 12-тамойил.

²²⁰ Ўша ерда, 14-тамойил.

²²¹ Ўша ерда.

бажаради»²²², деб белгилаб қўйилган. Шу фикр давом эттирилиб, «ҳар бир инсон юридик хизматлардан ҳақиқатда ва тенг даражада фойдаланиш ҳуқуқи ва юристлар қонун ҳамда эътироф этилган касбий андозалар ва одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ, ноқонуний аралашувларсиз миждозларга маслаҳат ва ёрдам бериш имкониятига эга бўлиши учун юристларнинг профессионал уюшмалари ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилади»²²³. Умумлашган ҳолда, бу қоидалар давлатнинг адвокатлар профессионал уюшмалари ташкил этилиши ва ишлаши жараёнига аралашидан тийилиш бўйича мажбуриятларини белгилайди.

Европа Иттифоқи Вазирлар қўмитаси қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «[...] инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқ устуворлиги тамойилини қўллаб-қувватлаш учун юрист ихтисослиги вакиллари ўз ички муаммоларини бемалол ҳал қила оладиган ташкилотларга бирлашишлари жуда муҳим»²²⁴.

Шундай қилиб, адвокатлар уюшмаси иккита асосий мақсадда ташкил этилади: адвокатларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда юрист касби мустақиллиги кафолатланишини таъминлаш ва мустақиллигини кучайтириш.

- Махсус маърузачи қайд этганидек, ушбу уюшмалар «бирон партия томонида сиёсий фаолиятда иштирок этмаслиги ва шу йўсинда адвокатларнинг мустақиллигини шубҳа остига қўймаслиги лозим». Шу орқали Махсус маърузачи «сиёсий коннотацияга эга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият» билан «хусусан, сиёсий фаолият» ўртасида фарқ борлигига эътибор қаратади²²⁵.

Умуман, уюшмаларга бирлашишни ман этишдан ташқари, уюшмаларга бирлашиш эркинлигини бузишнинг энг кенг тарқалган усули—бу, давлат томонидан назорат қилинадиган уюшмага аъзо бўлишга мажбур қилиш ёки адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга руҳсат бериш учун қўйиладиган шартларнинг бошқа кўринишларидир.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ушбу амалиётларни Белоруссия шаароитида ўрганиб, шундай фикр билдирди: «Президент томонидан 1997 йил 3 майда қабул қилинган «Адвокатлар ва нотариуслар фаолияти тўғрисида»ги Фармони мувофиқ, Адлия вазирлигига адвокатларни лицензиялаш ваколати берилган бўлиб, адвокатлик амалиёти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиш учун адвокатларга вазирлик назорати остидаги Адвокатлар марказий коллегиясига аъзо бўлиш мажбурияти юклатилган. Бу, адвокатларнинг мустақиллиги тамойилига путур етказди». Шу билан бирга, Қўмита «суд органлари ва юрист ихтисослиги вакилларининг мустақиллиги тамойилининг қарор топиши демократия мустаҳкамланиши ва қонун устуворлиги-

²²² Ўша ерда, 24-тамойил.

²²³ Ўша ерда, 25-тамойил.

²²⁴ Европа Кенгашининг *Адвокатлик фаолиятини ошириш эркинлиги тўғрисида аъзо давлатлар вазирлари қўмитасининг R (2000) 21 сонли тавсиясига тушунтириш хати*, 10-п.

²²⁵ *Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Махсус маърузачининг маърузаси*, БМТ ҳужжати E/CN.4/1995/39, 72-п.

да муҳим аҳамиятга эгаллиги ва шу сабабли судья ва адвокатларнинг ҳар қандай сиёсий ёки ташқи босимдан мустақил бўлишини таъминлаш мақсадида иштирокчи-давлатни барча лозим бўлган чораларни кўришга, шу жумладан, Конституция ва қонунчилик қоидаларини қайта кўриб чиқишга чақирди» ва шу мақсадда унинг диққатини *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойилларига* қаратди²²⁶.

Жавобгарлик

Жамоатчилик нуқтаи назаридан муҳим вазифалар юклатилган бошқа шахслар сингари, адвокатлар ҳам одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари лозим. Бу кодекслар ўзини тутиш бўйича муайян меъёрларни ва ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда адвокатларни жавобгарликка тортиш имкониятларини ўз ичига олиши лозим. Хусусан, *БМТ Асосий тамойилларининг* 29-тамойилида шундай дейилган: «Барча интизомий чоралар профессионал одоб-ахлоқ кодекси ва бошқа тан олинган андозалар ҳамда юристнинг касбий этикасига мувофиқ ҳамда мазкур тамойиллар асосида белгиланади». Ушбу қоидалар адвокатлар уюшмаси ёки, агар улар қонун билан белгиланадиган бўлса, шундай уюшмалар иштирокида ишлаб чиқилгани маъқул. Шу муносабат билан, *БМТ Асосий тамойилларида* белгилаб қўйилганки, «юристлар ўзларининг тегишли органлари ва қонун чиқарувчи органлар орқали миллий қонунчилик, аънаналар ва тан олинган халқаро андозалар ва меъёрларга мувофиқ равишда юристларнинг касбий одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқади-лар»²²⁷. Нима бўлганда ҳам, бу кодексларда ўз профессионал вазифаларини қонунда белгиланган тартибда бажариш, бинобарин, алоҳида мижоз манфаатларини ифодалаш ёки судда қилинган баёнот учун интизомий чоралар кўриш назарда тутилган бўлиши мумкин эмас²²⁸.

БМТ Асосий тамойилларида, шунингдек, халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишни таъминлаш бўйича интизомий жараёнда адвокатларга нисбатан асосий талаблар ҳам мавжуд. Жараёнга тегишли бу талабларда белгиланишича, адвокатларга фақат иш доирасида ҳайфсан эълон қилиниши мумкин бўлиб, бунда бир қатор кафолатларга риоя қилинади. Биринчидан, ўз касби доирасида иш юритаётган адвокатлар устидан тушган шикоятлар

²²⁶ *Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Беларуссия бўйича якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 86, 14-п.

²²⁷ *БМТ Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 26-тамойил. Қаранг: *Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумий (ялпи) декларация («Сингхи декларацияси»)* лойиҳасининг 85-моддаси. Унда айтилишича, «Ҳеч бир адвокат қайсидир мижозга маслаҳатлар бергани ёки ёрдам кўрсатгани, ёхуд қайсидир мижознинг манфаатларини ифода этгани учун жиноий, фуқаролик, иқтисодий ёки бошқа жиҳатдан жазога тортилиши ёки жарималар солиш таҳдидига дучор қилиниши мумкин эмас». Аризаларга нисбатан дахлсизликка келганда, қаранг: *БМТ юристларнинг ролига оид Асосий тамойилларининг* 20-тамойили. Унда таъкидланишича, «Ҳуқуқшунослар судда қилинган ёзма кўринишдаги тақдимномалари ёки оғзаки чиқишлари ёхуд судда, трибунал ёки бошқа юридик ё маъмурий идорада ўз касбий мажбуриятларини бажаришлари чоғида виждонан қилинган баёнотларига нисбатан фуқаролик ва жиноий дахлсизликдан фойдаланадилар».

²²⁸ *БМТ Асосий тамойиллари*, юқорида белгиланган, 26-тамойил.

«тегишли тартибга мувофиқ, тез ва холисона кўриб чиқилади»²²⁹. Бундан ташқари, адвокатлар «ишнинг судда адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шу жумладан, ўз танлови асосида юрист ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга»²³⁰. Суд ишини кўриш ва кейинчалик шикоят қилиш учун масъул органга тавсиф бериладиган бўлса, *Асосий тамойилларда* «юристларга нисбатан қўлланиладиган интизомий чоралар юристлар ташкил этган мустақил интизомий қўмита томонидан ёки судда кўриб чиқилади ва мустақил суд томонидан назорат қилинади»²³¹.

Юрист касби инсон ҳуқуқларини ва ҳуқуқ устунлигини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Адвокатлар мустақил ва қўрқувсиз ишлаш, шунингдек, ўз мижозлари билан эркин мулоқот қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Адвокатлар ўз мижозларининг манфаатлари билан тенглаштирилмаслиги керак; улар ўз фикрини эркин баён этиш ва ҳеч бир аралашувларсиз уюшмалар ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Адвокатлар ўз профессионал вазифаларини одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ бажаришлари ва профессионал одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгар бўлишлари лозим.

²²⁹ Ўша ерда, 27-тамойил.

²³⁰ Ўша ерда.

²³¹ Ўша ерда, 28-тамойил.

С. Прокурорларнинг роли

Кириш

Адолатли судловни амалга оширишда прокурорлар жуда муҳим роль ўйнайди. Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлигига ҳурмат мамлакатда мустақил ва бетараф, жинойий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар судлов тартибида тергов қилиниши ва таъқиб этилиши учун масъул ҳисобланган кучли прокурор ҳокимияти мавжуд бўлишини тақозо этади. Прокуратура институти доирасида ҳар бир прокурор ўз профессионал вазифаларини мустақил, бетараф ва ҳолис бажариш ваколатларига эга бўлиши лозим.

Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги БМТ амалдаги тамойиллари «суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг самарали ишлаши, мустақиллиги ва одиллигини таъминлаш вазифасини бажаришда аъзо давлатларга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган»²³². *Тамойиллар* айблов эълон қилиш ваколатларининг моҳиятидан қатъи назар, барча юрисдикцияларга нисбатан қўлланиладиган талабларни қўяди. Шундай қилиб, *Тамойиллар* тегишли давлатларда прокурорларни тайинлаш ва уларнинг мақомини белгилаш масаласига ҳолис ёндашади.

Бетарафлик ва ҳолислик

Давлат ўз профессионал функцияларини бетараф ва ҳолис бажаришлари учун прокурорларга имконият яратиш бўйича зарур чоралар кўрмоғи лозим. Судьялар ва адвокатлар билан боғлиқ вазиятдан фарқли ўлароқ, халқаро ҳуқуқда прокурорларнинг институционал мустақиллигини кафолатлайдиган қоидалар йўқ. Сабаб шундаки, айрим тизимларда прокурорлар ҳокимиятнинг ижро органи томонидан тайинланади ёки маълум даражада унга тобедир, бу эса уларни ижро ҳокимияти берган маълум кўрсатмаларни бажаришга мажбур қилади. Суд таъқибини амалга оширувчи мустақил орган ижро ҳокимиятига тобе органдан устунроқ, шундай экан, давлатлар прокурорлар терговларни бетараф ва ҳолис олиб боришларини доимо кафолатлашлари лозим.

- Мексика масаласида Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия прокурорлар мустақиллиги масаласига мурожаат қилди ва «прокуратура ижро ҳокимиятидан мустақил орган бўлиб, уларга ишдан бўшатилмалик ҳамда суд ҳокимияти вакилларига тақдим этиладиган бошқа Конституциявий кафолатлар берилиши шарт» эканини

²³² *Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги БМТ амалдаги тамойиллари*, Жиноятчиликни олдини олиш ва қонунбузарлар билан муомала қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саккизинчи Конгрессида қабул қилинган, Гавана (Куба), 1990 йилнинг 27 августидан 7 сентябригача, кейинги ўринларда — «*БМТ амалдаги тамойиллари*». Прокурорларнинг ролига тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар — Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг *Жинойий ишлар бўйича одил судлов тизимида прокурорларнинг роли тўғрисида аъзо давлатларга R (2000) 19 сонли тавсиялари* ва Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар, F тамойили.

таъкидлаган²³³. Шунингдек, комиссия прокурорлик функцияларини лозим даражада бажариш учун улар «давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мухтор ва мустақил бўлиши керак» деган фикрни билдирди²³⁴.

Жамоат қораловчилари ҳарбий базаларда жойлашган ҳолда ва ҳарбий ҳокимият билан яқин ҳамкорликда ишлайдиган вазиятга келадиган бўлсак, Америкааро комиссияси «бундай вазият прокурорнинг ҳолислиги ва мустақиллигига жиддий шубҳа уйғотади», деган хулосага келган»²³⁵.

Малака, танлаб олиш ва тайёргарлик

БМТ тамойиллари прокурорни лавозимга тайинлашда риоя қилиниши керак бўлган бирон бир эҳтимолий тартибни алоҳида ажратмайди. Бироқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий ва махсус андозаларни тақдорлаган ҳолда, *БМТ тамойилларида* прокурорни танлаш мезонлари борасида қатъий қоидалар белгиланган. Хусусан, давлатлар уларда ўрнатилган тартиблардан қатъи назар, «суд таъқибини амалга ошириш учун танлаб олинган шахслар юксак одоб-ахлоқ ва қобилият соҳиби, шунингдек, муайян тайёргарлик ва малакага эга бўлишлари»²³⁶ учун тегишли чораларни кўришлари керак. Бундан ташқари, танлов мезонлари камситишдан йироқ бўлиши ва «ғаразгўйлик ёки бидъатга асосланиб тайинлашга йўл қўймаслик кафолатларини ўз ичига олиши, бирон шахс ирқи, териси ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, ижтимоий ёки этник келиб чиқиши, мулкый, табақавий, моддий ёки бошқа белгиси тўғрисида камситилишини истисно этиши шарт [...]»²³⁷.

Косово хусусида Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита «халқаро [...] қораловчилар мустақиллигининг зарур кафолатлари мавжуд эмаслиги» ҳолатига нисбатан ҳамда «маҳаллий [...] прокурорларнинг иш ҳақи пастиги» ҳолатига нисбатан ташвишда эканлигини баён этди ва Косоводаги БМТ миссиясига «халқаро [...] прокурорларни танлаб олиш, тайинлаш ва интизомий чоралар қўллаш учун мустақил тартиблар белгилашни» ва «маҳаллий [...] прокурорлар учун уларни коррупциядан ҳимоялайдиган тегишли қоида ва шароитларни таъминлашни» тавсия этди²³⁸.

²³³ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия, *Мексикада инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолат тўғрисида ҳисобот*, OEA/Ser. L/V/II.100, Doc. 7 rev. 1, 372-п.

²³⁴ Ўша жойда, 381-п.

²³⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия, *Колумбияда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолат тўғрисида Учинчи ҳисобот*, АДТ ҳужжати OEA/Ser. L/V/II.102, Doc. 9 rev. 1, 1999 йил 26 февраль, 108-п.

²³⁶ Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги БМТ амалдаги тамойиллари, юқорида белгиланган, 1-тамойил.

²³⁷ Ўша ерда, 2 (а) тамойил. Судьялар билан боғлиқ ҳолатдаги каби «прокурорлик лавозимига номзоддан кўрилаётган давлатнинг фуқароси бўлиши талаб этиш» дискриминация ҳисобланмайди. БМТ ҳужжати CCPR/C/UNK/CO/1, 20-п.

²³⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Косово (Сербия) бўйича якуний мулоҳазалари, CCPR/C/UNK/CO/1, 20-п.

Прокуратуранинг фаолият юритиши кафолатлари

Прокурорлар ўз профессионал функцияларини тегишли равишда бажаришлари учун халқаро ҳуқуқ давлат зиммасига бир қатор мажбуриятларни юклайди. Мажбуриятларнинг энг муҳими шундан иборатки, давлатлар «суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз профессионал вазифаларини таҳдид, тўсқинлик қилиш, қўрқитиш, кераксиз аралашув ёки асоссиз равишда фуқаролик, жиноий ёки бошқа жавобгарликка тортиладан ҳоли шароитда бажаришлари мумкинлигини таъминлайдилар»²³⁹. Прокурорларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қўрқитишнинг ўта жиддий усуллари дан бири — жисмоний зўравонликдир. Шу сабабдан *БМТ тамойилларида* прокурорлар «суд таъқибини амалга ошириши натижасида уларнинг хавфсизлигига таҳдид солинаётган ҳолларда»²⁴⁰ улар ва оила аъзоларини ҳимоялаш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

- Колумбия масаласида Қийноқ ва Суддан ташқари, жами ёки асоссиз қатллар бўйича Махсус маърузачилар «суд тизими ва прокуратуранинг барча аъзоларига таҳдид ва суиқасдлардан ҳимоя қилишни ҳамда иш тафсилотларидан келиб чиқиб, сабабини аниқлаш ва жиноий ва/ёки интизомий иш очиш мақсадида бундай таҳдид ва суиқасд қилишларни текширишни» тавсия этди²⁴¹.

Прокурорлик функциялари лозим даражада бажарилишининг бошқа кафолатлари қаторига «тегишли мукофотлаш ва, мумкин бўлганда, ваколатлар муддати, пенсия таъминоти ва пенсияга чиқиш ёши» киради. Бу талаблар «қонун билан ёки эълон қилинган меъёр ва қоидалар билан белгиланади»²⁴².

Судьялар сингари прокурорларнинг лавозими ҳам объектив мезонлар асосида хусусан, «профессионал малакаси, маънавий фазилатлари ва тажрибасидан» келиб чиқиб оширилиши, лавозимини ошириш тартиблари эса одил ва холис бўлиши керак²⁴³.

Фикр билдириш ва уюшмалар эркинлиги

Судьялар ва адвокатлардек, «суд таъқибини амалга оширувчи шахслар бошқа фуқаролар каби ўз фикри, маслағи, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёлларини эркин баён этиш ҳуқуқига эга. Хусусан, улар ҳуқуқ, адолатли судловни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақдирлаш масалаларининг ошқора муҳокамасида иштирок этиш, маҳаллий, миллий ёки

²³⁹ *Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги БМТ амалдаги тамойиллари*, юқорида белгиланган, 4-тамойил.

²⁴⁰ Ўша ерда, 5-тамойил.

²⁴¹ *Колумбияга ташриф муносабати билан Қийноқ масалалари бўйича Махсус маърузачи ва Судловчи, ялли ёки асоссиз қатллар бўйича Махсус маърузачининг биргаликдаги маърузаси*, БМТ ҳужжати E/CN.4/1995/111, 117 (d) п.

²⁴² *Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги БМТ амалдаги тамойиллари*, юқорида белгиланган, 6-тамойил.

²⁴³ Ўша ерда, 7-тамойил.

халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки шундай ташкилотлар тузиш ва уларнинг йиғилишларида ўз касбий фаолияти бўйича чекловларсиз ёки қонуний асосларда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқларни амалга оширад эканлар, суд таъқибини амалга оширувчи шахслар доимо адолатга ва ўз касбларининг тан олинган меъёрлари ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда иш юритадилар»²⁴⁴.

Уюшмалар эркинлиги тўғрисидаги *БМТ тамойилларининг* 9-тамойили судьяларга қўлланиладиган БМТ андозаларида баён этилган қоидаларига ўхшаш қоидаларни ўз ичига олади: «Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўзларининг манфаатларини ифодаловчи, касбий тайёргарлиги даражасини оширувчи ва мақомини ҳимоя қилувчи профессионал уюшмалар ташкил этиш, уларга қўшилиш ҳуқуқига эгадирлар».

Профессионал мажбуриятлар

Адолат ўрнатиш жараёнининг асосий иштирокчиси сифатида прокурорларга бир қатор ваколатлар берилган бўлиб, улар бетараф ва холис, сиёсий, ижтимоий, диний, irqий, маданий, гендер ёки ҳар қандай бошқа таҳқирлашларсиз бажарилиши керак²⁴⁵. Бу мажбурият прокурорлик функциялари лозим даражада бажарилиши учун амал қилинадиган тамойил ҳисобланади ва прокурорлар ўз вазифаларини бажаришда янгиш хулосаларга эга бўлмасликлари лозимлигини англатади. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жараёнларни тегишли равишда олиб бориш ва адолат ўрнатилишини таъминлаш борасида прокурорларнинг алоҳида мажбуриятлари бор.

- Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар қонунга мувофиқ, ўз вазифаларини одилона, изчил ва сусткашликларсиз бажарадилар, инсон қадр-қимматини ҳурмат қиладилар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялайдилар, шу орқали жараён тўғри кечиши ва адолат ўрнатиш тизими тўғри ишлаши таъминланишига хизмат қиладилар²⁴⁶.

Прокурорлар уларга маълум бўлган инсон ҳуқуқлари поймол этилиши ҳолатларига нисбатан улар юзасидан тергов ўтказиш, шунингдек, далил-исботлар тўплаш нуктаи назаридан ҳам ҳушёр бўлишлари керак. Исбот-далил тўплашда прокурорлар «гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳисобланадиган, айниқса, қийноқ ва шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон ғурурини поймол қиладиган ёки инсон ҳуқуқини поймол этадиган бошқа ноқонуний йўллар билан олинган, дея саналадиган исбот-далиллардан ҳар қандай шахсга қарши фойдаланишдан бош тортадилар, шундай ҳолатлар ҳақида судни хабардор қиладилар ва бундай усуллардан фойдаланган шахслар судга тортилиши учун барча чораларни кўрадилар»²⁴⁷.

Инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда жамоат қораловчилари зудлик билан, тўлиқ ва холис тергов ўтказилишини таъминлашлари лозим.

²⁴⁴ Ўша ерда, 8-тамойил.

²⁴⁵ Ўша ерда, 13-тамойил, (а) п.

²⁴⁶ Ўша ерда, 12-тамойил.

²⁴⁷ Ўша ерда, 16-тамойил.

- Қийноқларга қарши қўмита агар жамоат қораловчиси қийноқ қўлланилгани тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган иш юзасидан суд қарорини бекор қилишни сўрамаса, ўзининг бетаграф бўлиш мажбуриятини бузган, дея ҳисобланишини таъкидлади²⁴⁸.

Прокурор жиноят ишининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Турли ҳуқуқ тизимларида прокурорларнинг функциялари турлича бўлиши мумкинлигига қарамай, *БМТ тамойилларининг* 11-тамойилида унинг асосий вазифаси лўнда ифодаланган: «Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар жиноят иши терговда, шу жумладан, иш қўзғатишда ва, қонунда рухсат этилган ҳолатларда, жиноятларни тергов қилишда, терговлар қонуний олиб борилиши, суд қарорлари бажарилишини назорат қилишда ҳамда давлат манфаатларини ифодаловчи шахс сифатида бошқа функцияларни бажаришда муҳим роль ўйнайди».

БМТ тамойилларига мувофиқ, «[с]уд таъқибини амалга оширувчи шахснинг лавозими судлов функцияларини бажаришдан кескин ажратилади». Бу қоида жуда аниқ баён этилганлигига қарамай, айрим тизимларда прокурорлар баъзи бир судлов функцияларини бажарадилар. Буларга дастлабки ҳибсга олиш учун ордер бериш ёки далил-исботлар тўплашни киритиш мумкин. Агар, бу функциялар ҳуқуқ тизимида кўзда тутилган бўлса, улар жараённинг судгача бўлган босқичи билан чекланиши, холис ва гумон қилинаётганларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан бажарилиши керак. Мазкур суд функциялари доим мустақил суд текширувидан ўтказилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита прокурорлар томонидан судлов функциялари бажарилган ҳолатларни ўрганишига тўғри келган.

- Ижро ҳокимиятига жавобгар бўлган прокурор ордер бериб, кейинчалик етарли бўлмаган далилларга асосланиб, суддан олдин ҳибсда ушлаш муддатини чўзган ҳолатда Қўмита «жамоат қораловчиси 9-модданинг 3-бандига [Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт] мувофиқ, «суд ҳокимиятидан фойдаланиш ваколатига эга мансабдор шахс» ҳисобланиши учун зарур институционал бетаграфлик ва холисликка эга бўлган шахс, деб саналиши юзасидан қонқиш ҳосил қилмаганини»²⁴⁹ баён қилди.

Прокурорларга тааллуқли бўлган муҳим қоидалардан бири *БМТ тамойилларининг* 15-тамойилидан ўрин олган. Унда прокурорлар «давлат хизматчилари томонидан содир этилган жиноятни, хусусан, коррупция, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, инсон ҳуқуқларини жиддий даражада бузиш ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган бошқа жиноятлар суд тартибда таъқиб қилинишига ва, қонунда рухсат этилганда ёки маҳаллий амалиётга тўғри келганда, бундай қонунбузарликлар юзасидан тергов ўтказишга тегишлича эътибор қаратадилар». Бу билан прокурорлар ҳуқуқ устунлигини қўллаб-қувватлашда ҳамда қонун барча фуқароларга, хусусан, расмий лавозимни эгаллайдиганларга

²⁴⁸ *Халед Бен М'Барек Тунисга қарши*, 60/1996 сонли хабар, (1999 йил 10 ноябрдаги қарор), БМТ ҳужжати CAT/C/23/D/60/1996, 11.10 п.

²⁴⁹ *Владимир Куломин Венгрияга қарши*, 521/1992 сонли хабар (1996 йил 22 мартдаги фикрлар), БМТ ҳужжати CCPR/C/56/D/521/1992, 11.3 п. Пактнинг 9.3 моддасида «Жиний айблов юзасидан ҳибсга олинган ёки ушланган шахс зудлик билан судьянинг ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахснинг олдига олиб борилади» дейилган.

нисбатан тенг даражада қўлланилишида муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтади.

Прокурорлар, асосан, иш юзасидан тергов ўтказишга ва айблов эълон қилиш бўйича ихтиёрий функцияларга эга тизимлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолатлар учун *БМТ тамойилларида* «қонун ёки эълон қилинган меъёрлар, ёки қарорлар суд таъқиби, шу жумладан, суд таъқибини бошлаш ва бекор қилиш жараёнида қарор қабул қилишга ёндашувда адолат ва изчиллик амалга оширилиши таъминлаши» назарда тутилади²⁵⁰.

Прокурорларнинг бошқа мажбуриятларига қуйидагилар киради: айбловлар асосиз бўлган тақдирда таъқиб қилишни бошлашни ман этиш ёки тўхтатиш; гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг ҳолатига тегишлича эътибор бериш ҳамда гумон қилинувчининг ҳолатини енгиллаштириши ёки оғирлаштиришидан қатъи назар ишга тааллуқли бўлган барча ҳолатларни инobatга олиш мажбурияти; ўз ихтиёрида бўлган маълумотнинг махфийлигини сақлаш, бурчни адо этиш, адолат бунинг аксини талаб қиладиган ҳолатлар бундан мустасно; жабрланувчиларнинг шахсий манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолатларда уларнинг фикри ва хавотирларини инobatга олиш, шунингдек, *Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмом қилиш қурбонлари учун Асосий адолат тамойиллари декларациясига* мувофиқ, уларни ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мажбурияти; полиция, суд, адвокат, жамоат қораловчилари ва бошқа давлат органлари ёки муассасалари билан ҳамкорлик қилиш мажбурияти²⁵¹.

Интизомий иш юритуви

Ўз профессионал вазифаларини бузганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, прокурорлар интизомий тартиботлар орқали жавобгарликка тортилиши даркор. *БМТ тамойилларида* прокурор интизомий жавобгарликка тортилиши учун асос бўладиган ва бундай иш қўзғатилган тақдирда, уларга берилиши лозим бўлган кафолатларнинг ҳам аниқ мезонлари белгиланган.

Интизомий иш юритуви бошланиши учун асослар тўғрисида *Тамойилларда* шундай дейилган: «[с]уд таъқибини амалга оширувчи шахсларни интизомий жазага тортиш юзасидан суд иши қонунга ёки меъёрий ҳужжатларга асослангани»²⁵². Бу ҳужжатларда қайси хатти-ҳаракатлар қонунбузарлик ҳисобланиши ва шу муносабат билан уларга қандай жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги аниқ ифодаланган. *Тамойилларда* прокурорлар ўз функцияларини бажаришга қодир эмасликлари борасида тўғридан-тўғри айтилмаганига қарамай, бу, уларни лавозимдан бўшатиш учун асос бўлиши назарда тутилади.

Тамойилларда интизомий иш юритувига нисбатан қўлланиладиган бир қатор тамойиллар мавжуд. Масалан, прокурорлар устидан тушган шикоятлар «тегишли тартибга мувофиқ, кечиктирилмай ва холис кўриб чиқилади». Бундан

²⁵⁰ Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги *БМТ амалдаги тамойиллари*, юқорида белгиланган, 17-тамойил.

²⁵¹ Ўша ерда, 14, 13 (b)–(d) ва 20-тамойиллар.

²⁵² Ўша ерда, 21-тамойил.

ташқари, прокурорлар суд иши одил кўрилиши, «қабул қилинган қарор мустақил тараф томонидан текширилиши» ҳуқуқига эга²⁵³. Ва, ниҳоят, кўрилган иш натижасида «халис баҳо берилиши ва объектив қарор қабул қилиниши»²⁵⁴ лозим.

Инсон ҳуқуқлари бузилишини фош қилиш ва иш судда одил кўрилишига бўлган ҳуқуқни таъминлар эканлар, прокурорлар адолат ўрнатилишида ўта муҳим роль ўйнайди. Прокурорлар ўз профессионал функцияларини бетараф ва халис бажаришлари даркор. Давлатлар прокурорлар ўз функцияларини аралашувларсиз бажаришлари мумкинлиги учун зарур чораларни кўрмоғи ва уларни фаол ҳимоя қилмоғи лозим. Прокурорлар давлат мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятларга алоҳида эътибор қаратишлари ва инсон ҳуқуқларини поймол этиш йўли билан олинган далиллардан фойдаланишдан бош тортишлари зарур.

²⁵³ Ўша ерда.

²⁵⁴ Ўша ерда, 22-тамойил. Тамойилда, шунингдек, белгилаб қўйилганки, интизомий ишлар судда «қонун, Касб одоб-ахлоқи кодекси ва бошқа белгиланган андозалар асосида ҳамда мазкур амалий тамойилларидан келиб чиқиб кўрилади».

2 - ҚИСМ

Судлар, адвокатлар
ва прокурорларнинг мустақиллиги
ва жавобгарлигига оид
халқаро ҳужжатлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

А. Судлар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллигига оид махсус андозалар

Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллар

(БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган)

Жаҳон халқлари БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни амалга ошириш мақсадидаги мажбуриятларга нисбатан одиллик амалда бўлишини таъминлайдиган тегишли шарт-шароитлар яратишга тайёр эканликларини билдираётганликларини эътиборга олиб,

инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига барчанинг қонун олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, ишнинг таъсис этилган ваколатли, мустақил ва одил суд томонидан қонунга мувофиқ, ошқора ва адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги тамойиллар киритилганини эътиборга олиб,

иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт мазкур ҳуқуқларни амалга оширилиши, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт асосиз ушлаб туришсиз ҳам судланиш ҳуқуқини ҳам кафолатлашини эътиборга олиб,

ҳанузгача мазкур тамойилларнинг тақдим этилиши билан ҳақиқий ҳолат ўртасида номуноносиблик мавжудлигини эътиборга олиб,

ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишда мана шу тамойилларга риоя этиш ва уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш учун барча кучларни сафарбар қилиш лозимлигини эътиборга олиб,

судьяларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларига оид меъёрлар уларга мана шу тамойилларга мувофиқ иш олиб боришлари учун имкониятларни яратиб беришга қаратилиши лозимлигини эътиборга олиб,

судьяларга ҳаёт ва мамот, озодлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мулклари масалалари бўйича узил-кесил қарорлар чиқариш мажбурияти юклатилишини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича олтинчи Конгресси ўзининг 16-сонли резолюциясида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш қўмитасига судьялар мустақиллиги ва танлови, судья ва прокурорларнинг касбий тайёргарлиги ва мақомларига тегишли ва амал қилиниши

шарт бўлган тамойилларни ишлаб чиқишни биринчи галдаги вазифалар қаторига киритиш кераклигини сўраб қилган муурожаатини эътиборга олиб,

шунга боғлиқ равишда, биринчи навбатда, адлия тизимида судьяларнинг роли ва уларни танлаб олиш, тайёрлаш ва тартиб-қоидаларининг муҳимлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш лозимлигини эътиборга олиб,

хукуматлардан судлов органларининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда аъзо-мамлакатларга ёрдам бериш мақсадларида тузилган қўйидаги асосий тамойилларни ўз миллий қонунчилиги ва амалиёти доирасида эътиборга олиш ва ҳурмат этишлари ҳамда судьялар, адвокатлар, ижрочи ва қонун чиқарувчи органларнинг ходимлари ва кенг жамоатчилик оммасини хабардор қилишлари талаб этилади. Тамойиллар асосан профессионал судьялар учун мўлжалланган, бироқ, зарур бўлганда, профессионал бўлмаган судьялар ҳам, агар шундайлар мавжуд бўлса, улардан тенг даражада фойдаланишлари мумкин.

Суд органларининг мустақиллиги

1. Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустаҳкамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар улар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шарт.
2. Суд органлари ўзларига топширилган ишларни ҳолисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қилади.
3. Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгадилар ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатга кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилган.
4. Одил судлов жараёнига ғайриқонуний ёки рухсат этилмаган аралашувлар бўлмаслиги керак ҳамда судлар чиқарган қарорлар қайта кўрилмайдди. Ушбу тамойил судлов органлари чиқарган ҳукмларнинг қонунга мувофиқ равишда суд тартибида қайта кўрилиши ёки жазонинг енгиллаштирилишига монелик қилмайдди.
5. Ҳар бир инсон ишнинг белгиланган юридик чоралар қўлланиладиган оддий судлар ёки трибуналларда суд тартибида кўрилиши ҳуқуқига эга. Оддий судлар ёки суд органларининг ваколатларини алмаштириш мақсадида белгилаб берилган юридик чоралардан талаб даражасида фойдаланмайдиган трибуналлар тузилмаслиги керак.
6. Суд органларининг мустақиллиги тамойили уларга қатор ҳуқуқлар беради ва улардан судлов ишини адолатли олиб боришни ва томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этади.
7. Ҳар бир аъзо-давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбур.

Сўз ва уюшмалар эркинлиги

8. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, бошқа фуқаролар каби, суд органлари аъзолари ҳам сўз, диний эътиқод, уюшиш ва аъзо бўлиш эркинликларидан фойдаланадилар; бироқ мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш давомида судьялардан ўз лавозимларига бўлган ҳурматни таъминлаш ва суд органларининг дахлсизлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилади.
9. Судьялар судьялар уюшмасини ёки бошқа ташкилотларни тузиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий малакасини тақомиллаштириш ва дахлсизлигини сақлаб қолиш мақсадларида уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Малака, танлов ва тайёргарлик

10. Судьялик лавозимига танлаб олинган шахслар юқори ахлоқий сифатлар ва қобилиятларга ҳамда ҳуқуқ соҳасида тегишли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишлари керак. Судьяларни танлаб олишнинг ҳар қандай усули ғайриқонуний далиллар бўйича судьяларни тайинладан ҳимояни кафолатлаши лозим. Судьяларни танлаб олишда мазкур шахс ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий, табақавий ёки бошқа ҳолатларига боғлиқ равишда камситилмаслиги керак; бироқ юридик лавозимга номзод тегишли давлат фуқароси бўлиши кераклиги ҳақидаги талабга камситилиш сифатида қаралмаслиги лозим.

Лавозим шартлари ва ваколат муддатлари

11. Судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши тегишли тарзда қонун билан белгиланиши ва кафолатланиши керак.
12. Танлаб олинган ёки сайланган судьялар мажбурий пенсияга чиққунлари ёки ваколатларнинг белгиланган муддатлари тугагунга қадар кафолатланган ваколатларга эга бўладилар.
13. Судьяларнинг мансаб поғоналаридан кўтарилишларини, агар шундай тизим мавжуд бўлса, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобилияти, ахлоқий сифатлари ва тажрибасига асосланиб амалга ошириш талаб этилади.
14. Судларда ишларни судьялар орасида тақсимлаш суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланади.

Касбий сир ва дахлсизлик ҳуқуқи

15. Судьялар ишлари бўйича касбга оид сирларни ва ўз мажбуриятларини бажариш мобайнида олинган махфий маълумотларни сир сақлашлари керак, фақат бундан очиқ судда кўриладиган ишлар мустасно ҳамда улар бундай масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ҳам мажбур қилинмасликлари лозим.

16. Қайсидир интизомий тартиблар ёки миллий қонунчиликка мувофиқ равишда давлат томонидан апелляция ёки товон ҳуқуқларини буз-маган ҳолда, судьялар ўз фаолиятларига доир вазифаларини амалга оширишлари чоғида нотўғри ҳаракатлар ёки камчиликларга йўл қўй-ишлари оқибатида келтирилган молиявий зарар учун фуқаролик даъ-воларига нисбатан шахсий дахлсизликдан фойдаланишлари лозим.

Жазолаш, лавозимдан четлатиш ва бўшатиш

17. Судьянинг хизмат юзасидан судлов ёки касбий мажбуриятларини бажариши давомида унинг устидан тушган айблов ёки шикоят ари-заси тегишли чора-тадбирларга мувофиқ, зудлик билан одилонга кўриб чиқиши шарт. Судья жавоб бериш ва ҳаққоний текширув ўт-казилиши ҳуқуқига эга. Агар судьянинг бошқа талаби бўлмаса, даст-лабки босқичда шикоят аризасини кўриб чиқиш махфий равишда амалга оширилади.
18. Судьялар ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз, деб топилса ёки эгаллаб турган лавозимига ахлоқий жиҳатдан зид бўлган ҳаракатлар-ни қилса, лавозимдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки бўшатилиши мумкин.
19. Жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш бўйича барча чоралар судьянинг ваколатларини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш асослари ва тартибига мувофиқ белгиланади.
20. Маъмурий жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш ҳақидаги қарор мустақил текширув предмети бўлиши лозим. Мазкур тамойил олий суд қарорларига ёки қонун чиқарувчи органларнинг ишларни импичмент тартибида кўриш ёки шунга монанд чораларга риоя этиш давомида қабул қилинган қарорларига нисбатан қўлланилмаслиги мумкин.

Юристарларнинг ролига оид Асосий тамойиллар

(БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги Саккизинчи конгрессида қабул қилинган, Гавана, 27 август–7 сентябрь, 1990 йил)

Жаҳон халқлари БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни амалга ошириш мақсадидаги мажбуриятларга нисбатан одиллик амалда бўлишини таъминлайдиган тегишли шарт-шароитлар яратишга тайёр эканликларини билдираётганликларини эътиборга олган ҳолда,

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида барчанинг қонун олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, ишларнинг қонунга мувофиқ таъсис этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан ошқора ва адолатли кўриб чиқилиши, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай инсонни ҳимоя қилиш учун зарур кафолатлар олиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги тамойиллар киритилганини эътиборга олган ҳолда,

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда асоссиз ушлаб туришсиз ҳам судланиш ҳуқуқининг ҳамда қонун асосида тузилган ваколатли, мустақил ва одил суд томонидан ишнинг адолатли ва ошқора кўрилиш ҳуқуқининг эълон қилинишини эътиборга олган ҳолда,

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича мажбуриятлари тўғрисида эслатиб ўтилишини эътиборга олган ҳолда,

қандай шаклда бўлмасин, ушлаб турилган ёки қамоққа маҳкум қилинган барча шахсларни ҳимоя қилиш Қоидалари тўпламида қўлга олинган шахс юрист маслаҳатчиси ёрдамидан фойдаланиш, мурожаат қилиш ва у билан маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга эканлиги кўзда тутилганини эътиборга олган ҳолда,

маҳбуслар билан муомала қилишнинг андозавий минимал қоидаларида иши тергов қилинаётганларга юридик ёрдам ва адвокат билан махфий мулоқот қилишни таъминлаб бериш баён этилганини эътиборга олган ҳолда,

ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳимоясини кафолатловчи чора-тадбирларда ўлим жазоси белгиланишига сабаб бўлган жиноятни содир этишда гуноҳ қилинаётган ҳар бир шахс ёки айбланувчининг ҳуқуқлари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасига мувофиқ олиб борилаётган суд жараёнининг барча босқичларида тегишли юридик ёрдам олиш ҳуқуқлари тасдиқланишини эътиборга олган ҳолда,

жиноятдан ва ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда жиноятдан жабр кўрганларнинг одил судловга ва адолатли муомалага, мулкка нисбатан аввалги ҳуқуқларини тиклаш (реституция), компенсация ва ёрдамга эга бўлишларини енгиллаштириш учун халқаро ва миллий даражаларда қабул қилинадиган чора-тадбирларнинг тавсия этилишини эътиборга олган ҳолда,

иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўладими ёки фуқароликка оид ва сиёсий ҳуқуқми, ҳамма соҳада инсонлар фойдаланиши лозим ҳуқуқ ва эркинликларининг тегишли ҳимоясини таъминлаб бериш учун, барча инсонлар мустақил юқори малакали юристлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматлардан ҳақиқатан ҳам баҳраманд бўла олишлари кераклигини эътиборга олган ҳолда,

юристларнинг касбий уюшмаларига ўз аъзоларини асоссиз аралашувлар ва таъқиблардан, ноқонуний чекловлардан ҳимоя қилишда касбий меъёрлар ва этикага риоя этилишини таъминлашда, барча эҳтиёжмандларга юридик хизматлар тақдим этишда ва одил судлов мақсадларини амалга оширишда ҳукумат ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда давлат манфаатларини ҳимоялашда муҳим ўрин ажратилишини эътиборга олган ҳолда,

давлат бошқарув органларидан суд органларининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда аъзо-мамлакатларга ёрдам бериш мақсадларида тузилган қуйида келтирилган асосий Тамойилларни ўз миллий қонунлари ва тажрибалари доирасида эътиборга олишлари ва унга риоя этишлари ва улардан судьялар, айбловчилар (қораловчилар), адвокатлар, ижрочи ва қонун чиқарувчи органлар ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик оммасини хабардор қилишлари талаб этилади. Тамойиллар асосан профессионал юристлар учун мўлжалланган, бироқ, зарур бўлганда, профессионал мақомга эга бўлмаган, юристлик вазифасини бажараётганлар ҳам улардан тенг фойдаланишлари мумкин.

Юристлар ва юридик хизматлардан фойдаланиш

1. Ҳар бир инсон ҳимоя мақсадида ёрдам сўраб ва кўрилатган жиноят ишининг барча босқичларида унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаб беришни сўраб хоҳлаган юристига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
2. Давлат ўз ҳудудида бўлган ва уларнинг юрисдикциясига тушувчи барча фуқароларга, ҳеч бир камситишларсиз, масалан, ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, туғилиши, моддий ва бошқа мақомига кўра ажратмаган ҳолда, юристлар хизматидан фойдаланишда амалий ва тенг имкониятларни таъминлашга доир самарали тартиб ва механизмларни кафолатлаши керак.
3. Ҳукумат зарурият юзага келса, ночор бўлган, ноқулай аҳволга тушиб қолган шахсларга ҳам юридик хизматлар кўрсатиш учун етарли молиявий маблағлар ва бошқа турдаги ёрдамларнинг тақдим этилишини таъминлайди. Юристларнинг касбий уюшмалари хизматлар, маблағлар ва бошқа ресурсларни ташкил этиш ва таъминлашда ҳамкорлик қиладилар.
4. Давлат ва юристларнинг касбий уюшмалари инсонларни уларнинг қонунга мувофиқ ҳуқуқ ва бурчлари, асосий эркинликларини ҳимоя қилишда юристларнинг тутган муҳим ўрни тўғрисида хабардор қилишга доир дастурларни амалга оширишда ҳамкорлик қиладилар. Айниқса, ночор ва ноқулай аҳволга тушиб қолган инсонларга,

зарурият туғилганда, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юристларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкониятларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Одил судлов масалаларидаги махсус кафолатлар

5. Давлат жинойт жавобгарликда айбланган ҳар бир одамни ҳибсга олиш ёки қўлга туширишда, унинг ўз хоҳишига кўра, юрист хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи борлиги ҳақида ваколатли органлар дарҳол хабардор қилишларини таъминлайди.
6. Одил судлов талаблари тақозо қилган барча ҳолатларда, ўз юристига эга бўлмаган ҳар бир киши, гарчи бунинг учун етарли маблағи бўлмаса ҳам, ҳуқуқбузарлик хусусиятига мос бўлган умумий билим, тажриба ва ваколатга эга, унга самарали юридик ёрдам кўрсата оладиган бепул юрист ёрдамни олиши ҳуқуқига эгадир.
7. Шунингдек, давлат томонидан жинойт юзасидан айб қўйилган ёки қўйилмагандан қатъи назар ушлаб турилган ва қамоққа олинган барча шахслар дарҳол, яъни улар ҳибсга олинган ёки ушланган вақтдан бошлаб, қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан юристга эга бўлишларини таъминлаб берилиши шарт.
8. Барча ҳибсга олинганлар, қўлга тушганлар ёки қамоқдаги маҳбуслар учун уларнинг олдиларига юристларнинг кириши учун, кечикмасдан, ҳеч бир аралашувларсиз ва цензурасиз, махфийликка риоя этилган ҳолда улар билан алоқа боғлаши ва маслаҳатлар бериши учун мўтаносиб имкониятлар, вақт ва шароитлар яратиб берилади. Бундай маслаҳат-учрашувлар ҳуқуқий тартибни сақлаш учун масъулиятли шахсларнинг иштирокида амалга оширилиши мумкин, бироқ уларга суҳбатдан воқиф бўлиш имконияти яратилмаслиги керак.

Малака ва кадрлар тайёргарлиги

9. Давлат, юристларнинг касбий уюшмалари ва ўқув муассасалари юристларнинг касбий малакаси ва тайёргарлигини, уларнинг касбга доир талаб ва мақсадлар ҳамда ахлоқий мажбуриятларни чуқур тушуниб етишлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида миллий ва халқаро қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган билимларга эга бўлишларини таъминлаб берадилар.
10. Давлат, юристларнинг касбий уюшмалари ва ўқув муассасалари ҳар қандай шахснинг профессионал юридик амалиётни бошлаши ёки давом эттиришида унга зарар етказиши мумкин бўладиган ажратишлар, яъни ирқи, терисининг ранги, этник келиб чиқиши, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавӣ, иқтисодӣ ва бошқа ҳолатлари бўйича ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмасликни таъминлайдилар. Бунда юрист тегишли мамлакатнинг фуқароси бўлиши керак, деган талаб камситиш сифатида кўрилмаслиги керак.
11. Юридик хизматларга эҳтиёжлар таъминлаб берилмайдиган, ўзига хос маданиятга, анъаналар ёки тилига эга бўлган, илгари камситиш

ва таҳқирлашлар қурбони бўлган турли гуруҳлар, жамоалар мавжуд мамлакатларда давлат, юристларнинг касбий уюшмалари ва ўқув муассасалари бундай гуруҳлар номзодларининг юридик маълумот олишлари ҳамда юрист касбини эгаллашлари учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилишлари лозим.

Вазифа ва мажбуриятлар

12. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам юристлар адлия соҳасининг масъул ходимлари сифатида, ўз касбларига монанд обрў ва қадр-қимматни сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар.
13. Мижозларга хизмат кўрсатишда юристлар қуйидаги ишларни бажарадилар:
 - а) мижозларга уларнинг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари юзасидан ва мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бўлган ҳуқуқий тизимнинг фаолияти ҳақида маслаҳатлар бериш;
 - б) мижозларга ҳар қандай имкон даражасидаги воситалар ва улар ёки уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қабул қилинган қонуний чора-тадбирлар билан ёрдам кўрсатиш;
 - с) мижозларга, зарур бўлганда, судларда, трибуналларда ёки маъмурий органларда ёрдам кўрсатиш.
14. Мижозларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашишда юристлар, шунингдек, миллий ва халқаро меъёрлар томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳам ҳимоя қилишлари керак; улар, айни пайтда қонунга ва умумэтироф этилган меъёрларга, шу билан бирга, юристлик касби этикасига мувофиқ равишда эркин ва ҳалол хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари керак.
15. Юристлар доим ўз мижозлари манфаатлари ҳимоя қилишга қатъий риоя этадилар.

Юристларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари бўйича кафолатлар

16. Давлат юристлар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун қуйидагиларни: а) ўз касбий вазифаларини қўрқитишсиз, тўсиқларсиз, таъқибсиз ёки асоссиз аралашувларсиз бажара олишини; б) ўз мижози билан мулоқот қилиши учун уларга мамлакат ичида ёки унинг ташқарисида эркин ҳаракатланиб юришини (ҳаракатланиш эркинлигини); с) умумқабул қилинган касбий мажбуриятлари, андозалар ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ равишда амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари учун таъқибдан, таъқиб хавфидан ёки суд, маъмурий, моддий ва бошқа жавобгарликдан ҳимояни таъминлаб беради.
17. Касбий мажбуриятларини бажараётган юристларнинг хавфсизлигига нисбатан хатар туғилса, давлат томонидан уларга мувофиқ ҳимоя таъминлаб берилади.

18. Юристар вазибаларини бажаришлари натижасида ўз миждозлари ёки улар манфаатлари билан тенглаштирилмаслиги керак.
19. Адвокат ҳуқуқи тан олинадиган бирорта ҳам суд ёки маъмурий орган юристнинг судда ўз миждози манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини рад этмайди, фақат бундан юристнинг миллий қонунчилик ва амалиётларга ҳамда мазкур тамойилларга мувофиқ ўз касбий фаолиятини бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолатлар мустасно.
20. Юристар судда ёки бошқа бирорта судга доир ёки маъмурий органда ўзларининг хизмат вазибаларини бажаришда улар томонидан ёзма ёки оғзаки шаклда қилинган виждонан баёнотлари учун фуқаролик ва жинсий имунитетга эга бўлишлари керак.
21. Ваколатли органларнинг мажбурияти — юристга ҳокимият ихтиёрида ёки назорати остида бўлган тегишли маълумот, файл ёки ҳужжатлардан миждозларига зарур юридик ёрдам кўрсатиш учун етарли вақт давомида фойдаланиш имкониятини таъминлаб беришдан иборат. Бундай имконият имкон қадар тезроқ таъминланиши керак.
22. Ҳукумат юристар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги барча суҳбатлар ва маслаҳатлашувларнинг махфийлигини тан олади ва уни таъминлаб беради.

Этиқод ва уюшмалар эркинлиги

23. Юристар ҳам бошқа фуқаролар сингари ўз фикрларини, этиқод ва қарашларини эркин ифода этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳусусан, улар ҳуқуқий масалаларга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга доир мунозараларда иштирок этиш ва маҳаллий, миллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг аъзолари бўлиш ёки ташкил этиш ва уларнинг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар, бунда ўзларининг қонунга мувофиқ ёки қонуний ташкилотларнинг аъзолари сифатида олиб бораётган касбий фаолиятларида ҳеч бир тўсиқларга дуч келмасликлари керак. Мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш давомида юристар ўз хатти-ҳаракатларида айни пайтда қонунга ва умумэтироф этилган меъёрларга, шунингдек, юристлик касби этикасига амал қиладилар.

Юристарнинг касбий уюшмалари

24. Юристар уларнинг манфаатларини ифода этадиган, билимларини узлуксиз такомиллаштириб бориш ва тайёргарлик кўришларига ҳамда уларнинг касбга доир манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган мустақил касбий уюшмаларни тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Касбий уюшмаларнинг ижрочи органлари аъзолар орасидан тайинланади ва улар ўз вазибаларини ташқаридан ҳеч бир аралашувларсиз амалга оширадилар.
25. Юристарнинг касбий уюшмалари барча шахсларнинг амалий ва юридик хизматга тенг эга бўлишларини таъминлаш ва юристар қонунларга, тан олинган андозалар ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ, миждозларга маслаҳатлар бериш ва ёрдам кўрсатиш ишларини ноқонуний

аралашувларсиз бажариш имкониятига эга бўлишлари йўлида ҳуку-
мат билан ҳамкорлик қиладилар.

Интизомий чора-тадбирлар

26. Юристар ўзларининг тегишли идоралари ва қонунчилик органлари орқали миллий қонунларга мувофиқ, анъаналар ҳамда тан олинган халқаро андозалар ва ҳужжатлар асосида юристарнинг касбга доир ахлоқий кодексларини ишлаб чиқадилар.
27. Юристар устидан уларнинг касбий фаолиятига боғлиқ равишда келиб тушган айблов ва шикоятлар кечиктирилмасдан ҳамда одилонга, тегишли чора-тадбирларга мувофиқ кўриб чиқилади. Юристар ишнинг адолат билан кўриб чиқилиши ва ўз танлови бўйича юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар.
28. Юристарга нисбатан қўлланиладиган маъмурий чора-тадбирлар ҳуқуқшунослар томонидан ташкил этилган холис интизомий қўмиталар, қонунда кўзда тутилган мустақил органлар томонидан ёки судларда кўрилади ҳамда мустақил суд назоратига олинади.
29. Барча ахлоқий чора-тадбирлар касбга доир ахлоқий кодекслар ва юристарнинг касбий этикаси ва андозалари ҳамда ушбу тамойилларга мувофиқ белгиланади.

Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг роли тўғрисидаги амалдаги тамойиллар

(БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги Саккизинчи конгрессида қабул қилинган, Гавана, 27 август–7 сентябрь, 1990 йил)

Жаҳон халқлари БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг ирқи, жинси, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳурматни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида мажбуриятларга нисбатан одилликка риоя қилинишини таъминлайдиган тегишли шарт-шароитлар яратишга тайёр эканликларини билдираётганликларини эътиборга олган ҳолда,

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида барчанинг қонун олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, ишнинг қонунга мувофиқ таъсис этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан ошқора ва адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканликлари тўғрисидаги тамойиллар киритилганини эътиборга олган ҳолда,

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактлар мазкур ҳуқуқларни амалга оширилишини кафолатлайди, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт асоссиз ушлаб туришсиз ҳам судланиш ҳуқуқини ҳам кафолатлашини эътиборга олган ҳолда,

ҳанузгача мазкур тамойилларнинг тақдим этилиши билан ҳақиқий ҳолат ўртасида номуносиблик борлигини эътиборга олган ҳолда,

ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишда ушбу тамойилларга риоя қилиш ва ҳаётга уларни тўлиқ жорий этиш учун барча кучларни сафарбар қилиш лозимлигини эътиборга олган ҳолда,

Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг адолатли судни рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнашларини ва улар томонидан муҳим вазифалар бажарилишини тартибга солувчи меъёрлар юқорида қайд этилган тамойилларни ҳурмат қилишга ёрдам беришини ва шу орқали адолатли ҳамда тенг ҳуқуқли одил судловни амалга ошириш ва фуқароларни жиноятлардан самарали ҳимоя қилишга эришиш мумкинлигини эътиборга олган ҳолда,

суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур бўладиган тегишли касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлашнинг муҳимлиги, бунинг учун эса кадрларни ёллаш услубларини такомиллаштириш ва касбий юридик тайёргарликни кучайтириш зарурлигини ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши, айниқса, янги шаклларда ва миқёсларда курашиш билан боғлиқ ўз вазифаларини бажаришлари учун барча зарур чораларни таъминлаб бериш йўли билангина эришиш мумкинлиги муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш тўғрисидаги бешинчи конгрессида қабул қилинган тавсиялари бўйича Бош Ассамблея ўзининг 1979 йил 17 декабрдаги 34/169-сонли резолюциясида Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича

мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексини қабул қилганини эътиборга олган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича олтинчи Конгресси ўзининг 16-резолуциясида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш қўмитасига судьялар мустақиллиги ва танлови, судья ва прокурорларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда мақомларига тегишли бўлган амал қилиниши шарт тамойилларни ишлаб чиқишни биринчи галдаги вазифалар қаторига киритиш кераклигини сўраб қилган мурожаатини эътиборга олган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи Конгресси Судлов органларининг мустақиллигига тегишли асосий тамойилларни қабул қилгани ва ушбу тамойиллар Бош Ассамблея томонидан 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюцияларда тасдиқланганини эътиборга олган ҳолда,

Жиноятдан ва ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда жиноятдан жабр кўрганларнинг одил судловга ва адолатли муомалага, мулкка нисбатан аввалги ҳуқуқларини тиклаш (реституция), компенсация ва ёрдамга эга бўлишларини енгиллаштириш учун халқаро ва миллий даражаларда қабул қилинадиган чора-тадбирларнинг тавсия этилишини эътиборга олган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи Конгресси Қўмитадан суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаб олиш, касбга тайёрлаш ва уларнинг мақоми, кўзда тутилган мажбуриятлари ва ахлоқий меъёрлари, одил суд тизимининг бенуқсон фаолиятини амалга оширилишини таъминлашга қўшадиган ҳиссалари ҳамда полиция билан ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг ваколатлари доирасидаги ва одил судлов ишларидаги ролига тааллуқли амалий қоидаларини ишлаб чиқиш заруриятини кўриб чиқиш ва бу масала бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг навбатдаги конгрессларида ҳисобот беришга даъват этганини эътиборга олган ҳолда,

ҳукумат бошқарув органларидан суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этишда аъзо-мамлакатларга ёрдам бериш мақсадларида тузилган қуйидаги асосий Тамойилларни ўз миллий қонунлари ва тажрибалари доирасида эътиборга олишлари ва жиноий ишларни кўриб чиқишда уларга риоя этишлари ва судьялар, айбловчилар, адвокатлар, ижрочи ва қонун чиқарувчи органлар ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик оммасини хабардор қилишлари талаб этилади. Тамойиллар жамоат қораловчиси учун мўлжалланган, бироқ, тегишли шароитларда махсус асослар бўйича тайинланган қораловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Малака, танлов ва касбий тайёргарлик

1. Суд таъқибини амалга ошириш мақсадида танланган шахслардан юқори ахлоқий сифатлар ва қобилият, шунингдек, тегишли тайёргарлик ва малакага эга бўлиш талаб этилади.

2. Давлат суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаб олишда қуйидагиларга риоя этади:
 - а) суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаш мезонлари ноҳақлик ва ғаразликлардан ҳоли бўлган ва ҳар қандай, яъни шахсининг ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий, табақавий ёки бошқа ҳолатларига боғлиқ равишда камситилишга қарши кафолатларни қамраб олиши лозим, бироқ, бунда суд таъқибини амалга оширувчи шахс лавозимига номзод тегишли давлат фуқароси бўлиши кераклиги ҳақидаги талабга камситилиш сифатида қаралмаслиги керак;
 - б) суд таъқибини амалга оширувчи шахслар юқори ахлоқий сифатларга ва қобилиятлар, шунингдек, ҳуқуқ соҳасида тегишли тайёргарлик ва билимга эга бўлиши ҳамда айбланувчи шахс ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Конституциявий ва меъёрий қонун-қоидалар, шу билан бирга, миллий ҳамда халқаро қонунлар томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида билимларга эга бўлишлари талаб этилади.

Хизмат мақоми ва шароитлари

3. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар одил суд тизимининг муҳим вакиллари сифатида ўз касбига бўлган обрў ва қадр-қимматни сақлашга доим ҳаракат қиладилар.
4. Давлат суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз хизмат вазифаларини хавф-хатарлардан, тўсиқлар, қўрқитиш, ноўрин аралашувлар ёки асосиз тарзда фуқаролик, жиноий ва бошқа жавобгарликка тортилишлардан ҳоли бўлган шароитларда бажаришларини таъминлайди.
5. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар томонидан суд-тергов ишларини амалга ошириш мобайнида уларнинг ёки оила аъзоларининг ҳаётига хавф солувчи таҳдидлар юзага келган вазиятларда, уларга давлат томонидан жисмоний ҳимоя таъминланади.
6. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг хизмат вазифаларини бажаришлари учун оқилона шарт-шароит, кези келганда, улар меҳнатини муқофотлаш шартлари, ваколат муддатлари, пенсия таъминоти ва пенсияга чиқиш муддатлари қонун ва тасдиқланган меъёр ҳамда низомларда белгилаб қўйилади.
7. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни мансаб бўйича кўтарилишлари, агар шундай тизим мавжуд бўлса, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобилияти, ахлоқий сифатлари ва тажрибаси асосида амалга оширилиши талаб этилади ҳамда бу ҳақдаги қарор адолатли ва ҳаққоний тадбирларга мувофиқ қабул қилинади.

Эътиқод ва уюшмалар эркинлиги

8. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ҳам бошқа фуқаролар сингари ўз фикрларини, эътиқод ва қарашларини эркин ифода этиш

ҳуқуқига эгадирлар. Хусусан, улар ҳуқуқий масалалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва рағбатлантиришга оид мунозараларда иштирок этиш ва маҳаллий, миллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг аъзолари бўлиш ёки ташкил этиш ва уларнинг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар, бунда ўзларининг қонунга мувофиқ ёки қонуний ташкилотларнинг аъзолари сифатида олиб бораётган касбий фаолиятларида ҳеч бир тўсиқларга дуч келмасликлари керак. Мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш мобайнида суд таъқибини амалга оширувчи шахслар айни пайтда қонунга ва умум-эътироф этилган меъёрларга, шунингдек, ўз касб этикасига мувофиқ равишда эркин ва виждонан хатти-ҳаракатлар қилиши шарт.

9. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар касбий уюшмаларни тузиш ёки уларга қўшилиш ҳамда ўз манфаатларини ифода этувчи, касбий тайёргарлигини оширишга ёрдам берувчи ҳамда мақомини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотларга ҳам аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жиноий текширувдаги роль

10. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг лавозими суд функцияларини бажариш вазифасидан кескин фарқ қилади.
11. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар жиноят ишини юритишда фаол роль ўйнайди, шу жумладан, жиноий ишни очишда ва агар қонунда кўзда тутилган ёки маҳаллий амалиётда қўлланган тақдирда, тергов ишларида, суд қарорининг бажарилишини назорат қилишда ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишда иштирок этадилар.
12. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар қонунга мувофиқ ўз мажбуриятларини виждонан, изчиллик билан ва тезкор равишда бажардилар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қиладилар ва бу билан одил суд тизимининг узлуксиз фаолиятини ҳамда талаб даражасидаги жараённи таъминлашга ўз ҳиссасини қўшадилар.
13. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз мажбуриятларини бажариш мобайнида:
 - a) ўз вазифаларини виждонан бажариши ва ҳар қандай камситишлар: сиёсий, ижтимоий, этник, диний, маданий, жинсий ёки ҳар қандай бошқа турдаги ажратишлардан муҳофазаланган бўлиши керак;
 - b) холис хатти-ҳаракат юритиши, гумон қилинувчи ва жабрланувчи жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек, уларнинг гумон қилинувчи шахс учун фойдалими ёки фойдали эмаслигидан қатъи назар, ишнинг барча ҳолатларига эътибор қаратиши керак;
 - c) иш материалларини қатъиян сир сақлаши керак, лавозим мажбуриятлари ёки одил судлов манфаатлари бошқа йўлни талаб қилган ҳолатлар бундан мустасно;

- d) жабрланувчиларнинг шахсий манфаатларига дахлдор бўлса, уларнинг фикр ва хавотирларини кўриб чиқади ҳамда Жиноятчиликдан ва ҳокимият ваколатини суиистеъмом қилишдан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ равишда жабрланувчилар ўз ҳуқуқлари билан таъмирилишини таъминлайди.
14. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар агар холис тергов айбловларнинг асоссизлигини аниқлаган тақдирда, прокурорлар жиноий таъқибни бошламаслиги ёки давом эттирмаслиги, шунингдек, бундай таъқибни тўхтатиш учун барча чораларни кўриши лозим.
15. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар давлат хизматчилари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини, яъни коррупция, мансабини суиистеъмом қилиш, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ҳолатлари ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган бошқа жиноятларни текширишга етарлича эътибор қаратадилар ҳамда агар маҳаллий қонунларга ва амалиётга мувофиқ келса, бундай қонунбузарликларни текшириш ишларида ҳам қатнашишлари мумкин.
16. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ихтиёрида тегишли маълумотлар ёки гумон қилинувчига қарши далиллар ноқонуний усуллар ёрдамида олинганлиги бўйича жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда, айниқса, қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайринсоний ёки унинг кадр-қийматини камситувчи муомалага ёки жазолаш ҳолатларига йўл қўйилганда, ҳар қандай шахсга нисбатан бундай далиллардан фойдаланишдан воз кечиши, бундай усуллардан фойдаланган шахсларга қарши ҳолатлар бундан мустасно, ёки бу ҳақда тегишли суд органига хабар бериши, шунингдек, бундай усуллардан фойдаланган шахсларни жавобгарликка тортиш учун барча зарур чораларни кўриши керак.

Ихтиёрийлик (дискрецион) функциялари

17. Амалий тамойиллар суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга ихтиёрий (дискрецион) функцияларни ҳам бажариш ваколати берилган мамлакатларда қонунлар ёки чоп этилган меъёрлар ёки қарорлар судлов жараёнида адолатли қарорлар қабул қилиш, жумладан, суд ишини қўзғатиш ёки уни бекор қилишга виждонан ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаб беради.

Суд таъқибига муқобиллик

18. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар миллий қонунчиликка мувофиқ, суд таъқибини бекор қилиш, текширувларни шартли ёки шартсиз равишда тўхтатиш ёки жиноий ишни расмий судлов тизимидан қайтариб олиш тўғрисидаги масалаларни, гумондор шахс (шахслар) ёки жабрланувчи (жабрланувчилар)нинг ҳуқуқларини тўлақонли ҳурмат қилган ҳолда, тегишли тартибда кўриб чиқадилар. Айнан мана шу мақсадларда ҳукумат томонидан судларга тушадиган ҳаддан зиёд оғирликни нафақат камайтириш, балки судгача ушлаб туриш, айблаш ва ҳукм чиқариш ҳамда қамоқда сақлашнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатларнинг ҳам олдини

олиш бўйича дастурлар қабул қилиш имкониятлари тўлиқ ўрганиб чиқилиши лозим.

19. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга вояга етмаганларга нисбатан иш очиш ёки очмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича дискрецион вазифаларни ҳам амалга ошириш ваколатлари берилган мамлакатларда вояга етмаганларнинг хулқ-атвори ва уларнинг ривожланиш даражаси ҳамда жамият ҳимояси нуқтаи назаридан ҳуқуқ бузилиши ҳолатининг тавсифи ва жиддийлиги алоҳида синчковлик билан кўриб чиқилади. Бундай қарорларни қабул қилишда суд таъқибини амалга оширувчи шахслар вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш бўйича амалдаги қонунлар ва чора-тадбирлар доирасида мавжуд бўлган, суд таъқибига муқобилликка, айниқса, алоҳида эътибор қаратадилар. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар вояга етмаганларнинг иши бўйича суд таъқибига фақат қатъий белгиланган доирада олиб борилиши учун имкон даражасида бўлган барча амалларни бажарадилар.

Бошқа давлат органлари ёки муассасалар билан муносабатлар

20. Адолатни ва самарадорликни таъминлаш мақсадида суд таъқибини амалга оширувчи шахслар полиция, судлар, юристлар, жамоат қораловчиси ва бошқа ҳуқуқат органлари ва муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қиладилар.

Маъмурий (интизомий) жазолар

21. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш ҳақидаги ишлар қонунларга ёки меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда олиб борилади. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар устидан уларнинг ҳаракатлари ва қасбига доир андозаларни яққол бузганликлари тўғрисида тушган шикоятлар тегишли тартиботларга мувофиқ кечиктирилмасдан ва ҳолисона кўриб чиқилади. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ишнинг адолатли кўриб чиқилишига ҳақлидирлар. Чиқарилган қарор мустақил тараф томонидан текширилади.
22. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга бериладиган маъмурий жазолар объектив қарорлар қабул қилиш ва ҳолис баҳолашни кафолатлайди. У қонунга, Проффессионал ахлоқ кодекси ва бошқа қатъий белгиланган андозалар ва ушбу амалий тамойилларга мувофиқ амалга оширилади.

Амалий тамойилларга амал қилиш

23. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар амалий тамойилларга риоя қиладилар. Улар, шунингдек, имкон даражасида, ушбу тамойилларнинг ҳар қандай бузилиши ҳолатларининг олдини оладилар ва бундай хатоликларга қарши фаол иш олиб борадилар.
24. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ушбу амалий тамойилларни бузиш ҳолатлари юз берганидан хабар топсалар ёки тез орада юз

бериши эҳтимолидан воқиф бўлсалар, албатта, бу ҳақда ўзларидан юқори турган раҳбарларга, зарур бўлса, бошқа, яъни бундай ҳуқуқ бузилишларини текшириш ёки тузатиш ваколатига эга бўлган тегишли идоралар ёки ҳукумат органларига хабар берадилар.

Суд органлари мустақиллигининг Асосий тамойилларини самарали амалга ошириш тартиблари

(БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашининг 1989/60-сонли резолюциясида қабул қилинган, 1989 йил 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/162-сонли резолюцияси билан тасдиқланган)

1-тартиб

Барча давлатлар ўз суд тизимларида Конституциявий жараёнлар ва давлат ички амалиётига мувофиқ равишда Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойилларини қабул қиладилар ва амалга оширадилар.

2-тартиб

Ҳеч бир судья асосий тамойилларга номутаносиб мақсадлар учун тайинланмайди ва сайланмайди ҳамда ҳеч бир судьядан мана шу Тамойилларга мос келмайдиган вазифаларни бажариш талаб этилмайди. Ҳеч бир судья суд органларидаги лавозимга Асосий тамойилларга мос келмайдиган асосларда танлаб олиш ёки сайланишга рози бўлмайди ва унга мос келмайдиган вазифаларни ҳам бажармайди.

3-тартиб

Асосий тамойиллар барча судьялар, шу жумладан, тегишли вазиятларда агар шундайлар мавжуд бўлса, кичик амалдорлар (асессорлар)га учун ҳам амал қилади.

4-тартиб

Давлат Асосий тамойилларни кенг оммага асосий ёки расмий давлат тилида ёки тегишли мамлакат тилида эълон қилинишини таъминлайди. Натижада, судьялар, юрист, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик анча мақбул шаклларда Асосий тамойилларнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар ва суд тизими доирасида уларни қўллаш имконияти юзага келади. Умуман олганда, давлат Асосий тамойиллар матнини судлов органларининг барча ходимлари ўртасида тарқатади.

5-тартиб

Асосий тамойилларнинг 8 ва 12-тамойилларини амалга оширишда давлат суд тизимининг фаолияти учун тегишли ресурслар ажратиш заруриятига алоҳида эътибор қаратади, шунингдек, кўриладиган ишлар сонига тўғри келадиган судьяларни тайинлаш, судларни зарур техник ходимлар ва жиҳозлар билан, мукофотлар ва иш ҳақи билан таъминлаш, судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳам диққат-эътиборда бўлади.

6-тартиб

Миллий ва минтақавий миқёсларда суд органларининг жамиятда тутган ўрни ва судларнинг мустақил бўлиши шартлиги тўғрисидаги семинарлар ва ўқув

курсларининг ўтказилиши давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

7-тартиб

Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашнинг 1986/10-сонли резолюцияси V бўлимига мувофиқ, аъзо-давлатлар 1988 йилдан бошлаб ҳар беш йилда Асосий тамойилларни амалга оширишда эришилган ютуқлар, шу жумладан, уларни тарқатиш, миллий қонунлар таркибига киритиш, миллий даражада уларни амалга оширишда юзага келадиган муаммолар ҳақида, ҳатто зарурият бўлганда, халқаро ҳамжамият томонидан талаб этиладиган ёрдам тўғрисида Бош котибга маълумот бериб турадилар.

8-тартиб

Бош котиб ҳар беш йилда Жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Қўмита учун 7-тартибга мувофиқ, давлатлар томонидан олинadиган маълумотлар асосида, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги мавжуд маълумотлар ҳамда институтлар, экспертлар, минтақавий ва минтақалараро маслаҳатчилар томонидан тақдим этиладиган техник ҳамкорликлар ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар асосида Асосий тамойилларни амалга ошириш ишларининг кечиши тўғрисида ҳолис баёнот тайёрлайди. Мазкур баёнотни тайёрлашда Бош котиб, шунингдек, ихтисослашган муассасалар ва давлатлараро ҳамда нодавлат ташкилотлар, хусусан, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш қошида маслаҳатчи мақомига эга судьялар ва адвокатлар касбий уюшмалари ўртасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни билдиради.

9-тартиб

Бош котиб Асосий тамойиллар, ушбу тамойилларни амалга ошириш тадбирлари ҳамда давлатлар томонидан уларни амалга оширилиши тўғрисидаги даврий ҳисоботларнинг оммалашувига ҳамда 7 ва 8-тартибларда қайд этилган тарзда, максимал даражада кўпроқ тилларда тарқатишга ҳаракат қилади ва бу билан барча давлатларга ва тегишли ҳукуматлараро ҳамда нодавлат ташкилотлар орасида мазкур ҳужжатларнинг янада кенгроқ оммалашувига ёрдам беради.

10-тартиб

Бош котиб Асосий тамойиллар матнини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли дастурларида шарҳлаш ва уларни амалга ошириш тартибларидан янада кўпроқ фойдаланишни таъминлашга ҳаракат қилади ҳамда имкон қадар қисқа муддатларда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1986/10-сонли резолюциясининг V бўлимига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари: Халқаро шартномалар тўплами» нашрларига киритилишини таъминлаб бериши лозим.

11-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти техник ҳамкорлик дастурларининг муҳим таркибий қисми сифатида, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва Техник ҳамкорлик Департаменти:

- a) давлатларга уларнинг илтимосларига кўра, мустақил ва самарали суд тизимини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатади;
- b) давлатларга уларнинг илтимосларига кўра, Асосий тамойилларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш мақсадларида суд ишларини олиб бориш масалалари бўйича экспертлар ва минтақавий ва минтақалар-аро маслаҳатчилар хизматини тақдим этади;
- c) Асосий тамойилларни амалга ошириш бўйича мазкур соҳадаги янги кўринишларга урғу берган ҳолда, самарали чора-тадбирларни қўл-лаш соҳасига оид тадқиқотларни чуқурлаштиради;
- d) жамиятда суд тизимининг роли, унинг мустақиллигини таъминлаш за-рурияти ва мазкур мақсадларга эришиш учун Асосий тамойилларни амалга оширишнинг муҳимлиги тўғрисидаги масалалар бўйича про-фессинал ва непрофессинал даражаларда миллий ва минтақавий семинарлар ҳамда бошқа мажлислар ўтказишга ёрдам беради;
- e) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш бўйича минтақавий ва минтақалар-аро илмий тадқиқот ва ўқув институтларини, шунингдек, асосий тамо-йилларни амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги бошқа ташкилотларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бориладиган фаолиятни мустаҳкам-лайди.

12-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш бўйича минтақавий ва минтақалараро илмий тадқиқот ва ўқув институтлари, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги бошқа тегишли ташкилотлар Асосий тамойилларни амал-га оширишда катта ёрдам кўрсатадилар. Улар Асосий тамойилларни ўз тадқи-қотларида, кадрлар тайёрлаш дастурларида қўллашни кенгайтириш йўллари ва воситаларига ҳамда аъзо мамлакатлар илтимосига кўра, уларга техник ёрдам тақдим этилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Мана шу мақсадлар-да Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари миллий муассасалар ва тегишли ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Асосий тамойиллар ва уларни амалга оширишнинг мазкур тартиботлари негизда ўқув дастурлари ва материаллари ишлаб чиқадиладар, улардан эса барча да-ражадаги юридик таълим дастурларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва ара-лаш мавзулар бўйича курсларда кенг фойдаланилади.

13-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минтақавий комиссиялари, махсус муассасалари ва бошқа ташкилотлари, шунингдек, ҳукуматлараро тегишли ташкилотлар Асосий тамойилларни амалга ошириш жараёнида фаол ишти-рок этадилар. Улар Бош котибни тамойилларни кенг ёйиш учун, амалиётда қўллаш учун кўрилаётган чоралар, бу йўлда дуч келинаётган қийинчиликлар ва камчиликлар ҳақида хабардор қилиб турадилар. Бош котиб ўз навбати-да, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш қошида маслаҳат берувчи мақомига эга

нодавлат ташкилотлар ҳам Асосий тамойилларни амалга ошириш жараёнида ва тегишли ҳисоб бериш тадбирларида фаол иштирок этишларини таъминлаш чора тадбирларини кўради.

14-тартиб

Жинойатчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш Қўмитаси Бош Ассамблея ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга Асосий тамойилларни амалга ошириш бўйича тадбирларнинг бажарилишига боғлиқ навбатдаги фаолиятни олиб бориш, шу жумладан, юқоридаги 6 ва 7-тартибларга мувофиқ, вақти билан ҳисобот-маърузалар тақдим этишда ёрдам беради. Қўмита мана шу мақсадларда Асосий тамойилларни амалга оширишда дуч келинадиган қийинчиликлар ва камчиликлар ҳамда уларнинг сабабларини аниқлайди. Зарур ҳолларда, Қўмита Ассамблея ва Кенгашга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бошқа тегишли органларига асосий тамойилларни самарали амалга ошириш учун зарур бўладиган навбатдаги чора-тадбирлар юзасидан аниқ тавсия-кўрсатмалар беради.

15-тартиб

Жинойатчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш Қўмитаси, зарурият туғилганда, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бошқа тегишли органларига Асосий тамойилларни қўллаш ва амалга ошириш масалаларига боғлиқ текширув ишларини олиб борувчи махсус комиссиялар ёки органларнинг маърузалари бўйича тавсиялар ҳам тақдим этган ҳолда, ёрдам кўрсатади.

Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги ялпи декларация лойиҳаси

(«Сингхви декларацияси»)

Судьялар

Мақсад ва вазифалари

1. Суд тизимининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:
 - (a) томонлар ким бўлишидан қатъи назар адолатли суд қилиш;
 - (b) суд ваколатлари доирасида ёрдам кўрсатиш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва эришиш;
 - (c) қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ, барча халқлар учун хавфсиз ҳаёт кечиришни таъминлаш.

Мустақиллик

2. Судьялар мустақил бўлишлари (ва бу, уларнинг мажбуриятига айланиши) керак. Улар ўзларига топширилган ишларни холисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қиладилар.
3. Судьялар қарор чиқариш жараёнида ўз ҳамкасблари ва раҳбарларидан ҳам мустақил бўлишлари керак. Судьянинг ўз қарорини мустақил равишда чиқаришига суд тизимининг ҳеч бир иерархик тузилмаси ва ҳеч қандай тоифа ёки ранг умуман таъсир ўтказмаслиги лозим. Судьялар ҳам ўз тарафидан, алоҳида иш олиб борадими ёки жамоа бўлибми, уларнинг ҳуқуқий тизимида қабул қилинган қонунчилик доктринасига нисбатан тўла масъулият билан ўз вазифаларини бажаришлари керак.
4. Суд ҳокимияти ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши керак.
5.
 - (a) Суд тавсифига эга барча масалалар, шахсий юрисдикция ва компетенция масалаларини ҳам қўшган ҳолда, суд органларида тўғридан-тўғри ёки билвосита суд назорати орқали судда кўрилиши шарт.
 - (b) Ҳеч қайси суд органининг судлар ваколатига топширилган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида *ad hoc* ташкил қилиниши тақиқланади.
 - (c) Ҳар бир инсон ўз ишининг судлар томонидан тегишли муддатларда ва оддий судлар ёки суд трибуналлари томонидан асоссиз кечиктиришларсиз, қонун билан белгиланган тартибларда, суд томонидан қайта кўриб чиқиш имконияти билан кўрилиши ҳуқуқига эга.

- (d) Миллат ҳаётига хавф юзага келган фавқулдда ҳолатларда, бироқ, шунда ҳам қонун билан белгиланган тартиблар бўйича ва халқаро ҳуқуқлар томонидан тан олинган минимал андозаларга сўзсиз итоат этиш шarti ва судда қайта кўриш имконияти билан баъзида маълум чекинишларга йўл қўйилади.
 - (e) Мана шундай фавқулдда вазиятларда давлат бирор бир жиноий ҳуқуқбузарликда айбланаётган фуқароларнинг иши одатдаги фуқаролик судларида кўриб чиқилиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилади, шахсларнинг маъмурий тартибда айб қўймасдан ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил органлар томонидан «хабеас корпус» чоралари ёки унга монанд чоралар ёрдамида қайта кўриб чиқилиши талаб этилади, бундан мақсад, қамоққа олишнинг қонунийлигини таъминлаш ва ҳар қандай шафқатсизларча муносабат бўйича аризаларнинг текширилишини таъминлашдир.
 - (f) Ҳарбий трибуналларнинг суд қилиш ҳуқуқи (юрисдикцияси) ҳарбий жиноятлар билан чекланади. Ҳар доим бу каби трибуналларнинг ҳукмидан норози бўлиб, ваколатга эгалик нуқтаи назаридан апелляция суди ёки трибуналига шикоят аризаси бериш ёки қарорни бекор қилиш ҳақида ариза кўринишида ҳуқуқий ҳимоя воқитасига эга бўлиш имконияти тақдим этилиши лозим.
 - (g) Суд жараёнига аралашиб мақсадида ҳеч бир ҳокимият органидан фойдаланиш мумкин эмас.
 - (h) Ижро ҳокимияти одил судлов ҳукмини чиқаришда суд ваколатларини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас.
 - (i) Ижро ҳокимияти судларнинг ишини тўхтатиш ёки тугатиш ҳуқуқига эга эмас.
 - (j) Ижро ҳокимияти баҳсни ҳал қилиш бўйича суд ҳукмини олдиндан билиш ёки суд ҳукмини тегишли равишда бажаришга ҳалал берадиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлардан ўзини тийиши лозим.
6. Ижро ҳокимиятининг ҳеч бир қонун ҳужжати ва ҳеч қандай қарори суднинг муайян бир қарорини ретрофаол бекор қилишга ёки қарор чиқаришга таъсир кўрсатиш мақсадида суд таркибини ўзгартиришга йўналтирилмайди.
7. Судьялар ўз суд мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ҳақлидирлар.
8. Судьялар ўз обрўси ва масъулиятини, суд ҳокимиятининг ҳолислиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида ўзларини ҳар доим касбига муносиб тутишлари шарт. Мана шу тамойилни эътиборга олган ҳолда, судьялар эркин фикрлаш, диний эътиқод, сўзлаш, касбий уюшмаларга бирлашиб, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Малака, танлов ва тайёргарлик

9. Судьялик лавозимини эгаллаш учун танлаб олинган номзодлар юқори ахлоқий сифатларга ва қобилиятларга эга бўлиши керак. Улар

судьялик лавозимини эгаллашда тенг имкониятларга эга бўлишлари лозим; профессионал бўлмаган судьялар бундан мустасно, улар юқори малакали юристлар бўлиши зарур.

10. Судьяларни танлашда номзоднинг ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, тили, жинси, сиёсий ёки бошқа қарашлари, эътиқоди, имконияти чекланганлиги эҳтимоли, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, даромадлари даражаси, туғилиши ёки бошқа мақомига боғлиқ равишда камситилишларга йўл қўйилмаслиги керак, бироқ номзодлар фуқаролиги ва касбий яроқлилиги каби мезонлар бўйича танланиши керак.
11.
 - (а) Судьяларни танлаш жараёнлари ва мезонлари жамият суд тизимини унинг барча жиҳатлари бўйича, адолатли ифодасини акс эттиришига алоҳида эътибор қаратиш зарур.
 - (б) Судьялик лавозимларига танлаб олишнинг ҳар қандай усули танловни нолайиқ сабаблар бўйича амалга оширилишидан ҳар тарафлама ҳимоя қилиш кафолатини таъминлаши керак.
 - (с) Судьяларни тайинлаш жараёнида ижро ёки қонун чиқарувчи органларнинг ёки умуман сайлов корпусининг иштироки, агар бундай иштироклар номутаносиб сабаб ва усуллар билан аралашмаган ва улардан ишончли ҳимояланган бўлса, судьяларнинг мустақиллиги тамойилини бузмайди. Касбий қобилияти ва ахлоқий сифатлари бўйича муносиб номзодлар тайинланишини таъминлаш ҳамда уларнинг шахсий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун имкон даражасида ҳаракат қилиш, судьяларни тайинлашда суд тизими ва ҳуқуқий касбларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиш имкониятини ёки судьялик лавозимларига номзодлар суд тизими аъзолари ва юрист касби вакиллари амалий иштирок этадиган органлар томонидан тавсия қилинишларини ташкиллаштиришни ҳам кўзда тутиш лозим.
12. Судьялар малака ошириш курсларида ўқиш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Хизматлар тақсимоли, хизмат бўйича кўтарилиш ва кўчиришлар

13. Агар қонунда судьяларни лавозимга тайинлаш ёки сайлашда дискрецион тайинлаш кўзда тутилган бўлса, лавозимга бундай тайинлаш судлов органлари ёки агар мавжуд бўлса, суд кенгаши томонидан амалга оширилади.
14. Судьяларнинг мансаб поғонасидан кўтарилиши уларнинг ахлоқий сифатлари, яъни мустақиллиги, тажрибаси, инсонпарварлиги ва қонун устуворлиги тамойилига содиқлиги каби жиҳатларини ҳаққоний баҳолашга асосланади. Мансаб поғонасидан кўтарилиш ҳеч қачон нолайиқ мезонлар бўйича амалга оширилмаслиги керак.
15. Тизим мунтазам ротация ёки хизмат поғонасида ўсиш талаб этадиган ҳолатлардан ташқари, барча вазиятларда судьялар бир юрисдикциядан

бошқасига ўз розиликларисиз ўтказилмаслиги керак, агар бундай ўтказиш мазкур масалани чуқур тадқиқ этиш натижасида судлов органлари томонидан бир тахлитдаги сиёсатга мувофиқ амалга ошириладиган бўлса, ҳеч бир судья бундай ўтказишга асоссиз равишда қаршилиқ қилмаслиги лозим.

Лавозимда бўлиш муддати

16.

- (a) судьяларнинг лавозимда бўлиши давомийлиги, уларнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, тегишлича мукофотлаш ва хизмат шароитлари қонун билан таъминланиши ва уларнинг манфаатларига зид келадиган тарзда ўзгартирилмаслиги керак.
- (b) Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ва уларни бир лавозимдан иккинчисига ўтказишга тааллуқли мазкур ҳужжатдаги қоидалар эътиборга олган ҳолда, сайланадиган судьялар ҳам, тайинланадиган судьялар ҳам мажбурий нафақага чиқиш ёшига етгунларига ёки ваколатларининг қонуний муддати тугагунга қадар ўз лавозимларида қолишнинг кафолатланган муддатига эга бўлишлари керак.

17. Судьялар учун биринчи тайинланишдан сўнг синов муддатлари белгиланиши мумкин, бироқ бундай ҳолларда синов муддати ва лавозимга доимий тайинланиш суд органлари ёки олий суд кенгаши томонидан тартибга солиниши лозим.

18.

- (a) Судьялик лавозимини эгаллаб турган вақтда судьялар иш ҳақи олишлари, нафақага чиққандан кейин пенсия таъминотига эга бўлишлари керак.
- (b) Судьяларнинг иш ҳақи ва пенсиялари уларнинг мақомига, мавқеига мутаносиб, жавобгарлик даражасига хос бўлиши ҳамда инфляция оқибатларини минималлаштириш ёки бартараф этишга боғлиқ ҳолда мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши зарур.
- (c) Судьяларнинг пенсияга чиқиш ёши уларнинг розилигисиз ўзгартирилмаслиги лозим.

19. Ҳокимиятнинг ижро органлари судьялар ва уларнинг оилалари хавфсизлигини таъминлаб бериши шарт.

Дахлсизлик ва имтиёзлар

- 20. Судьялар ўз касбига доир вазифаларини бажаришлари муносабати билан шахсий судлов тазйиқлари хавфидан ҳимояланган бўлишлари зарур; уларга тегишли суд органлари санкцияларидан бошқа даъво ва айблар қўйилмаслиги керак.
- 21. Судьялар ўзлари кўраётган ишларига доир ва мажбуриятларини бажариш давомида олинган махфий маълумотларни касбий сир сифатида сақлашлари керак, бундан очиқ судда ошкор қилинган маълумотлар

мустасно. Судьялар тегишли масалалар бўйича гувоҳлик кўрсатмалари бериш дахлсизлигидан фойдаланадилар.

Нолайиқ, деб топиш

22. Судьялар ўзларининг мустақиллигига путур етказиши мумкин бўлган суддан ташқари чиқишлар қила олмайдилар.
23. Агар Конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри кўзда тутилмаган бўлса, судья ва судлар маслаҳат фикрларини билдиришлари мумкин эмас.
24. Судьялар тадбиркорлик фаолиятдан тийилишлари даркор, бироқ шахсий маблағлари ёки уларга тегишли шахсий мулк билан боғлиқ ҳолатлар истисно. Судьялар адвокатлик амалиёти билан шуғулланмасликлари керак.
25. Судья ҳукм олдиндан чиқариб қўйилганига асосли гумонлар мавжуд бўлса ёки манфаатлар ихтилофи ёки функциялар номувофиқлиги ша-роитидаги ишларни кўриб чиқишда қатнашмаслиги керак.

Маъмурий жавобгарлик ва лавозимдан тушириш

26.
 - (а) Судьяга нисбатан шикоятлар тезкорлик билан ва ҳаққоний равишда белгиланган тегишли чора-тадбирларга мувофиқ кўриб чиқилади. Текширувнинг дастлабки босқичида судьяга шикоят бўйича ўз эътирозларини билдириш имконияти тақдим этилиши керак. Агар судья ишни бошқа усулда кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилмаса, шикоят юзасидан иш дастлабки босқичда яширин кўрилади.
 - (б) Агар судьяни лавозимдан четлатиш ёки маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли иш очиладиган бўлса, бу, суд ёки суд ҳокимияти вакилларида иборат бўлган ҳайъат олдида ўтказилиши керак. Шунга қарамай, қонун чиқарувчи ҳукумат импичмент тадбирлари орқали ёки қайд этиб ўтилган суд ёки ҳайъат тавсиялари бўйича биргаликда лавозимдан бўшатиш тўғрисидаги талаб асосида судьяни амалдан тушириш ваколатига эга бўлиши мумкин.
27. Барча интизомий жавобгарлик чора-тадбирлари судьялар одоб-ахлоқи бўйича умумқабул қилинган андозаларга асосланиши шарт.
28. Судьяларга нисбатан интизомий чора-тадбирлар ишнинг одилон ва синчковлик билан кўриб чиқилиши бўйича улар ҳуқуқини таъминлаши шарт.
29. Судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик юзасидан кўзғатилган ишлар очиқ ёки ёпиқ тартибда кўрилиши юзасидан қабул қилинган қарор эълон қилиниши керак.
30. Судьялар ўз касбига лаёқатсиз топилиши ёки уларнинг бундан кейин лавозимларида қолишларига йўл қўйиб бўлмайдиган бирор-бир ноўрин хатти-ҳаракатларидан бошқа ҳолларда лавозимдан туширилиши мумкин эмас ва бу, тегишли далиллар билан исботланган бўлиши керак.

31. Суд тарқатилган ҳолатларда шу муассасада хизмат қилаётган судьяларга таъсир қилмаслиги керак, муайян муддатларга сайланган судьялар эса шу даражадаги бошқа судларга ўтказилишлари керак.

Судни идора қилиш

32. Маъмурий ходимлар ҳамда ёрдамчи ишчилар устидан кузатув ва интизомий назорат юзасидан идора қилиш бўйича асосий мажбуриятлар суд ҳокимияти ёхуд у тавсия этган ва ўзи фаол иштирок этадиган орган зиммасига юкланади.
33. Одил судловни мувофиқ равишда амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларни ажратиш давлат учун устувор вазифалардан бирига айланиши лозим ва бундай ресурслар судларнинг мустақиллиги, обрў-эътибор ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда суд ва маъмурий ходимлар, оператив бюджет учун зарур бўладиган моддий маблағларни ҳам ўз ичига қамраб олиши керак.
34. Судлар бюджети ваколатли орган томонидан суд ҳокимиятининг тегишли вакиллари билан ҳамкорликда, суд маъмуриятининг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.
35. Ишни кўриб чиқиш учун у ёки бу судьяни тайинлашга, қонун ёки судлов қоидаларига мувофиқ, суд идоралари ёки бир неча судьядан иборат бўлган суд бўлимлари ваколатлидир.
36. Суд раиси судьяларнинг фаолиятини фақат маъмурий хусусиятга эга масалалар бўйича назорат қилиш ваколатини амалга оширади.

Бошқа жиҳатлар

37. Судья суд муҳокамасининг адолатли бўлишини таъминлаши ва тарафларнинг ҳар бири ёки гувоҳнинг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги, шунингдек, шафқатсизларча муносабатда бўлганлик тўғрисидаги ҳар қандай даъво аризасини ўрганиб чиқиши шарт.
38. Судьялар адвокатларга нисбатан, шунингдек, профессионал бўлмаган судьяларга, прокурорлар, жамоат қораловчиси ва суд маслаҳатчиларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари лозим.
39. Давлат суд қарорлари ва ҳукмларини тегишли равишда бажарилишини таъминлаб бериши керак; бироқ қарорларнинг бажарилиши ҳамда муносиб хизмат ёки жараён устидан назорат қилиш ваколатига суд ҳокимияти эгадир.
40. Судьялар халқаро конвенциялар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёрлар белгиланган бошқа воситалар ҳақида хабардор бўлишлари ҳамда улардан миллий конституция ва қонунларда кўзда тутилган имкониятлар даражасида фойдаланишга ҳаракат қилишлари керак.
41. Ушбу тамойиллар ва андозалар судлов вазифаларини бажарувчи барча шахслар, жумладан, халқаро судьялар, кичик амалдор (асессор)лар, арбитраж суди судьялари, жамоат қораловчилари ва про-

курорлар орасида ҳам кенг тарқатилиши керак, муайян матн уларни буткул қўллаб бўлмайдиган ёки номувофиқ бўладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Ассессорлар

42. Ассессор судья ёки унинг ёрдамчиси, қўшимча судья, маслаҳатчининг, ҳуқуқий ёки техник эксперт вазифасини бажариши мумкин. Мазкур вазифаларнинг бирини бажариш давомида ассессорлар ўз вазифаларини холисона ва мустақил амалга оширишлари керак. Судьяларга нисбатан қўлланадиган тамойил ва андозалар уларга нисбатан ҳам қўлланилади, фақат контекст уларни қўллаб бўлмайдиган ва тўғри келмайдиган бўлган ҳолатлар бундан мустасно.
43. Ассессорлар ёки халқ маслаҳатчилари танлаб олинган ёки тайинланган судьялар билан бир қаторда коллегиялар жараёнда суд қарорини чиқаришда иштирок этиши мақсадида қонунда кўзда тутилган сайлов ҳуқуқи асосида ва электорат томонидан муайян муддатга сайланадилар. Ассессор сифатида сайланадиган шахслар ҳеч бир камситишларсиз, яъни ирқий мансублиги, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, туғилган жойи ва фуқаролик мақоми бўйича ажратилмаган ҳолда сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайланиш давомида ассессорларга ассессорлик фаолиятини қисқа ва чекланган муддатда амалга ошириш ваколати берилади. Ассессорлар, шунингдек, техник масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда ўзларида мавжуд махсус билимлар асосида суд қарорини чиқариш юзасидан унча мураккаб бўлмаган вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатиш ваколатларига ҳам эга бўладилар.
44. Давлат томонидан ассессорларга белгиланган вазифада хизматлари мобайнида етарли даражада компенсация (агар бундай компенсация уларга асосий иш жойидан тўланмаса) тўланишини таъминлаб бериш шарт.
45. Суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш, ёки техник ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш мақсадларида танлаб олинган ассессорлар бевосита ёки билвосита аралашувлар, чекловлар, таъсирлар, таҳдидлар, босимлар, хатарлардан холи бўлишлари керак. Сайланган ассессорлар одил судлов тизимида инсоний хайрихоҳлик доирасида ўз электоратига мунтазам равишда тушунтиришлар бериб туриш ҳолатлари бундан мустасно.
46. Ассессорлар судьялардан ва ижро органларидан ҳам мустақил бўлишлари керак, уларга қонунларда ва қонунчилик амалиётида кўзда тутилган тартибда ва доирада суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилиши лозим. Суд қарорларини чиқариш жараёнида қатнашиш учун танлаб олинмайдиган халқ маслаҳатчилари ўзлари билдирадиган фикрларни алоҳида баённомага киритиш ваколатига эгадирлар, кейинроқ бу асосий баённоманинг таркибий қисми бўлиб қолади.

47. Ассессорлар рўйхатига киритишнинг ҳар қандай усули тайинлашнинг номувофиқ услубларидан ҳимоялаш кафолатлари билан бирга кечиши лозим.
48. Суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган халқ маслаҳатчиларига вазифалари бўйича тайёргарликдан ўтказиш ва йўл-йўриқлар кўрсатиш учун имкониятлар бериш кўзда тутилиши лозим.
49. Ассессор электорат томонидан чақириб олиниши ёки четлаштирилиши, бўшатилиши ёки эгаллаган лавозими тугатилиши мумкин, бироқ буларнинг барчаси амалдаги қонунларга мувофиқ бўлган чора-тадбирларга биноан амалга оширилиши шарт.

[...]

Адвокатлар

Тавсифи

73. Мазкур бобда:

- (а) Адвокат, деганда, олий юридик маълумот ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган малакали, қонунда кўзда тутилган ҳар қандай усул ва воситалар билан ўз мижозларини судда ҳимоя қилиш, юридик масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ваколатларига эга бўлган шахс тушунилади; ушбу бобда келтирилган мақсадлар учун унга адвокатларнинг бир ёки бир нечта вазифаларини бажаришга ваколати ва рухсатномаси бўлган агентлар, ёрдамчилар, ишончли вакил, парапрофессионал ва бошқа шахслар ҳам киритилади, фақат муайян контекст бунга йўл қўймаслиги ҳолатлари бундан мустасно.
- (б) Адвокатлар уюшмаси, деганда касбий уюшма, гильдия, касбга доир бирлашма, кенгаш, бюро, ҳайъат ёки қандай номда юритилмасин, мазкур юрисдикция чегарасида тан олинган бошқа профессионал орган тушунилади; мазкур боб мақсадлари учун «адвокатлар уюшмаси» тушунчаси унинг аниқ бир номига боғлиқ бўлмаган ҳолда, агентлар, ассистентлар, ишончли вакиллар, амалиётчи мутахассислар ва бошқа адвокатларнинг бир ёки бир нечта вазифасини бажаришга ваколати бўлган шахсларни бирлаштирувчи ҳар қандай уюшма маъносини англатади, фақат муайян контекст бунга йўл қўймаслиги ҳолатлари бундан мустасно.

Умумий тамойиллар

74. Адвокатлик касбининг мутақиллиги хизматда кўтарилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.
75. Одил судловни амалга оширишнинг шундай ҳаққоний ва адолатли тизими мавжуд бўлиши керакки, у адвокатларга ўз касбий вазифаларини амалга оширишларида мустақилликни кафолатлаши шарт, уларга нисбатан ҳеч ким томонидан ва ҳеч бир асосларсиз турли чекловлар,

таъсирлар ўтказилмаслиги, майллар, босимлар, таҳдидлар, бевосита ёки билвосита аралашувлар бўлмаслиги керак.

76. Ҳар бир инсон ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун адвокатлар томонидан кўрсатиладиган самарали юридик хизматларга эга бўлишга ҳақли.

Юридик таълим ва юрист касбини эгаллаш

77. Зарур тегишли билимларга эга ҳар бир шахс юридик таълим олиш ва юрист касбини эгаллашга ҳақли, ҳеч ким ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллати, тили ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, даромадлари даражаси, туғилган жойи ёки мақомидан қатъи назар, бундай имкониятдан маҳрум этилмаслиги керак.
78. Юридик таълим жамият манфаатлари йўлида таълим олувчиларнинг нафақат техник ваколатлари, балки адвокатларнинг тимсоли ва ахлоқий мажбуриятлари ҳақидаги билимларни эгаллаши, миллий ва халқаро қоидалар томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва муҳим эркинликларини билишига йўналтирилган бўлиши керак.
79. Юридик таълим дастурлари адвокатнинг ижтимоий мажбуриятларини, шу жумладан, кам таъминланган фуқароларга ҳам юридик хизматлар, тараққиёт жараёнида хизматда кўтарилиш ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни тақдим этиш ва ҳимоя қилишда иштирок этишни ҳам қамраб олиши керак.
80. Тегишли билимларга, юқори ахлоқий сифатларга ва обрў-эътиборга эга ҳар бир шахсга адвокат бўлиш имконияти берилади ва у ўз юридик фаолиятини ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, табақавий ёки бошқа ҳолатлари, даромади ёки халқаро даражаларда тан олинган ўз фуқаролик ёки сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлиги сабабли камситилмасдан давом эттириши мумкин. Адвокатлик мақомини бекор қилиш, нолайиқ, деб топиш ёки тўхтатиш тартиби адвокатлар ёки адвокатлик вазифасини бажарувчи шахслар учун тааллуқли бўлган қонунлар, қоидалар ва шунга тенг ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши талаб этилади.

Ҳуқуқий соҳадаги билимлардан кенг жамоатчиликни воқиф қилиш

81. Айнан адвокатлар ва адвокатлар уюшмаси жамоатчилик вакилларининг қонун устуворлигининг тегишли тамойиллари, суд ҳокимияти мустақиллиги ва юристлик касбининг аҳамияти, адвокатлар, судьялар, халқ маслаҳатчилари ва ассессорларнинг асосий қонунлар ва эркинликларни ҳимоя қилишдаги тутган ўринлари ҳақида билимларга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг оммабоп воситалари тўғрисида хабардорлиги учун жавобгардирлар. Хусусан, адвокатлар уюшмаси нафақат адвокатлар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам мўлжалланган тегишли маърифий-

илмий дастурларни тайёрлаши ва амалга ошириши, шунингдек, ҳокимият органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамиятлари ва ўқув муассасалари билан мазкур дастурларни жорий этиш ва мувофиқлаштириш мақсадларида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиши лозим.

Адвокатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

82. Мижозга нисбатан адвокатнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
 - (а) Мижозга унинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларига қай тарзда тегишлигига кўра ҳуқуқий тизимнинг ишлаши юзасидан маслаҳатлар бериш;
 - (б) Мижозга осон восита ва усуллар билан ёрдам кўрсатиш, уни ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш; ва,
 - (с) Судда, трибуналларда ёки маъмурий органларда мижознинг манфаатларини ифода этиш.
83. Адвокатлар ўз мажбуриятларини бажариш чоғида эркин, виждонан ва қўрқмасдан, мижозларининг истак-хоҳишларига ҳамда умумэтироф этилган қоидалар, андозалар ва адвокатларнинг касб этикасига мувофиқ, ҳуқуқат ёки жамоатчилик томонидан ҳеч қандай тўсиқ ёки босимларсиз фаолият олиб боришлари керак.
84. Ҳар бир шахс ёки гуруҳ адвокатларга қонун доирасида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақлидир, адвокатларнинг бурчи эса ахлоқий ва мустақиллик тамойилларига мувофиқ, қобилиятлари даражасида уларни ҳимоя қилишдан иборат. Шундай экан, адвокатлар ҳуқуқат ёки жамоатчилик томонидан мижозларининг машҳурлиги ёки машҳурмаслигидан қатъи назар, уларга ёки улар манфаатларига тенглаштирилмаслиги керак.
85. Ҳеч қайси адвокат бирорта мижозга маслаҳатлар бериш ёки ёрдам кўрсатиш ёки бирор бир мижознинг манфаатларини ифода этиши муносабати билан жиноий, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ёки бошқа хусусиятдаги жазога тортилмаслиги ёки таҳдидларга дуч келмаслиги керак.
86. Адвокатга берилган ҳуқуқ маъмурий орган ёки маҳаллий суд томонидан қонунга мувофиқ бекор қилинган, шунингдек, тегишли орган томонидан адвокатлик мақоми тўхтатилган ёки олиб қўйилган ҳолатлардан ташқари барча ҳолатларда, ҳеч бир суд ёки маъмурий орган адвокатнинг ўз мижози манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини тан олмасликка ҳаққи йўқ, агар шундай ҳолатни қўллашга тўғри келса, тўхтатиш ёки мақомини бекор қилиш талаби мустақил суд томонидан қайта кўриб чиқилиши шарт.
87. Суд тизимига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир адвокатнинг бурчидир. Адвокат алоҳида бир ишда судьянинг келгуси иштирокига қарши ёки ишнинг кўрилишига қарши протест билдиришга ҳақли.

88. Агар адвокатга қарши унинг судга нисбатан ҳурматсизлик қилиши билан боғлиқ ҳолда муайян бир иш қўзғатилган ва бу иш адвокатга нисбатан айблов эълон қилиш учун асос бўлиб хизмат қилса-да, суд жараёнида иштирок этаётган судья ёки судьяларнинг унга нисбатан жазо қўллашга ҳақлари йўқ, бироқ бундай ҳолатда судья ёки судьялар суд жараёнини тўхтатишлари ва бу адвокатнинг чиқишларини тинглашдан бош тортишлари мумкин.
89. Мазкур тамойилларда кўзда тутилган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, адвокат судда, трибунал ёки бошқа юридик ёки маъмурий органларда ўз касбий мажбуриятларини амалга оширишлари давомида судга тақдим этилган аризалар, холис ёзма баёнотлар ёки оғзаки равишда чиқишларга нисбатан фуқаролик ва жиноий иммунитетдан фойдаланади.
90. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларга маслаҳатлар бериш, ёрдам кўрсатиш ва уларнинг манфаатларини ифода этишда адвокатларнинг мустақиллиги бундай шахсларнинг бепул ва холис юридик ёрдам олишларини таъминлаш мақсадларида кафолатланиши керак. Адвокатларнинг ҳукуматга қарамлиги бўйича гумонлар, адвокатларнинг ҳукумат билан келишиб ёки унинг манфаатларини ёқлаб иш тутишлари ҳақидаги келишув ёки битимлар тузиш эҳтимоли юзга келишининг олдини олиш учун барча чоралар кўрилиши керак.
91. Адвокатларга ўз касбий вазифаларини самарали бажаришлари учун қуйидаги зарур барча воситалар ва имтиёзлар тақдим этилиши керак:
- (a) Адвокат билан мижоз ўртасидаги муносабатларнинг махфийлигини таъминлаш ва бу махфийликни бузадиган кўрсатмаларни беришдан бош тортиш ҳуқуқи;
 - (b) Эркин ҳаракатланиш ва ўз мамлакати доирасида, шунингдек, унинг ташқарисида юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган мижозларига маслаҳатлар бериш ҳуқуқи;
 - (c) Мижозлар билан учрашиш, улар билан мулоқот қилиш ва улардан кўрсатмалар олиш ҳуқуқи;
 - (d) Ўзининг касбий фаолиятига тегишли маълумотларни эркин излаш, олиш ва касбга доир қоидаларга мувофиқ маълумотлар билан фикр алмашиниш ҳуқуқи;
 - (e) Ўз шахсий ёки касбий сабабларидан келиб чиққан ҳолда, мижозни ёки ишни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқи.
92. Адвокатлар эътиқод, фикр билдириш, уюшиш ва мажлисларда иштирок этиш эркинлигидан фойдаланадилар; хусусан, улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- (a) қонунларга ва одил судловни амалга оширишга тааллуқли масалалар муҳокамасида иштирок этиш;
 - (b) маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки уларни ташкил этиш;

- (с) жамият манфаатлари йўлида ишлаб чиқилган ҳуқуқий ислоҳотлар юзасидан таклифлар киритиш ва тавсия қилиш ҳамда улардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
 - (д) мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол ва тўлақонли қатнашиш.
93. Адвокатларнинг гонорар ва иш ҳақларини тартибга солувчи қоида ҳамда низомлар олинадиган даромад арзирли ва етарли миқдорда бўлишини таъминлаш даражасида тузилиши керакки, юридик хизматлар кенг жамоатчилик учун мақбул бўлиши керак.

Кам таъминланганлар учун юридик хизматлар

94. Мустақил адвокатура тушунчасининг муҳим таркибий қисми унинг аъзолари ўз хизматларини жамиятнинг барча қатламлари, шу жумладан, энг заиф бўғинлари учун ҳам мақбул даражада белгилаш мажбурияти ҳисобланади, токи, тегишли ҳолатларда бепул юридик хизмат кўрсатилиши, одил судловда ҳеч кимга рад жавоби бермаслик, адвокатура шахс ва гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адолатни амалга оширишга кўмаклаша олиши мумкин бўлсин.
95. Давлат қонуний суд жараёни учун етарли маблағларга эга бўлмаган шахсларга юридик хизматларни тақдим этиш бўйича тегишли дастурларни молиялаштириш учун жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, давлат мазкур ҳолатларда бундай юридик хизматларга эга бўлишни таъминлашга йўналтирилган мезон ва чора-тадбирларни белгилаш учун ҳам масъулдир.
96. Қисман ёки тўлиқ равишда давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган юридик хизматларни кўрсатиш ва уларни ташкиллаштириш бўйича дастурларда иштирок этадиган адвокатлар мувофиқ равишда тақдирланишлари ва ўз касбий мустақилликларининг барча кафолатларидан, жумладан, қуйидаги воситалар орқали фойдалана олишлари лозим:
- (а) бундай дастурлар ва ташкилотлар устидан раҳбарлик қилиш, уларнинг стратегиялари, ажратиладиган бюджет ва ходимлар устидан амалий назорат олиб бориш ишлари адвокатлар уюшмаси ёхуд асосан ёки тўла адвокатлар вакилларидан иборат бўлган мустақил кенгашларга топшириш орқали;
 - (б) адвокатнинг одил судлов манфаатларига хизмат қилиш борасидаги биринчи даражали вазифаси мижоз билан боғлиқ эканини, адвокат унга маслаҳатлар бериши ва ўз касбий онги ва фикрларига мувофиқ мижознинг манфаатларини ифода этиши кераклигини тан олиши орқали.

Адвокатлар уюшмаси

97. Ҳар бир юрисдикция таркибида мустақил ва ўзини ўзи бошқарадиган, қонуний асосларда тан олинган бир ёки ундан зиёд адвокатлар

уюшмаси ташкил этилиши мумкин, уларнинг кенгаши ёки ижро органи уюшманинг барча аъзолари томонидан эркин, четдан бошқа орган ёки шахсларнинг аралашувисиз тайинланади. Мазкур қоида адвокатлар ва юристларнинг қўшимча равишда бошқа касбий уюшмаларни шакллантириш ёки уларга бирлашиш ҳуқуқларини чекламайди.

98. Юристик касби мустақиллигини ва бирдамлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида адвокат тегишли адвокатлар уюшмасига аъзоликни ўзининг бурчи ҳисоблаши лозим.

Адвокатлар уюшмасининг вазифалари

99. Юристик касби мустақиллигини таъминлашга қаратилган адвокатлар уюшмасининг вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:
- (a) одил судлов манфаатларини адолатли ва ҳаққоний ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
 - (b) касбига хос ор-номус ва қадр-қимматни, ахлоқий сифатларни сақлаш, этика қоидалари, касбий интизом ва тартибларга амал қилиш;
 - (c) адвокатларнинг жамиятда тутган ўрнини ҳимоя қилиш ва касбий мустақилликни сақлаб қолиш;
 - (d) суд тизимининг юқори мақоми ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;
 - (e) кенг жамоатчиликнинг одил судлов тизимидан эркин ва тенг асосда фойдаланишини юридик ёрдам ва маслаҳатлар тақдим этиш билан рағбатлантириш;
 - (f) ҳар бир инсоннинг иши ваколатли, мустақил ва дахлсиз судлар томонидан барча шундай жараёнларда қабул қилинган тегишли чора-тадбирларга мувофиқ, адолатли ва ошкора кўрилиши ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш;
 - (g) жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий ислохотларни, мавжуд қонунлар ва қонун лойиҳаларини шарҳлаш ва қўллаш, муҳокама қилиш ва эътирозлар билдирилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
 - (h) ҳуқуқий таълимнинг юксак андозалари касбий фаолиятга киришишнинг мажбурий шarti эканлигини қўллаб-қувватлаш;
 - (i) зарур касбий малака ва обрў-эътиборга эга бўлган барча инсонларнинг ҳеч бир камситишларсиз мазкур касбни эркин кириб келишига имконият яратиш, фаолиятини энди бошлаган шахсларга ёрдам кўрсатиш;
 - (j) касб эгаларининг фаровонлигини оширишга ҳаракат қилиш ва уларнинг оила аъзоларига зарур вазиятларда ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;
 - (k) адвокатларнинг халқаро ташкилотларига бирлашиши ва улар фаолиятида қатнашуви.

100. Агар суд муҳокамасида иштирок этаётган томонлардан бири маҳаллий адвокат билан ҳамкорликда ишни олиб бориши учун бошқа мамлакатдан адвокат жалб қилиш истагини билдирса, адвокатлар уюшмаси имкон даражасида, чет эллик адвокатнинг судда иштирок этишига ёрдам кўрсатиши шарт.
101. Мустақиллигини сақлаб қолиш бўйича ўз вазифаларини бажариш мақсадларида адвокатлар уюшмаси уюшма аъзоларидан бирининг ёки унинг тасарруфида амалиёт ўтаётган ҳар қандай адвокатнинг ҳибсга олиниши ёки қамоқда ушлаб турилиши сабаблари ва ҳуқуқий асослари ҳақида тезкор маълумотларни тўплаши зарур; шу мақсадларда уюшма қуйидагилар ҳақида билдириш хати олиши керак:
- (а) адвокатга ёки унинг мулкига нисбатан ҳар қандай тинтув ҳақида;
 - (б) унга тегишли ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ҳақида;
 - (с) адвокатнинг ахлоқий тавсифларини шубҳа остига қўядиган ёки унга таъсир кўрсатадиган сабаблар бўйича ишнинг қўзғатилиши тўғрисидаги қарор ҳақида.

Юқорида қайд этилган ҳар қандай ҳолатда, адвокатнинг касбга доир сири ва мустақиллиги ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қўлланилаётган чора-тадбирларни кузатиш учун адвокатлар уюшмасига унинг раҳбари ёки вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилиши зарур.

Интизомий иш юритиш

102. Адвокатлар уюшмаси адвокатларнинг касбий этикаси кодексини белгилаб беради ва уларнинг қонунга мувофиқ бажарилишини таъминлайди. Бундан ташқари, бу каби ахлоқ кодекси қонунчилик томонидан ҳам жорий қилиниши ҳам мумкин.
103. Адвокатлар уюшмаси ёки қонуний асосларда ташкил этилган ва адвокатлардан иборат бўлган мустақил орган, одатда, ўз ташаббуси билан ёки суд муҳокамасидаги томонлардан бири бўлган ёки жамият манфаатларини ёқлаётган шахснинг талабига биноан адвокатларга нисбатан интизомий ишлар юритишга биринчи даражали ваколатларга эга бўлиши керак. Судлар ёки жамоатчилик органлари ҳам ишни адвокатлар уюшмасига ёки қонуний асосларда унинг негизида иш очиб ҳуқуқига эга бўлган интизомий органларга топшириши мумкин.
104. Интизомий иш биринчи босқичда адвокатлар уюшмаси томонидан тузилган интизомий органда кўрилади.
105. Маъмурий орган қарори устидан тегишли апелляция инстанциясига арыз қилиниши мумкин.
106. Маъмурий ишлар мазкур декларацияда маҳкамлаб қўйилган тамойилларга мувофиқ адолат билан ва тегишли чора-тадбирларга риоя этилган ҳолда олиб борилиши шарт.

В. Шартнома меъёрлари

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

(Имзолаш, ратификация қилиш ва резолюцияга қўшилиш учун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрьда қабул қилинган, 1976 йил 23 мартдан кучга кирган)

14-модда

1. Барча шахслар суд ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир инсон унга қўйилган ҳар қандай жиноий айблов ёки бирор бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашдаги иши қонунга мувофиқ ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Барча меҳнаткаш-муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция

(Бош Ассамблеянинг 1990 йил 18 декабрдаги 45/158 резолюцияси билан қабул қилинган)

18-модда

1. Меҳнаткаш-муҳожирлар ва уларнинг оила аъзолари суд ва трибуналларда тегишли давлат фуқаролари билан биргаликда тенг ҳуқуқли бўлишга ҳақли. Улар эълон қилинаётган ҳар қандай жиноий айблов ёки суд жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонунга мувофиқ ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора кўрилиши ҳуқуқига эга.

Бола ҳуқуқлари бўйича конвенция

(Бош Ассамблеянинг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25 резолюцияси билан имзолаш, ратификация қилиш ва аъзо бўлиш учун қабул қилинган ва очилган, 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган)

37-модда

Иштирокчи давлатлар қуйидагиларни таъминлайди:

- d) озодликдан маҳрум бўлган ҳар бир бола дарҳол ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида озодликдан маҳрум этилганининг қонунийлигига эътироз билдириш ҳамда шу органлар томонидан ҳар қандай шундай процессуал ҳаракатга нисбатан кечик-тирмай қарор қабул қилиниши ҳуқуқига эга.

Барча шахсларни ғайритабиий йўқолишлардан ҳимоя қилиш халқаро конвенцияси

(2006 йил 20 декабрда қабул қилинган)

11-модда

[...]

3. Ғайритабиий йўқолиш жиноятини содир этганлик учун суд тартибида таъқиб қилинаётган ҳар бир шахс судда иш кўрилишининг барча босқичларида унга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш кафолатидан фойдаланади. Ғайритабиий йўқолиш жиноятини содир этганлик учун судга жалб қилинган ҳар қандай шахс ишнинг қонунга мувофиқ ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд ёки трибунал томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

С. Декларатив меъёрлар

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

(БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 й. 10 декабрдаги 217 А (III) резолюцияси билан қабул қилинган)

10-модда

Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, батамом тенглик асосида, ўз иши ошқора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир.

Алоҳида шахслар, жамият гуруҳлари ва органларининг умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларация

(Бош Ассамблеянинг 53/144 резолюцияси, 1999 йил 8 мартда қабул қилинган)

9-модда

2. [...] Ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилгани эҳтимол қилинаётган ҳар бир инсон шахсан ёки қонуний ваколатга эга вакил орқали қонунга мувофиқ ташкил этилган мустақил, холис ва ваколатли суд ёки бошқа органга шикоят қилиш, шикоятнинг шу орган томонидан ошқора муҳокама давомида кечиктирмай кўриб чиқилиши ҳамда шу органдан, қонунга мувофиқ, шу шахснинг ҳуқуқ ёки эркинликлари бузилган тақдирда аҳволни тўғрилашга қаратилган чоралар, шу жумладан, ҳар қандай тегишли компенсацияни назарда тутувчи қарорни олиш, шунингдек, ушбу қарорнинг мажбурий ҳамда асосиз кечиктиришларсиз ижро этилиши ҳуқуқига эга.

D. Бошқа андозалар

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 2004/33 сонли резолюцияси

(2004 йил 19 апрелда овоз беришсиз қабул қилинган)

Суд ҳокимияти, суд маслаҳатчилари ва ассессорларнинг мустақиллиги ва холислиги ҳамда адвокатларнинг мустақиллиги

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия:

7. Барча Ҳукуматларни судья ва адвокатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шу мақсадда уларнинг ўз касбий мажбуриятларини ҳар қандай сиқиш ёки қўрқитишсиз амалга оширишлари учун самарали қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа тегишли чоралар кўришга чақиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 2003/39 сонли резолюцияси

(2003 йил 23 апрелдаги йиғилиш тўғрисидаги ҳисоботга киритилган, овоз бериш натижасида 1 овозга қарши 31 овоз, 21 нафар бетараф овоз билан қабул қилинган)

Суд тизимининг ҳалоллиги ва виждонлилиги

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия,

1. Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, ба-
тамом тенглик асосида, ўз иши ошқора, адолатнинг барча талаблари-
га риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши
ҳуқуқига эгаллигини тасдиқлайди.
2. Шунингдек, ҳар бир инсон унинг иши белгиланган юридик тадбир-
ларни қўлловчи оддий судлар ёки трибуналларда кўриб чиқилиши
ҳуқуқига эгаллиги ҳамда оддий судлар ёки суд органлари юрисдикци-
ясини алмаштириш мақсадида тегишли тартибда белгиланган юридик
тадбирлардан фойдаланмайдиган трибуналлар ташкил этилиши мум-
кин эмаслигини тасдиқлайди.
3. Яна, ҳар кимга қонунга мувофиқ ташкил этилган ваколатли, мустақил
ва холис суд томонидан амалга ошириладиган адолатли ва ошқор иш
кўриш ҳуқуқи берилиши лозимлигини тасдиқлайди.

[...]

6. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг ишини кўриб чиқа-
ётган ҳар қандай суд мустақиллик ва холислик тамойилларига асос-
ланиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Халқаро жинойий судда адвокатларнинг касбий ахлоқ кодекси

(2005 йил 2 декабрда 3-ялпи мажлисда келишув асосида қабул қилинган)

1-боб: Умумий қоидалар

[...]

6-модда: Адвокатнинг мустақиллиги

1. Адвокат муносиб равишда, мустақил ва эркин ҳаракат қилади.
2. Адвокат:
 - (а) унинг мустақиллиги, ҳалоллиги ёки эркинлигига ташқи таъсир натижасида путур етказилишига йўл қўймаслиги;
 - (б) унинг мустақиллигига путур етказилгани ҳақида ҳар қандай онгли хулосага олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслиги лозим.

7-модда: Адвокатнинг касбий ахлоқи

1. Адвокат Палата, Прокурор ва Прокурор Девонхонаси ходимлари, Котиб ва Суд Котибияти ходимлари, мижозлар, қарши томон адвокати, айбланувчи шахслар, жабрланганлар, гувоҳлар ва суд ишида иштирок этаётган бошқа шахслар билан ҳурмат ва ҳушмуомалалик муносабатида бўлади.
2. Адвокат Суд томонидан қўлланилаётган ҳуқуқ соҳасида юксак малака даражасини қўллаб-қувватлайди. У ушбу малакани қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган барча суд тадбирларида иштирок этади.
3. Адвокат доимо Суд Статути, Тартиб ва исботлаш қоидалари, Регламенти, ахлоққа доир қарорлар ҳамда Суд ишида қўлланилиши мумкин бўлган, шу жумладан, ушбу Кодексга амал қилишни таъминлашга доир тартибларга риоя қилади.
4. Адвокат ўз ёрдамчилари ва бошқа ходимлар, шу жумладан, терговчилар, котиблар ва тадқиқотчилар ушбу Кодексга риоя қилишлари учун уларнинг иши устидан назоратни амалга оширади.

8-модда: Касбий сир ва махфийликка риоя қилиш

1. Адвокат Суд Статути, Тартиб ва исботлаш қоидалари ва Регламентига мувофиқ касбий сир ва маълумотлар махфийлигига риоя этади ва уларга амал қилиш учун барча эҳтиёт чораларини кўради.
2. Ушбу модданинг 1-бандида келтирилган кўрсатмадаги тегишли қоидалар бошқалар билан бир қаторда Суд Статутининг 64-моддаси 6 (с) банди, 64-моддаси 7-банди, 67-моддаси 1 (б) банди, 68-моддаси ва 78-моддаси, Тартиб ва исботлаш қоидаларининг 72, 73 ва 81-қоидалари ҳамда Регламентнинг 97-қоидасини ўз ичига олади. Шунинг-

дек, адвокат ушбу Кодекснинг тегишли қоидалари ва Суднинг ҳар қандай кўрсатмаларига риоя қилади.

3. Адвокат ушбу модданинг 1 ва 2-бандлари билан қўриқланадиган маълумотни ўзи билан ишлаётган адвокатлар, ёрдамчилар ҳамда шу маълумот тегишли бўлган иш бўйича ишлайдиган бошқа ходимларга ҳамда улар фақатгина шу иш билан боғлиқ вазифаларни бажаришини таъминлаш мақсадида ошкор этиши мумкин.
4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ адвокат ушбу модданинг 1 ва 2-бандлари билан қўриқланадиган маълумотни Суд Статути, Тартиб ва исботлаш қоидалари, Регламенти ёки ушбу Кодекснинг қандайдир аниқ қоидасида кўзда тутилган ҳолларда ёки Суд шунга кўрсатма берган ҳоллардагина ошкор этиши мумкин. Жумладан, адвокат Суд томонидан шунга кўрсатма берилмаган ҳолларда ҳимоя қилинаётган жабрланганлар ва гувоҳлар шахсини ёки уларнинг шахси ва жойини фош қилиши мумкин бўлган ҳар қандай махфий маълумотни ошкор этмайди.

9-модда: Адвокат ва мижоз ўртасидаги муносабатлар

1. Адвокат ахлоқида бошқа ҳар қандай шахс, шу жумладан, унинг мижозига нисбатан ирқ, терисининг ранги, этник ёки миллий келиб чиқиши, миллати, фуқаролиги, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, жинси, шахвоний тушунчаси, ногиронлиги, оилавий ёки бошқа ҳар қандай шахсий ёки иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб камситиш муносабати намоён бўлмаслиги лозим.
2. Мижозлар билан муносабатда адвокат мижознинг шахсий аҳволи ва аниқ эҳтиёжларини, жумладан, адвокат қийноқлар ёки жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан жабр кўрганлар ёхуд болалар, қари-ялар ёки ногиронлар манфаатларини ифода этган ҳолларда инobatта олади.
3. Мижознинг руҳий заифлиги ёки бошқа ҳар қандай сабабларга кўра ўз манфаатларини ифода этиш борасида қарор қабул қилиш қобилияти чекланган ҳолларда адвокат бу ҳақда Котиб ва тегишли Палатага хабар қилади. Бундан ташқари, адвокат Статут ҳамда Тартиб ва исботлаш қоидаларига мувофиқ мижознинг манфаатларини тегишли юридик ифода этишни таъминлаш учун лозим чораларни кўради.
4. Адвокат мижоз билан муносабатларда қандайдир мос бўлмаган ҳаракатларга йўл қўймаслиги, масалан, мижоздан у билан жинсий алоқага киришишни талаб қилиш, мажбурлаш, қўрқитиш ёки бошқача тарзда ўз таъсирини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслиги шарт.

10-модда: Реклама

Адвокат маълумот қуйидаги талабларга жавоб берган шароитда реклама эълонларини бериши мумкин:

- (a) аниқ; ва
- (b) адвокатнинг махфийлик ва имтиёзларга доир мажбуриятларини ҳисобга олган бўлиши.

2-боб: Адвокат вакиллиги

[...]

12-модда: Вакиллик қилишга тўсиқлар

1. Адвокат қуйидаги шароитларда мижозга вакиллик қилмаслиги лозим:
 - (а) мазкур иш адвокат ёки унинг шериклари бошқа мижозга вакиллик қилаётган ёки аввал вакиллик қилган бошқа ишнинг ўзи бўлса ёки ўша ишга салмоқли даражада ўхшаш бўлса, ҳамда мазкур мижознинг манфаатлари собиқ мижознинг манфаатларига мос бўлмаса, агар фақат консультация ўтказилгандан сўнг мазкур мижоз ва собиқ мижоз ўзаро келишувга келишмаган бўлса; ёхуд
 - (б) адвокат Суд ходими сифатида Судда адвокат сифатида иштирок этишга интилаётган ишга алоқадор бўлган махфий маълумот билан боғлиқ бўлса ёки шундай маълумот унга маълум қилинган бўлса. Аммо, бундай тўсиқ адвокат илтимосига биноан, агар бунинг одил судлов манфаатларига хизмат қилиши эътироф этилса, Суд кўрсатмаси билан бартараф этилиши мумкин. Адвокат аввал Суд ходими бўлиб ишлаганидан келиб чиқувчи махфийликка доир мажбуриятлари сақланиб қолади.
2. Ушбу модданинг 1 (а) бандида кўрсатилган ҳолатда, консультация ўтказилгандан сўнг келишувга эришилса, адвокат шу вазият ёки иш билан шуғулланувчи Суд Палатасини манфаатлар тўқнашуви ва эришилган келишув тўғрисида хабардор қилади. Бундай хабар ушбу Кодекснинг 8-моддасига мувофиқ адвокатнинг махфийликка доир мажбуриятларига ҳамда Тартиб ва исботлаш қоидаларининг 73-қоидаси 1-тагбандига мос равишда тақдим этилади.
3. Адвокат у иштирок этаётган жараёнда адвокат ёки адвокатнинг шериги гувоҳ сифатида жалб қилиниши эҳтимоли мавжуд бўлганда, судда иш кўрилишида иштирок этмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - (а) агар гувоҳлик кўрсатмалари эътироз қилинмаган масалага алоқадор бўлмаса; ёки
 - (б) гувоҳлик кўрсатмалари мазкур иш бўйича кўрсатилаётган юридик хизматлар хусусияти ва қийматига алоқадор бўлмаса.
4. Мазкур модда ушбу Кодекснинг 16-моддасига путур етказмайди.

13-модда: Адвокатнинг вакиллик қилиш тўғрисидаги келишувни рад қилиши.

1. Адвокат сабабини кўрсатмасдан келишувни рад қилишга ҳақли.
2. Агар:
 - (а) ушбу Кодекснинг 16-моддасига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса;

- (b) адвокатнинг ушбу масала билан пухта шуғулланишга қурби етмаса; ёки
- (c) ўзининг керакли билим ва тажрибага эга эмас, деб ҳисобласа — адвокат келишувни рад қилиши шарт.

14-модда: Вакиллик қилиш тўғрисидаги келишувни виждонан ижро этиш.

1. Мижоз ва адвокат ўртасидаги муносабатлар самимий ахборот алмашинуви ва ишонч асосида кечади ҳамда адвокатга мижоз билан ишлашда виждонан ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди. Ушбу мажбуриятни бажаришда адвокат ўз мижозига нисбатан доимо адолатли, ҳақгўй ва самимий муносабатда бўлади.
2. Мижоз манфаатларини ифода этаётганда, адвокат:
 - (a) мижознинг адвокат томонидан вакиллик қилиш мақсадларига нисбатан қарорларига амал қилади, агар бу Статут, Тартиб ва исботлаш қоидалари ва ушбу Кодексда белгиланган адвокат мажбуриятларига зид бўлмаса; ва
 - (b) адвокат ўз вакиллиги олдида қўйилган мақсадларга эришишнинг воситалари ҳақида мижозга маслаҳат беради.

15-модда: Адвокат ва мижоз мулоқоти

1. Адвокат мижозга ўзининг вакиллигига нисбатан онгли қарорлар қабул қилиши учун зарур барча тушунчаларни беради.
2. Агар адвокат вакилликдан озод қилинган ёки вакиллик тўхтатилса, вакиллик яқунланганидан кейин ўз кучини йўқотмайдиган мажбуриятларга путур етказмаган ҳолда, иш материаллари бўйича шу вакиллик доирасида олган барча ахборотларни собиқ мижозга ёки ўзининг ўрнига келган адвокатга қисқа муддатларда топширади.
3. Мижоз билан мулоқотда бўлганда адвокат мулоқот махфийлигини таъминлайди.

16-модда: Манфаатлар тўқнашуви

1. Адвокат манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай ҳолатларини бар-тараф қилиш учун барча эҳтиёт чораларини кўради. Адвокат мижоз манфаатларига ўзининг шахсий манфаатлари ёки ҳар қандай бошқа шахслар, ташкилот ёки давлат манфаатларига нисбатан устувор эътибор қаратади, бунда Статут, Тартиб ва исботлаш қоидалари ва мазкур Кодекс қоидаларига тегишли равишда риоя этади.
2. Адвокат жабрланувчилар ёки жабрланувчилар муайян гуруҳларининг умумий юридик вакили сифатида ёлланса ёки тайинланса у аввалдан ўз мижозларини вакиллик хусусияти ҳамда ушбу гуруҳ доирасида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳақида ҳабардор қилади. Адвокат ўз мижозларининг турлича, лекин ўзаро мос келувчи позицияларида одилона вакиллик қилишни таъминлаш учун барча эҳтиёт чораларини кўради.

3. Адвокат манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, тўқнашув мавжудлиги ҳақида барча алоқадор томонларга зудлик билан хабар беради ҳамда, ёхуд:
 - (а) Палатанинг розилиги билан бир ёки бир неча мижозларга вакиллик қилишни тўхтатади; ёхуд
 - (б) барча алоқадор мижозлардан вакиллик қилишни давом эттиришга ёзма шаклдаги тўлиқ ва онгли розилигини сўрайди.

17-модда: Вакиллик қилиш тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати

1. Адвокат мижозга маслаҳат беради ва унга вакиллик қилади, токи:
 - (а) суд томонидан кўрилаётган иш тўла, шу жумладан, барча апелляцияларни ҳисобга олган ҳолда, яқунланмагунча;
 - (б) адвокат ушбу Кодекснинг 16 ёки 18-моддаларига мувофиқ келишувдан чиқмагунча; ёки
 - (с) Суд томонидан тайинланган адвокат чақириб олинмагунча.
2. Адвокатнинг мижоз олдидаги мажбуриятлари, ушбу Кодексга мувофиқ сақланиб қолинадиган мажбуриятлардан ташқари, вакиллик яқунланмагунча давом этади.

18-модда: Вакилликни тугатиш

1. Палатанинг аввалдан берилган розилиги билан адвокат Суд Регламентининг шартларига мувофиқ, келишувдан чиқиши мумкин, агар:
 - (а) мижоз адвокат тўғри, деб ҳисобламаган вазифани бажаришни талаб қилса; ёки
 - (б) мижоз адвокат хизматлари билан боғлиқ мажбуриятни бажармаган, агар бу мажбурият бажарилмайдиган бўлса, адвокат ўз ишини тугатиши ҳақида хабардор қилинган ҳолларда.
2. Адвокат келишувдан чиққан ҳолда, унга нисбатан ушбу Кодекснинг 8-моддаси ҳамда Статут, Тартиб ва исботлаш қоидаларининг махфийликка доир ҳар қандай қоидалари ўз кучини сақлаб қолади.
3. Адвокат ўз мажбуриятларидан мижоз томонидан озод этилган ҳолларда адвокат Суд Регламентининг қоидаларига мувофиқ ўз мажбуриятларидан озод этилиши мумкин.
4. Адвокатнинг жисмоний ёки руҳий ҳолати унинг мижозга вакиллик қилиш қобилятини салмоқли даражада чеклаган ҳолатда адвокат ўзи ёки мижознинг ёки Котибнинг илтимосига кўра, Палата томонидан чақириб олиниши мумкин.
5. 15-модданинг 2-бандига мувофиқ, барча мажбуриятларни бажариш билан бир қаторда адвокат ўзининг ўрнига келган адвокатга иш бўйича тўлиқ ҳужжатлар тўпламини, шу жумладан, шу ишга алоқадор ҳар қандай материаллар ёки ҳужжатларни топшириши лозим.

19-модда: Досъени сақлаш

Вакиллик якунланганидан сўнг адвокат вакиллик қилиш тўғрисидаги келишувни бажариш муносабати билан тайёрланган ҳужжатлар ва иш қайдларидан иборат досъени беш йил давомида сақлайди. Адвокат рад этиш учун асосли сабаблар бўлмаганда, собиқ мижозга у билан танишишга рухсат беради. Шу муддатдан сўнг адвокат собиқ мижоз, унинг ворислари ёки Котибдан, махфийлик талабларига риоя этган ҳолда, ушбу досъегга нисбатан қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида кўрсатма сўрайди.

20-модда: Адвокат ҳақи

Келишув тузишдан аввал адвокат ўз мижозини олинадиган ҳақ ставкалари, уни ҳисоблаш мезонлари, харажатларни ҳисоб-китоб қилиш тамойиллари, ҳисоблаш қоидалари ва мижознинг харажатлар ҳисобини олиш ҳуқуқи ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

21-модда: Тақиқлар

1. 22-модда қоидаларига боғлиқ бўлмаган равишда, адвокат мижоздан ташқари бошқа манбадан нақд ёки натура кўринишида мукофот олмаслиги лозим, албатта, мижоз маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг бунга ёзма шаклда рухсат бермаса ҳамда бу ҳаракатлар адвокатнинг мустақиллиги ва мижоз билан муносабатларга алоқадор бўлмаса.
2. Адвокат ҳеч қачон ўз ҳақини у олиб бораётган иш натижаси билан боғламайди.
3. Адвокат мижоз маблағларини ўзининг ёки адвокат иш берувчисининг ёки шерикларининг маблағлари билан аралаштирмайди. Адвокат мижоз номига олинган пул маблағларини ушлаб қолмайди.
4. Адвокат ўз мижозидан пул ёки активларни қарзга олмайди.

22-модда: Адвокатни ҳуқуқий ёрдам учун тақдирлаш

1. Мижозига ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган адвокатнинг ҳақи фақатгина Суд Котибияти томонидан тўланади. Адвокат бошқа ҳар қандай манбадан нақд ёки натура кўринишида мукофот олмаслиги лозим.
2. Адвокат мижозга вакиллик қилиш учун олган ҳақни ёки унинг бир қисмини, ёки бошқа ҳар қандай активлар ёки пул маблағларини мижоз, унинг қариндошлари, танишлари ёки мижознинг шахсий манфаати бўлган ҳар қандай бошқа учинчи шахс ёки ташкилот номига ўтказиш ёки қарз қилиб бериши мумкин эмас.
3. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга тайинланаётганда, адвокат ушбу моддада белгиланган мажбуриятларга риоя қилиш мажбуриятини имзолайди. Имзоланган мажбурият Суд Котибиятига йўлланади.
4. Адвокатдан ушбу моддада белгиланган мажбуриятларни бузиш сўралганда, ундалганда ёки чақирилганда, у мижозни бундай ҳаракатлар тақиқлангани ҳақида хабардор қилиши лозим.

5. Адвокат томонидан ушбу моддада белгиланган ҳар қандай мажбурият бузилганда, бу, нотўғри ҳисобланади ва ушбу Кодексга мувофиқ интизомий чора-тадбир қўллашга олиб келади. Бу, Судда амалиётни амалга оширишга доимий тақиққа ёки адвокатлар рўйхатидан чиқарилишига ҳамда бу ҳақдаги ахборот тегишли миллий органга топширилишига олиб келиши мумкин.

3-боб: Суд ва бошқа томонлар билан муносабатлар

23-модда: Палаталар ва судьялар билан мулоқот

Агар у ёки бу иш билан шуғулланувчи судья ёки Палата адвокатга фавқулодда ҳолатларда тегишли равишда ҳаракат қилишга рухсат бермагунча, адвокат:

- (а) шу ишнинг моҳиятига кўра, судья ёки Палата билан алоқа қилмаслиги лозим, судда иш кўриб чиқиш жараёнининг ўзида алоқа қилиш бундан мустасно; ёки
- (б) судья ёки Палатага далиллар, қайдлар ёки ҳужжатларни Котибиятни четлаган ҳолда топширмаслиги лозим.

24-модда: Суд олдидаги бурч

1. Адвокат ўзининг ёки адвокат ёрдамчилари ёки ходимларининг ҳаракатлари судда иш кўриш жараёнига путур етказмаслиги ва суд обрўсига зарар етказмаслигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўради.
2. Адвокат мижоз ишини юритиш ва унга вакиллик қилиш учун шахсан жавобгар бўлади ҳамда билдирилган фикрлар ва берилган саволларнинг моҳияти ва мақсади бўйича шахсан қарор қабул қилиши лозим.
3. Адвокат судни алдамаслиги ва уни онгли равишда чалғитмаслиги лозим. Адвокат ўзи ёки ёрдамчилари ёки ходимлари билдирган янглиш баёнотнинг ҳақиқатан хато эканлигини билгандан сўнг қисқа муддатларда уни тўғрилаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши лозим.
4. Адвокат судда иш кўришни тўхтатиб туриш ёки суд иштирокчиларининг бири ёки бир нечасига зарар келтириш мақсадида ҳеч қандай илтимос билан мурожаат қилмаслиги ёки бирорта ҳужжатни тақдим этмаслиги лозим.
5. Адвокат иш юритишда кераксиз харажат ёки кечиктиришларнинг олдини олиш учун ўз мижозига тезкор вакиллик қилиши лозим.

25-модда: Далиллар

1. Адвокат доимо Судга тақдим этилаётган, ёзма, оғзаки ёки ҳар қандай бошқа шаклдаги далилларнинг яхлитлигини сақлаши лозим. У нотўғрилиги маълум бўлган далилларни тақдим этмаслиги лозим.

2. Агар адвокат, далилларни йиғаётиб, улар йўқ қилиниши ёки қалбакилаштирилиши мумкин, деб ҳисобласа, у Палатага Тартиб ва исботлаш қоидаларининг 116-қоидасига мувофиқ, далиллар тўплаш тўғрисида фармойиш чиқариш илтимоси билан мурожаат қилади.

26-модда: Вакил қилинмаган шахслар билан муносабатлар

1. Вакиллик қилиш шартлари талаб қилса, адвокат мижоз манфаатлари доирасида вакил қилинмаган шахс билан мулоқот қилиши ва учрашиши мумкин.
2. Адвокат вакил қилинмаган шахслар билан мулоқот қилган ҳолда, у:
 - (а) уларни адвокат ёрдамидан, ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида хабардор қилиши; ҳамда
 - (б) уларни, адвокат мижоздан олган маълумотлар махфийлигини бузмаган ҳолда, адвокат ифода этаётган манфаатлар ҳамда мулоқотнинг мақсади ҳақида хабардор қилиши лозим.
3. Вакил қилинмаган шахс билан мулоқот қилиш ёки учрашиш мубайнида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳақида адвокатга маълум бўлса, ушбу модданинг 1-бандида келтирилган қоидаларга қарамай, у дарҳол шу шахс билан бўлажак ҳар қандай алоқаларни узади ёки мулоқотни бекор қилади.

27-модда: Бошқа адвокатлар билан муносабатлар

1. Бошқа адвокатлар ва уларнинг мижозларига нисбатан адвокат адолатли, виждонан ва ҳушмуомала муносабатда бўлиши лозим.
2. Суд ёки суддан ташқари баҳснинг у ёки бу масаласида умумий манфаатдорлиги бўлган мижозларга вакиллик қилаётган ҳамда шу масала бўйича маълумот алмашишга рози бўлган адвокатлар ўртасидаги ёзишмалар махфий ва имтиёзли ҳисобланади.
3. Адвокат адвокатлар ўртасидаги ёзишмалар махфий бўлмайди, деб ҳисобласа, у аввалдан бундай ёзишма махфий эмаслигини эълон қилади.

28-модда: Адвокат томонидан вакиллик қилинаётган шахслар билан муносабатлар

Адвокат бошқа адвокатнинг мижозига бевосита мурожаат қилмаслиги лозим, бу, фақат у орқали ёки унинг рухсати билангина мумкин.

29-модда: Гувоҳлар ва жабрланувчилар билан муносабатлар

1. Адвокат гувоҳлар ёки жабрланувчиларни қўрқитиш, сиқиш ёки камситиш, шунингдек, суд мажлисида ёки унинг ташқарисида уларга нисбатан асоссиз ва ўта катта босим ўтказишдан ўзини тияди.
2. Адвокат қийноқлар ёки жинсий, жисмоний ва руҳий зўравонликдан жабр кўрганларга, болалар, кексалар ва ногиронларга алоҳида эътибор қаратади.

4-боб: Интизомий тартиб

30-модда: Бошқа интизомий тартиблар билан зиддият

Ушбу Кодекснинг 38-моддасидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу боб ҳар қандай бошқа интизомий органнинг ушбу Кодексга мувофиқ адвокатга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган интизомий ваколатларига путур етказмайди.

31-модда: Ғайриқонуний ахлоқ

Адвокатнинг ахлоқи, агар у:

- (a) ушбу Кодекс, Статут, Тартиб ва исботлаш қоидалари ҳамда Суд ва Суд Котибиятининг амалдаги Регламентининг унга ахлоқий ва касбий мажбуриятлар юклайдиган ҳар қандай қоидаларини бузса;
- (b) бошқа шахсга ушбу модданинг (a) бандида кўрсатилган ғайриқонуний ахлоқда бўлишга онгли равишда кўмаклашса ёки шундай ҳаракатларга чақирса, ёки шундай ҳаракатларни бошқа шахс орқали содир этса; ёки
- (c) ушбу боб қоидаларига мувофиқ чиқарилган интизомий қарорга риоя этмаса, ғайриқонуний ҳисобланади.

32-модда: Ёрдамчилар ёки бошқа ходимларнинг ахлоқи учун жавобгарлик

1. Адвокат ўз ёрдамчилари ёки ходимларининг ушбу Кодекснинг 31-моддасида назарда тутилган ғайриқонуний ахлоқи учун жавобгардир, агар у:
 - (a) шундай ҳаракат қилишга кўрсатма берса ёки уни маъқулласа; ёки
 - (b) қоидабузарлик содир этилиши мумкинлигини билса, ёки бу ҳақдаги маълумотга эга бўла туриб, мавжуд аҳволни тўғрилашнинг тегишли чораларини кўрмаса.
2. Адвокат ўз ёрдамчилари ёки ходимларига ушбу Кодексда назарда тутилган андозаларга доир йўл-йўриқ кўрсатади.

33-модда. Вакил

1. Ушбу бобга мувофиқ, ғайриқонуний ахлоқ тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш учун жавоб берувчи вакил Президиум томонидан тўрт йиллик муддатга тайинланади. Вакил касбий этика ва юридик масалаларда тан олинган малакага эга шахслар орасидан сайланади.
2. Вакил қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Мандати текширув ўтказиш давомида тугаётган вакил шу текширувни якунига қадар давом эттиради.

34-модда. Ғайриқонуний ахлоқ тўғрисида шикоят бериш

1. Адвокатнинг 32 ва 33-моддаларда кўрсатилган ғайриқонуний ахлоқи тўғрисидаги шикоятлар Котибиятга:

- (a) шу ишни юритаётган Палата;
 - (b) прокурор; ёки
 - (c) ҳуқуқ ва манфаатлари содир этилиши мумкин бўлган ғайриқонуний ахлоқ билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан берилиши мумкин.
2. Шикоят ёзма шаклда, ёки, шикоят берган шахс буни амалга ошириш иложи бўлмаганда, оғзаки шаклда Котибият ходимига берилади. Унда шикоят билан мурожаат қилган шахс ҳамда шикоят қилинаётган адвокат тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, шунингдек, эҳтимол қилинаётган ғайриқонуний ахлоқ батафсил баён этилади.
 3. Котиб шикоятни текширувни амалга оширувчи Вакилга йўллайди.
 4. Котиб ўз ташаббуси билан ушбу Кодекснинг 31 ва 32-моддаларида кўрсатилган ғайриқонуний ахлоқ тўғрисидаги шикоят билан Вакилга мурожаат қилиши мумкин.
 5. Котиб барча шикоятларнинг махфийлигига риоя этиши лозим.

35-модда: Шикоят муддати

Адвокатнинг ғайриқонуний ахлоқи тўғрисида шикоят бериш ҳуқуқи унинг вакиллик тўғрисидаги келишув муддати якунланганидан сўнг беш йил мобайнида амал қилади.

36-модда: Интизомий кенгаш таркиби ва унинг ишларини бошқариш

1. Интизомий кенгаш уч аъзодан иборат бўлиб, унинг икки нафари доимий ва бир нафари *ad hoc* аъзодир.
2. Интизомий кенгаш аъзолари ўз вазифаларини ушбу Кодексга мувофиқ мустақил ва холис равишда бажаради.
3. Котибият ушбу модданинг 4-бандида назарда тутилган сайловлар ўтказиш ҳамда адвокатлар, зарур бўлганда, миллий органлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича тегишли чоралар кўради.
4. Икки доимий аъзо, шунингдек, ушбу модданинг 10-бандига мувофиқ, аъзо билан алмаштирилиши мумкин бўлган яна бир нафар аъзо ўринбосари Суд томонидан кўриб чиқиладиган ишлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга барча адвокатлар томонидан тўрт йилга сайланади. Улар касбий этика ва юридик масалаларда тан олинган малакали шахслар орасидан сайланади.
5. *Ad hoc* аъзо қўзғатилган интизомий иш сабабчиси бўлган адвокат фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ваколатли миллий орган томонидан тайинланган шахсдир.
6. Доимий аъзолар қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас.
7. Ушбу модданинг 4-бандига боғлиқ бўлмаган ҳолда, илк сайлов давомида доимий аъзоларнинг бири қуръа асосида фаолият юритиш учун олти йиллик муддатга сайланади.

8. Ҳар бир сайловдан сўнг ҳамда янгидан сайланган Интизомий кенгашнинг биринчи мажлисига қадар доимий аъзолар ва аъзолар ўринбосарлари доимий аъзолардан бирини Раис этиб сайлайди.
9. Интизомий кенгашнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқ ва овозга эга. Интизомий кенгаш қарорлари овозларнинг кўпчилиги билан қабул қилинади. Ушбу модданинг 10-бандига мувофиқ, қандайдир иш билан шуғулланаётган аъзо ўринбосари шу иш билан шуғулланаётган доимий аъзолар ва *ad hoc* аъзо сингари тенг ҳуқуқ ва овозга эга.
10. Доимий аъзолардан бири шу иш билан шуғулланиш ёки Интизомий кенгаш аъзосининг вазифаларини бажаришга имкони бўлмаса, Раис ёки, шу доимий аъзо Раис бўлганда, бошқа бир доимий аъзо ўринбосаридан Интизомий кенгашда унинг ўрнини эгаллаб туришини сўрайди.
11. Ваколат муддати тугаган доимий аъзолар ва аъзо ўринбосари кўрилиши бошланган ишларни улар тамоман, шу жумладан, апелляцияларни кўриб чиқиш якунланишига қадар давом эттиради.
12. Котиб Интизомий кенгашга котиблик хизматларини кўрсатиш учун Котибият ходимини бириктиради. Тайинлашдан сўнг Котибиятнинг тегишли ходими Котибиятдан мустақил равишда фаолият юритади ҳамда ушбу Кодекс 44-моддасининг 12-бандига мувофиқ, Интизомий кенгашга фақат котиблик хизматларини кўрсатади.

37-модда: Дастлабки тартиблар

1. Берилган шикоят ушбу Кодекснинг 34-моддаси талабларига жавоб берса, уни Вакил интизомий иш қўзғатишнинг сабабчиси бўлган адвокатга йўллайди ҳамда адвокат шикоят берилган санадан 60 кун мобайнида жавоб тақдим этиши лозим.
2. Бу жавобда эҳтимол қилинаётган ғайриқонуний ахлоқ миллий органда интизомий иш кўриб чиқиш учун сабаб бўлиши ёки бўлмаслиги кўрсатилиши лозим. Тасдиқ жавоби берилган ҳолатда, унинг таркибига қуйидагилар киради:
 - (а) эҳтимол қилинаётган ғайриқонуний ахлоққа нисбатан қарор қабул қилаётган миллий органнинг номи; ҳамда
 - (б) миллий органнинг у олиб бораётган интизомий иш учун сабаб бўлган далиллар баён этилган, тегишли тартибда тасдиқланган ахборотномаси тақдим қилиниши лозим.

38-модда: Интизомий чораларнинг тўлдирилиши

1. Ушбу Кодексда назарда тутилган интизомий ишни кўриб чиқиш Интизомий кенгаш томонидан амалга оширилади.
2. Интизомий кенгашнинг *ad hoc* аъзоси тегишли миллий орган билан кўрилаяётган иш хусусида алоқа қилиш ва маслаҳатлашувлар ўтказишнинг барча жиҳатлари учун масъул шахсдир.
3. Ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокат шу масала билан шуғулланувчи миллий органдан Интизомий кенгашни эҳтимол

қилинаётган ғайриқонуний ахлоқ муносабати билан олиб борилаётган ҳар қандай миллий интизомий иш кўриш ҳамда унинг якуний қарори ҳақида хабардор қилишни сўрайди ҳамда шундай масалалар бўйича алоқа ўрнатишга кўмаклашиш учун барча чораларни кўради.

4. Тегишли миллий орган томонидан кўрила бошланишига эҳтимол қилинаётган ғайриқонуний ахлоқ сабаб бўлган ҳолларда, Интизомий кенгаш доирасидаги интизомий ишни кўриш қуйидаги ҳолларни истисно қилган ҳолда, биринчи иш бўйича якуний қарор қабул қилинганга қадар ортга сурилади:
 - (а) миллий орган тегишли давр мобайнида ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги хабар ва сўровларга жавоб бермаса; ёки
 - (б) Интизомий кенгаш олинган ахборотни қониқарсиз деб ҳисобласа; ва
 - (с) Интизомий кенгаш олинган ахборот асосида миллий орган интизомий ишни кўришни яқунлашга қодир эмас ёки яқунлаш нияти йўқ, деб ҳисобласа.
5. Миллий органнинг қарори олингандан сўнг Интизомий кенгаш дарҳол:
 - (а) ишни кўришни тўхтатиш тўғрисида эълон қилади, лекин қабул қилинган қарор ушбу Кодексга мувофиқ ғайриқонуний ахлоқ тўғрисидаги шикоятни тегишли равишда тартибга солишни таъминламаган ҳоллар бундан мустасно;
 - (б) миллий органнинг қарори Интизомий кенгашда ғайриқонуний ахлоқ тўғрисида кўтарилган масалани қамраб олмаслиги ёки фақатгина қисман қамраб олиши, шу сабабли иш кўрилиши давом эттирилиши лозимлиги ҳақида эълон қилади.
6. 3-банд ва 4-банднинг (б) тағбандида назарда тутилган ҳолларда, Интизомий кенгаш ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокатга ушбу иш тўғрисида батафсил ахборот, шу жумладан, тақдими этилиши мумкин бўлган ҳар қандай баённома ва далилларни тақдим этишни сўраб мурожаат қилади.
7. Ушбу модда асосида қабул қилинган Интизомий кенгаш қарори устидан Интизомий апелляция кенгашига шикоят қилиниши мумкин.

39-модда: Интизомий ишни кўриш

1. Текширувни амалга ошираётган Вакил ғайриқонуний ахлоқ тўғрисидаги ариза ҳақиқатан ёки юридик жиҳатдан асосланмагани тўғрисидаги ўзида мавжуд ахборотга таяниб, шикоятни ҳеч қандай бўлажак текширувсиз рад этиши мумкин. У даъвогарни бу ҳақда тегишли равишда хабардор қилади.
2. Вакилнинг фикри бошқача бўлса, у зудлик билан адвокатнинг ғайриқонуний ахлоқи тўғрисидаги ариза бўйича текширув ўтказиши ва ҳисоботни Интизомий кенгашга бериш ёки ишни кўришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Текширувни амалга ошираётган Вакил ишга тааллуқли ва исбот қимматига эга бўлган оғзаки, ёзма, ва шунингдек, ҳар қандай бошқа шаклдаги далилларни инobatга олади. У ушбу интизомий иш тўғрисидаги барча ахборотнинг махфийлигини таъминлайди.
4. Вакил, мақсадга мувофиқ, деб ҳисобласа, муроса келишувини тузиш воситасини топишга уриниб кўриши мумкин. Вакил муроса келишувига эришишга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар натижаси тўғрисида буни инobatга олиши мумкин бўлган Интизомий кенгашга ҳисобот беради. Ҳеч қандай муроса келишуви Интизомий кенгашнинг ушбу Кодексда кўзда тутилган малакаси ва ваколатларига путур етказмаслиги лозим.
5. Вакилнинг ҳисоботи Интизоми кенгашга тақдим этилади.
6. Интизомий кенгашдаги эшитувлар ошкора ўтказилади. Шу билан бирга, Интизомий кенгаш, Вакилнинг текширув тўғрисида маърузасидаги маълумотнинг махфийлиги, ҳамда жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоясини учун бутун жараёни ёки унинг бир қисмини ёпиқ мажлисда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
7. Вакил ва ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокат чақирилади ва кўрсатма берадилар. Интизомий кенгаш ҳақиқатни аниқлаш учун фойдали кўрсатмалар бериши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа шахсни ҳам чақириши ва эшитиши мумкин.
8. Истисно ҳолатларда, эҳтимол қилинаётган ғайриқонуний ахлоқ одил судлов манфаатларига жиддий зарар келтирадиган хусусиятга эга бўлганда, Вакил зудлик билан интизомий иш қўзғатилган адвокат аъзо бўлган Палатага шу адвокатни заруриятга қараб, ўз ишидан вақтинча четлатилиши тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

40-модда: Ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокатнинг ҳуқуқлари

1. Ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокат бошқа адвокатнинг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
2. Адвокат Интизомий кенгашда сукут сақлаш ҳуқуқига эга, Интизомий кенгаш бундай сукутдан, унинг фикрича, тақдим этилган барча маълумот асосида ҳар қандай тегишли ва оқилона хулосага келиши мумкин.
3. Адвокат Вакил томонидан тўпланган маълумот ва гувоҳлик кўрсатмаларини, шунингдек, Вакилнинг ҳисоботларини тўлиқ ошкор этишга ҳақли.
4. Адвокатга ўз ҳимоясини тайёрлаш учун зарур вақт тақдим этилади.
5. Адвокат Интизомий кенгаш томонидан кўрсатма бериш учун чақирилган ҳар қандай шахсни ўзи ёки адвокати орқали сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

41-модда: Интизомий кенгаш қарорлари

1. Ишни тугаллаётиб, Интизомий кенгаш тақдим этилган далиллар асосида қандайдир ғайриқонуний ахлоқ мавжуд эмаслиги, ёки интизомий иш қўзғатилган адвокат эҳтимол қилинган ғайриқонуний ахлоқ ҳаракатларини содир этгани тўғрисидаги хулосага келиши мумкин.
2. Қабул қилинган қарор эълон этилади. У асосланган бўлиши ҳамда ёзма шаклда эълон қилиниши лозим.
3. Қабул қилинган қарор ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатилган адвокатга ҳамда Котибга етказилади.
4. Қарор узил-кесил бўлса, у Суднинг Расмий журналида эълон қилинади ва миллий органга йўланади.

42-модда: Жазо чоралари

1. Ғайриқонуний ахлоқ ҳолати тасдиқланганда Интизом кенгаш қуйидаги жазо чораларини қўллаши мумкин:
 - (а) танбеҳ бериш;
 - (б) ижтимоий танбеҳ бериб, адвокатнинг шахсий ишига киритиш;
 - (с) 30 000 еврога қадар қийматда жарима солиш;
 - (д) икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатгача Судда иш юрийтиш ҳуқуқини бекор қилиш;
 - (е) Судда иш кўришни доимий тақиқлаш ва адвокатлар рўйхатидан чиқариб ташлаш.
2. Танбеҳ билан бирга, Интизомий кенгашнинг тавсиялари берилиши мумкин.
3. Интизомий иш кўриш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги масала Интизомий кенгашнинг ихтиёрига кўра ҳал этилади.

43-модда: Апелляция бериш

1. Ўзига нисбатан жазо чоралари қўлланилаётган адвокат ва текширувни амалга ошираётган Вакил Интизомий кенгаш қарорини ҳақиқатан ва юридик асосларга кўра шикоят қилиш ҳуқуқига эга.
2. Апелляция бериш тўғрисида Интизомий кенгаш котибияти қарор қабул қилингандан сўнг 30 кун давомида хабардор қилинади.
3. Интизомий кенгаш котибияти апелляция тўғрисидаги хабарни Интизомий апелляция кенгаши котибиятига йўллайди.
4. Интизомий апелляция кенгаши Интизомий кенгашда кўрилган ишга мувофиқ шу апелляция бўйича қарор қабул қилади.

44-модда. Интизомий апелляция кенгаши таркиби ва унинг ишларини бошқариш.

1. Интизомий апелляция кенгаши Интизомий кенгаш қарорлари юзасидан апелляциялар бўйича қарор қабул қилади.
2. Интизомий апелляция кенгашининг аъзолари ўз вазифаларини ушбу Кодексга мувофиқ мустақил ва холис равишда бажаради.
3. Котибият ушбу модданинг 5-бандида назарда тутилган сайловни, адвокат билан, зарур бўлганда, миллий органлар билан маслаҳатлашиб ўтказиш учун тегишли чораларни кўради.
4. Интизомий апелляция кенгаши беш нафар аъзодан иборат:
 - (а) Суд Регламентининг 10-қоидасига мувофиқ, Суднинг уч нафар судьяси мартаба жиҳатидан улуғлик ҳуқуқига эга, лекин қуйидагилар истисно этилади:
 - интизомий иш кўрилишига сабаб бўлган шикоят тушган ишни юритувчи судьялар;
 - Президиумнинг Вакилни тайинлаган ҳар қандай аъзолари ёки собиқ аъзолари.
 - (б) ушбу модданинг 5-бандига мувофиқ сайланган 2 нафар шахс.
5. Ушбу модданинг 4 (б) бандида кўрсатилган Интизомий апелляция кенгашининг икки аъзоси, шунингдек, ушбу модданинг 6-бандига мувофиқ уларнинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган аъзо ўринбосари Суд томонидан кўриб чиқиладиган ишлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга барча адвокатлар томонидан тўрт йилга сайланади. Улар касбий этика ва юридик масалаларда тан олинган малакага эга шахслар орасидан сайланади.
6. Сайланган аъзолардан бири шу иш билан шуғулланиш ёки Интизомий апелляция кенгаши аъзосининг вазифаларини бажаришга имкони бўлмаса, Раис аъзо ўринбосаридан Интизомий апелляция кенгашида унинг ўрнини эгаллашини сўрайди.
7. Интизомий апелляция кенгаши аъзоларининг вазифалари Интизомий кенгаш аъзоларининг вазифаларига тўғри келмайди.
8. Сайланган аъзолар қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас.
9. Ушбу модданинг 4 (а) бандида кўрсатилган учта судья орасида улуғлик ҳуқуқига эга судья Интизомий апелляция кенгашининг Раиси ҳисобланади.
10. Интизомий апелляция кенгашининг барча аъзолари тенг ҳуқуқ ва овозга эга. Интизомий апелляция кенгаши қарорлари овозларнинг кўпчилиги билан қабул қилинади. Ушбу модданинг 6-бандига мувофиқ қандайдир иш билан шуғулланаётган аъзо ўринбосари шу иш билан шуғулланаётган бошқа аъзолар билан бир хил тенг ҳуқуқ ва овозга эга.

11. Ваколати муддати тугаган аъзолар ўзлари кўрган ишлар якунига ет-
гунига қадар улур билан шуғулланишда давом этадилар.
12. Ушбу Кодекснинг 36-моддаси 12-бандига мувофиқ, Котиб томонидан
Интизомий кенгашга котиблик хизматларини кўрсатиш учун тайин-
ланган Котибият ходими Интизомий апелляция кенгашига ҳам котиб-
лик хизматларини кўрсатади. Тайинлашдан сўнг Котибиятнинг тегиш-
ли ходими Котибиятдан мустақил равишда фаолият юритади.

[...]

Ҳарбий трибуналлар томонидан одил судловни амалга ошириш тамойиллари лойиҳаси

(Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тағкомиссияси томонидан эллик еттинчи сессияда қабул қилинган, 2005 йил)

1-тамойил: Ҳарбий трибуналларни Конституция ёки қонун асосида таъсис этиш

Ҳарбий трибуналлар фақат Конституция ёки қонун асосида, ваколатлар бўлиниши тамойилига риоя этган ҳолда таъсис этилиши мумкин. Улар умумий суд тизимининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

2-тамойил: Халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш

Ҳарбий трибуналлар ҳар қандай ҳолатда адолатли судловнинг кафолатлари сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган меъёрлар ва тартиблар, шу жумладан, халқаро ҳуқуқ меъёрларини қўллашлари лозим.

[...]

4-тамойил: Ҳарбий судларнинг фуқаро шахсларнинг ишларини кўриб чиқишга доир кафолатлари

Қоидага кўра, ҳарбий судлар фуқаро шахсларга нисбатан ишларни кўриб чиқиш ваколатларига умуман эга бўлмаслиги лозим. Барча ҳолатда давлат ҳар қандай хусусиятдаги жиноий ҳуқуқбузарликларда айбланаётган фуқаро шахсларнинг ишлари фақат фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши таъминлаши лозим.

[...]

7-тамойил: Ҳарбий судларнинг функционал ваколатлари

Ҳарбий судларнинг ваколоти фақат ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган ҳарбий хусусиятдаги жиноятлар билан чекланиши лозим. Ҳарбий судлар ҳарбий хизматчиларга тенглаштириладиган шахсларнинг ишларини фақат уларнинг ҳарбий мавқеи билан боғлиқ бўлган жиноятлар содир этгани учун кўриб чиқиши мумкин.

8-тамойил: Инсон ҳуқуқларини қўпол бузишда айбланаётган шахсларнинг ишларини кўриб чиқиш

Ҳар қандай ҳолатда суддан ташқари қатл этиш, мажбурий йўқ бўлиш ва қийнаш каби инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишини тергаш ҳамда шу жиноятларда айбланувчи шахсларнинг ишларини кўриб чиқиш биринчи навбатда ҳарбий судлар эмас, оддий судлар ваколатига киритилиши лозим.

11-тамойил: «Хабеас корпус» кафолати

Озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ҳар қандай ҳолатда тегишли суд унинг ҳибсга олинганининг қонунийлиги тўғрисидаги масалани кечиктирмасдан

кўриб чиқиши ҳамда ҳибсга олиш ноқонуний бўлганда, уни озод этиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун «хабеас корпус» тартиботи каби суд жараёнларини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. «Хабеас корпус» суд буйруғини чиқариш ёки ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа воситасини тақдим этилиши тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқи шахсий ҳуқуқ сифатида кўриб чиқилади ва ҳар қандай ҳолатда уларни таъминлаш кафолати оддий судлар ваколатига киради. Ҳар қандай ҳолатда судья ҳибсга олинган шахс ушлаб турилган ҳар қандай жойга кириш имкониятига эга бўлиши лозим.

12-тамойил. Малакали, мустақил ва холис судлов ҳуқуқи

Ҳарбий судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти судда иш кўришнинг ҳар қандай босқичида, дастлабки суриштирувдан судда кўриб чиқишга қадар малакали, мустақил ва холис судлов ҳуқуқини тўлиқ таъминлаши лозим. Ҳарбий судларда судья вазифаларини бажариш учун сайланган шахслар юксак ахлоқий фазилатлар ва малакани намойиш этиши ҳамда зарур касбий тайёргарлик ва маҳоратга эга бўлиши керак. Ҳарбий судьялар жумладан, ҳарбий иерархияга нисбатан ўзларининг мустақиллиги ва холислигини кафолатловчи мавқега эга бўлиши лозим. Ҳеч бир ҳолатда ҳарбий судлар аноним ёки «қиёфасиз» судья ва прокурорлар иштирок этадиган тартиботларни қўлламаслиги лозим.

[...]

16-тамойил: Қарорларни оддий судларда шикоят қилиш

Ҳарбий трибуналлар мавжуд бўлган барча ҳолларда уларнинг ваколатлари биринчи инстанция суди сифатида қарор чиқариш билан чекланиши лозим. Демак, шикоят қилиш воситалари, жумладан, апелляция фуқаролик судларига берилиши лозим. Ҳар қандай вазиятда қонунийликка алоқадор баҳслар умумий юрисдикциядаги олий суд томонидан ҳал этилиши лозим.

Ҳарбий трибуналлар ва оддий судлар ўртасидаги ваколатлар ва тегишлиликка доир зиддиятлар оддий судлар тизимининг бир қисми бўлган ҳамда мустақил, холис ва малакали судьялардан иборат Олий суд ёки Конституциявий суд каби юқори турувчи суд органи томонидан ҳал этилиши лозим.

[...]

2. Бошқа универсал андозалар

Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойиллари

(Суд органларининг ҳалоллиги ва виждонлилигини мустаҳкамлаш бўйича судьялар гуруҳи томонидан 2001 йилда қабул қилинган, Гаагадаги Тинчлик Саройида 2002 йил 25–26 ноябрь кунларида ўтказилган Олий судлар раисларининг давра суҳбати мажлисида ўзгартиришлар киритилган Судьялар ахлоқ қоидалари Бангалор кодексининг лойиҳаси)

Муқаддима

Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, батамом тенглик шароитида, ўз иши ошқора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллигини асосий тамойил сифатида эътироф этган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эътиборга олиб,

Барча фуқаролар судлар олдида тенглиги, ҳар бир шахс ўзига қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида, мазкур иш қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ҳамда ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллигини кафолатлайдиган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни эътиборга олиб,

Юқорида кўрсатилган асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича маҳаллий актлар, миллий конституциялар, статутли ва умумий ҳуқуқда, судга оид урф-одатлар ва анъаналарда тан олиниши ёки ўз аксини топишини эътиборга олиб,

Суд органларининг малакалилиги, мустақиллиги ва холислиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида катта аҳамиятга эгаллиги, чунки бошқа барча ҳуқуқларнинг амалга оширилиши одил судловни тегишли равишда рўёбга чиқарилишига боғлиқ эканини эътиборга олиб,

Суд органларининг малакалилиги, мустақиллиги ва холислиги судларнинг конституциявийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлашдаги ролини бажаришда катта аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб,

Жамиятнинг суд тизимига, шунингдек, унинг обрўси ҳамда суд органларининг маънавияти, ҳалоллиги ва виждонлилигига оид масалаларга нисбатан ишончи замонавий демократик жамиятда биринчи даражадаги аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб,

Судьялар жамият томонидан ўзларига билдирилган ишонч даражасини англаган ҳолда, яққа ва жамоавий тартибда, ўз лавозимига ҳурмат ва шараф билан ёндашишлари ҳамда улар суд тизимига бўлган ишончни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишлари зарурлигини эътиборга олиб,

Судьялар ахлоқига доир юксак андозаларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлат суд органларининг бевосита мажбурияти эканини эътиборга олиб,

Шунингдек, Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари суд органларининг мустақиллигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга ҳамда асосан давлатларга қаратилганини эътиборга олиб,

Куйида санаб ўтилган тамойиллар судьялар ахлоқ қоидаларининг андозаларини белгилаш мақсадини ўзида мужассам этади. Улар судьяларга дастуриламал сифатида фойдаланиш учун ҳамда суд органларига судьялар ахлоқини белгилашнинг асосий тамойиллари сифатида қўлланиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, улар ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, адвокатлар ва умуман, жамият томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнини янада яхши англаши ва қўллаб-қувватлашига кўмаклашишга қаратилган. Мазкур тамойиллар судьялар ўз ахлоқи юзасидан суд андозаларини қўллаб-қувватлаш учун тузилган, холис ва мустақил равишда ҳаракат қиладиган, судьяларга алоқадор ахлоққа доир амалдаги меъёрлар ва қоидалар аҳамиятини камайтириш эмас, балки ошириш мақсадида фаолият юритадиган тегишли органларга ҳисобдор эканини назарда тутати.

1-кўрсаткич: Мустақиллик

Тамойил:

Суд органларининг мустақиллиги ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг омили ҳамда судда ишнинг одил ҳал этилишининг асосий кафолатидир. Демак, судья суд органларининг мустақиллиги тамойилини унинг якка тартибдаги ва институционал жиҳатларида ҳимоя қилиши ва рўёбга чиқариши лозим.

Қўлланилиши

- 1.1. Суд органларининг институционал ва тезкор мустақиллигини сақлаш ва Судья ўзининг суддаги вазифасини фақат фактларга баҳо беришдан келиб чиқиб, ҳуқуқни онгли равишда тушунишидан келиб чиқиб, ҳар қандай ташқи таъсир, даъват, босим, дўқ-пўписа ёхуд ҳар қандай томондан амалга оширилаётган ва турли мақсадларни кўзлаётган бевосита ёки билвосита аралашувдан мустақил равишда амалга ошириши лозим.
- 1.2. Судья умуман жамиятга нисбатан ҳамда у қарор чиқариши лозим бўлган суд ишининг муайян томонларига нисбатан мустақил позицияни ёқлаши лозим.
- 1.3. Судья лавозимига мос келмайдиган ҳар қандай ўзаро муносабатларни ёки ҳокимиятнинг ижро ва қонун чиқарувчи тармоқлари томонидан таъсирни нафақат истисно этади, балки бу ҳатто четдаги кузатувчига сезиларли бўлиши учун барча чораларни кўради.
- 1.4. Иш бўйича қарор судьянинг ўзи томонидан қабул қилиниши лозим бўлган ҳолларда у суд таркибидаги бошқа ҳамкасбларининг фикридан мустақил равишда ҳаракат қилади.

- 1.5. Судья юксалтириш мақсадида судьялар ўз мажбуриятларини бажариш кафолатларини ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди.
- 1.6. Судья суд органларининг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш учун биринчи даражали аҳамиятга эга омил сифатида жамиятнинг суд органларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида судьялар ахлоқига доир юксак андозаларни намойиш этади ва қўллаб-қувватлайди.

2-кўрсаткич: Холислик

Тамойил

Судьянинг холислиги у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг шартидир. Холислик нафақат чиқарилаётган қарор мазмунида, балки уни қабул қилишда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Қўлланиши

- 2.1. Судья ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар қандай афзал кўришлар, сохта фикрлар ёки тахминийликдан холи бўлиши лозим.
- 2.2. Судьянинг суд мажлиси давомида ва суддан ташқаридаги ахлоқи жамият, юридик касб вакиллари ва суд жараёни томонларининг судья ва суд органларининг холислигига ишончини қўллаб-қувватлаш ва оширишга хизмат қилиши лозим.
- 2.3. Судья ўзини суд мажлисларида иштирок этиш ва суд ишлари бўйича қарорлар чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳаракатларни қилишдан имкон қадар ўзини чеклаши даркор.
- 2.4. Ишни (кўриб чиқилиши аввалдан маълум бўлган ёки фақат тахмин қилинаётган) кўриб чиқиш олдидан судья вазиятга оқилона баҳо беришдан келиб чиқиб, шу ишнинг якунига қандайдир таъсир қилиши ёки жараённинг адолатли амалга оширилишини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган ҳар қандай шарҳлардан ўзини тияди. Судья ошқора ёки бошқа шарҳлардан ўзини тияди, чунки акс ҳолда бу қандайдир шахс ёки масалага нисбатан ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиши мумкин.
- 2.5. Судья иш бўйича холис қарор чиқаришининг имкони йўқ, деб ўйлаган, ёки, четдаги кузатувчида судьянинг холислиги ҳақида шубҳалар пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, у ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан ўзини четга олади. Қуйида шундай ҳолларнинг айрим мисоллари санаб ўтилган:
 - 2.5.1. судьяда томонларнинг бирига нисбатан сохта фикр ёки тахминий муносабат шаклланса, ёки судьяга унинг шахсий манбалари орқали кўрилаётган ишга алоқадор қандайдир исботловчи далиллар маълум бўлиб қолса;
 - 2.5.2. аввал баҳснинг айнан шу предметини кўриб чиқишда судья адвокат сифатида иштирок этган ёки муҳим гувоҳ сифатида жалб қилинган бўлса; ёки

2.5.3. судья ёки унинг оила аъзолари кўрилатган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлса.

Ушбу ишни кўриб чиқиш учун бошқа суд тайинланишининг иложи бўлмаган ҳолда, ёки ишнинг шошилинич хусусиятга эга экани, уни ҳал қилишни кечиктириш суднинг жиддий хатосига олиб келиши мумкинлиги шароитида судья ишни кўриб чиқишда иштирок этишидан четлаштирилиши мумкин эмас.

3-кўрсаткич: Ҳалоллик ва виждонлилик

Тамойил

Ҳалоллик ва виждонлилик судьянинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг зарур шартларидир.

Қўлланиши

- 3.1. Судья ҳатто четдан кузатувчининг назарида ҳам бенуқсон ахлоқни намойиш этади.
- 3.2. Судьянинг ҳаракат тарзи ва ахлоқи жамиятнинг суд органлари ҳалоллиги ва виждонлигига ишончини қўллаб-қувватлаши лозим. Шунчаки одил судловни амалга ошириш етарли эмас, буни жамият учун ошқора қилиш лозим.

4-кўрсаткич: Ахлоқ меъёрларига риоя этиш

Тамойил

Ахлоқ меъёрларига риоя этиш, бунга амал қилишни намойиш этиш судьялар фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Қўлланилиши

- 4.1. Судья ўз лавозими билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда нотўғри ахлоқ кўринишларига йўл қўймасдан, ахлоқ меъёрларига риоя этади.
- 4.2. Жамоатчилик томонидан доимий эътибор судьялар зиммасига қатор чекловларни юклайди; ва, оддий фуқарога бундай чекловлар қийинчилик туғдирадигандек туюлишига қарамай, судья уларни ихтиёрий равишда ва чин кўнгилдан қабул қилади. Хусусан, судьянинг ахлоқи лавозимининг юксак мартабасига мос бўлиши лозим.
- 4.3. Судья ишни кўриб чиқаётган судда доимий фаолият юритадиган адвокатлар билан ўзаро шахсий муносабатларда ўзида сохта фикрлар ёки тахминий муносабат мавжудлиги ҳақида шубҳа ёки тасаввур туғдириши мумкин бўлган вазиятлардан эҳтиёт бўлади.
- 4.4. Судья ўзининг оила аъзоларидан бири ишнинг қайсидир томони вакили сифатида иштирок этса ёки ишга бошқача тарзда алоқадор бўлса, ишни кўришда иштирок этмайди.

- 4.5. Судья ўз турар жойини мижозларни қабул қилиш ёки ҳамкасблар билан учрашиш учун бошқа адвокатларга тақдим этмайди.
- 4.6. Судьяга, ҳар қандай бошқа фуқарога бўлгани каби, дин эркинлиги, йиғин ва бирлашмаларда иштирок этиш эркинлиги кафолатланди, аммо бу ҳуқуқларни амалга оширишда у доимо судьялик юксак рутбасини сақлаш ҳақида қайғуради ҳамда суд органларининг холислиги ва мустақиллигига мос келмайдиган ҳаракатларга йўл қўймайди.
- 4.7. Судья ўзининг махфий хусусиятдаги шахсий ва моддий манфаатларини билиши ҳамда ўз оиласи аъзоларининг моддий манфаатлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш учун оқилона чоралар кўриши лозим.
- 4.8. Судья ўз оиласи аъзоларининг ижтимоий ва бошқа ўзаро муносабатларга, унинг судьялик вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатларига нисбатан ҳамда суд қарорларини қабул қилишига нотўғри таъсир кўрсатишига йўл қўймаслиги лозим.
- 4.9. Судья ўз лавозими мавқеидан судьяларнинг, улар оила аъзолари ва ҳар қандай бошқа шахсларнинг шахсий манфаатларига эришиш учун фойдаланиши ёки фойдаланишга рухсат беришга ҳақли эмас. Судья ўз ваколатларини амалга оширишда кимдир нотўғри таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин ҳаракатларни қилмаслиги ёки бошқа шахсларга шундай ҳаракат қилишга йўл қўймаслиги лозим.
- 4.10. Лавозими муносабати билан судьяга маълум бўлган махфий маълумот ўз мажбуриятларини бажаришга доир ҳар қандай бошқа мақсадларда ишлатилиши ёки бошқаларга ошкор этилиши мумкин эмас.
- 4.11. Ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариши шароитида судья қуйидагиларни қилишга ҳақли:
 - (а) адабий, педагогик фаолият билан шуғулланиш, маърузалар ўқиш, ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиш;
 - (б) ишларни ошкора кўришда расмий орган олдида ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларга доир саволлар бўйича сўзга чиқиш;
 - (с) расмий орган, ҳукумат қўмитаси, комиссия, маслаҳат органида аъзо бўлиш, агар бундай аъзолик судьяга холис бўлиб қолиш ва сиёсий нейтрал позицияни сақлаб қолиш имконини берса; ёхуд
 - (д) судья лавозимининг олий рутбасига мос бўлган ҳамда судьялик мажбуриятларини бажаришга ҳар қандай даражада тўсқинлик қилмайдиган бошқа фаолият билан шуғулланиш.
- 4.12. Судьялик лавозимини эгаллаб турган даврда судья юридик амалиёт билан шуғулланишга ҳақли эмас.
- 4.13. Судья судьялар уюшмаларини тузиш ёки уларга аъзо бўлиш, судьялар манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга аъзо бўлишга ҳақли.

- 4.14. Судья ва унинг оила аъзолари судья ўз лавозим мажбуриятларини бажариши муносабати билан содир этган, содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ҳар қандай совға, ссудалар, васиятлар ёки бошқача шаклдаги ёрдамни талаб этиш ёки қабул қилишга ҳақли эмас.
- 4.15. Судья суд ходимлари ҳамда судьянинг таъсири, тобелиги, раҳбарлиги остида бўлган бошқа шахсларга ҳар қандай совға, ссудалар, васиятлар ёки бошқача шаклдаги ёрдамни талаб этиш ёки қабул қилишга (агар судьяга бу, ўз лавозим мажбуриятларини бажариши муносабати билан келиб чиққан, амалга оширган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида рўй бериши аввалдан маълум бўлса) рухсат беришга ҳақли эмас.
- 4.16. Қонунда тақиқлар, ёки ошқора фош этиш билан боғлиқ бошқа қонуний чекловлар бўлмаса (агар улар қандайдир тарзда унинг лавозим мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатиш ниятида ёки бошқа ғаразли ниятларда амалга оширилмаган бўлса), судья тегишли ҳолларда эсдалик совғалари, мукофот ва имтиёзлар олишга ҳақли.

5-кўрсаткич: Тенглик

Тамойил

Суд мажлисининг барча томонлари учун тенг муомала бўлишини таъминлаш судья ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришида биринчи даражали аҳамиятга эга.

Қўлланиши

- 5.1. Судья жамиятнинг хилма-хиллиги ҳамда турли манбалар, шу жумладан, бошқалар қаторида ирқ, тери ранги, жинс, дин, миллий келиб чиқиш, каста, меҳнатга лаёқатсизлик, ёш, оилавий аҳвол, жинсий мойиллик, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва шунга ўхшаш бошқа сабаблардан («ишга алоқадор бўлмаган асослар») келиб чиқувчи фарқларни англаши ва тасаввур қилиши лозим.
- 5.2. Ўз мажбуриятларини бажаришда судья ишга алоқадор бўлмаган сабабларга кўра, ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан сўзи ёки муомаласида тарафкашлик ёки сохта фикр муносабатини намойиш этмаслиги лозим.
- 5.3. Судья суддаги вазифаларини барча шахслар, шу жумладан, суд иши томонлари, гувоҳлар, адвокатлар, суд ходимлари ва суд таркибидаги ҳамкасбларининг манфаатларини лозим даражада инobatга олиб, шу вазифаларни лозим даражада бажариш учун аҳамияти бўлмаган, ишга алоқадор бўлмаган сабаблардан келиб чиқиб фарқламаган ҳолда бажаради.
- 5.4. Судья онгли равишда, суд ходимлари ёки судьянинг таъсири, тобелигида ёки раҳбарлиги остида бўлган бошқа шахслар судда кўрилатган иш бўйича белгиланган шахсларга нисбатан ишга алоқадор

бўлмаган ҳар қандай сабабларга кўра, табақаланган ёндашишларига онгли равишда йўл қўймаслиги лозим.

- 5.5. Судья судда иш кўришда иштирок этаётган барча адвокатларда сўз ёки муомала орқали ишга алоқадор бўлмаган сабабларга нисбатан ноҳолис ёки сохта фикр муносабатини намойиш қилишдан ўзларини тийишларини талаб қилади, лекин судда кўрилаётган иш предмети учун ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳамда қонуний жиҳатдан оқланиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

6-кўрсаткич: Малакалилик ва тиришқоқлик

Тамойил

Малакалилик ва тиришқоқлик судья ўз мажбуриятларини бажаришининг зарур шартларидир.

Қўлланиши

- 6.1. Судьянинг судьялик вазифалари бошқа ҳар қандай фаолият турларидан устундир.
- 6.2. Судья ўз касбий фаолиятини судьялик вазифаларини бажаришга бағишлайди, бунга нафақат судда ишни кўриб чиқишда судлов ва лавозим мажбуриятларини бажариш ва қарорлар чиқариш, шунингдек, суддаги лавозим ёки фаолиятига алоқадор бўлган бошқа вазифаларни бажариш ҳам қиради.
- 6.3. Судья ўз билимларини сақлаш ва кенгайтириш, амалий тажрибаси ва ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган шахсий фазилатларини такомиллаштириш учун оқилона чоралар кўради, бу борада ўқув воситалари ҳамда судлов назорати шароитида судьялар учун яратилган бошқа имкониятлардан фойдаланади.
- 6.4. Судья халқаро қонунчиликдаги тегишли ўзгаришлардан, шу жумладан, инсон ҳуқуқларига нисбатан амал қиладиган меъёрларни белгиловчи халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозим.
- 6.5. Судья ўзининг барча мажбуриятларини, шу жумладан, кечиктирилган қарорлар чиқаришда оқилона, адолатли ва муайян тезлик билан бажаради.
- 6.6. Судья барча суд мажлисларида тартибни сақлайди ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилади, ўзини суд мажлисининг томонлари, маслаҳатчилар, гувоҳлар, адвокатлар ва бошқа шахсларга нисбатан сабрли, муносиб ва ҳушмуомала муносабатда тутати. Судья томонларнинг қонуний вакиллари, суд ходимлари ҳамда ўз таъсири, тобелиги ёки назорати остида бўлган бошқа шахслардан ҳам шундай муомалани талаб қилиши лозим.
- 6.7. Судья суд вазифаларини тиришқоқлик билан бажаришга мос келмайдиган фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

Амалиётга татбиқ этиш

Суд лавозимининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, миллий суд органлари кўрсатилган тамойилларни, агар бундай механизмлар уларнинг юрисдикцияси доирасида ҳали мавжуд бўлмаса, амалиётга татбиқ этиш механизмларини яратиш учун самарали чораларни кўриши лозим.

Умумжаҳон судьялар хартияси

(Халқаро судьялар уюшмаси томонидан 1999 йил 17 ноябрда қабул қилинган)

Муқаддима

Бутун жаҳондаги судьялар ушбу Хартияни тузишда иштирок этдилар. Ушбу Хартия— улар меҳнатининг самараси; у Халқаро судьялар уюшмасига аъзо уюшмалар томонидан умумий минимал меъёрлар сифатида қабул қилинган.

Хартия матни Халқаро судьялар уюшмаси Марказий кенгашининг 1999 йил 17 ноябрь куни Тайпей (Тайвань)да ўтказилган мажлисида иштирок этган вакиллар томонидан бир овоздан қабул қилинди.

1-модда. Мустақиллик

Судьялар ўзининг бутун фаолияти билан ҳар бир инсоннинг адолатли судлов ҳуқуқини таъминлашлари лозим. Улар ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ёки унга қўйилган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ишнинг холис ва мустақил суд томонидан қонунда белгиланган оқилона муддатда адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқини қўллаб-қувватлашлари лозим.

Судьянинг мустақиллиги қонунга мувофиқ одил судловни холис амалга ошириш учун зарурдир. Мустақиллик бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро ҳокимият муассасалари ва органлари бу мустақилликни ҳурматлаши, муҳофаза ва ҳимоя қилиши лозим.

2-модда. Мавқе

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги бошқа давлат ҳокимияти тармоқларидан ҳақиқатан ва амалда мустақил бўлган суд идорасини тузиш ва ҳимоя қилиш орқали қонуний жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Судья ўзи эгаллаб турган судьялик лавозимида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тазйиққа учрамасдан, суд тизимини тартибга солишни амалга оширувчи бошқа судьялар ва шахслардан мустақил равишда суд ҳокимиятидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

3-модда. Қонунга итоат қилиш

Судья суд мажбуриятларини фақат қонунга мувофиқ амалга ошириши ва фақат қонунга таяниши лозим.

4-модда. Шахсий мустақиллик

Ҳеч ким судьяга унинг суд бўйича қарорларига таъсир кўрсатадиган ҳар қандай кўринишдаги кўрсатмалар ёки топшириқлар бермаслиги ёки беришга уринмаслиги лозим, лекин тегишли вазиятларда юқори турувчи судлар томонидан апелляция тартибида муайян иш бўйича билдирилиши мумкин бўлган фикрлар бундан мустасно.

5-модда. Холислик ва вазминлик

Суд мажбуриятларини бажараётиб, судья холис бўлиши, шу билан бирга, четдаги кузатувчи учун холис бўлиб кўриниши лозим.

Судья ўз мажбуриятларини босиқлик ҳамда суд ва жараённинг барча иштирокчилари қадр-қимматига эътибор билан бажариши лозим.

6-модда. Самарадорлик.

Судья ўз мажбуриятларини ҳар қандай сабабсиз кечиктиришларсиз ҳалол ва самарали бажариши лозим.

7-модда. Лавозимдан ташқари фаолият

Судья ўз лавозими ва мавқеига зид бўлган жамоатчилик ёки шахсий, ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган қандайдир бошқа вазифаларни бажармаслиги лозим.

Судья ўз розилигисиз ташқаридан бошқа лавозимларга тайинланиши мумкин эмас.

8-модда. Дахлсизлик

Судья фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва фақат тегишли интизомий тартибда қабул қилинган қарорга кўра, бошқа лавозимга кўчирилиши, лавозимидан озод этилиши ёки туширилиши мумкин.

Судья умрбод ёки муайян муддатга суд ҳокимиятининг мустақиллигига хавф туғдирмайдиган шартларда тайинланиши лозим.

Судьянинг пенсия ёшига доир ҳар қандай ўзгартиришлар акс таъсирга эга бўлмаслиги лозим.

9-модда. Тайинлаш

Судьяни лавозимга танлаш ва ҳар бир тайинлаш тегишли касбий малакага асосланган холис ва шаффоф мезонларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Агар бу, вақт билан синалган анъаналардан келиб чиқадиган бошқа усуллар билан таъминланмаган бўлса, унда танлов судьялар кўпчиликини ташкил этадиган мустақил орган томонидан амалга оширилиши лозим.

10-модда. Фуқаролик ва жиноий жавобгарлик

Судьяларга нисбатан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлов, шу жумладан, ҳибсга олиш чоралари бунга йўл қўйилган мамлакатларда фақат судьянинг мустақиллигига таъсир мавжуд бўлмаслиги кафолатланган шароитларда рухсат этилиши мумкин.

11-модда. Маъмурий ва интизомий чоралар

Суд тизимини идора қилиш ва судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш шундай ташкил этилган бўлиши керакки, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги шубҳа остига қўйилмаслиги ҳамда фақат холис ва муҳим омиллар эътиборга олиниши лозим.

Агар бу вақт билан синалган анаъаналардан келиб чиқадиган бошқа усуллар билан таъминланмаган бўлса, суд тизимини идора қилиш ва судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш таркибида судьялар кўпчиликни ташкил этадиган мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак.

Судьяга нисбатан интизомий иш шундай имконият амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ва белгиланган процессуал меъёрларга мувофиқ бўлган ҳолдагина қўзғатилиши мумкин.

12-модда Уюшмалар

Давлат маслаҳатлар олиш, айниқса, судьялар кодекси, ахлоқ ва бошқа қоидалар, шунингдек, одил судловни амалга ошириш воситаларини қўллаш масалалари ва ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиш бўйича мурожаат қилиш мақсадида касбий уюшмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқини тан олиши лозим.

13-модда. Тақдирлаш ва истеъфога чиқиш

Ҳақиқий иқтисодий мустақиллик таъминланиши учун судья етарли ҳақ олиши лозим. Ҳақ миқдори судьялар ишининг натижаларига боғлиқ бўлмаслиги ёки унинг давозимда бўлиши даврида камаймаслиги керак.

Судья ўз тоифасига мувофиқ йиллик нафақа ёки пенсия олиш имконияти билан истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга.

Судья истеъфога чиққандан сўнг, аввал судья бўлгани сабабли бошқа юридик фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этилмайди.

14-модда. Таъминот

Ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ўз вазифасини бажариши учун суд ҳокимиятини зарур шароитлар билан таъминлашлари лозим. Суд ҳокимиятининг вакиллари ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этишлари ёки ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

15-модда. Давлат айблови

Давлат айбловининг аъзолари судьялар бўлган мамлакатларда юқорида кўрсатилган тамойиллар шу судьяларга нисбатан зарур ўзгартишлар билан қўлланади.

Халқаро суд органларининг мустақиллигига доир тамойиллар («Бург-Хаус тамойиллари»)

Халқаро ҳуқуқ уюшмасининг судлар ва трибуналлар амалиёти ва тартиботлари бўйича халқаро тадқиқот гуруҳи Халқаро судлар ва трибуналлар бўйича лойиҳа билан биргаликда:

Суд тизимининг мустақиллиги ва холислигига ҳисса қўшиш учун, халқаро суд жараёнининг қонунийлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида умумий қўлланишдаги дастуриламал қоидаларга заруратни эътироф этиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг суд тизими мустақиллигига доир асосий Тамойилларини (1985), ҳамда суд мустақиллиги ва адолатли судлов ҳуқуқига доир бошқа халқаро қоида ва нормаларни ҳисобга олиб;

Давлатдан ташқари ҳолатларда ўз фаолиятини амалга оширишда халқаро суд органлари олдида турган алоҳида қийинчиликларни ёдда тутиб;

Жумладан, ҳар бир суд ва трибуналнинг ўз хусусиятлари ва функциялари мавжудлиги ҳамда маълум инстанцияларда судьялар тўла иш билан таъминланмаганлик асосида ёки *ad hoc* ва *ad litem* судьялари сифатида фаолият юритишини эътиборга олиб;

Халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги тамойилларини:

- суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш учун судьялар кўриб чиқилаётган ишлар томонларидан, улар фуқароси бўлган ёки истиқомат қилаётган давлатлардан, хизмат қилаётган мезбон мамлакатлардан, шу суд ёки трибунални тузишга шафъелик қилган халқаро ташкилотдан мустақил бўлишлари лозимлиги;
- судьялар ҳар қандай манбанинг ноўрин таъсиридан эркин бўлишлари кераклиги;
- судьялар ишларни шу иш далиллари ва қўлланиладиган ҳуқуқ асосида холис ҳал этишлари лозимлиги;
- судьялар ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви, шунингдек, қандайдир манфаатлар тўқнашувига сабаб сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймасликлари зарурлиги;
- судьялар ўзларининг суддаги ва суд билан боғлиқ фаолиятида нотўғри ахлоқдан ўзларини тийишлари даркорлигини умумий таъсир кучига эга тамойиллар сифатида ҳисоблаб;

Биринчи навбатда амалдаги халқаро судлар ва трибуналлар (бундан буён матнда «судлар») ҳамда штатдаги судьяларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган қуйидаги Тамойилларни тақдим этади. Тамойиллар, шунингдек, *ad hoc* судьялар, *ad litem* судьялар ва қисман банд бўлган судьяларга нисбатан, халқаро ҳакамлик судларига ва халқаро суд ҳокимиятини амалга оширишнинг бошқа турларига нисбатан қўлланиши лозим.

1. Мустақиллик ва аралашувдан эркинлик

- 1.1. Ўз вазифаларини бажаришда суд ва судьялар бевосита ёки билвосита аралашувдан ёки қандайдир жисмоний ёки юридик шахснинг таъсиридан холи бўлишлари лозим.
- 1.2. Суд халқаро ташкилотнинг органи сифатида тузилган ёки унинг раҳнамолиги остида бўлса, унда суд ва судьялар ўзларининг суд вазифаларини шу ташкилотнинг бошқа органлари ёки инстанцияларининг аралашувидан холи бўлишлари лозим. Бундай эркинлик кўриб чиқиладиган ишлар бўйича суд жараёнларига, шу жумладан, муайян судьяларга иш бириктириш масаласига ҳам, суд ёки унинг котибияти фаолиятига ҳам татбиқ этилиши керак.
- 1.3. Суд ўзининг ички идоровий шарт-шароитларини белгилашда, шу жумладан, ходимларни ёллаш, ахборот тизимлари ва бюджет бўйича ҳаражатларни тақсимлаш сиёсатида эркинликка эга бўлиши даркор.
- 1.4. Ишнинг суд томонидан кўрилиши махфий бўлиши лозим.

2. Номзод кўрсатиш, танлаш ва тайинлаш

- 2.1. Тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ судьялар юксак ахлоқий фазилатларга эга, ҳалол ва виждонли бўлган, шу суд органи учун зарур касбий маҳорат, малака ва тажрибага эга шахслар орасидан танланиши зарур.
- 2.2. Номзод кўрсатиш, танлаш ва тайинлаш тартибларида турли географик ҳудудлар ва асосий ҳуқуқий тизимлар, шунингдек, аёл ва эркак жинсли судьяларнинг адолатли тавсия этилишини назарда тутилиши, судьяларнинг номзодини кўрсатиш, танлаш ва тайинлашда зарур шахсий ва касбий фазилатлар инobatга олиниши лозим.
- 2.3. Судьяларнинг номзодини кўрсатиш, танлаш ва тайинлашдаги тартиблар шаффоф бўлиши ҳамда ноўрин сабаблар билан изоҳланадиган номзод кўрсатиш, танлаш ва тайинлашдан лозим даражада ҳимояланиши керак.
- 2.4. Судьяларнинг номзодини кўрсатиш, танлаш ва тайинлаш жараёнига алоқадор ахборот ҳамда судья лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумот номзод кўрсатиш, танлаш ва тайинлаш жараёни учун масъул халқаро ташкилот ёки бошқа орган томонидан тегишли вақтда ва амалий тарзда эълон қилиниши лозим.
- 2.5. Тегишли суднинг тартибга солувчи ҳужжатларида судьяларнинг қайта сайланишига йўл қўйилса, юқорида баён этилган номзод кўрсатиш, танлаш ва тайинлашнинг тамойил ва мезонлари улар қайта сайланаётганда тегишли ўзгартишлар билан қўлланилиши даркор.

3. Лавозимда бўлиш муддатининг кафолати

- 3.1. Судьяларнинг лавозимда бўлиш муддати кафолатланиши лозим. Улар лавозимидан фақат маълум асосларга кўра ҳамда аввалдан белгиланган маълум тартибларга мувофиқ озод этилиши мумкин.

- 3.2. Ҳар бир суднинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар судьяларнинг камида ўз суд вазифаларини мустақил амалга ошириш учун имкон берадиган муддатга тайинланишини назарда тутиши лозим.

4. Хизмат ва ҳақ

- 4.1. Судьялар хизматининг асосий шартлари мажбурий юридик кучга эга ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлиши лозим.
- 4.2. Хизмат давомида судьялар ҳақ миқдори ёки хизматнинг асосий шартларига алоқадор ҳеч қандай ноқулай ўзгартишларга йўл қўйилмаслиги керак.
- 4.3. Судьялар суд жойлашган ҳудудда тирикчилик даражаси ортгани сари миқдори тобора ўзгариб борадиган тегишли ҳақ олишлари даркор.
- 4.4. Хизмат шартлари тегишли пенсия таъминотини ўз ичига олиши лозим.

5. Имтиёзлар ва дахлсизлик

- 5.1. Судьялар тўлиқ дипломатик дахлсизликка тенг дахлсизликдан, жумладан, суд вазифаларини бажаришдан келиб чиқувчи ҳар қандай баёнотларига нисбатан дахлсизликдан фойдаланишлари шарт.
- 5.2. Фақат суд судьяларни дахлсизликдан маҳрум этиши мумкин; суд, унинг фикрича, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳамда суд вазифаларини бажаришга зарар етказмайдиган барча ҳолларда дахлсизликдан олиб ташланиши мумкин.
- 5.3. Суд, судьялар ва котибиятнинг ҳужжатлари ва ёзув-чизувлари суд фаолиятига тааллуқлилигига қараб, дахлсиз бўлиши лозим.
- 5.4. Халқаро суд фаолият юритаётган давлат судьялар ва улар оилаларининг хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда уларни суд вазифаларини бажаришга алоқадор ноқулай ҳолатлардан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши даркор.

6. Бюджет

Иштирокчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар судлар ва судьялар ўз вазифаларини самарали бажариш имкониятини таъминлаш учун етарли ресурслар, шу жумладан, молиявий маблағлар ва кадрлар тақдим этиши лозим.

7. Фикр билдириш ва бирлашиш эркинлиги

- 7.1. Лавозимда фаолият юритиш жараёнида судьялар фикр билдириш ва бирлашиш эркинлигидан фойдаланади. Шу эркинликларни амалга ошириш суд вазифаларига мос бўлиши ҳамда суд мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатмаслиги ва бунга гумон қилишга сабаб бўлмаслиги керак.
- 7.2. Судьялар маслаҳат хонасининг сирига риоя қилишлари ҳамда кўриб чиқиш босқичида бўлган ишларга нисбатан суддан ташқари шарҳлар бермаслиги даркор.

- 7.3. Судьялар ҳам ўзларига, ҳам бошқа судларга тегишли ҳал қилув қарорлари ва тартиботларга, шунингдек, улар судининг муҳокамасига киритилиши мумкин бўлган ҳар қандай қонунчилик, лойиҳалар, таклифлар ва масалаларга нисбатан суддан ташқарида шарҳ беришда вазминликка риоя этишлари шарт.

8. Суддан ташқари фаолият

- 8.1. Судьялар ўзларининг вазифаларига ёки улар аъзо бўлган суднинг самарали ва ўз вақтида фаолият юритишига мос келмайдиган, ёхуд уларнинг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки таъсир кўрсатилаётганини гумон қилишга асос яратадиган суддан ташқари фаолиятда иштирок этмасликлари лозим.
- 8.2. Судьялар ҳеч қандай сиёсий вазифаларни бажармасликлари керак.
- 8.3. Ҳар бир суд судьяларнинг суддан ташқари фаолиятига доир йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳамда жараён иштирокчилари учун шу каби ҳавотирларни ифодалаш имконини берувчи муайян воситаларни таъминловчи тегишли механизмни ишлаб чиқиши зарур.

9. Ўтмишдаги иш билан алоқанинг мавжудлиги

- 9.1. Судьялар ўзлари аввал агентлар, маслаҳатчилар, консультантлар, адвокатлар, экспертлар ёки бошқалар сифатида томонлардан бирининг манфаатларини кўзлаб, ёки ушбу баҳснинг предметини кўриб чиққан миллий ёки халқаро ёки баҳсларни ҳал этиш бўйича бошқа органнинг аъзоси сифатида қатнашган ишда иштирок этмасликлари керак.
- 9.2. Судьялар предмети уларнинг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши ёки таъсир кўрсатилаётганини гумон қилишга асос яратиши мумкинлиги билан қандайдир тарзда боғлиқ бўлган ишда иштирок этмасликлари лозим.

10. Ўтмишда томонлардан бири билан алоқанинг мавжудлиги

Судья аввалги уч йил ёки суд регламентида назарда тутилган бошқа давр мобайнида томонларнинг бирининг манфаатларини кўзлаб агент, консультант, маслаҳатчи, адвокат ёки эксперт сифатида иштирок этган; ёхуд аввалги уч йил ёки суд регламентида назарда тутилган бошқа давр давомида салмоқли касбий ёки шахсий алоқалар мавжуд бўлганда, у шу томон иштирокидаги қайсидир ишда иштирок этмаслиги керак.

11. Иш натижасидан манфаатдорлик

- 11.1. Судьялар пировардида қандайдир салмоқли шахсий, касбий ёки молиявий манфаатдорлиги бўлган ишда иштирок этмаслиги лозим.
- 11.2. Судьялар пировардида ўзига яқиндан алоқадор бўлган бошқа жисмоний ёки юридик шахслар салмоқли шахсий, касбий ёки молиявий манфаатдорлиги бўлган ишда иштирок этмасликлари даркор.

- 11.3. Судьялар жараёнда иштирок этаётган томонлардан биридан ёки судьянинг жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ ҳеч қандай яширин ҳақ олмаслиги керак.

12. Томонлардан бири билан алоқа ўрнатиш

- 12.1. Судьялар ўз юритувида бўлган иш билан боғлиқ томонлар, агентлар, консультантлар, маслаҳатчилар, адвокатлар, ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар билан алоқаларда зарур эҳтиёткорликни намойиш этишлари лозим. Бундай алоқалар шу тарзда амалга оширилиши керакки, бу судларнинг суд вазифаларига мос келиши ҳамда уларнинг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатмаслиги ёки таъсир кўрсатилаётганини гумон қилишга асос яратмаслиги лозим.
- 12.2. Судьялар томонларнинг суд регламентида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, бир тарафлама мурожаатларига тўсқинлик қилишлари, суд ва бошқа томон бундай мурожаатлар ҳақида хабардор қилиниши зарур.

13. Судьяларнинг лавозимдан озод бўлганидан кейинги фаолиятига чекловлар

- 13.1. Лавозимини эгаллаб турган даврда судьялар улар кўриб чиққан ишларда иштирок этган томонларнинг биридан, ёки шу томон билан боғлиқ қандайдир юридик шахсдан келажақда ишга жойлашиш, тайинланиш ёки фойда кўришни кўзламасликлари ҳамда уларнинг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатилаётганини гумон қилишга асос яратадиган тарзда шундай ишга жойлашиш, тайинланиш ва фойда кўриш имкониятига рози бўлмасликлари лозим.
- 13.2. Собиқ судьялар суд регламентида назарда тутилган шароитларни истисно қилган ҳолда, суддаги хизмати давомида ўзлари кўриб чиққан муайян иш бўйича қайсидир сифатда қатнашмасликлари даркор.
- 13.3. Собиқ судьялар лавозимдан озод бўлгандан бошлаб, уч йил давомида ёки суд томонидан белгиланиши ва эълон қилиниши мумкин бўлган бошқа давр мобайнида ўзлари аввал хизмат қилган судларнинг ҳеч бирида агентлар, консультантлар, маслаҳатчилар ёки адвокатлар сифатида фаолият кўрсатмаслиги керак.
- 13.4. Собиқ судьялар, айниқса, ўзлари кўриб чиққан ишда иштирок этган томонларнинг биридан, ёки шу томонга боғлиқ бўлган қайсидир юридик шахс томонидан ишга жойлашиш, тайинланиш ва фойда кўришда зарур эҳтиёткорликни намойиш қилишлари зарур.

14. Ахборотни ошкор этиш

- 14.1. Судьялар 7–13-Тамойилларнинг ҳар қайсиси қўлланадиган ҳар қандай ҳолатлар ҳақида судга, ва, зарур бўлганда, жараён томонларига хабар қилишлари лозим.

- 14.2. Ҳар бир суд судьяларга алоҳида ҳар қандай ишга нисбатан уларнинг мустақиллиги ва ҳолислигига таъсир кўрсатиши ёки таъсир кўрсатилаётганини гумон қилишга асос яратиши мумкин бўлган маълумотларни судга, ва, зарур бўлганда, жараён томонларига хабар қилиш имконини берувчи тегишли тартиботларни белгилаши лозим.

15. Рад этиш

7–13-Тамойиллардаги қоидаларга қарамай, судьялар кўрсатилган Тамойилларнинг ҳар қайсисини ишга солиб, ишнинг тегишли фактларини фош этган шароитда, агар суд ҳеч қандай эътироз билдирмаса, томонлар эса судьянинг ишни кўриб чиқишдаги иштирокига онгли равишда ўз розилигини билдирса, судья ишни кўриш чиқишдан четлаштирилмаслиги керак.

16. Четлатиш ва дисквалификация

Ҳар бир судда ушбу Тамойилларни қўллаш муносабати билан ёки судьянинг ўз вазифасини бажаришга лаёқатсизлиги натижасида уни муайян ишни кўриб чиқишдан четлатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш имконини берадиган тартиботнинг қоидалари белгиланганиши керак. Судья, суд ёки жараёнда иштирок этаётган томонлардан ҳар бири мазкур қоидалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

17. Ноўрин хатти-ҳаракатлар

- 17.1. Ҳар бир судда судья томонидан мустақиллик ва ҳолисликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ноўрин хатти-ҳаракатлар содир этилгани ёки у ўз мажбуриятларини бузгани устидан муайян шикоятларни кўриб чиқиш учун тартибот қоидалари белгиланиши керак.
- 17.2. Агар шикоят очиқ-ойдин асосли бўлса, у соддалаштирилган тартибда ҳал қилиниши мумкин. Агарда суд янада тўлиқ текширув зарурлигини белгиласа, қоидаларда судьяларнинг иш кўришнинг махфийлигини таъминлашга доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тегишли эҳтиёт чоралари белгиланган бўлиши лозим.
- 17.3. Суд фаолиятини регламентловчи ҳужжатлар судьяларни лавозимдан туширишни ўз ичига олган тегишли чораларни назарда тутиши даркор.
- 17.4. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари шикоят берган шахсга етказилиши зарур.

3. Европа Кенгаши

А. Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллигига доир ихтисослаштирилган андозалар

Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси

(Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1994 йил 13 октябрда, вазирлар ўринбосарларининг 518-мажлисида қабул қилинган)

Вазирлар Қўмитаси, Европа Кенгаши Уставининг 15-моддаси (b) бандига мувофиқ фаолият юритаркан,

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг (қуйида «Конвенция» деб номланади) 6-моддасида «ҳар бир инсон ишнинг қонунга мувофиқ тузилган мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошқора, оқилона муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» экани назарда тутилишини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил ноябрь ойида маъқулланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллигининг асосий тамойилларини эътиборга олиб,

судьялар ва суд вазифаларини бажарувчи бошқа шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳимоясини таъминлашдаги ғоятда муҳим ролини таъкидлаб,

демократик давлатларда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида судьяларнинг мустақиллигига қўмаклашишга интилиб,

самарали ва адолатли ҳуқуқий тизимни яратиш мақсадида судьялар мавқеи ва ваколатларини мустаҳкамлаш заруриятини ҳисобга олиб,

судьяларнинг барча одамлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мажбуриятлари ва ваколатлари йиғиндиси бўлган судьялик вазифаларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини англаб,

аъзо давлатларнинг ҳукуматларига муайян судлар ва умуман, суд корпусининг ролини ошириш учун зарур барча чораларни кўриш ва кучайтириш, шу жумладан, қуйидаги тамойилларни амалга ошириш орқали уларнинг мустақиллиги ва самарадорлигини мустаҳкамлашни тавсия этади:

Ушбу тавсияни қўллаш соҳаси

1. Ушбу тавсия суд вазифаларини амалга оширувчи, шу жумладан, суд, жиноий, фуқаролик, тижорат ва маъмурий ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи барча шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу тавсияда баён этилган тамойиллар профессионал бўлмаган судьялар ва суд вазибаларини бажарувчи бошқа шахсларга татбиқ этилади, лекин матн мазмунига кўра, фақат профессионал судьяларга тааллуқли, масалан, судьяларнинг ҳақ олиши ва хизмат пиллапояларидан ўсишига доир тамойиллар бундан мустасно.

I тамойил. Судьялар мустақиллигининг умумий тамойиллари

1. Судьялар мустақиллиги ҳурматланиши, ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши лозим.
2. Жумладан, қуйидаги чоралар кўрилиши лозим:
 - a) Судьяларнинг мустақиллиги Конвенция қоидалари ва конституциявий тамойилларга мувофиқ, масалан, конституция ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига аниқ қоидалар киритиш ёки ушбу тавсия қоидаларини ички ҳуқуққа жорий этиш орқали кафолатланиши лозим. Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий анъанасини ҳисобга олган ҳолда бундай қоидалар, масалан, қуйидагиларни назарда тутиши мумкин:
 - i. судьяларнинг қарорлари қонунда назарда тутилган шикоят қилиш тартиботларидан ташқари ҳолатда қайта кўриб чиқилмайди;
 - ii. судьяларнинг хизмат қилиш муддати ва уларнинг ҳақ олиши қонун билан кафолатланади;
 - iii. қонунда белигланганидек, судларнинг ўзларидан ташқари ҳеч бир орган уларнинг ваколатларини белгилай олмайди;
 - iv. амнистия, афв этиш ёки шунга ўхшаш масалалар бўйича қарорлардан ташқари, ҳукумат ёки маъмурият суд ҳал қилув қарорларини ретроактив тартибда бекор қиладиган қарорларни қабул қила олмайди.
 - b) Ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда судьялар мустақиллигини хавф остига қўювчи қарорлар қабул қилмаслиги лозим.
 - c) Судьяларнинг касбий кўтарилишига алоқадор барча қарорлар объектив мезонлар ва танлов тамойилига асосланиши, судьяларнинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиши эса шахсий хизматларига боғлиқ равишда, уларнинг малакаси, ахлоқий фазилатлари ва ишчанлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Судьяларни танлаб олиш ва кўтариш тўғрисидаги қарорларни қабул қилувчи орган ҳукумат ва маъмуриятдан мустақил бўлиши зарур. Унинг мустақиллигини таъминлаш қоидаларида, масалан, судьяларнинг суд корпуси томонидан танлаб олиниши ҳамда шу органнинг мазкур тартибот қоидаларига доир қарорлар қабул қилишда мустақиллиги назарда тутилган бўлиши керак.

Аммо, конституция, қонунчилик ҳужжатлари қоидалари ёки анъаналар судьяларнинг ҳукумат томонидан тайинланишига рухсат

этса, судьяларнинг тайинлаш тартиботининг шаффофлиги ва амалдаги мустақиллигига доир, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларнинг юқорида кўрсатилмаган объектив мезонларга боғлиқ бўлмаган турли омиллар таъсиридан ҳимояланганлиги кафолатлари бўлиши лозим. Бундай кафолатлар сифатида, масалан, қуйидаги чоралардан бири ёки бир нечтаси кўрилиши мумкин:

- i. ҳукуматга амалий фаолият билан шуғулланиш учун тавсиялар киритадиган махсус мустақил ваколатли органни тузиш; ёки
 - ii. қарорларни мустақил органда яқка тартибда шикоят қилиш ҳуқуқини бериш; ёки
 - iii. қабул қилинаётган қарорларни асоссиз ва бегона таъсирдан ҳимоя қилишни таъминлайдиган органни тузиш.
- d) Қарор қабул қилиш жараёнида судьялар мустақил бўлиши ҳамда ҳеч қандай чеклов, ташқи таъсир, босим, дўқ-пўписа ёхуд, қайси томондан ёки қандай сабабга кўра бўлмасин, бевосита ёки билвосита аралашувдан ҳоли ҳаракат қилиши лозим. Қонун судьяларга шу усуллардан бири орқали таъсир кўрсатишга уринаётган шахсларга нисбатан жазо чораларини назарда тутиши керак. Судьялар ўз виждони, фактларнинг ўз талқини ва амалдаги ҳуқуқ меъёрларига амал этган ҳолда ҳолис қарор қабул қилишда чексиз эркинликка эга бўлишлари даркор. Судьялар ўз ишларининг моҳиятига доир маълумотларни суд тизимидан ташқари ҳеч кимга тақдим этмасликлари лозим.
- e) Ишлар тақсимотига унда иштирок этувчи ва унинг натижасидан манфаатдор бўлган ҳеч бир томон ёки шахсларнинг мақсадлари таъсир кўрсатмаслиги керак. Бундай тақсимот, масалан, қуръа ташлаш ёки алифбо тартибида автоматик тақсимлаш тизими ёрдамида ёки шунга ўхшаш бошқа усулда ўтказилиши мумкин.
- f) Иш у ёки бу судьядан жиддий хасталик ёки манфаатлар тўқнашуви сингари асосли сабабларсиз чақириб олинмаслиги лозим. Ишни чақириб олишнинг бу каби асослари ва тартиботи қонунда назарда тутилган бўлиши ҳамда ҳукумат ёки маъмурият манфаатларига боғлиқ бўлмаслиги даркор. Ишни судьядан чақириб олиш тўғрисидаги қарор судья каби мустақилликка эга орган томонидан қабул қилиниши керак.
3. Тайинланадиган ёки сайланадиган судьяларнинг мажбурий пенсия ёшига ёки улар ваколатининг амал қилиш муддати тугагунга қадар хизмат қилиши кафолатланади.

II тамойил. Судьяларнинг ваколатлари

1. Ишга алоқадор бўлган барча шахслар, шу жумладан, давлат органлари ва уларнинг вакиллари судьяларнинг ваколатига бўйсунди.
2. Судьялар ўз мажбуриятларини бажариши, ўз ваколатларини амалга ошириш ва суд нуфузини ҳимоялаши учун етарли ҳуқуқ билан таъминланган ҳамда уни қўллаш имкониятига эга бўлиши лозим.

III тамойил. Мақбул иш шароитлари

1. Судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун мақбул иш шароитлари яратилган бўлиши лозим, жумладан, қуйидагилар орқали:
 - a) судьяларни етарли миқдорда ишга қабул қилиш ҳамда тайинлашга қадар ва уларнинг хизмат муддати давомида тегишли тайёргарлик, масалан, судларда, ва имкон қадар бошқа муассаса ва органларда амалий тайёргарликни ташкил этиш. Бундай тайёргарлик бепул бўлиши, ва, жумладан, кейинги қонунчилик ва шунга ўхшаш ҳуқуқларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим. Мақсадга мувофиқ топилганда, тайёргарлик Европага танишув сафарлари ҳамда чет эл муассасалари ва судларига ташрифни ўз ичига олиши даркор.
 - b) судьяларга шундай мавқе ва ҳақни таъминлаш лозимки, уларнинг касбий нуфузи ва масъулияти даражасига мос келиши лозим;
 - c) қобилиятли судьяларни ёллаш ва бириктириш учун хизмат пилла-поляридан кўтарилишнинг аниқ тизимини яратиш;
 - d) ўз мажбуриятларини самарали ва тезкор бажаришлари учун судьяларни тегишли ёрдамчи ходимлар ва, шу жумладан, судья иш юритuvi ва маълумотларга ишлов беришни автоматлаштириш мақсадида усқуналар билан таъминлаш;
 - e) судларга ортиқча иш юкламаситушишининг олдини олиш ва қисқартириш бўйича чораларга доир R (86) 12 сонли тавсияга мувофиқ, судьяларга хос бўлмаган вазифаларни бошқа шахсларга топшириш учун тегишли чоралар кўриш.
2. Судьяларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш, масалан, судлар хоналарида кўриқлаш хизматини, ёки жиддий таҳдидлар объекти бўлиши мумкин бўлган судьяларга полиция ҳимоясини тақдим этиш лозим.

IV тамойил. Уюшмалар

Судьялар ўзи ёки бошқа орган билан биргаликда судьяларнинг мустақиллиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган уюшмалар тузишга доир тўла эркинликка эга бўлишлари керак.

V тамойил. Судьяларнинг мажбуриятлари

1. Ишни судда кўриш давомида судьялар барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишлари лозим.
2. Судьяларнинг бурчи шундан иборатки, ўз судьялик мажбуриятларини бажаришда улар қонуннинг тегишли равишда қўлланиши, ишларнинг адолатли, самарали ва тез кўриб чиқилишини таъминлашлари даркор, бунинг учун эса тегишли ваколатларга эга бўлишлари зарур.
3. Судьялар, жумладан, қуйидаги мажбуриятларга эга бўлишлари лозим:
 - a) барча ҳолларда мустақил ва ҳеч бир ташқи таъсирсиз ҳаракат қилиш;

- b) ишларни ҳолис, фактларни ўзи баҳолаб ва қонунларни ўзи талқин қилиб юритиш, далилларнинг адолатли эшитилиши ҳамда томонларнинг Конвенция қоидаларига мувофиқ процессуал ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлаш;
- c) фақат қатъий асослар мавжуд бўлгандагина ишдан ёки тегишли ҳаракатлардан бош тортиш. Бундай асослар, масалан, жиддий хасталик, манфаатлар тўқнашуви ёки одил судлов манфаатлари билан боғлиқ ҳолатлар, қонунда белгиланган бўлиши лозим;
- d) зарур бўлганда, томонларга тартиботга доир масалаларни ҳолис тушунтириш;
- e) мақсадга мувофиқ бўлганда, томонларни яраштириш ва ярашув келишувини тузишни қўллаб-қувватлаш;
- f) қонун ёки шаклланган амалиёт бошқа тартибни назарда тутган ҳоллардан ташқари, ўз қарорларига тушунарли тилда аниқ ва тўлиқ тушунча бериш;
- g) ўз вазифаларини самарали ва лозим даражада бажариш учун зарур ҳар қандай тайёргарликдан ўтиш.

VI тамойил. Ўз мажбуриятларини бажармаслик ва интизомни бузиш

1. Судьялар ўз мажбуриятларини самарали ва лозим даражада бажармаган ҳолларда ёки интизомни бузишга йўл қўйилганда, суд органларининг мустақиллигига зарар етказмайдиган барча зарур чоралар кўрилиши лозим. Ҳар бир давлатнинг конституциявий тамойиллари, юридик қоидалари ва анъаналаридан келиб чиқиб, бундай чоралар, масалан, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
 - a) судьядан ишни чақириб олиш;
 - b) судьяни суддаги бошқа ишга кўчириш;
 - c) моддий санкциялар, иш ҳақини вақтинча камайтириш;
 - d) лавозимдан вақтинча четлатиш.
2. Тайинланадиган судьялар мажбурий пенсия ёшига тўлмагунга қадар ўз лавозимларидан қатъий асосларсиз озод этилмайди. Бундай асослар — улар қонун билан аниқ белгиланиши лозим — судьялар маълум даврга сайланадиган мамлакатларда қўлланиши ёки судьянинг ўз вазифаларини бажаришга лаёқатсизлиги, жиноий ҳуқуқбузарликлар содир этгани ёки интизомий меъёрларни жиддий бузгани билан изоҳланиши мумкин.
3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган чораларни қабул қилиш зарурати юзага келганда, агар бу билан суд шўғулланмаса, давлатлардан қонун асосида интизомий санкциялар ва чоралар кўриш учун махсус ваколатли органни тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш талаб этилади. Айти пайтда ушбу органнинг қарорлари юқори турувчи суд инстанцияси томонидан назорат қилиниши лозим. Шунингдек, юқори турувчи суд инстанциясининг ўзи шу орган

томонидан тайинланиши мумкин. Қонун бундай судьяларга нисбатан камида Конвенция билан белгиланган тегишли ҳуқуқий тартиботга риоя этилиши, масалан, иш оқилона муддат доирасида қўриб чиқилиши ҳамда судьялар уларга қўйилган ҳар қандай айбловларга жавоб бериш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминловчи тегишли тартибни назарда тутиши даркор.

Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга Адвокатлик фаолиятини ошириш эркинлиги тўғрисидаги R (2000) 21 сонли тавсияси

*(Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 2000 йил 25 октябрда,
вазирлар ўринбосарларининг 727-мажлисида қабул қилинган)*

Вазирлар Қўмитаси, Европа Кенгаши Низомининг 15 (b) моддаси бандига мувофиқ ҳаракат қиларкан,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қоидаларини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1990 йил декабрь ойида тасдиқланган БМТнинг юристлар ролига доир асосий тамойилларини эътиборга олиб,

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1994 йил 13 октябрда қабул қилинган Судьялар мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли Тавсиясининг эътиборга олиб,

Адвокатлар ва адвокатларнинг касбий уюшмалари инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимоясини таъминлашда тутадиган фундаментал ролини алоҳида таъкидлаб,

Қонунийликни таъминлашда, жумладан, шахсий эркинликларни ҳимоя қилиш орқали иштирок этадиган адвокатлар ўз касбини эркин амалга оширишига кўмаклашишга интилиб,

Адвокатлар ўз касбий мажбуриятларини амалга оширишда уларнинг мустақиллигини, ҳар қандай ташқи таъсир, даъват, босим, дўқ-пўписа ёхуд ҳар қандай томондан амалга оширилаётган ва қайсидир мақсадларни кўзлаётган бевосита ёки билвосита аралашувдан мустақил равишда рўёбга чиқаришини кафолатлайдиган адолатли судлов тизими заруриятини англаган ҳолда,

Адвокатлар ўз мажбуриятларини лозим даражада амалга ошириши, жумладан, адвокатлар етарли тайёргарликка эга бўлиши ҳамда судлар ва мижозлар олдида мажбуриятлари ўртасида лозим даражада мутаносибликка эришишни таъминлашнинг мақсадга мувофиқлигини билиб;

Одил судлов ҳуқуқи иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда бўлган шахсларнинг адвокат ёрдамидан фойдаланиш заруриятини назарда тутиши мумкинлигини эътиборга олиб;

Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг ҳукуматларига ушбу Тавсияда баён этилган тамойилларни амалга ошириш мақсадида ўзлари лозим билган чораларни кўриш ёки, вазиятга қараб, уларни кучайтиришни тавсия этади.

Ушбу Тавсияда «адвокат» миллий қонунчиликка мувофиқ ўз мижозлари учун ва улар номидан воситачи сифатида ҳаракат қилиш, юридик амалиёт билан шуғулланиш, судда сўзга чиқиш ҳамда ўз мижозларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш ва вакиллик қилиш ваколатига эга малакали шахсни англатади.

I тамойил. Адвокат касбини амалга ошириш эркинлигининг умумий тамойиллари.

1. Адвокат касбини ҳокимият органлари ва жамоатчилик томонидан камситишларсиз ва ғайриқонуний аралашувсиз амалга ошириш эркинлигини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун, айниқса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг тегишли қоидаларига асосан барча зарур чоралар кўрилиши лозим.
2. Юридик амалиёт билан шуғулланиш ёки шу касбий гуруҳнинг аъзоси бўлишга рухсат беришга доир қарорлар мустақил орган томонидан қабул қилиниши керак. Бундай қарорлар устидан назорат, улар мустақил орган томонидан қабул қилинишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил ва холис суд органи томонидан амалга оширилиши даркор.
3. Адвокатлар фикр, сўз, ҳаракатланиш, тўпланиш ва бирлашиш эркинлигига, шунингдек, ҳуқуқ ва одил судлов масалалари бўйича ошқора муҳокамаларда иштирок этиш ҳамда қонунчилик ислохотлари бўйича таклифларни илгари сүриш ҳуқуқига эга.
4. Адвокатлар ўз касбий андозаларига мувофиқ ҳаракат қилганда, ҳар қандай санкция ёки босим оқибатларидан жабр кўрмаслиги ёки бунга дучор этилмаслиги зарур.
5. Адвокатлар белгиланган касбий андозаларга мувофиқ, ўз мижозлари билан махфийлик асосида маслаҳатлашув ўтказишлари ва вакиллик қилишлари учун ўз мижозлари, шу жумладан, айниқса, озодликдан маҳрум этилган шахслар билан кўришиш имкониятига эга бўлишлари лозим.
6. Адвокат ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларнинг махфийлигига ҳурматни таъминлаш учун барча зарур чоралар кўрилиши керак. Бу тамойилдан мустасно ҳолатларга ҳуқуқ устуворлиги тамойилига зид бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин.
7. Адвокатларнинг ўзлари сўзга чиқишга ваколати бўлган судда иштирок этиши тақиқланмаслиги лозим, улар ўз касбий андозаларига биноан, мижозларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда барча зарур ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари даркор.
8. Айнан бир иш устида ишлаётган барча адвокатлар суд томонидан тенг ҳурматда бўлишлари лозим.

II тамойил. Адвокатнинг юридик таълими, касбга тайёрланиши ва фаолиятини бошлаши

1. Ҳеч кимга, айниқса, жинс, irq, тери ранги, дин, сиёсий ва бошқа қарашлар, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, миллий озчиликка мансуб бўлиши, мулкый аҳволи, туғилиши ёки жисмонан меҳнатга лаёқатсизлиги белгиларидан келиб чиқиб, юридик таълим олиш, касб эгаллаш ва юридик амалиётни давом эттириш тақиқланиши мумкин эмас.

2. Ушбу касбни эгаллашнинг зарур шартлари сифатида юксак юридик тайёргарлик ва ахлоқий фазилатларни, шунингдек, адвокатлар малакасини оширишни таъминлашнинг барча зарур чоралари кўрилиши лозим.
3. Юридик таълим, шу жумладан, малака ошириш дастурлари, ҳуқуқий кўникмаларни яхшилаш, этика ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича хабардорликни ошириш, юристларни ўз мижозларига ҳурмат, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, шунингдек, одил судловнинг лозим даражада амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга интилиши лозим.

III тамойил. Адвокатларнинг роли ва мажбуриятлари

1. Адвокатлар уюшмалари ва юристларнинг бошқа касбий уюшмалари касбий андозалар ва ахлоқ кодексларининг лойиҳалари билан чиқишлари ҳамда ўз мижозларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётганда адвокатлар мустақил, қўнт билан ва ҳолис ҳаракат қиладиган шароитни таъминлашлари керак.
2. Адвокатлар миллий қонунлар, қоидалар ва касбий андозаларга мувофиқ, касбий сирни сақлашлари лозим. Бундай сирни мижознинг рухсатисиз ҳар қандай кўринишда ошкор этиш тегишли санкциялар билан жазоланиши мумкин.
3. Адвокатларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олиши даркор:
 - а) мижозларга уларнинг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари масаласи, ишнинг эҳтимолий натижаси ва оқибатлари, шу жумладан, молиявий харажатлар ҳусусида маслаҳат бериш;
 - б) ишни, аввало, ярашув йўли билан ҳал қилишга уриниш;
 - с) ўз мижозларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши, риоя қилиниши ва таъминланиши мақсадида судда иш кўришни қўзғатиш;
 - д) манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
 - е) бажаришга қўрби етмаган миқдордан кўп иш олмаслик мажбурияти.
4. Адвокатлар суд ҳокимиятини ҳурмат қилишлари ва ўзларининг суд олдидаги мажбуриятларини шундай тарзда бажаришлари лозимки, бу миллий юридик ва бошқа қоидалар ҳамда касбий андозаларга мос келиши зарур. Адвокатларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажаришдан ҳар қандай бош тортиши мижозлар ёки улар ёрдамига муҳтож бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказишини истисно қилиши лозим.

IV тамойил. Ҳар кимнинг ўз адвокати билан маслаҳатлашиш ҳуқуқи

1. Барча фуқароларнинг мустақил адвокатлар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини самарали таъминлаш учун барча зарур чоралар кўрилиши зарур.

2. Адвокатларни молиявий ночор аҳволда бўлган фуқароларга ҳуқуқий хизматлар кўрсатишга даъват этиш лозим.
3. Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг ҳукуматлари, имкон қадар, одил судловдан фойдаланишнинг самарали имкониятларини, молиявий ночор аҳволда бўлган фуқаролар, айниқса, озодликдан маҳрум этилган шахслар самарали юридик хизматлардан фойдаланишга имкон берадиган тартибни таъминлашлари даркор.
4. Адвокатларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятлари уларнинг иш ҳақи давлат ҳисобидан тўлиқ ёки қисман тўланган ҳолларда ўзгармаслиги керак.

V тамойил. Уюшмалар

1. Адвокатлар маҳаллий, умумдавлат ва халқаро даражадаги ўзлари ёки бошқа органлар билан биргаликда адвокатларнинг касбий меъёрларини мустаҳкамлаш ҳамда мустақиллиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган касбий уюшмаларни тузиш ва уларга аъзо бўлиш имкониятига эга бўлишлари ва бу, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим.
2. Адвокатлар уюшмалари ёки бошқа профессионал юридик уюшмалар ўзини-ўзи бошқарадиган, ҳокимият органлари ва жамоатчиликдан мустақил бўлиши зарур.
3. Адвокатлар уюшмалари ёки бошқа профессионал юридик уюшмаларнинг ўз аъзоларини ҳар қандай нотўғри чекловлар ёки сиқувларга жавобан ҳимоя қилиш ва уларнинг мустақиллигини муҳофаза қилишдаги ролини ҳурмат қилиш керак.
4. Адвокатлар уюшмалари ёки бошқа профессионал юридик уюшмалар адвокатларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлашлари, бундан ташқари:
 - a) одил судлов манфаатларини дадил илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш;
 - b) адвокатларнинг жамиятдаги ролини ҳимоя қилишлари, жумладан, уларнинг кадр-қиммати ва юксак ахлоқий фазилатларини қўллаб-қувватлаши;
 - c) адвокатларни кам таъминланган фуқароларнинг одил судловдан фойдаланишини таъминлаш, жумладан, улар томондан ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳат олишини таъминлашга қаратилган лойиҳаларда иштирок этишга йўналтириши;
 - d) ҳуқуқий ислохотлар ҳамда амалдаги қонунчилик ва қонун лойиҳалари муҳокамасини илгари суриш ва қўллаб-қувватлаши;
 - e) адвокат касби вакилларининг фаровонлигини илгари суриши ҳамда, вазиятдан келиб чиқиб, уларга ёки оилаларига ёрдам бериши;
 - f) адвокатлар ролини ошириш мақсадида, жумладан, халқаро адвокатлик ташкилотлари ва халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат

ташкilotларининг ишини эътиборга олган ҳолда, бошқа мамлакатлар адвокатлари билан ҳамкорлик қилиши;

- г) имкон қадар адвокатлар малакасига доир юксак меъёрларни илгари суриши ҳамда адвокатлар томонидан ахлоқ ва интизом стандартларига ҳурматда бўлишини қўллаб-қувватлаши лозим.
5. Адвокатлар уюшмалари ва бошқа профессионал юридик уюшмалар қўйидаги ҳолларда, жумладан, адвокат манфаатларини тегишли орган олдида ҳимоя қилишга қаратилган барча зарур ҳаракатларни амалга оширишлари лозим:
- а) адвокат ҳибсга ёки қамоққа олинганда;
 - б) адвокатнинг ахлоқий фазилатларини шубҳа остига қўювчи иш қўзғатилиши тўғрисидаги ҳар қандай қарор қабул қилинганда;
 - в) адвокатларга нисбатан шахсий тинтув ёки уларнинг мулкига нисбатан тинтув бўлганда;
 - д) адвокатларга тегишли ҳужжатлар ёки материаллар олиб қўйилганда;
 - е) ОАВда адвокатлар номидан жавоб беришни талаб қиладиган репортажлар узатилганда.

VI тамойил. Интизомий ишни кўриш

1. Адвокатлар адвокатлар уюшмалари ёки бошқа юристлар уюшмалари томонидан тузилган ёки қонунчилик билан белгиланган ахлоқ кодексларида мустаҳкамлаб қўйилган касбий меъёрларига мувофиқ ҳаракат қилмаганда, тегишли чоралар кўрилиши, шу жумладан, интизомий иш қўзғатилиши мумкин.
2. Адвокатлар уюшмалари ва бошқа профессионал юристлар уюшмалари адвокатларга нисбатан интизомий иш кўрилишига жавоб беришлари ёки, зарур бўлганда, уларга иш кўришда иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилиши лозим.
3. Интизомий иш кўриш Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган барча тамойил ва ҳуқуқларга, шу жумладан, адвокатнинг иш кўришда иштирок этиши ва қарорни суд тартибида қайта кўриб чиқишга илтимос билан мурожаат қилиши ҳуқуқига риоя этилган ҳолда ўтказилиши даркор.
4. Адвокатлар томонидан содир этилган интизомий қоидабузарликлар учун жазо тайинлашда мутаносиблик тамойилига риоя қилиниши керак.

Вазирлар Қўмитасининг аъзо-давлатларга Жиноий ишлар бўйича одил судлов тизимида прокурорларнинг роли тўғрисида R (2000) 19 сонли тавсияси

(Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 2000 йил 6 октябрда вазирлар ўринбосарларининг 724-мажлисида қабул қилинган)

Вазирлар Қўмитаси, Европа Кенгаши Уставининг 15-моддаси (b) бандига мувофиқ ҳаракат қиларкан,

Европа Кенгашининг мақсади унинг аъзолари ўртасида янада бирдамликка эришишдан иборат эканини эътиборга олиб;

Европа Кенгашининг мақсади чинакам демократиянинг асоси бўлган қонунийликни мустаҳкамлашдан ҳам иборат эканини эътиборга олиб;

жиноий ишлар бўйича суд тизими қонунийликни қўллаб-қувватлашда муҳим омил, деб ҳисоблаб;

барча аъзо давлатлар учун ҳам давлатлар ичида, ҳам халқаро даражада жиноятчиликка қарши курашиш чораларини амалга оширишнинг умумий заририятини англаб;

бу мақсадга эришиш учун Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамланган тамойилларни ҳимоя қилиш мақсадида нафақат миллий жиноий ишлар бўйича суд тизимлари, балки жиноий масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик самарадорлиги кучайтирилиши лозим, деб ҳисоблаб;

миллий жиноий ишлар бўйича суд тизимларида ҳам, жиноий-ҳуқуқий масалалар бўйича халқаро ҳамкорликда ҳам прокуратурага асосий ўрин ажратилганини англаб;

шу мақсадда аъзо давлатларда прокуратура фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаш ишлари қўллаб-қувватланиши лозимлигига қатъий ишониб;

Вазирлар Қўмитаси томонидан қабул қилинган жиноий ишлар бўйича одил судловга алоқадор актларда мустаҳкамлаб қўйилган барча тамойил ва қоидаларни эътиборга олиб,

Аъзо давлатларнинг Ҳукуматлари жиноий ишлар бўйича суд тизимида прокуратура ролига доир ўз қонунчилиги ва амалиётини қуйидаги тамойилларга асослашни тавсия этади:

Прокурорнинг вазифалари:

1. Прокурорлар — жамият номидан ва давлат манфаатларини кўзлаб, инсон ҳуқуқларини ҳамда жиноий ишлар бўйича суд тизимининг самарали фаолият юритиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқбузарлик жиноий жазога сабаб бўлган ҳолларда ҳуқуқни қўллашда иштирок этувчи давлат ҳокимияти вакиллариدير.
2. Жиноий ишлар бўйича суднинг барча тизимларида прокурорлар:

- жиноий таъқибни қўзғатиш ёки давом эттириш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
 - суддаги айбловни қўллаб-қувватлайди;
 - суднинг барча ёки айрим қарорлари юзасидан шикоят қилиши ёки шикоятлар бўйича хулоса бериши мумкин.
3. Жиноий ишлар бўйича суднинг алоҳида тизимларида прокурорлар, шунингдек:
- жиноий сиёсатни амалга оширади, бунинг иложи бўлган жойларда, ҳудудий ва маҳаллий шароитларга мослаштиради;
 - суриштирув олиб боради ёки боришини йўналтиради ёки унинг устидан назоратни амалга оширади; жабрланувчиларга самарали кўмак кўрсатилишини таъминлайди; жиноий таъқибнинг муқобилини қўллаш имкониятини белгилайди;
 - суд қарорлари ижроси устидан назоратни амалга оширади;
 - ва ҳоказо.

Прокурорларнинг ўз мажбуриятларини бажариш давомида хавфсизлиги кафолатлари

4. Давлатлар прокурорлар тегишли юридик ва ташкилий шароитлар мавжуд бўлган ҳолда ўз касбий мажбуриятлари ва вазифаларини бажаришида самарали кафолатларни таъминлашлари, шунингдек, бунинг учун уларга тегишли воситалар, жумладан, бюджет маблағларини тақдим этишлари лозим. Бундай шароитлар прокуратура вакиллари билан яқин ҳамкорликда яратилиши керак.
5. Давлатлар қуйидаги талабларнинг риоя этилишини таъминлаш учун чора кўришлари зарур:
- a) прокурорларни ёллаш, лавозимини кўтариш ва бошқа лавозимга ўтказиш айрим гуруҳларнинг манфаатларига афзаллик бериш имкониятини ҳамда жинс, ирқ, тери ранги, тил, дин, сиёсий ва бошқа қарашлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш, миллий озчиликка мансублик, мулкый аҳвол, туғилиш ва бошқа сабаблар каби ҳар қандай асосларга кўра камситишни истисно этувчи адолатли ва холис тартиботларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.
 - b) прокурорларнинг касбий фаолияти, уларнинг лавозимини кўтариш ёки бошқа лавозимга ўтказиш малака ва тажриба каби аввалдан маълум бўлган ва объектив мезонлар асосида амалга оширилади;
 - c) прокурорларни лавозимдан лавозимга ўтказиш ҳам хизмат заҳрияти билан изоҳланади;
 - d) прокурорларнинг меҳнат шароитлари, шу жумладан, иш ҳақи, лавозимда бўлиш муддати ва пенсия, шунингдек, пенсияга чиқиш ёши уларнинг юксак мартабасига мос келади ва қонун билан белгиланади;

- е) прокурорларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби қонун билан белгиланади ҳамда адолатли ва ҳолис баҳолашни кафолатлаши лозим, тегишли қарор эса мустақил ва ҳолис қайта кўриб чиқилиши мумкин;
 - ф) прокурорларнинг ҳуқуқий мавқеига дахл қилинганда, улар тегишли шикоят қилиш тартиботидан фойдаланиш ҳуқуқи, шу жумладан, судда шикоят қилиш имкониятига эга бўлиши лозим;
 - г) улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарганликлари учун прокурорлар ва оилалари хавфсизлиги хавф остида бўлса, давлат органлари уларнинг ҳимоясини таъминлайди.
6. Давлатлар, шунингдек, прокурорларнинг фикр билдириш, эътиқод, уюшмаларга аъзо бўлиш ва тўпланиш эркинлигига доир ҳуқуқларини таъминлаш учун чоралар кўриши даркор. Хусусан, улар қонунлар, одил судлов, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш, маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотларни шакллантириш, уларга аъзо бўлиш, мажлисларида шахсан қатнашишга ҳақли, уларнинг карьераси қонуний ҳаракатларни амалга оширгани ҳамда қонуний тартибда ташкил этилган ташкилотларда иштирок этгани натижасида жабр кўрмаслиги лозим. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар фақатгина қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳамда прокурорнинг конституциявий²⁵⁵ мавқеини сақлаб қолиш мақсадида чекланиши мумкин. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар бузилганда, прокурорлар самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятга эга бўлишлари керак.
7. Касбий тайёргарлик прокурорларнинг лавозимга тайинлангунгача ва бошқа вақтдаги доимий ҳуқуқ ва мажбурияти ҳисобланади. Давлат прокурорлар лавозимга тайинлангунига қадар ва ундан сўнг тегишли таълим ва тайёргарликка эга эканликларига ишонч ҳосил қилиш учун самарали чораларни кўриши лозим. Прокурорлар, жумладан, қуйидагиларни билишлари даркор:
- а) уларнинг лавозимига хос бўлган тамойиллар ва ахлоқий мажбуриятлар;
 - б) гумон қилинганлар, жабрланувчилар ва гувоҳларни конституциявий ва юридик ҳимоя қилишнинг кафолатлари;
 - в) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган, айниқса, Конвенциянинг 5 ва 6-моддаларида белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари;
 - д) ишни ташкил этиш, бошқариш, кадрлар таъминоти, суд ҳокимиятида иштирок этиш билан боғлиқ тамойиллар ва амалиёт;
 - е) улар хатти-ҳаракатларининг изчиллигини таъминловчи механизм ва материаллар.

²⁵⁵ «Конституциявий» тушунчаси бу ерда давлатлар конституцияларига нисбатан эмас, қонун билан белгиланган прокурорлар фаолияти ва ваколатларига нисбатан ишлатилмоқда.

Бундан ташқари, давлатлар ихтисослашган масалалар ёки соҳалар бўйича, замонавий шароитлар асосида, жумладан, жиноятчилик шакллари ва ривожланиши ҳамда жиноий масалалар бўйича ҳамкорликни эътиборга олган ҳолда, прокурорларни кўшимча тайёргарлигини таъминлаш учун самарали чораларни кўриши лозим.

8. Вужудга келаётган янги жиноятчилик шаклларига, жумладан, уюшган жиноятчиликка яхшироқ муносабат билдириш мақсадидаги ихтисослашув прокуратурани ташкил этишнинг устувор йўналиши сифатида қабул қилиниши керак; бу касбий тайёргарлик ва касбий фаолиятни амалга оширишга ҳам тааллуқлидир. Прокурорлар ўз вазифаларини амалга ошириш давомида мутахассислар, шу жумладан, уларнинг кўп тармоқли гуруҳлари ёрдамидан кўпроқ фойдаланишлари лозим.
9. Прокуратуранинг ташкил этилиши ва ички фаолиятига, жумладан, ишлар тақсимоти ва қайта тақсимотига нисбатан холислик ва мустақиллик талаблари, шунингдек, жиноий ишлар бўйича суд тизимининг максимал даражада тўғри фаолият юритишига, жумладан, ҳар бир масалада юксак юридик малака ва ихтисослашувга интилишдан келиб чиқиб риоя этилиши зарур.
10. Барча прокурорлар уларга мўлжалланган кўрсатмалар ёзма шаклда берилишини талаб қилишга ҳақли. Агар у кўрсатмани ноқонуний ёки ўз қарашларига мос келмайди, деб ҳисобласа, прокурорни алмаштиришга имкон яратувчи тегишли ички тартибот мавжуд бўлиши лозим.

Прокуратуранинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият билан муносабатлари

11. Давлатлар прокурорлар ўз касбий мажбуриятларини асоссиз аралашувларсиз ёки уларга асосланмаган равишда фуқаролик, жиноий ёки бошқа жавобгарлик юкланмаган ҳолда амалга оширишини таъминлаш чораларини кўриши даркор. Бирок, прокурорлар асосий вазифаларини қай даражада ҳал қилганлари тўғрисидаги ўз фаолиятлари юзасидан мунтазам равишда ошқора, тўла ёки қисман ҳисобот бериб туришлари керак.
12. Прокурорлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият фаолиятига аралашмайди.
13. Прокуратура ҳукуматнинг бир қисми бўлганда ёки унга бўйсунганда, давлат қуйидагиларни кафолатлаши шарт:
 - а) ҳукуматнинг прокуратурага нисбатан ваколатлари хусусияти ва ҳажми қонун билан белгиланиши;
 - б) ҳукумат ўз ваколатларини очиқ, халқаро шартномалар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқнинг умумий тамойилларига мувофиқ амалга оширилиши;
 - в) ҳукумат умумий кўрсатмалар берганда, улар ёзма шаклда баён қилиниши ва тегишли тартибда эълон қилиниши;

- d) ҳукумат маълум бир ишни қўзғатишга кўрсатма беришга ваколатли бўлганда, бундай кўрсатмаларда миллий қонунчиликка мувофиқ, очиқлик ва адолатлиликлка доир тегишли кафолатлар мавжудлигини ўз ичига олиши, бунда ҳукумат, масалан, қўйидагиларга мажбур:
- ваколатли прокурордан ёки айблов функцияларини бажарувчи органдан аввалдан ёзма тушунтиришларни талаб қилиши;
 - ўзининг ёзма кўрсатмаларини, айниқса, улар прокуратура тавсияларига мос келмаганда, лозим даражада тушунтириши ҳамда уларни бўйсунуш тартибда етказиши;
 - судда иш кўриш бошланишидан аввал барча тушунтиришлар ва кўрсатмаларни улар билан бошқа шахслар ҳам танишиши ва ўз фикрини билдириш имкониятини яратган ҳолда ишга қўшишга эътибор қаратиши шартлиги;
- e) прокурорлар судга ўз танловига кўра, ҳар қандай юридик далиллар, ҳатто улар олинган кўрсатмаларни ёзма шаклда акс эттириши лозим бўлган ҳолларда, тақдим этиш эркинлигини кафолатлайди;
- f) жиноий таъқибни тақиқлашга доир яқка тартибдаги кўрсатмалар берилишига, умуман, рухсат этилмаслиги лозим. Бундай кўрсатмалар берилган ҳолларда, улар истисно тарзда бўлиши ҳамда нафақат (d) ва (e) бандларида кўрсатилган талабларга бўйсунуши, балки махсус, жумладан, кўрсатмалар шаффофлигига доир кафолатлар нуқтаи назаридаги назоратдан ўтиши лозим.
14. Прокуратура ҳукуматга боғлиқ бўлмаган мамлакатларда давлат прокуратуранинг мустақиллиги хусусияти ва кўламининг қонунда мустаҳкамлаб қўйилишини кафолатлаш учун самарали чораларни кўради.
15. Жиноий сиёсатнинг адолатлилиги ва самарадорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида прокурорлар қонунга мувофиқ бўлган даражада ҳукумат органлари ва муассасалари билан ҳамкорлик қилишлари лозим.
16. Прокурорлар ҳар қандай ҳолатда давлат мансабдор шахсларига нисбатан жиноий таъқибни, айниқса, коррупция, лавозим ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда бузиш ҳамда халқаро ҳуқуқ томонидан шундай жиноят сифатида тан олинган бошқа жиноятлар бўйича ишларни тўсқинликсиз қўзғатиш имкониятига эга бўлишлари зарур.

Прокурорлар ва судьялар ўртасидаги муносабатлар

17. Давлатлар қонунда прокурорларнинг ваколатлари ва процессуал аҳволи ҳеч бир ҳолатда судьяларнинг мустақиллиги ва холислигига доир асосланган шубҳалар юзага келмайдиган тарзда белгилаб қўйилишини таъминлаш учун тегишли чораларни кўради. Жумладан, давлатлар муайян инсон бир вақтнинг ўзида прокурор ва судья мажбуриятларини бажара олмаслигини кафолатлаши лозим.

18. Шунга қарамасдан, агар бу ҳуқуқий тизим томонидан рухсат этилса, давлат айнан бир шахс прокурор ҳамда судья, ва аксинча функцияларни кетма-кет бажариш имкониятини яратиш учун чоралар кўрмаслиги даркор. Лавозимни бу каби алмаштириш манфаатдор шахснинг очиқ-ойдин ифода этилган илтимоси асосида ва зарур кафолатларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.
19. Прокурорлар судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳурмат қилишлари лозим; жумладан, улар суд қарорларини шубҳа остига қўймасликлари ёки уларнинг ижросига тўсқинлик қилмасликлари керак, лекин ўзларининг шикоят қилиш ҳуқуқларидан фойдаланилган ёки бошқа расмий тартиботлар амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.
20. Прокурорлар судда иш кўриш давомида холис ва адолатли бўлишлари лозим. Жумладан, улар судга иш бўйича одил судловни амалга ошириш учун зарур факт ва юридик далилларни тақдим этишлари керак.

Прокуратура ва полиция ўртасидаги муносабатлар

21. Прокурорлар полиция суриштирувларининг қонунийлигини, ҳар қандай ҳолда, жиноий таъқибни қўзғатиш ёки давом эттириш масаласини ҳал этишларидан аввал пухта текширишлари лозим. Бу йўналишда прокурорлар полиция томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга оширишлари керак.
22. Полиция прокуратурага бўйсунадиган ёки полиция суриштирувлари прокуратура назорати остида амалга ошириладиган мамлакатларда давлат прокурорларнинг қуйидаги ваколатларини кафолатлаш учун тегишли чораларни кўради:
 - a) жиноятга қарши кураш сиёсатининг асосий вазифаларини самарали бажариш, айниқса, биринчи навбатда қайси тоифадаги ишлар кўриб чиқилиши лозимлиги, далиллар тўплаш усуллари, ходимлар иши, суриштирувнинг давомийлиги, прокурорларга тақдим этиладиган ахборот ва ҳоказо масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга нисбатан полицияга тегишли кўрсатмалар бериш;
 - b) полицияда турли бўлимлар мавжуд бўлганда, прокуратуранинг фикрича, ишни кўриб чиқишга кўпроқ ваколатли бўлган бўлимга йўллаш;
 - c) прокуратуранинг кўрсатмалари ижроси учун зарур бўлган даражада баҳолаш ва ички назоратни амалга ошириш;
 - d) содир этилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар учун жавобгарлик белгилаш, ёки, бу ўринли бўлса, жавобгарликни белгилашга кўмаклашиш.
23. Полиция прокуратурадан мустақил бўлган мамлакатларда давлатлар прокуратура ва полиция ўртасида лозим даражадаги ва самарали ҳамкорликни кафолатлашнинг самарали чораларни кўриши зарур.

Прокурорнинг фуқаролар олдидagi мажбуриятлари

24. Прокурорлар ўз мажбуриятларини бажариш давомида:
 - а) ўз вазифаларини адолатли, холис ва объектив равишда бажаришлари;
 - б) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда кўрсатилган инсон ҳуқуқларига риоя этишлари ва ҳимоя қилишлари;
 - в) жиноий ишлар бўйича суд тизими имкон қадар тезкор фаолият юритишини таъминлашга ҳаракат қилиши даркор.
25. Прокурорлар ҳар қандай асосларга кўра, жумладан, жинс, irq, тери ранги, тил, дин, сиёсий ва бошқа қарашлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, миллий озчиликка мансублик, мулкый аҳволи, келиб чиқиши, соғлиқ, жисмоний камчиликлар ёки бошқа асослардан келиб чиқиб камситишга йўл қўймасликлари лозим.
26. Прокурорлар шахсларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши ҳамда ишга тааллуқли, шу жумладан, гумон қилинувчига алоқадор бўлган, унинг фойдасига ёки унга қарши гувоҳлик қилишидан қатъи назар, барча ҳолатлар билан танишиши лозим.
27. Прокурорлар мустақил суриштирув айблов асоссиз эканини кўрсатганда, жиноий таъқибни қўзғатмасликлари ва давом эттирмасликлари керак.
28. Прокурорлар айбланувчига қарши, уларга маълум бўлганидек ёки шундай, деб гумон қилишга етарли асослар бўлганда, қонунни бузиш орқали олинган далилларни қўлламамасликлари лозим. Ҳар қандай шубҳалар юзага келганда, прокурорлар судга бундай далилларнинг мақбуллигини текшириш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилишлари зарур.
29. Прокурорлар томонларнинг беллашуви тамойилини таъминлашлари, уларда мавжуд бўлган ҳамда одил судловнинг адолатлилигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотни, жумладан, бошқа томонларга, қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, ошкор этмасликлари лозим.
30. Прокурорлар учинчи шахслардан олинган, жумладан, айбсизлик презумпциясига алоқадор бўлган махфий маълумотни ошкор эмасликлари керак, лекин уни ошкор қилиш одил судлов манфаатларига ва қонунчиликка мувофиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.
31. Прокурорлар гумон қилинувчининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор чоралар кўришга ваколати бўлганда, уларнинг ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга ошириш имкониятини таъминлашлари даркор.
32. Прокурорлар лозим даражада гувоҳларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриши, айниқса, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва шахсий ҳаётини ҳимоя қилишга доир чораларни кўриши ёки бундай чоралар кўрилиши устидан назорат қилиши зарур.

33. Прокурорлар, шунингдек, жиноятдан жабр кўрганларнинг шахсий манфаатларига дахл қилинганда, уларнинг фикри ва хавотирига эътибор қаратиши ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда жиноий таъқиб ва суд муҳокамасининг бориши ҳақида хабардорлигини таъминлаш чораларини кўриши лозим.
34. Тан олинган ёки белгиланган мавқега эга манфаатдор томонлар, айниқса, жабрланувчилар прокурорларнинг ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларини шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак; қарорлар — маълум ҳолларда, шикоят юқори турувчи мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилгандан сўнг — суд тартибида ёки томонларга шахсий айблов ҳуқуқини тақдим этиш орқали берилиши мумкин.
35. Давлатлар прокурорлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, «ахлоқ кодекси»га амал қилишини кафолатлаши лозим. Бундай кодексларни бузиш ушбу Тавсиянинг 5-бандига мувофиқ, тегишли санкциялар қўллашга олиб келиши мумкин. Прокурорларнинг фаолияти доимий ички идоравий назорат остида бўлиши зарур.
36.
 - a) Прокурорларнинг холис, келишилган ва самарали фаолиятини таъминлаш учун давлатлар қуйидагиларга ҳаракат қилишлари лозим:
 - ташкилий жиҳатдан юқори турувчи прокурорга бўйсунушга алоҳида урғу бериш, аммо, бундай ташкилий усуллар самарасиз ва тўсиқлар яратувчи бюрократик тузилмалар пайдо бўлишига олиб келишига йўл қўймаслик;
 - жиноий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш;
 - қарорлар ўз-ўзидан қабул қилинишини истисно этиш учун алоҳида ишлар бўйича қарорлар чиқаришга замин яратадиган асосий тамойил ва мезонларни белгилаш;
 - b) Юқорида кўрсатилган ташкилотчилик усуллари, тамойил ва мезонлар парламент ёки ҳукумат томонидан ёки, миллий қонунчилик прокурорнинг мустақиллигини мустаҳкамлаб қўйган бўлса, прокуратура вакиллари томонидан белгиланиши лозим.
 - c) Жамоатчилик прокурорлар фаолияти юқорида кўрсатилганидек ташкил этилгани, асосий йўналишлари, тамойил ва мезонлари тўғрисида хабардор бўлиши керак; бу ҳақдаги маълумот ҳар кимга унинг талабига кўра тақдим этилиши даркор.

Халқаро ҳамкорлик

37. Айрим давлатлар одил судлов соҳасидаги халқаро ҳамкорликка алоқадор функцияларни бажариши мумкинлигига қарамай, турли мамлакатлар прокурорлари ўртасидаги халқаро битимлар тизимида мустаҳкамлаб қўйилган ёки хизмат тартибида амалга ошириладиган бевосита алоқаларни ривожлантириш лозим.

38. Қатор соҳаларда одил судлов борасидаги халқаро ҳамкорлик давомида прокурорлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш учун чоралар кўрилиши зарур. Жумладан, бундай чоралар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:
- a) ҳужжатларни тарқатиш;
 - b) турли прокуратура органларида боғланиш мумкин бўлган шахсларнинг алоқа манзиллари, улар фаолиятининг, масъулиятининг соҳалари ва ҳоказоларни кўрсатган ҳолда рўйхатлар тузиш;
 - c) турли мамлакатлар прокурорлари ўртасида, айниқса, бош прокурорларнинг мунтазам учрашувларини ташкил этиш орқали доимий шахсий алоқаларни ўрнатиш;
 - d) ўқув семинарлари ва билимларни оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш;
 - e) хориж давлатида алоқалар бўйича фаолият юритадиган юристларни жорий этиш ва функцияларини кенгайтириш;
 - f) чет эл тилларига ўқитиш;
 - g) ахборот алмашишнинг электрон воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш;
 - h) ўзаро ёрдам масалалари ва жинойи ишлар бўйича судловнинг умумий муаммолари бўйича бошқа давлатлар билан биргаликда иш семинарларини ташкил этиш;
39. Ўзаро ёрдам бўйича ҳаракатларни оқилона ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида қуйидагиларга кўмаклашиш учун саъй-ҳаракатларни ишга солиш зарур:
- a) прокурорларнинг халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этиши заруриятини англаб етиши; ва
 - b) муайян прокурорларнинг халқаро ҳамкорлик масалаларига ихтисослашуви.

Шу мақсадда давлатлар сўров жўнатаётган давлатнинг халқаро ҳамкорлик учун жавоб берувчи прокурори сўровни қабул қилаётган давлатнинг талаб этилаётган ҳаракатни бажаришга ваколатли бўлган мансабдор шахсига ўзаро ҳамкорлик тўғрисида сўров жўната олиши ҳамда тегишли мансабдор шахс прокурорга олинган далилларни етказиш имкониятини таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Судьялар статuti учун Европа хартияси ва Тушунтириш/изоҳлаш меморандуми

(DAJ/DOC (98))

1998 йил 8–10 июлда Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган Европада судьялар статuti ҳақидаги кўп томонлама учрашув иштирокчилари;

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг «ҳар бир киши қонун асосида тузилган мустақил ва холисона суд томонидан оқилона муддатда ишнинг адолатли, ошкора тарзда кўриб чиқилишига оид ҳуқуқларга эга эканлигини» назарда тутувчи б-моддасини эътиборга олган ҳолда,

1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган суд органлари мустақиллигига доир Асосий тамойилларни эътиборга олган ҳолда;

Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самардорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсиясини ҳисобга олиб ва у томонидан қўйилган мақсадларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда;

Демократик давлатларда ҳуқуқнинг устувор ролини кучайтириш ва судьяларнинг муайян шахс эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган мустақиллигини рағбатлантиришга интилган ҳолда;

Барча Европа давлатларига мўлжалланган ҳужжат доирасида судьяларнинг ваколати, билими, мустақиллиги ва холислигини имкон қадар кафолатловчи меъёрларни аниқлаштириш заруратини ҳисобга олган ҳолда;

Европанинг турли давлатлари судьялик статутларида ушбу меъёрлар кафолатларга кўпроқ риоя этилишини яққол таъминлаши мақсадида ҳисобга олиниши тарафдори бўлиб,

ушбу Судьялар учун статут ҳақидаги Хартияни қабул қилдилар.

1. Умумий тамойиллар

- 1.1. Судьялар учун статутнинг мақсади, ваколатлилик, мустақиллик ва холисликни таъминлаш бўлиб, уларни ҳар бир шахс суд органлари ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишонч билдирилган ҳар бир судьядан кутишга ҳақли. У мазкур ваколатлилик, мустақиллик ва холисликка бўлган ишончга нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай меъёр ва тартибларни қўллашни ман этади. Ушбу Хартияга мазкур мақсадларни амалга оширишни энг мақбул тарзда кафолатловчи меъёрлар киритилган. Бу қоидалар Европанинг турли мамлакатларида кафолатлар даражасини оширишга қаратилган. Улар тегишли мамлакатларда эришиб бўлинган кафолатлар даражасини пасайтиришга қаратилган миллий қонунчиликни ўзгартириш учун асос бўла олмайди.
- 1.2. Европанинг ҳар бир давлатида судьялар учун статутнинг асосий тамойиллари энг юксак даражадаги ички меъёрларда, унинг қоидалари эса — ҳеч бўлмаганда, қонунчилик меъёрларида ифодаланади.

- 1.3. Судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизматни ўташ ёки судья ваколатларини тугатишга зарар етказувчи ҳар қандай қарорга нисбатан статут ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлган, худди шундай судьялар томонидан судьяларнинг энг кенг вакиллигини кафолатлаш тартибда сайланган, камида ярми судьялардан иборат орган аралашувини назарда тутати.
- 1.4. Статут ўзининг қонуний ҳуқуқлари ёки мустақиллиги ёхуд умуман одил судлов мустақиллигига хавф солинаётган ёки бирон бир тарзда камситилаётган, деб ҳисоблайдиган ҳар бир судьяга ушбу вазиятни тузатиш учун самарали воситаларга ёки уни тузатишга доир таклифларга эга мустақил органларга мурожаат этиш имконини тақдим этади.
- 1.5. Ўз ваколатларини ижро этишда судья одамларга нисбатан ҳурмат ва мурожаат этиш имкониятини намоён этиши, суд қарорлари, айниқса, шахс ҳуқуқлари кафолатларига доир қарорларини ҳар қандай ҳолатда чиқаришда талаб этиладиган юксак малакалилик даражасини сақлашга риоя этиши, шунингдек, унга процессуал ҳаракатлар жараёнида ишониб тақдим этилган маълумотлар махфийлигини таъминлаши зарур.
- 1.6. Судья ўз вазифаларини талаб даражасида бажариши, шу жумладан, ишларни оқилона муддатларда кўриб чиқиши учун давлат уни зарур бўладиган маблағлар/воситалар билан таъминлаши керак.
- 1.7. Судьялар томонидан тузилган ва барчаси эркин аъзо бўлиши мумкин бўлган касбий ташкилотлар уларга статут билан юклатилган ҳуқуқларини, шу жумладан, судьялар ҳуқуқларига доир қарорларни қабул қилишда иштирок этадиган ҳокимият органлари ва инстанциялар олдида ҳимоялашга кўмаклашади.
- 1.8. Судьялар ўз вакиллари ва касбий ташкилотлари орқали суд органлари бошқаруви, уларга тақдим этиладиган маблағлар миқдорини белгилаш ва уларни мамлакат доирасида ва маҳаллий даражада тақсимлашга доир қарорларни қабул қилишда иштирок этадилар. Шу каби уларнинг статuti эҳтимолий ўзгаришлари ҳамда рағбатлантириш ва ижтимоий таъминоти шартлари ҳақида судьялар билан маслаҳатлашувлар ўтказилади.

2. Ишга танлаш, қабул қилиш ва бошланғич тайёргарлик

- 2.1. Мустақил инстанция ёки жюри томонидан судьяларни танлаш ва ишга қабул қилишга оид статутнинг қоидалари номзодлар учун кўриб чиқишга киритиладиган юридик масалаларни эркин ва ҳолисона баҳолаш ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқ меъёрларини шахс кадр-қимматига риоя этган ҳолда қўллаш қобилиятларига мувофиқ мезонларни белгилайди. Улар номзодни жинси, миллати ёки ижтимоий келиб чиқиши, фалсафий, сиёсий қарашлари ёки дини, эътиқодига кўра четлаштириш имкониятини ман этади.
- 2.2. Статут шундай шароитларни назарда тутадиги, уларда суд функциялари махсус ижроси имконияти тегишли таълимни олиш ёки иш тажрибаси мавжудлиги билан боғлиқ талаблар билан кафолатланади.

- 2.3. Статут давлат томонидан тўланадиган тегишли маълумотни олиш орқали танлаб олинган номзодлар кўрсатилган функцияларни самарали ижро этиши тайёргарлигини таъминлайди. 1.3 бандда қайд этилган орган ўқув дастурлари ва уларни амалга оширувчи тузилмаларнинг суд функцияларини бажариш билан боғлиқ очиқлик, малакалилик ва холислик талабларига мувофиқлигини назорат қилади.

3. Тайинлаш ва алмаштирилмаслик

- 3.1. Танланган номзодни судья сифатида тайинлаш ва муайян судга юбориш тўғрисидаги қарор 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан унинг таклифи, тавсиясига кўра, унинг розилиги ёки уни хабардор қилгандан кейин қабул қилинади.
- 3.2. Статут номзоднинг бундан олдинги фаолияти ёки унинг яқинлари томонидан амалга ошириладиган фаолият судга тайинлашда унинг холислиги ёки мустақиллигига қонуний ва объектив тарзда шубҳа уйғотиши каби тўғаноқ ҳолатларини аниқлайди.
- 3.3. Агар танлаб олиш тартиби шартли равишда қисқа синов даврини кўзда тутаятган, судья сифатида тайинлангандан кейин, аммо бу тайинлаш узил-кесил тасдиқлангунгача ёхуд танлаб олиш чекланган муддатга эҳтимолий узайтириш билан амалга оширилаятган бўлса, бунда судьяни доимий асосда тайинлашни рад этиш ёки унинг ваколатларини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан унинг таклифи, тавсиясига кўра, унинг розилиги ёки уни хабардор қилгандан кейингина қабул қилиниши мумкин. 1.4 банддаги меъёрларни синов муддатида бўлган шахсга ҳам қўллаш мумкин.
- 3.4. Судда ўз ваколатларини бажараятган судья ҳатто уни рағбатлантириш доирасида ва у билан келишилмаган ҳолда бошқа судьялик лавозимига тайинланиши ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас. Агар бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли қарор билан интизомий чора сифатида амалга ошириш, суд аппаратида қонуний тартибда ва қўшни судда таркибни кенгайтириш учун вақтинчалик тайинлаш амалга оширилса, ушбу тамойилдан мустаснодир. Бунда тайинлашнинг максимал муддати статут билан 1.4 банд меъёрларини қўллашда зиёнсиз экани аниқ чегараланган.

4. Хизмат поғонасида кўтарилиш

- 4.1. Агар хизмат поғонасида кўтарилиш меҳнат стажи давомийлигига асосланмаса, у фақат судьяга топширилган хизмат вазифаларини бажариш давомида қайд этилган фазилатлари ва афзаллик жиҳатлари бир ёки бир неча судьялар томонидан объектив баҳоланиши орқали асосланади ва манфаатдор судья билан муҳокама этилади. Хизмат поғонасида кўтарилиш тўғрисидаги қарорлар 1.3 бандда кўрсатилган орган томонидан унинг таклифи ёки розилиги билан чиқарилади. Хизмат поғонасида кўтарилиш учун номзоди кўрсатилмаётган судья тегишли органга шикоят бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

- 4.2. Судья ўз судьялик ваколатлари доирасидан четга чиқадиган турли, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқларини ифода этувчи фаолият турларини эркин амалга оширади. Мазкур эркинлик бу ташқи фаолият судьяга ишонч, унинг холислиги ва мустақиллиги ёки унда кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни мақбул муддатларда диққат билан ҳал қилиш учун зарур бўлган вақт билан мувофиқ тушмайдиган тарздагина чекланиши мумкин. Суддан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият (адабий ёки ижодий фаолият бундан мустасно) билан шугулланиш учун статутда белгиланган шартларда дастлабки руҳсатни олиш зарур.
- 4.3. Судьялар ўзларининг холислиги ва мустақиллигига нисбатан ишончга путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хулқ-атвор, ҳаракат ёки фикр билдиришдан ўзини тийиши керак.
- 4.4. Статут судьяга муайян даражани сақлаш ҳамда ўз ваколатларини бажариш учун зарур бўлган ҳам техникавий, ҳам ижтимоий-маданий билимларни сарф-ҳаражатлари давлат томонидан қопланадиган касбий таълимдан мунтазам фойдаланиш имкониятини бериш орқали чуқурлаштиришни кафолатлайди, бунда мазкур ҳужжатнинг 2.3 бандида қайд этилган шартларга риоя этиш билан бундай тайёргарликни ташкил этиш давлат томонидан таъминланади.

5. Жавобгарлик

- 5.1. Бевосита статут билан белгиланган муайян лавозим вазифалари судья томонидан бажарилмаслиги унга нисбатан фақат суд органи ёки камида ярми сайланадиган судьялардан иборат органининг қарори, таклифи, тавсияси ёки розилиги билан тортишув асосида ўтказиладиган тартиб-тамоийил доирасида чоралар қўллашга олиб келиши мумкин, бунда жавобгарликка тортилаётган судья ҳимоячи хизматларидан фойдаланиши мумкин. Қўлланиладиган санкциялар турлари статут билан белгиланади ва уларнинг қўлланилиши мутаносиблик тамойилига мос келади. Ушбу банд билан кўзда тутилган ижро ҳоқимияти органи, суд органи ёки бошқа инстанциянинг жазони тайинлаш тўғрисидаги қарори бўйича юқори турувчи суд инстанциясига шикоят аризаси киритилиши мумкин.
- 5.2. Судья томонидан чиқарилган қарор ёки унинг хизмат вазифаларини бажариши давомидаги ҳаракатлари натижасида ноқонуний тарзда етказилган зарарни қоплаш давлат томонидан таъминланади. Статут судья фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар қўпол ва йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузилган ҳолатда давлат судьядан зарарни белгиланган муддатларда суд тартибида қоплашини талаб қилиш имконини назарда тутиши мумкин. Ваколатли суд органига мурожаат этиш 1.3 бандда қайд этилган органининг дастлабки розилигини талаб этади.
- 5.3. Ҳар ким муайян иш бўйича одил судлов жараёни талаб даражасида амалга оширилмаганлиги юзасидан ўз шикоятларини мустақил орган кўриб чиқиши учун алоҳида расмийликсиз тақдим этиш имконига эга бўлиши керак. Агар батафсил ва пухта кўриб чиқиш якунлари

бўйича 5.1 бандда кўрсатилганидек, судья ишида яққол қонун бузилишлари аниқланса, у ҳолда мазкур орган интизомий инстанцияга мурожаат этиш ёки, ҳеч бўлмаганда, шундай мурожаат билан статутга кўра тегишли ваколатларга эга бўлган ҳокимият органига чиқишни тавсия этишга ҳақлидир.

6. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот

- 6.1. Судья томонидан суд ваколатлари малакали бажарилишига ҳақ тўланади, унинг миқдори эса судьяни унинг мустақиллиги ва холислигига путур етказиш, қарорига ва умуман суддаги ҳаракатларига таъсир кўрсатиш ниятидаги тазйиқдан ҳимоя қиладиган даражада белгиланади.
- 6.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш судьянинг меҳнат стажи, унга юклатилган лавозим вазифалари хусусияти ҳамда олдига қўйилган вазифалари муҳимлигига қараб ўзгариши мумкин ва тушунарли шартлар асосида баҳоланиши зарур.
- 6.3. Ўз касбий фаолиятини амалга ошираётган судьяга статут касаллик, бола парвариши, меҳнатга лаёқатсизлик, кексалик ва ўлим билан боғлиқ ижтимоий хавфлардан ҳимоя қилиш кафолатларини тақдим этади.
- 6.4. Жумладан, статут қонун билан белгиланган ёшга етган судьяларга улар касбий вазифаларини муайян вақт давомида бажариши шарти билан истеъфога чиқиши, судьялик лавозимидаги охириги иш ҳақи миқдорига имкон қадар яқин бўлган миқдорда пенсия тўланишини таъминлайди.

7. Ваколатлар тугатилиши

- 7.1. Судья истеъфога чиқиш, тиббий экспертиза асосида белгиланган жисмоний яроқсизлик, пенсия ёшига етиши, қонунда назарда тутилган ваколатлари тугаши ёки 5.1 бандга кўра қабул қилинадиган қарор билан лавозимдан четлатиш натижасида ўз лавозим вазифаларини бажаришни узил-кесил тўхтатади.
- 7.2. Қонун билан назарда тутилган ёш чегараси ёки ваколатлар муддати тугашидан ташқари 7.1 бандда қайд этилган асослардан бири мавжудлиги 1.3 бандда қайд этилган орган томонидан белгиланиши зарур.

Тушунтириш меморандуми

1. Умумий тамойиллар

Европа Хартияси амал қилиши нафақат профессионал, балки непрофессионал судьяларга ҳам тааллуқлидир. Ҳақиқатан ҳам, қатор кафолатлар, хусусан, судьяларни ёллаш, судьяларнинг йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатлари, уларнинг ишдан ташқари хулқ-атвори ёки ваколатлари тугатилиши билан боғлиқ кафолатлар барча судьяларга нисбатан қўлланилиши муҳимдир. Аммо

Хартияда, шунингдек, фақат профессионал судьяларга қўлланилиши керак бўлган меъёрлар киритилмоқда, чунки уларнинг ўзига хос жиҳати айрим тушунчаларга, масалан, карьерага тааллуқлигидир.

Хартия меъёрлари фуқаролар ўз ишларини тақдим этадиган ёки уларнинг ишлари бўйича қарорлар чиқариши керак бўлган барча, яъни фуқаролик, жиноий, маъмурий ёки бошқа суд органлари таркибига кирувчи судьялар учун статутга тегишлидир.

- 1.1. Хартия статут мазмун-моҳиятини судьялар учун қўйилган мақсадлар, яъни фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак бўлган суд органлари ва ҳар бир алоҳида судьядан кутишга ҳар ким ҳақли бўлган малакалилик, мустақиллик ва холисликни таъминлаш нуқтаи назаридан белгилаши зарур. Шундай қилиб, статутнинг ўзи бирдан бир мақсад эмас, балки суд органлари ва судьялари томонидан фуқаролар ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилиниши учун зарур бўлган кафолатларни таъминлаш воситасидир.

Фуқаролар ҳуқуқларининг ушбу кафолатлари судьялик малакасининг маҳорат, мустақиллик ва холислик маъноларидан иборат. Қайд этилган мезонлар ижобий тусга эга, чунки судьялар учун статут уларни муайян кафолатлар билан таъминлашга қаратилган; лекин улар салбий ҳамдир, чунки судьялар учун статут уларнинг малакалилиги, мустақиллиги ва холислигига ишончни йўқотишга таъсир этувчи ҳар қандай омилларни истисно этиши зарур.

Савол шундан иборатки, Хартия меъёрлари буйруқ оҳангида бўлиши керакми, суд тизими фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликда, албатта, акс этиши ёки улар шу каби кафолатлар даражасини таъминлай оладиган бошқа меъёрлар қўлланилишига тўсиқ қўймайдиган тавсия хусусиятига эгами?

Сўнгги ёндашув кафолатлар деярли мустаҳкамланмаган, аммо кўп йиллик ва мунтазам қўлланиладиган амалиёт бундай кафолатлар самарали эканлигини намоён этадиган миллий тизимларни танқид қилишдан қочиш истагига асосланиши мумкин эди.

Бироқ, таъкидланганидек, кўплаб мамлакатлар (улар орасида яқинда Европа Кенгашига қўшилганлар ҳам бор) тажрибаси кўрсатишича, қонунчилик тусидаги меъёрларнинг мавжуд эмаслиги, сиёсий ҳокимиятлар томонидан судьяларни хизматга тайинлаш ва юбориш, хизмат поғонасида кўтарилиш ва ваколатларини тугатиш борасидаги ваколатлари бажарилиши билан боғлаганлиги малакалилик, мустақиллик ва холислик кафолатлари самарасизлигига олиб келган.

Шу боис, мазкур меъёрлар фақат буйруқ оҳангига эга бўлмаса-да, Хартия уларни юқорида қайд этилган мақсадларга эришишни энг мақбул тарзда кафолатлай оладиган меъёрлар сифатида таклиф этмоқда.

Хартиянинг аксарият меъёрларини судьялар бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган тизимларга қўллаб бўлмайди. Фақат бу каби сайлов тизимига мос меъёрларни қамраб олувчи Хартияни ишлаб чиқиш мумкин эмас эди, чунки унда биз оддий «умумий махраж» (бир

хиллик) натижасига эришган бўлардик. Хартия, шу билан бирга, муайян мамлакатлардаги фуқаролар томонидан «демократия моҳияти» сифатида қабул қилинадиган сайлов тизимини «бекор қилиш» мақсадини кўзламайди. Таъкидлаш жоизки, Хартия меъёрлари судьялар сайланишини назарда тутувчи тизимларда имкон қадар қўлланилиши мумкин. Масалан, 2.2 ва 2.3 бандлари (биринчи жумласи)даги меъёрлар тегишли кафолатларни берувчи тизимларга нисбатан ҳеч шубҳасиз қўлланилиши мумкин.

Хартия қоидалари Европанинг турли давлатларида кафолатлар даражасини оширишга қаратилган: бунинг аҳамияти ушбу мамлакатлар томонидан эришилган даражага боғлиқ бўлади. Аммо Хартия меъёрлари миллий қонунчиликни ўзгартириш учун ҳеч ҳам асос бўлиб хизмат қилмайди, чунки бундай ўзгаришлар аксинча муайян мамлакатда эришиб бўлинган кафолатлар даражасини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

- 1.2. Судьялар учун статутнинг судьялар ва суд органлари малакалиги, мустақиллиги ва холислиги кафолатларини белгиловчи асосий тамойиллари уларни энг юксак даражадаги миллий меъёрларда, бошқача айтганда, Конституцияларда, бу каби Асосий қонунга эга Европа давлатлари учун мустаҳкамланиши лозим. Статут қоидалари эгилувчан конституцияга эга давлатлар учун энг юксак савиядаги қонун даражасига ҳамоҳангдир.

Мазкур тамойиллар қонунчиликнинг ички тизимига киритилишини назарда тутиб, Хартия ушбу тизимда Европа давлатлари учун шарт бўлган халқаро усулларда мавжуд ҳимоя тусидаги низомларнинг амал қилинишига зиён етказмаган ҳолда қўлланилади. Бу, муқаддимда қайд этилганидек, Хартия яратувчилари баён этилган меъёрларнинг асосийларига таянгани учун ҳам тўғридир.

- 1.3. Хартия, судьяни ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизмат поғонасида кўтарилиш ёки ваколатларини тугатиш масалаларига оид ҳар қандай қарорлар қабул қилиш ҳолларида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил орган аралашуви эҳтимолини назарда тутмоқда.

Мазкур таъриф рангба-ранг, яъни мустақил органдан ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органгача маслаҳатлардан то ушбу мустақил орган томонидан мустақил қарор қабул қилингунга қадар вазиятларни қамраб олиш имконини беради.

Шу боис, миллий тизимларда айрим фарқларни ҳисобга олиш зарур. Муайян мамлакатлар, балки, судьяларни қандайдир мустақил орган томонидан тайинлашни амалга ошираётган сиёсий орган ўзгаришини қийинчилик билан қабул қилар. Аммо бундай ҳолатда мустақил органнинг, ҳеч бўлмаганда, тавсиялари ёки фикрини олиш, албатта, салмоқли рағбат бўлади ёки судьяларни тайинлайдиган расмий орган учун шартли тус олади. Хартия руҳига мувофиқ, мустақил органнинг тавсиялари ёки фикри агар амалиётда уларга умуман ва яхлитлигича риоя этилгандагина, кафолатга айланиши мумкин. Ҳокимиятнинг бу каби тавсия ёки фикрга риоя этмайдиган сиёсий ёки маъмурий

органи, ҳеч бўлмаганда, ўзининг рад жавоби сабаби ҳақида хабар бериши керак.

Хартиянинг қайд этилган низоми таърифи мустақил органнинг оддий ёки расмий хулоса, тавсия, таклиф ёхуд бевосита қарор орқали аралашувиға йўл қўяди.

Мустақил орган таркибига оид масала юзага келади. Хартия низомларига кўра, мазкур орган ўз ҳамкасблари томонидан сайланган судьяларнинг камида ярмидан иборат бўлиши керак. Шундай қилиб, судьялар озчиликда қолмайди ва бир вақтнинг ўзида улардан қайд этилган инстанцияда кўпчиликни ташкил қилиши талаб этилмайди. Европа давлатларидаги турли фалсафий концепциялар ва далиллар сабабли судьяларнинг 50 фоиз бараваридаги қуйи чегарасига асосланиш у ёки бу миллий тизимда устувор бўлган асосий мулоҳазаларга риоя этишда кафолатларнинг сезиларли даражасини таъминлайди.

Хартияда кўрсатилишича, мустақил органда қатнашувчи судьялар ўз ҳамкасблари томонидан сайланади. Ушбу низом шунга асосланадики, бу каби органга оид мустақиллик ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларга унда қатнашаётган тегишли сиёсий ҳокимиятнинг судьяларини сайлаш ёки тайинлаш имкониятини истисно этади.

Шундай тартиблар асосида судьяларни тайинлашда партиявий-сиёсий устуворлик хавфи мавжуд бўлади ва бу, уларнинг ролига ҳам таъсир қилади. Тахминларга кўра, мустақил органда қатнашаётган судьялар сиёсий партиялар ёки ушбу партиялар томонидан ё улар иштирокида тузилган ёхуд сайланган органлардан хайрихоҳлик изламайди. Ниҳоят, овоз беришнинг муайян усулини маъқулламаган ҳолда, Хартия судьяларнинг мазкур органга танлаш шартлари уларнинг кенг қўламдаги ваколатларини таъминлашни назарда тутаети.

- 1.4. Хартияда статутга кўра ёки кенг маънода, унинг мустақиллиги ёхуд жараён мустақиллигига хавф солинаётгани ёки бирон бир тарзда бузилаётган, деб ҳисоблайдиган ҳар бир судьянинг «шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи» мустаҳкамланган. Бундай ҳолатларда судья юқорида ифода этилган мустақил органга мурожаат этиши мумкин.

Бу, судьянинг мустақиллиги тажовуздан ҳимояланмаган, дея ҳисобланмайди деганидир. Шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи зарур кафолатдир, чунки агар самарали имплементацияни кафолатлаш имконини берувчи механизмлар мавжуд бўлмаса, ҳимоя қилиш тамойилларини қарор топтириш фақат эзгу ниятлигича қолади. Судьянинг индивидуал статутига тегишли ҳар қандай қарорга мустақил органнинг аралашуви барча эҳтимолий ҳолатларни, судьялар мустақиллигига тажовузларни ҳамиша ҳам қамраб олмайди, шу боис, мазкур органга мурожаат ҳам судьянинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилиши зарур.

Хартияда бундай тарзда мурожаат этиладиган мустақил орган судья мустақиллигини бузувчи ҳолатни мустақил равишда тузатиш ёки ҳокимиятнинг ваколатли органига қоидаларни ўзгартиришни таклиф

этиш учун зарур маблағларга эга бўлиши кераклиги ойдинлаштирилади. Ушбу таърифда миллий тизимлар хилма-хиллиги ҳисобга олинади ва ҳатто мустақил органнинг муайян вазият бўйича тавсияси уни тузатишда тегишли орган учун рағбат сифатида хизмат қилади.

- 1.5. Хартияда судьянинг ўз вазифаларини бажариши давомидаги асосий мажбуриятлари баён этилган.

«Оммабоплилик» бир йўла вақт мавжудлиги ва ишни талаб даражасида диққат-эътибор ва огоҳлик билан кўриб чиқишни билдиради, бу эса шундай муҳим вазифани амалга оширишда талаб этилади, чунки айнан судьялар томонидан қарорлар қабул қилиш орқали шахс ҳуқуқлари кафолатлари таъминланади. Айниқса, ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар, масалан, судьялар ўз вазифаларини бажараётганда, фуқароларга ҳурмат муносабатида бўлиши аҳамиятга эга, чунки фуқаролар кўпинча одил судлов органлари олдида ўзининг заифлигини ҳис этади. Шунингдек, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муносабати билан судьяга ишонилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш мажбурияти ҳақида эслати ўтилади. Ниҳоят, ишларни кўриб чиқиш ҳар қандай вазиятда судьядан юқори малака даражаси сақланиши устидан назорат қилиши кераклиги кўзда тутилган. Шу билан бирга, бу юқори малакалилик, билим ва маҳорат даражаси судья учун ишларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар чиқариш жараёнида доимий талаб ҳисобланиши ҳамда судья куйидаги матнда қайд этилганидек, унга таъминланиши керак бўлган таҳсил олиш имкониятидан фойдаланиш шарти билан ўзининг юксак малакалилик даражасини сақлаб қолиши лозим.

- 1.6. Хартияда ойдинлаштирилишича, давлат судьяни у ўз вазифаларини талаб даражасида бажариши, шу жумладан, ишларни мақбул муддатларда кўриб чиқиши учун барча зарур воситалар билан таъминлаши керак.

Давлат вазифаси ҳисобланмиш мазкур мажбуриятни яққол кўрсатмаслик судьялар масъулиятига доир меъёрларни асослашни суғлаштиради.

- 1.7. Хартия судьялар касбий уюшмалари ролини эътироф этади, уларга барча судьялар эркин аъзо бўлиши мумкин, бу эса мазкур ташкилотлар таркибига кириш ҳуқуқини амалга оширишда ҳар қандай камситишга йўл қўймайди. Шунингдек, ҳужжатда бундай уюшмалар судьяларнинг статут ҳуқуқларини ҳокимият органлари ва инстанциялари олдида ҳимоя қилинишига қўмаклашиши акс этган, чунки улар судьялар манфаатларига доир қарорларни қабул қилишда иштирок этиши мумкин. Шундай қилиб, судьяларга бу каби касбий ташкилотларни тузиш ва уларга аъзо бўлиш ман этилиши мумкин эмас.

Хартия уюшмаларга судьяларнинг статут ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқ бермаса-да, судьяларга тегишли қарорларни чиқаришда иштирок этувчи ҳокимият органлари ва инстанциялари олдида уларнинг бундай ҳимояга қўшган ҳиссаси эътироф этилиши ва эътиборга олинishi зарурлигини кўрсатади. Мазкур меъёр 1.3 бандда қайд этилган мустақил органга нисбатан *inter alia* тарзида амал қилади.

- 1.8. Хартияда судьялар ўз вакиллари, айниқса, 1.3 бандда қайд этилган орган аъзолари ҳисобланганлар ҳамда ўз касбий ташкилотлари орқали суд органлари бошқарувига, уларнинг бюджет маблағларини белгилаш ва қайд этилган қарорларни ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий даражада амалга оширишга доир қарорлар қабул қилиниши жараёнида иштирок этиши кўзда тутилган.

Муайян ташкилий-ҳуқуқий шакл ёки унинг шарт эканлиги даражасига риоя этмаган ҳолда ушбу низом билан умуман бутун суд тизимига ва хусусан турли суд органларига ажратилган бюджетни тасдиқлашда судьяларнинг иштироки белгиланади, бу эса миллий ва минтақавий даражада маслаҳатлашувлар ва вакиллик тартибларини назарда тутати. Кенгроқ маънода бу, одил судловни юритиш ва суд органларини бошқаришга ҳам алоқадордир. Хартия бундай бошқарув судьялар зиммасига юклатилишини талаб этмайди, лекин судьялар бошқарув қарорларини қабул қилишдан четлатилмаслигига чақиради.

Судьялар билан уларнинг вакиллари ёки касбий ташкилотлар орқали статутга ўзгартириш киритиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ёшга доир пенсия шартларини белгилаш тўғрисида маслаҳатлашувлар судьяларни ушбу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш имконини беради. Лекин Хартияда ваколатли миллий ҳокимият органи томонидан Конституцияга мувофиқ қарорлар қабул қилиш қисмидаги ваколатларни инкор этишга йўл қўйилмайди.

2. Танлаш, ишга қабул қилиш ва бошланғич тайёргарлик

- 2.1. Судьяликка номзодлар мустақил орган ёки коллегия томонидан танлаб олинади ва ишга қабул қилинади.

Хартия қайд этилган 1.3 бандда уларда мустақиллик бўлиши шarti билан танлов ҳайъати ёки саралаш комиссияси тизимига мурожаат этиш имконини берадиган орган ҳақида сўз бораётганини ойдинлаштирмайди. Амалиётда саралаш жараёни тор маънодаги тайинлаш тартибидан кўпинча фарқ қилади. Номзодларни танлаш жараёни билан боғлиқ ўзига хос кафолатларга аниқлик киритиш муҳим.

Саралаш органининг танлови лавозим ваколатлари хусусиятига мос мезонларга асосланиши зарур.

Асосий мақсад номзоднинг судьялар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича мустақил фикрга келиш қобилиятини баҳолашдир, бу эса мустақил фикр юритишни назарда тутати. Суд ваколатларини бажаришда зарур бўлган холис бўлиш қобилияти ҳам муҳим мезон ҳисобланади. Қонунчиликни талаб даражасида қўллаш қобилияти ҳуқуқий билимлар даражаси ва уларни амалиётда қўллаш қобилияти билан боғлиқ, бу эса ҳар доим ҳам бир хил тушунча эмасдир.

Саралаш органи, шунингдек, номзодларнинг судья ахлоқини ҳокимият ваколатларига эга шахслар ва суд жараёнида баъзан мушкул шароитларга дуч келадиган томонлараро ўзаро муносабатларда

ҳурмат ҳисси билан мужассамлаштира олиш қобилиятига ишонч ҳосил қилиши керак.

Нихоят, танлов жинси, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, фалсафий ва сиёсий қарашлари, диний эътиқоди билан боғлиқ камситувчи мезонларга асосланиши мумкин эмас.

- 2.2. Судьянинг судьялик лавозимида вазифаларини амалга ошириш қобилиятини кафолатлаш учун судьяларни танлаш ва ёллашга доир қонун меъёрлари уларнинг малакаси ёки аввалги иш тажрибасига оид талабларни қамраб олиши зарур. Бу, масалан, ишга қабул қилишда қўлланиси мумкин, бунда бир неча йиллар давомида юридик ёки суд хусусиятига эга функцияларни бажариш талаблардан бири сифатида намоён бўлади.
- 2.3. Кўпинча одамлар қадр-қимматига доир мураккаб вазиятларга аралашувни талаб этувчи судьянинг вазифалари ва ваколатлари хусусияти шундан иборатки, суд вазифаларини бажаришга яроқлиликни «мавҳум» тарзда текширишнинг ўзи етарли эмас.

Судьялик лавозимига сараланган номзодлар давлат томонидан молиялаштириладиган тегишли касбий тайёргарликдан ўтишга тайёр бўлиши керак.

Судьяларни мустақил ва холисона қарорларни қабул қилишга талаб даражасида, пухта тайёрлаш лозим, бунда малакалилик, холислик ва зарур ошқоралик ҳам ўқув дастурлари мазмуни, ҳам уларнинг имплементациясини таъминловчи тузилмалар фаолияти билан кафолатланиши керак. Шундай қилиб, 1.3 бандда қайд этилган орган ўқув дастурлари ва уларни имплементация қилувчи тузилмаларнинг суд функцияларини бажариш билан боғлиқ очиқлик, малакалилик ва холисликка мувофиқлиги ҳақида қайғуриши назарда тутилади. Мазкур орган бу каби вазифаларни бажариш учун тегишли воситалар билан таъминланиши зарур. Бу дегани, статут мазкур орган томонидан дастурларга қўйиладиган талабларга нисбатан амалга ошириладиган назорат тартибини ва ваколатли тузилмалар томонидан улар имплементациясини аниқ белгиловчи қондани мустаҳкамлаши зарур.

3. Тайинлаш ва алмаштирилмаслик

- 3.1. Миллий тизимларда судьяни танлаш жараёни тор маънода уни лавозимга тайинлаш ва судья этиб тайинланган шахсни муайян судга юбориш тартиб-тамойилларидан фарқ қилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, тайинлаш ва тақсимлаш ҳақидаги қарорлар 1.3 бандда қайд этилган мустақил орган томонидан ёки унинг тақдимномаси, тавсияси, розилиги ёхуд унинг фикрини инobatга олган ҳолда қабул қилинади.
- 3.2. Хартияда судья лавозими билан бир-бирига тўғри келмаслик мезонлари кўриб чиқилган. Унда судьялик лавозимига тайинлашда номзоднинг олдинги фаолияти ёки унинг яқинлари фаолияти билан боғлиқ бўлган мутлақ бир-бирига тўғри келмаслик имконияти рад этилади. Бошқа томондан, унда таъкидланишича, судга тайинлашда айтиб ўтилган ҳолатларни, агар улар унинг холислиги ва мустақиллигига

нисбатан қонуний ва объектив шубҳа уйғотса, ҳисобга олиш зарур. Масалан, илгари ушбу шаҳарда амалиёт ўтаган адвокат у ерга судья сифатида юборилиши мумкин эмас. Шунингдек, муайян шахс эри (хотини), отаси ёки онаси ҳоким ёки парламент аъзоси бўлган шаҳарга судья этиб юборилишини тасаввур этиш қийин. Шундай қилиб, муайян судга юборишдаги тегишли меъёрлар судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигига ҳаққоний ва объектив шубҳа уйғотиши мумкин бўлган вазиятларни ҳисобга олиши зарур.

- 3.3. Айрим миллий тизимларда танлаш жараёни тайинлангандан кейин ва тайинлашни яқуний тасдиқлашгача синов муддатини, бошқа ҳолатларда — тикланиши мумкин бўлган ваколатларнинг чекланган муддатини назарда тутати.

Бу каби вазиятларда тайинламаслик ёки ваколатлар муддати тикланмаслиги тўғрисидаги яқуний қарор фақат 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан, унинг таклифи, тавсияси ёки хабардорлиги билан қабул қилиниши зарур. Синов муддати ёки муддатни тиклаш тўғрисидаги меъёр ҳатто лавозимга тасдиқланишига умид қилаётган ёки ваколатлар муддати тикланишини кутаётган судьянинг мустақиллиги ва ҳолислиги нуқтаи назаридан муайян мураккаблик — агар хавф, дея айтилмаса — намоён этиши мумкинлиги мумкин. Демак, бу борада мустақил орган ишида муайян кафолатлар назарда тутилиши зарур. Синов муддатини ўтаётган шахс судья лавозимини эгаллашга қобилияти мунозарали бўлгани шароитда Хартия 1.4 бандда кўзда тутилган шикоят аризаси билан қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи мазкур шахсга нисбатан қўлланилиши мумкинлигига аниқлик киритади.

- 3.4. Хартия судьяларни лавозимда ўзгартирмаслик тамойилини мустаҳкамлайди, бу судьяни унинг эркин розилигисиз бошқа судга тайинлаш ёки унинг ваколатларини ўзгартириш мумкин эмаслигини билдиради. Аммо мустасно ҳолатлар, хусусан: миллий қонунчиликда интизомий жазо сифатида кўзда тутилган судьяни бошқа жойга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинганда; қонун билан назарда тутилган суд тизимини қайта ташкил этиш ва унинг оқибати сифатида судни бекор қилишда; кўшни судга кўмаклашиш учун вақтинчалик ўтказиш ҳолатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Сўнги ҳолатда вақтинчалик ўтказиш давомийлиги тегишли меъёрий ҳужжат билан чекланиши зарур.

Аммо судьяни унинг розилигисиз ўтказиш тўғрисидаги масаланинг нозик жиҳатини ҳисобга олиб, яна бир бор таъкидлаш керакки, 1.4 бандга кўра, судьялар мустақил органга қарорни қайта кўриб чиқиш бўйича шикоят қилиш умумий ҳуқуқига эга, у ҳам бундай ўтказиш қонунийлигини текшириши мумкин. Судья ортиқча иш юкламаси сабабли ўз вазифаларини мақбул тартибда бажара олмаган ҳолда, Хартия меъёрлари билан махсус тартибга солинмаган вазиятларни ҳал этиш учун қайта кўриб чиқишга оид ҳуқуқ қўлланилиши мумкин.

4.Хизмат поғонасидан кўтарилиш

- 4.1. Судьяларнинг хизмат давомийлигидан келиб чиққан ҳолда, лавозимда кўтарилган ҳолатларини мустасно қилганда (бу Хартия билан ҳам

инкор этилмайди), бу, кўриб чиқиладиган мамлакатларда улар мустақиллигини самарали ҳимоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида ходимни танлашнинг энг юқори сифатини таъминлагани боис, судьянинг мустақиллиги ва холислиги хизмат поғонасидан кўтарилиш масаласида бузилмаслигини кузатиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқлик киритиш зарурки, бу борада иккита потенциал муаммо мавжуд: кўтарилишига ноқонуний тўсиқ қўйилган судьялар ва талаб даражасидаги юқори лавозимли олмаган судьялар.

Шу сабабли Хартияда хизмат поғонасидан кўтарилиш мезонлари истисно равишда, судьялик ваколатларини бажаришда аниқланган ва баҳолашдан ўтаётган судьянинг муҳокамага қўйилган сифатлари ва хизматлари бир ёки бир неча судьялар томонидан амалга ошириладиган объектив баҳолаш орқали белгиланади.

Хизмат поғонасидан кўтарилиш тўғрисидаги қарорлар ушбу баҳолар асосида 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган таклифлари ёки тавсиялари ёхуд розилигини ҳисобга олган ҳолда ёки унинг хулосаси натижасида қабул қилинади. Бевосита белгиланишича, мустақил орган кўриб чиқиши учун кўтарилиши тўғрисида таклиф берилган судья мазкур инстанцияда кўриб чиқиладиган факт юзасидан тингланиш имконига эга бўлиши керак.

4.1 банди меъёрлари, балки, хизмат поғонасидан кўтарилиш ва судьялар иерархияси мавжуд бўлмаган ҳамда уларнинг мустақиллигини ишончли ҳимоя қилувчи тизимларда қўллаш учун мўлжалланмаган.

- 4.2. Бу борада Хартия томонидан суд функциялари ижроси билан ёнма-ён амалга ошириладиган фаолият ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Назарда тутилишича, судья ўзининг суд ваколатларидан ташқари фаолият, шу жумладан, унинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқларини ифода этувчи фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Тамойил ҳисобланган ушбу эркинлик судьянинг холислиги ва мустақиллигига бўлган ишонч билан тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланаётган ҳолатлардан ёки унга топширилган ишни сидқидилдан ва оқилона муддатларда кўриб чиқиш учун талаб этиладиган зарур вақт билан истисно равишда чекланиши мумкин эмас.

Бунда Хартияда аниқ фаолият турлари кўрсатилмаган. Суд функцияларини бажаришга таъсир этувчи ташқи фаолият турларининг салбий оқибатларини прагматик баҳолашни амалга ошириш зарур. Хартияда кўзда тутилганидек, судьялар адабий ёки бадиий ижодни истисно қилган ҳолда, турли ҳақ тўланадиган фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат олишлари зарур.

- 4.3. Хартияда айрим ҳолларда «судьялик ҳохиши», деб номланган масала қўйилади. Хартияда ифода этилган ёндашув Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси 6-моддасидан ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётидан келиб чиқади. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, судья унинг холислиги ва мустақиллигига бўлган жамоатчилик ишончига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хулқатвор ва ҳаракатлардан ўзини тийиши керак. Ишончга бундай путур етказишнинг хавфи ҳақида эслатиб, Хартия ўта қатъиятликдан

қочиш имконини беради, чунки у судьяни жамият ва ҳамюртларидан яққаланиб қолишга олиб келиши мумкин.

- 4.4. Хартия «судьянинг ички идоравий тайёргарликка оид ҳуқуқи»ни мустақамлайди. Судья давлат ҳисобидан ташкил этилган ва судьяларнинг техникавий, ижтимоий ва маданий кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув дастурларидан мунтазам фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Давлат бу каби дастурлар шундай ташкил этилишини таъминлаши лозимки, улар 2.3 бандда баён этилган ва айнан шу бандда қайд қилинган мустақил орган ролига доир талабларга мос бўлиши керак, бу билан у дастурлар мазмуни ва мазкур курсларни ўтказувчи ташкилотлар фаолиятининг очиқлик, малакалилик ва ҳолислик талабларига мувофиқлигини кафолатлаши зарур.

2.3 ва 4.4 бандларида кўзда тутилган ўқитишга нисбатан кафолатларни белгилаш анча ўзгарувчан бўлиб, бу, уларни турли миллий таълим тизимларига, масалан, Адлия вазирлиги бошқарувида бўлган касб-ҳунар коллежлари, Олий судьялар кенгаши ҳузурида таълим муассасалари, хусусий ҳуқуқий ташкилотларга мослаштириш имконини беради.

5. Жавобгарлик

- 5.1. Ушбу модда билан судьяларнинг интизомий жавобгарлиги белгиланади. Даставвал у интизомий жазолар қонунийлиги тамойилини далил сифатида кўрсатаркан, жазо чорасини қўллаш учун судьялик статuti билан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаслиги ягона ҳақиқий сабаб бўлиши мумкинлиги, шунингдек, қўлланилаётган санкциялар турлари ҳам судьялар учун статутда ифода этилиши лозимлигини мустақамлайди.

Бундан ташқари, Хартияда интизомий иш кўришларга оид кафолатлар акс этган: интизомий санкциялар фақат суд ёки аъзолар сонининг камида ярми судьялардан иборат бошқа орган қарори, тақдимномаси, тавсияси ёки розилиги асосида қўлланилиши керак. Судья ўзининг позициясини тўлиқ ифода этиш имконига эга бўлиши керак, шунингдек, у вакиллик ҳуқуқига эга. Санкция қўлланилган ҳолда, унинг муайян тури мутаносиблик тамойилини ҳисобга олиб танланади. Ниҳоят, Хартияда ижро этувчи ҳокимият органи, суд ёки аъзолари сонининг камида ярми сайланган судьялардан иборат бошқа орган томонидан қабул қилинган санкцияни қўллаш тўғрисидаги қарорга нисбатан шикоят аризаси билан юқори турувчи суд органига мурожаат этиш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Ушбу меъёрнинг мазкур таърифи парламент томонидан белгиланган санкциялар бўйича шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутмайди.

- 5.2. Мазкур бандда Хартияда судьяларнинг фуқаролик ва моддий жавобгарлиги ҳақидаги масала ёритилган. Унда судьянинг нотўғри хулқ-атвори ёки унинг ўз вазифаларини бажаришдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар давлат томонидан

қопланиши тамойили баён этилган. Бу, давлат ҳар қандай ҳолатда бундай зарарга дуч келганлар учун кафил бўлади, деганидир.

Давлатнинг кафолатлари судьянинг нотўғри хулқ-атвори ёки унинг ўз вазифаларини бажаришдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарга нисбатан қўлланишига аниқлик киритиб, Хартия нотўғри ва ноқонуний тусдаги хулқ-атворга эмас, балки бундай ҳаракатлар натижасида етказилган зарарга урғу беради. Бу, судьянинг ноқонуний ҳаракати билан эмас, балки нотўғри хулқ-атвор ёки ваколатларни ноқонуний амалга ошириш натижасидаги ғайритабиий, алоҳида ёки оғир тусдаги зарар билан боғлиқ жавобгарлигига мувофиқдир. Бу ҳолат судьянинг суд мустақиллигига фуқаролик жавобгарлигининг таъсирига оид хавотирланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Хартияда, шунингдек, агар давлат томонидан кафолатли қопландиган зарар суд ваколатлари амалга оширилишини тартибга солувчи қоидалар қўпол ва кечириб бўлмас даражада бузилганлиги натижасида етказилган бўлса, статут давлатга статутда белгиланган лимит доирасида тўланадиган ва тўланган компенсацияни қоплаш мақсадида процессуал ҳаракатларни қўзғатиш имконини беради. Қўпол ва кечириб бўлмайдиган масъулиятсизлик мавжудлиги ҳамда қоплашни олиш учун процессуал ҳаракатларнинг юридик хусусияти ҳақидаги талаб мазкур чорани суистеъмол қилишнинг салмоқли кафолатлари сифатида намоён бўлади. Қўшимча кафолатлар ваколатли судга даъво киритилгунга қадар 1.3 бандда қайд этилган органнинг дастлабки розилигини олиш зарурати орқали берилади.

- 5.3. Бу борада Хартияда суд хатолари юзасидан жамоатчилик вакиллари шикоятлари ҳақидаги масала кўриб чиқилади.

Давлатларда шикоятларни бериш ва кўриб чиқишни ташкил этиш турли даражаларда бўлиб, ҳар доим ҳам ушбу даража юқори эмас.

Шу боис, Хартияда шахс учун ҳар бир муайян ҳолатда суд хатосига шикоятни мустақил органга алоҳида расмийликка риоя этиш талабларисиз мурожаат этиш имконияти кўзда тутилган. Мустақил орган томонидан тўлиқ ва пухта кўриб чиқилган ҳолатларда судья томонидан интизомий бузишларнинг ошқора белгилари аниқланса, унда мазкур орган ишни судьялар устидан юрисдикцияга эга бўлган интизомий инстанцияга ёки ҳеч бўлмаганда, миллий статут қоидаларига кўра, ҳокимият органига тақдим этиш ҳуқуқига эга. Айтиб ўтилган орган ҳам, инстанция ҳам дастлаб шикоят келиб тушган орган каби худди шундай ёндашувни юритишга мажбур эмас. Оқибатда суд тизимига ҳақиқатан тазйиқ ўтказмоқчи бўлган судланувчилар томонидан шикоятлар киритиш тартиби бузилганлигидан таъсирчан ҳимоя кафолатлари мавжуд бўлиб қолади.

Мустақил орган судьялар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини текшириш учун махсус таъсис этилиши шарт эмас. Одил судловни юритишда хатога йўл қўядиган шахслар фақат судьялар эмас. Шу боис, мазкур мустақил орган бу каби мурожаатни асосли, деб ҳисоблаган тақдирда, мурожаатларни интизомий инстанция ёки адвокатлар,

суддаги мансабдор шахслар, суд ижрочиларига қарши ишларни қўзғатишга масъул органга юборади.

Шунга қарамасдан, судьялар учун статутга оид Хартия фақат судьяларга тегишли ишларни йўналтириш масалаларини батафсил ёритади.

6. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот

Ушбу бўлимда баён этилган меъёрлар фақат профессионал судьяларга алоқадор.

- 6.1. Хартия судьянинг ўз лавозим вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш миқдори унинг мустақиллиги ва ҳолислигига путур етказадиган, қарор чиқаришига таъсир кўрсатиш мақсадидаги босимлардан ҳимояни таъминлайдиган даражада юқори бўлишини кўзда тутати.

Тўланаётган ҳақни қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият органларида юқори лавозимларни эгаллаётган шахсларга тўланадиган ҳақ даражасида белгилаш мувофиқ эмас, балки судьяни, авваламбор, тазйикдан ҳимоялаш даражасида бўлиши афзалроқ ҳисобланади, зеро, айтиб ўтилган шахсларнинг шароитини турли миллий тизимларда умуман бир-бирига таққослаб бўлмайди.

- 6.2. Судья меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бошқа судья билан меҳнат стажи, бажарилаётган вазифалар хусусияти ёки унга юклатилган вазифаларнинг долзарблиги, масалан, дам олиш кунлари навбатчиликда турганига қараб фарқланиши мумкин. Юқори ҳақ олишга лойиқ меҳнат вазифалари ошқора мезонлар асосида баҳоланиши керак, шунда бажарилган иш ҳажми ёки бунинг учун талаб этиладиган вақт билан боғлиқ бўлмаган фарқларнинг олди олинади.
- 6.3. Хартия ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, яъни судьянинг оддий ижтимоий таваккалчиликлар (қасаллик, оналик бўйича таътил, ногиронлик, кексалик, ўлим) бўйича харажатлари қопланишини кўзда тутати.
- 6.4. Хартияда ойдинлаштирилишича, ўз ваколатларини тугатиш учун қонун билан белгиланган ёшга етган судья кексалик бўйича пенсия олиши зарур, бунда пенсия миқдори суд функцияларини амалга оширишдаги сўнги иш ҳақи даражасига имкон қадар яқин бўлиши керак.

7. Ваколатларни тугатиш

- 7.1. Судья ваколатлари тугайдиган шароитларга нисбатан огоҳ бўлиш зарур. Ваколатларни тугатиш учун асосларнинг тўлиқ рўйхатини аниқлаб олиш муҳим. Бу, истеъфо, тасдиқланган тиббий экспертиза ҳулосаси бўйича судьялик лавозимига жисмоний жиҳатдан яроқлисизлик, муайян ёшга етганлик, лавозимда бўлишга оид қонуний муддат тугаши ёки интизомий жавобгарликка тортилиш ҳақидаги қарор асосида лавозимдан четлатилиш кабилар бўлиши мумкин.
- 7.2. Ваколатларни тугатиш учун муайян қийинчиликсиз белгиланиши мумкин бўлган, яъни белгиланган ёшга етиш ёки лавозимда бўлишнинг белгиланган муддати тугашига оид асослардан ташқари сабаблар

1.3 бандда қайд этилган орган томонидан тасдиқланиши керак. Айнан мазкур орган томонидан, унинг таклифи, тавсияси ёки розилиги билан қабул қилинган қарор асосида лавозимдан четлатиш натижасида ваколатларни тугатиш шarti осон амалга оширилиши мумкин.

В. Шартномавий меъёрлар

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси

(1950 йил 4 сентябрда Римда қабул қилинган)

6-модда

1. Ҳар ким унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борасида ни-зо юзага келган шароитда ёки унга ҳар қандай жиноий айблов қўй-илганда, ишнинг қонун асосида тузилган мустақил ва холисона суд томонидан мақбул муддатларда адолатли ва ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

С. Бошқа стандартлар

Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид бошқарув тамойиллари

(2002 йил 15 июлда қабул қилинган)

IX. Судда ишларни кўриш

1. Террористик ҳаракатларда айбланаётган шахс қонун асосида тузилган мустақил ва холисона суд томонидан унинг иши мақбул муддатда адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

4. Америкааро тизим

А. Шартномавий меъёрлар

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси

(Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро ихтисослаштирилган конференцияда қабул қилинган, Сан-Хосе, Коста-Рика, 1969 йил 22 ноябрь)

8-модда. Судда иш адолатли кўриб чиқилишига оид ҳуқуқ

1. Ҳар бир одам унинг иши илгари қонун асосида ташкил топган ма-лакали, мустақил ва холисона суд томонидан зарур кафолатлар ва мақбул муддатда кўриб чиқилишига оид ҳуқуққа эга, бунда унга қар-ши қўйилган жиноий тусдаги ҳар қандай айбловлар кўриб чиқилиши ёки унинг фуқаролик, меҳнат, солиқ ёки бошқа турдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланиши керак.

В. Декларатив меъёрлар

Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка декларацияси

*(Тўққизинчи Америка давлатлари халқаро конференциясида маъқулланган,
Богота, Колумбия, 1948 йил)*

XXVI-модда

Ҳар бир айбланувчи айби исботланмагунча айбсиз ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбланаётган ҳар бир айбланувчи унинг иши холисона ва ошқора тингланишига ҳамда мавжуд қонунлар асосида ташкил топган суд томонидан иш кўриб чиқилишига ва унга нисбатан шафқатсиз, қадр-қимматини поймол қилувчи ёки ғайритабiiй жазо қўлланилмаслигига оид ҳуқуққа эга.

Америкааро демократик хартия

(Америка Давлатлари Ташкилоти Бош ассамблеяси махсус сессиясида қабул қилинган, Лима, Перу, 2001 йил 11 сентябрь)

3-модда

Вакиллик демократиянинг энг муҳим элементлари — булардан ташқари, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этиш [...], ҳокимият бўлиниши ва ҳокимият бўғинлари мустақиллигидан иборат.

4-модда

[...]

Барча давлат муассасаларининг қонуний ўрнатилган фуқаролик ҳокимиятига конституциявий бўйсунуши ҳамда барча муассасалар ва жамият қатламлари томонидан ҳуқуқ устуворлиги тамойилига риоя этилиши демократия учун бирдек долзарбдир.

5. Африка тизими

А. Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллигига доир ихтисослаштирилган стандартлар

Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалар бўйича тамойиллар ва бошқарув тамойиллар

(Африка уюшмаси давлатлари раҳбарлари 2-саммити ва учрашувида Африка комиссияси фаолияти тўғрисида ҳисоботнинг бир қисми сифатида қабул қилинган, Мапуту, 2003 йил 4–12 июль)

А. Барча суд иш юритуви кўринишларида қўлланиладиган умумий тамойиллар

Ишни адолатли ва ошқора кўриб чиқиш

Бирон бир шахсга нисбатан ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ёки унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ҳар ким иши қонуний, малакали, мустақил ва холисона суд органи томонидан адолатли ва ошқора кўриб чиқилишига оид ҳуқуққа эга бўлиши керак.

4. Мустақил суд

- (а) Суд органлари ва суддаги мансабдор шахслар мустақиллиги мамлакат конституцияси ва қонунлари билан кафолатланиши ҳамда ҳуқумат, унинг муассасалари ва бошқарув органлари томонидан риоя этилиши керак;
- (б) Суд органлари қонунга кўра шундай ташкил этилиши керакки, уларнинг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш бўйича суд функциялари ҳуқуқ устуворлиги тамойили асосида ва белгиланган тартиб-тамомойилга мувофиқ тарзда амалга оширилиши керак;
- (с) Суд ҳокимияти барча судга оид масалалар бўйича ваколатларга ва кўриб чиқишга киритилган масала қонун билан белгиланганидек, суд органи ваколатига тааллуқлилигини ҳал этишда мутлақ ваколатларга эга бўлиши керак;
- (д) Бошқалардан ташқари, суд органи ваколати низо ёки ҳуқуқбузарликка алоқадор воқеалар қаерда юз бергани, низоли мулк қаерда жойлашгани, томонлар яшаш жойи ёки юридик манзили ҳамда томонлар розилигини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин;
- (е) Талаб даражасида белгиланган юридик тартиботларни қўлламайдиган ҳарбий ёки бошқа ихтисослаштирилган трибуналлар оддий судлар ёки суд органлари ваколатларини ўзгартириш мақсадида тузилиши мумкин эмас;

- (f) суд жараёнига номақбул ёки асоссиз аралашувларга йўл қўйилмайди, суд органлари қарорлари эса судда қайта кўриб чиқиш ёки қонунга мувофиқ ваколатли органлар томонидан жазони юмшатиш ёки унинг муддатини қисқартириш йўли билан кўрилишидан бошқа тарзда қайта кўриб чиқилмайди;
- (g) барча суд органлари ижро ҳокимиятидан мустақил бўлиши керак;
- (h) суд органларига тайинлаш жараёни ошқора ва ҳисоб бериш шарти билан амалга оширилиши лозим; бунинг учун мустақил орган тузилиши маъқулланади. Суд органларига ҳар қандай танлов усули суд тизими мустақиллиги ва ҳолислигини кафолатлаши керак.
- (i) суд лавозимига тайинлашда номзоднинг ушбу лавозимга лойиқлиги юксак маънавий-ахлоқий жиҳатлари, тегишли тайёргарлик ёки маълумоти ва қобилияти ягона мезон, ҳисобланади.
- (j) Тегишли мезонларга мос бўлган ҳар қандай одамнинг номзоди судья лавозимига тайинлаш учун бирон бир жиҳат, яъни ирқи, миллати, этник келиб чиқиши, тили, жинси, гендер тааллуқлилиги, сиёсий ва бошқа қарашлари, дини, эътиқоди, ногиронлиги, миллий ёки ижтимоий ҳолати, туғилиши, иқтисодий ёки бошқа мавқеи бўйича камситилмаган ҳолда кўриб чиқилиши керак. Аммо давлат томонидан кўрилган қўйидаги чоралар камситиш ҳисобланмайди:
1. Судьялик лавозимига номзодлар учун энг кам ёш чегараси ёки иш тажрибаси белгиланиши;
 2. Судьялик лавозимидаги шахслар учун энг юқори ёки пенсия ёши чегараси ёхуд хизмат вазифалари ижроси давомийлиги белгиланиши;
 3. Судьялар, магистрантлар ёки суд тизимидаги бошқа мансабдор шахслар эгаллаётган даражасига қараб, энг юқори ёки пенсия ёши ёхуд хизмат вазифалари ижроси давомийлиги эҳтимолий ўзгаришини белгилаши;
 4. Фақат кўриб чиқилаётган давлат фуқаролари суд лавозимига тайинланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги талаби.
- (k) Судья лавозимига тегишли тайёргарлиги ёки ўз вазифаларини талаб даражасида бажариш учун имкон берувчи маълумотга эга бўлмаган номзод тайинланиши мумкин эмас.
- (l) Судьялар ёки суд органлари аъзолари учун лавозимда бўлиш муддатлари улар мажбурий пенсияга кетиш ёшига етгунча ёки улар ваколатлари муддати тугагунча кафолатланган бўлиши керак.
- (m) Лавозимда бўлиш муддати, муносиб ҳақ тўлаш, пенсия миқдори, турар-жой ва транспорт билан таъминлаш, жисмоний ва ижтимоий хавфсизлик шароитлари, пенсия ёши, маъмурий механизмлар, қарорни қайта кўриб чиқиш механизмлари ва суд мансабдор шахсларининг бошқа хизмат шароитлари қонун билан белгиланиши ва кафолатланиши зарур.

(п) Суд мансабдор шахслари:

1. Ўз суд вазифаларини бажаришда талаб даражасида бўлмаган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун фуқаролик ёки жиноий тартибда жавобгар бўлмайди;
2. Улар чиқарган қарор апелляция тартибида ёки юқори суд инстанцияси қайта кўриб чиқиши натижасида бекор қилинганлиги тўғрисида лавозимдан олиниши ёки унга нисбатан бошқа интизомий ёхуд маъмурий чоралар қўлланилиши мумкин эмас.
3. Муддатли меҳнат шартномаси асосида лавозимга тайинланмайди.

(о) Судьяларнинг лавозимда кўтарилиши объектив омилларга, жумладан, уларнинг қобилиятлари, маънавий жиҳатлари ва тажрибасига асосланиши керак.

(р) Суд мансабдор шахслари суд лавозимига мутлақ қарама-қарши қўпол бузилишларга йўл қўйганда ёки уларга суд вазифаларини бажариш имконини бермайдиган жисмоний ёхуд ақлий лаёқатсизлиги тўғрисида лавозимдан олиниши ёки четлатилиши мумкин.

(қ) Интизомий тусдаги тартиблар қўлланилаётган, лавозимдан четлатилаётган ёки олинаётган суд мансабдор шахсларига адолатли судда иш кўрилиши кафолатлари, шу жумладан, улар танловига кўра, қонуний вакил сифатида намоён бўлиш ҳамда интизомий тартиблар, лавозимдан четлатилиш ёки олиниш натижасида қабул қилинган қарорларни мустақил қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи тақдим этилиши лозим.

(ғ) Суд мансабдор шахсларига нисбатан шикоят киритиш ва чора кўриш тартиблари қонун билан белгиланиши керак. Суд мансабдор шахсларига нисбатан шикоятлар тезкор, зудлик билан ва адолатли равишда кўриб чиқилиши даркор.

(с) Суд мансабдор шахслари ўз фикрини эркин ифода этиш, эътиқод, уюшмалар ва йиғилишлар эркинлигидан фойдаланиши лозим. Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланаркан, улар ўзларини қонунга ва эътироф этилган андозаларга ва касбий ахлоққа мувофиқ тутишлари зарур.

(т) Суд мансабдор шахслари улар манфаатларини ифода этувчи касбий уюшмалар ёки бошқа ташкилотларга бирлашиш ҳамда ўз касбий маънавиятини ошириш ва мавқеини ҳимоя қилиш мақсадида уларга аъзо бўлиш имконига эга.

(и) Давлатлар суд мансабдор шахслари иш самарадорлиги ва жамоатчиликнинг суд органлари томонидан одил судловни амалга ошириш жараёنларига нисбатан муносабати устидан кузатиш учун мустақил ёки маъмурий механизмларни белгилаши мумкин. Суд ҳокимияти вакиллари ва Адлия вазирлиги вакилларининг тенг сонидан иборатлиги зарур бўлган бу каби механизмлар суд органлари томонидан уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан шикоятларни қабул қилиш ва ишлов бериш жараёнларини қамраб олиши мумкин.

(в) Давлатлар суд органларига ўз вазифаларини бажариши учун етарлича ресурсларни ажратиши керак. Суд органлари билан бюджетни

ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича консултациялар ўтказиш зарур.

3. Холисона суд

- (a) Суд органи ўз қарорларини тақдим этилган фақат объектив гувоҳлик кўрсатмалари, ашёвий далиллар, фактларга асослантириши керак. Суд мансабдор шахслари кўриб чиқиладиган масалаларни ҳеч бир чекловларсиз, муайян таъсирсиз, мақсад, тазйик, хавф ёки қайсидир тарафдан ёки қандайдир сабаблар билан бевосита ёхуд билвосита аралашувсиз ҳал этиши керак.
- (b) Суд органи томонидан амалга ошириладиган суд иши юритувида қатнашаётган барча томонлар унинг холислиги, судья ёки суд органининг адолатлилиги шубҳа остига олиниши юзасидан далолат берувчи ҳолатлар бўйича исботли далиллар асосида баҳслашиш имконига эга бўлиши зарур.
- (c) Суд органи холислиги ҳақидаги масала учта тегишли омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши мумкин:
1. Суд органининг мансабдор шахси мавқеини унга жараёнда етакчилик ролини ўйнаш имконини беради;
 2. Суд органининг мансабдор шахси қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фикрни билдирди;
 3. Суд органининг мансабдор шахси илгари эгаллаган лавозимида ўзи томонидан содир этилган ҳаракатларга нисбатан қарор чиқаришга мажбур.
- (d) Агар:
1. Собиқ жамоат айбловчиси ёки юридик вакил суд органининг мансабдор шахси сифатида суд йиғилишида томонлардан бирини айблаган ёки унинг номидан қатнашган иш бўйича иштирок этса;
 2. Суд органининг мансабдор шахси ишни тергов қилишда яширин қатнашса;
 3. Суд органи мансабдор шахсининг иш билан ёки ишда иштирок этувчи томонларнинг бири билан муайян алоқаси бўлса;
 3. Суд органининг мансабдор шахси ўзи қарор чиқарган ёки қуйи инстанция суд органида қатнашган иш бўйича апелляция суди аъзоси сифатида суд йиғилишида қатнашса, суд органи холислигига путур етказилади.
- Айтиб ўтилган ҳар қандай вазиятларда суд органининг мансабдор шахси ишда иштирок этишдан четланиши шарт.
- (e) Суд органининг мансабдор шахси қарорни чиқаришдан аввал юқори турувчи орган билан унинг қабул қиладиган қарорга нисбатан қўллаб-қувватлашига ишонч ҳосил қилиш учун маслаҳатлашиши шарт эмас.

В. Судьяларни тайёрлаш

- (a) Давлатлар суд органи мансабдор шахсларининг тегишли маълумот ва тайёргарликка эга бўлиши ва уларнинг унвони билан боғлиқ тимсоллар ва ахлоқий мажбуриятлар, айбланувчи, жабрланувчи ва бошқа шахслар ҳуқуқларини конституциявий ва қонунчилик ҳимояси ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билишлари учун чоралар кўриши керак.
- (b) Давлатлар суд мансабдор шахсларини ўқитиш ва тайёрлаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни (агар бундайлар мавжуд бўлмаса) ташкил этиши ҳамда минтақа мамлакатлари ва бутун Африка қитъасида шу каби муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириши зарур.
- (c) Давлатлар суд мансабдор шахсларининг бутун иш фаолияти (карьераси) давомида тайёргарликдан ўтиши ва таълим олиши, шу жумладан, агар бу мақсадга мувофиқ бўлса, ирқий, маданий ва гендер соҳасида таълим олишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши зарур.

[...]

Ғ. Прокурорлар роли

- (a) Давлатлар қуйидагиларга йўналтирилган чораларни кўриши лозим:
 - 1. Прокурорлар тегишли маълумот ва тайёргарликка эга бўлиши ва уларнинг унвони билан боғлиқ тимсоллар ва ахлоқий мажбуриятлар, айбланувчи, жабрланувчи ва бошқа шахслар ҳуқуқларини конституциявий ва қонунчилик ҳимояси ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқда, шу жумладан, Хартияда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билишлари керак.
 - 2. Прокурорлар ўз касбий вазифаларини қўритувсиз, тўғаноқсиз, таъқибсиз, ноўрин аралашувсиз ёки асоссиз равишда фуқаролик, жиноий ёки бошқа жавобгарликка тортилмасдан бажариш имконига эга бўлиши даркор.
- (b) Прокурорларнинг талаб даражасидаги хизмат шароитлари, тегишли рағбат ва тегишли ҳолатларда хизмат муддати, турар-жой, транспорт, жисмоний ва ижтимоий хавфсизлик шароитлари, пенсия ва пенсия ёши ҳамда бошқа хизмат шартлари қонунда ёки эълон қилинган қоидалар ёки қарорларда мустаҳкамланиши зарур.
- (c) Прокурорларнинг бундай тизим мавжуд бўлган жойдаги хизмат поғонасидан кўтарилиши объектив омилларга, шу жумладан, касбий малака, қобилиятлари, ҳалоллиги ва тажрибасига асосланиши, унинг кўтарилиши тўғрисидаги қарор эса адолатли ва холисона тартибга мувофиқ қабул қилиниши керак.
- (d) Прокурорлар бошқа фуқаролар каби эркин фикр билдириш, этиқод, уюшма ва йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши керак. Мазкур ҳуқуқларни амалга ошираркан, прокурорлар ҳар доим ўзларини қонунга ва эътироф этилган андозаларга ва ўз касби этикасига мос равишда тутишлари лозим.

- (e) Прокурорлар ўз манфаатларини ифода этиш, касбий тайёргарлигини амалга ошириш ва ўз мавқеини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалар ёки бошқа ташкилотларни тузиш ҳамда уларга аъзо бўлиш имконига эга бўлиши керак.
- (f) Прокурор функциялари судья функцияларидан қатъий ажратилиши шарт.
- (g) Прокурорлар жиноий жараёнда, шу жумладан, жиноий таъқибни қўзғатиш ҳамда қонун билан белгиланган ва маҳаллий амалиётда қўлланилаётган жойда жиноятни тергов қилиш, бундай терговлар қонунийлиги, суд органлари қарорлари ижроси устидан назорат қилиш ва жамоатчилик манфаатлари вакиллари сифатида бошқа функцияларни амалга оширишда фаол роль ўйнаши керак.
- (h) Прокурорлар ўз вазифаларини адолатли, изчил, тезкор ва қонунга мувофиқ бажаришлари ҳамда инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишлари ва ҳимоялашлари ҳамда унинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашлари, бу билан талаб даражасидаги жараённи ва жиноий одил судлов тизими ҳолисона фаолият юритишини таъминлашга ҳисса қўшишлари лозим.
- (i) Ўз вазифаларини бажараётганда прокурорлар қуйидагиларни амалга ошириши зарур:
 - 1. Ўз вазифаларини ҳолислик билан ижро этиши ва ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, ирқий, этник, диний, маданий, жинси, гендер жиҳатдан ёки бирон-бир бошқа камситишдан қочиши;
 - 2. Жамоат манфаатларини ҳимоя қилиши, ҳолисона ҳаракат қилиши, гумон қилинаётган ва жабрланувчи ҳолатини тўғри баҳолаши ҳамда барча тегишли вазиятларга улар гумон қилинаётган шахсга мақбул бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар эътибор қаратиши;
 - 3. Улар тасарруфида бўлган маълумотлар махфийлигини, агар бурчини бажариш ёки одил судлов эҳтиёжи бошқасини талаб қилмаса, таъминлаши;
 - 4. Жабрланганлар қарашлари ва манфаатларини, агар шахсий манфаатларга тегишли бўлса, эътиборга олиши ҳамда жабрланганлар ўз ҳуқуқлари тўғрисида уларга нисбатан қуйида баён этилган меъёрларга мувофиқ хабардор бўлиши учун чоралар кўриши даркор.
- (j) Прокурорлар агар ҳолисона тергов айблов асосизлигини кўрсатса, таъқибни бошлаши ёки давом эттириши эмас, балки иш юритувини тўхтатиш учун барча чораларни кўришлари лозим.
- (k) Прокурорлар давлат мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятлар, жумладан, коррупция, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган, қонун билан белгиланган ёки маҳаллий амалиётга қабул қилинган бошқа жиноятлар учун таъқибга ҳамда бундай жиноятларни тергов қилишга талаб даражасида эътибор қаратиши зарур.

- (l) Агар прокурорлар гумон қилинувчилардан, улар билишича ёки асосли равишда ўйлашича, ноқонуний усулларни, хусусан, гумон қилинувчи-га нисбатан инсон ҳуқуқлари қўпол бузилиши, айниқса, агар улар қийноқ ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки унинг қадр-қимматини поймол қилувчи муносабат ёки жазо ёхуд бошқа инсон ҳуқуқларини бузишларни қўллаш орқали олинган айбдорликка оид далилларга эга бўлган тақдирда, улар бирон-бир одамга нисбатан, ушбу усулларни қўллаган шахслардан ташқари, бу далилларни қўллашдан воз кечиши керак, ёхуд суд органини тегишли равишда хабардор қилиши ҳамда бундай усулларни қўллаган айбдорларни жавобгарликка тортишни таъминлаш учун зарур қадамларни қўйиши керак.
- (m) Айблов адолатлилиги ва самарадорлигини таъминлаш учун прокурорлар полиция, суд органлари, адвокатлар, дипломи бўлмаган юристлар, нодавлат ташкилотлари ва бошқа ҳуқумат органлари ёки муассасалари билан ҳамкорлик қилишга интилиши лозим.
- (n) Прокурорларнинг интизомий ҳуқуқбузарликларда айбланиши қонунга ва қонуний қарорларга асосланиши зарур. Хатти-ҳаракатлари касбий андозаларга номуносиб бўлган прокурорларга нисбатан шикоятлар тезкорлик ва холислик билан қонунда белгиланган муайян тартибларга мувофиқ кўриб чиқилиши керак. Прокурорлар судда иш адолатли кўриб чиқилиши, шу жумладан, ўз танловига кўра юридик вакил ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қарорлар мустақил тарзда қайта кўриб чиқилиши лозим.
- (o) Прокурорларга нисбатан интизомий иш юритуви холисона баҳо ва қарорни кафолатлаши керак. Бундай қарор қонун, касбий ҳуқ-атвор кодекси ва бошқа белгиланган андозалар ва этика меъёрларига мувофиқ қабул қилиниши зарур.

[...]

I. Адвокатлар мустақиллиги

- (a) Давлат, адвокатлар касбий уюшмалари ва ўқув муассасалари уларда тегишли маълумот ва тайёргарлик ҳамда адвокат тимсоллари ва этика мажбуриятлари, миллий ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳақида хабардор бўлишига қаратилган чораларни кўриши лозим.
- (b) Давлат адвокатлар қуйидагиларни амалга оширишларига қаратилган чораларни кўриши керак:
 1. Ўзларининг барча касбий функцияларини таҳдидларсиз, тўсиқларсиз, таъқибларсиз ёки ноўрин аралашувсиз бажара олиши;
 2. Ўз мамлакатида ҳам, хорижда ҳам ҳаракатланиш ва ўз мижозларига эркин маслаҳат бера олиш;
 3. Таъқиб этилмаслик ёки маъмурий, иқтисодий ёки бошқа санкциялари қўлланмаслиги ҳамда эътироф қилинган касбий мажбуриятлар, андозалар ва этикага мувофиқ кўрилган ҳар қандай ҳаракатларга учун таҳдидларга дучор бўлмаслик.

- (с) Давлатлар адвокатлар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги касбий ўзаро муносабатлар доирасидаги барча мулоқотлар ва консултациялар махфийлигини эътироф этиши ва ҳурмат қилишлари керак.
- (д) Ваколатли органларнинг бурчи ўз тасарруфида ёки назорати остида бўлган тегишли маълумотлар, архивлар ва ҳужжатлардан адвокатлар мижозларига таъсирчан ҳуқуқий ҳимояни тақдим эта олиши учун етарли муддатларда фойдалана олишини таъминлашдан иборат. Бундай имконият иложи борича эртaroқ тақдим этилиши керак.
- (е) Адвокатлар судда ўз касбий вазифаларини бажариш мобайнида виждонан қилинган ёзма тақдимномалар кўринишидаги аризалар ёки судда, трибуналда ёки бошқа юридик ёхуд маъмурий органдаги оғзаки чиқишларга нисбатан фуқаролик ва жиноий иммунитетдан фойдаланиши керак.
- (ф) Агар ўз вазифаларини бажариши оқибатида адвокатларнинг хавфсизлиги таҳдид остида бўлса, улар ҳокимият органлари томонидан талаб даражасида ҳимояланиши зарур.
- (г) Ўз вазифаларини бажариши оқибатида адвокатлар ўз мижозларига ёки мижозларининг манфаатларига тенглаштирилиши мумкин эмас.
- (һ) Адвокатлар суд жараёнининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида ҳар доим ўз касби қадр-қиммати ва нуфузини сақлашлари лозим.
- (и) Адвокатлар ўз мижозлари ҳуқуқларини ҳимоя қиларкан, адолатлиликни илгари суриб, миллий ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилинишига эришишлари ҳамда ҳар доим эркин ва тинимсиз, қонун, тан олинган андозалар ва адвокат касби этикасига мувофиқ иш юритишлари зарур.
- (й) Адвокатлар ҳар доим ўз мижозлари манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим.
- (к) Адвокатлар бошқа фуқаролар каби ўз фикри, қарашларини эркин ифода этиш, уюшма ва йиғилиш ҳуқуқига эга. Жумладан, улар ҳуқуқ, одил судловни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамоатчилик муҳокама-сида иштирок этиш, маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларга қўшилиш ҳамда бу кабиларни тузиш ва йиғилишларига бориш ҳуқуқига эга бўлиши керак, бунда ўз қонуний ҳаракатлари ёки қонуний ташкилотга аъзолиги сабабли касбий ноқулайсизликлар сезмаслиги лозим. Адвокатлар мазкур ҳуқуқлардан фойдаланаркан, ўзларини қонунга ва эътироф этилган андозаларга ва адвокат касб этикасига мувофиқ тутишлари керак.
- (л) Адвокатларга ўз манфаатларини ифода этиш, доимий таълим олиш ва тайёргарлигини амалга ошириш ҳамда касбий ахлоқий сифатларини ҳимоя қилиш учун ўзини ўзи бошқарадиган касбий уюшмаларга қўшилиш ва шу кабиларни ташкил этиш ҳуқуқи тақдим этилиши зарур. Касбий уюшма ижроия органи унинг аъзолари томонидан сайланиши ва ўз вазифаларини ташқаридан аралашувларсиз амалга ошириши зарур.

- (m) Адвокатларнинг касбий хулқ-атвори кодекслари ушбу соҳа вакиллари томонидан тегишли касбий органлар ёки қонунчилик асосида миллий ҳуқуқ ва ўрнатилган тартибга ҳамда эътироф этилган халқаро андозалар ва меъёрларга мувофиқ белгиланиши керак.
- (n) Адвокатларга уларнинг касбий фаолияти муносабати билан қарши қўйилаётган айбловлар ёки шикоятлар белгиланган тартибда тезкор ва адолатли кўриб чиқиши керак. Адвокатлар судда иш адолатли кўрилишига оид, шу жумладан, ўзлари танлаган вакилнинг ёрдамига оид ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим.
- (o) Адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви адвокатлар, мустақил қонун асосида белгиланган бошқарув органи ёки ҳатто суд органи томонидан тузилган ҳолисона интизомий қўмита томонидан амалга оширилиши ҳамда мустақил суд томонидан қайта кўриб чиқиши зарур.
- (p) Барча интизомий жараёнлар касбий хулқ-атвор этикаси, бошқа адвокатлик касбига доир эътироф этилган андозалар ва этика меъёрларига ва халқаро андозаларга мувофиқ амалга оширилиши даркор.

[...]

L. Оддий шахсларнинг ҳарбий судлар томонидан судланмаслик ҳуқуқи

- (a) Ҳарбий судларнинг ягона мақсади, фақат ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳарбий хусусиятдаги жиноятларни кўриб чиқиш бўлиши керак.
- (b) Ҳарбий трибуналлар мазкур вазифани бажараркан, судда ишни адолатли кўриб чиқиш бўйича Африка хартияси ва ушбу амалий меъёрларда баён этилган андозаларга риоя этишлари керак.
- (c) Ҳарбий судларнинг юрисдикцияси ҳеч қандай вазиятларда оддий шахсларга қўлланилиши мумкин эмас. Шу каби, махсус трибуналлар оддий судлар юрисдикциясига кирувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича иш-ни судда кўрмасликлари лозим.

[...]

Q. Аъъанавий судлар

[...]

- (c) Аъъанавий судларнинг мустақиллиги мамлакат қонунлари билан кафолатланиши ва ҳукумат, унинг тузилмалари ва бошқарув органлари томонидан ҳурмат қилиниши керак:
 1. Улар ижро ҳокимиятидан мустақил бўлиши;
 2. Аъъанавий судларда ўтаётган иш юритувига бирон бир ноўрин ёки асоссиз аралашувга йўл қўйилмайди.
- (d) Давлатлар аъъанавий судлар ҳолислигини таъминлаши зарур. Жумладан, аъъанавий судлар аъзолари улар кўриб чиқиши учун киритилган

масалаларни ҳеч бир чекловларсиз, номақбул таъсир, мажбурлаш, тазйиқ, таҳдид ёки бирон бир тарафдан бевосита ва билвосита ара-лашувсиз ҳал этиши керак.

1. Агар анъанавий суднинг аъзоларидан бирортаси:
 - 1.1. қарор қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган фикр билдирса;
 - 1.2. ишга ёки иш бўйича томонларнинг бирига нисбатан муайян алоқа ёки муайян муносабатга эга бўлса;
 - 1.3. иш якунига алоқадор моддий ёки бошқа манфаатдорлиги бўлса, анъанавий суднинг холислигига путур етказилади.
 2. Анъанавий судда иш юритувининг ҳар қайси томони унинг аъзоларидан бири ёки умуман анъанавий суд адолатлилиқка шубҳа уйғотаётганидан далолат берувчи исботли фактлар асосида унинг холислиги бўйича баҳслашиш имконига эга бўлиши керак.
- (е) Анъанавий судлар аъзоларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш ва чора қўллаш жараёни қонун билан белгиланган бўлиши керак. Анъанавий судлар аъзоларига нисбатан шикоятлар тезкорлик ва зудлик билан кўриб чиқилиши зарур. Бунда барча адолатли суд иш юритуви кафолатлари, шу жумладан, ўз танловига кўра юридик вакил ёрдамида тақдим этилиш ҳуқуқи ва интизомий иш юритуви, лавозимдан четлатилиш ёки бўшатилиш билан боғлиқ иш юритуви натижасида қабул қилинган қарорлар мустақил қайта кўриб чиқилишига оид ҳуқуқи таъминланиши керак.

В. Шартномавий меъёрлар

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси

(1981 йил 27 июнда қабул қилинган, 1986 йил 21 октябрдан кучга кирган)

26-модда

Ушбу Хартияда иштирок этувчи давлатлар судлар мустақиллигини кафолатлаши шарт ҳамда мазкур Хартия билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларни ривожлантириш ва ҳимоя қилишга қаратилган тегишли миллий институтларни таъсис этиш ва уларни такомиллаштиришга рухсат беради.

Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисида Африка хартияси

(1999 йил 29 ноябрда кучга кирган)

17-модда: Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш

[...]

2. Ушбу Хартияда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни бажаришлари шарт, жумладан:

[...]

- (с) жиноий ҳуқуқни бузганликда айбланаётган ҳар бир вояга етмаган шахсга нисбатан:

[...]

- (iv) иш бўйича қарор ҳолисона суд томонидан имкон қадар тез чиқарилиши, айблов ҳукми чиқарилаётганда эса — юқори судга шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилишига оид чоралар кўрилиши керак.

6. Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлари хартияси

(Европа парламенти, Европа Кенгаши ва Европа Кенгаши ҳузуридаги Комиссия президентлари томонидан 2000 йил 7 декабрда имзоланган ва эълон қилинган)

VI боб. Одил судлов

47-модда: Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси ва холисона суддан фойдаланиш ҳуқуқи

[...]

Ҳар ким унинг иши қонун асосида ташкил этилган мустақил ва холисона суд томонидан адолатли, ошкора, мақбул муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Ҳар ким адвокат, ҳимоячи хизматларидан фойдаланиши ва ўз вакилига эга бўлиши мумкин.

7. Осиё-Тинч океани минтақаси

LAWASIA минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти

(LAWASIA минтақаси олий судлари раислари ва Осиё-Тинч океани минтақаси бошқа судьялари томонидан 1995 йилда Пекинда ҳамда LAWASIA Кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган).

Суд ҳокимияти мустақиллиги

1. Суд ҳокимияти ҳар бир жамият учун энг юксак қадриятга эга институтдир.
2. Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси (10-модда) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (14-модда, 1-банд)да қайд этилганидек, ҳар ким унинг иши қонун асосида ташкил этилган малакали, ваколатли, мустақил ва холисона суд томонидан адолатга риоя этилган ҳолда ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.
Мустақил суд ҳокимияти ушбу ҳуқуқ амалга оширилиши жараёнининг ажралмас қисмидир.
3. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қуйидагиларни талаб этади:
 - (а) фактларни холисона баҳолаган ҳолда ўз олдида турган масалаларни ҳал этиш, ва қаердан келиб чиқишидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита номақбул таъсирсиз қонунларни тушуниш; ва
 - (б) суд ҳокимияти судда кўриб чиқилиши лозим бўлган барча масалалар бўйича бевосита ёки назорат воситасида ваколатга эга бўлиши зарур.
4. Суд ҳокимияти мустақиллигини сақлаш ушбу мақсадларга эришиш ва у томонидан ҳуқуқ устуворлиги тамойилига риоя этилаётган эркин жамиятда ўз вазифаларини талаб даражасида ижро этиш учун ниҳоятда муҳимдир. Бундай мустақиллик давлат томонидан кафолатланган ҳамда Конституция ёки қонунда мустаҳкамланган бўлиши катта аҳамиятга эга.
5. Суд ҳокимиятининг бурчи бошқа давлат институтларининг тегишли мақсадлари ва вазифаларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат. Ушбу институтларнинг бурчи эса суд ҳокимиятининг тегишли мақсадлари ва вазифаларини ҳурмат қилиш ва уларга итоат қилишдир.
6. Қарорлар қабул қилиш жараёнида суд ҳокимиятининг ҳеч бир иерархик ташкилоти ва унвон ёки даражадаги бирон бир фарқи яқка тартибда қатнашаётган судья ёки коллегиял тарзда иштирок этаётган судьяларнинг 3 (а) моддага кўра ҳукм чиқаришга доир вазифаларига таъсир қилмаслиги керак. Ўз навбатида суд органлари яқка тартибда ва жамоавий тарзда Конституция ва қонунларга мувофиқ ўз вазифаларини бажаришлари зарур.

7. Ўзининг бутун фаолияти давомида судьялар суд тизими ҳалоллиги ва мустақиллигини сақлаши ва ҳуқуқбузарликлар ёки у каби ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.
8. Судьяларнинг суд ҳокимияти вакиллари сифатидаги вазифаларига зид бўлмаса, уларга ҳам бошқа фуқаролар қатори ўз фикри ва эътиқодини эркин ифода этиш ҳуқуқи ҳамда уюшма ва йиғилишларга доир ҳуқуқлар берилади.
9. Судьялар ҳар қандай қўлланилиши мумкин бўлган қонунчиликка мувофиқ, судьялар уюшмасига бирлашиш ва ўз манфаатларини илгари суриш ва ўз касбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларга аъзо бўлиш ҳамда вазият шуни талаб қилса, ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар қандай бу каби ҳаракатларни амалга ошириш имконига эга бўлиши зарур.

Суд ҳокимияти мақсади

10. Суд ҳокимияти мақсад ва вазифалари таркибига қўйидагилар киради:
 - (а) барча шахслар ҳуқуқ устуворлиги тамойилига кўра хавфсизликда яшаш имконига эга бўлиш учун чоралар кўриши;
 - (б) суд ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва таъминланишига кўмаклашиш; ва
 - (с) муайян шахслар, шунингдек, муайян шахслар ва давлат ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда ҳолисона одил судловни амалга ошириш.

Судьяларни тайинлаш

11. Суд ҳокимиятида ўз мақсадларига эришиши ва ўз вазифаларини бажариши учун имконият бўлиши учун судьялар исботланган малакалилик, ҳалоллик ва мустақиллик асосида сайланиши муҳим аҳамиятга эга.
12. Судьяларни тайинлаш тартиби суд лавозимига юқори малакали шахслар тайинланишини таъминлаши зарур. У фақат малакали, ҳалол ва мустақил шахслар тайинланиши учун эътиборга олинishi зарур бўлган номақбул таъсирдан ҳимояни тақдим этиши лозим.
13. Судьяларни танлашда ирқи, миллати, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, оилавий ҳолати, жинсий мойиллиги, мулкый аҳволи, туғилиши ёки мавқеи бўйича камситишга йўл қўйилмайди, аммо суд лавозимига номзод мазкур мамлакат фуқароси бўлиши талаби камситиш ҳисобланмайди.
14. Профессional юридик ҳамжамият тузилмаси ва юристлар қаторидан танланадиган судьялар манбалари турли жамиятларда турлича бўлади. Айрим жамиятларда судьялик—бу, алоҳида касб; бошқаларида—судьялар амалиётчи ҳуқуқшунослар орасидан сайланади. Шунинг учун турли жамиятларда судьяларни талаб даражасида тайинлашни таъминлаш учун турли тартиблар ва ҳимоя воситалари қўлланилиши мумкин.

15. Айрим жамиятларда судьяларни суд хизмати комиссияси томонидан ёки унинг рухсати ёхуд у билан маслаҳатлашувдан сўнг тайинлаш қафолати сифатида қабул қилинади. Суд хизмати комиссияси таъсис этилган жойда у ўз таркибида олий суд ҳокимияти ва мустақил адвокатура вакилларини қамраб олиши зарур, шунда суд ваколатлиги, ҳалоллиги ва мустақиллиги сақланиши таъминланади.
16. Суд хизмати комиссияси мавжуд бўлмаган ҳолларда судьяларни тайинлаш тартиблари аниқ белгиланиши ва расмийлаштирилиши лозим, улар ҳақидаги маълумотлар эса жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.
17. Судьяларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилиши малакалилик, ҳалоллик, мустақиллик ва тажриба каби омилларни объектив баҳолашга асосланиши зарур.

Лавозимда бўлиш муддатлари

18. Судьяларнинг лавозимда бўлиш муддатлари қафолатланиши зарур.
19. Айрим мамлакатларда судьяларнинг лавозимда бўлиш муддати халқ овоз бериши ёки бошқа расмий жараён орқали даврий тарзда тасдиқланиши зарурлиги умумэтироф этилган.
20. Лекин бир хил юрисдикцияда фаолият юритаётган барча судьяларнинг муайян ёшга етганда тугайдиган муддатга тайинланиши тавсия этилади.
21. Лавозимда бўлиш муддатлари у лавозимдаги вақтида судьяга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.
22. Судьялар лавозимдан фақат ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги исботланган, у томонидан жиноят содир этилган ёки номуносиб хулқ-атвор учун озод этилиши мумкин.
23. Тарихий ва маданий фарқлар туфайли турли жамиятларда судьяларни озод қилиш тартиблари ҳар хил бўлиши мумкинлиги умумэтироф этилган. Айрим жамиятларда парламент тартиблари орқали бўшатиш аънанаси мавжуд. Бошқа жамиятларда бундай тартиб ноўрин: у озод этишга доир айрим асосларни кўриб чиқиш учун тўғри келмайди ва камдан-кам қўлланилади, айрим ҳолларда эса умуман фойдаланилмайди; уни фақат энг далилли асосларга кўра қўлламаслик нотўғри амалиётга олиб келиши мумкин.
24. Судьяларни парламент тартиблари ёки умумхалқ овоз бериши орқали лавозимдан озод этилиши номақбул бўлган ҳолларда, судьяни лавозимдан бўшатиш тартиблари суд тизими томонидан назорат қилиниши зарур.
25. Судьяларни парламент тартиблари ёки умумхалқ овоз бериши орқали лавозимдан озод этилиши номақбул бўлган ҳолларда ва судьяни лавозимдан бўшатиш тўғрисида таклиф киритилаётганда, биринчи инстанцияда расмий ишни кўриб чиқиш заруратини белгилаш мақсадида лавозимдан бўшатиш таклиф этилишининг сабаблари ўрганилиши

- зарур. Расман ишни кўриб чиқиш уни ўтказиш учун дастлабки текширув етарлича асослар мавжудлигини кўрсатган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.
26. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лавозимдан озод этиш масаласи кўрилаётган судья ишнинг адолатли кўриб чиқилишига оид ҳуқуққа эга.
 27. Интизомий жаримага тортиш, лавозимдан четлатиш ёки озод этишга тегишли бўлган ҳар қандай иш юритуви суд тартибларига оид белгиланган андозаларга мувофиқ ўтказилиши зарур.
 28. Интизомий иш юритуви натижасида қабул қилинган қарорлар улар ёпиқ ёки очиқ мажлисда чиқарилганлигидан қатъи назар матбуотда эълон қилиниши керак.
 29. Судья аъзо бўлган суднинг тугатилиши судьяни лавозимдан озод этиш учун асос ёки сабаб сифатида кўрилиши керак эмас. Агар суд тугатилган ёки қайта ташкил этилган бўлса, барча ҳақиқий суд аъзолари унинг ўрнига тузилган судда қайта тайинланиши ёки шу каби даражадаги ва худди шундай лавозимда бўлиш муддати билан бошқа суд лавозимларига тайинланиши зарур. Муқобил лавозим топилмаган суд аъзоларига тўлиқ компенсация тақдим этилиши керак.
 30. Судьялар ижро этувчи ҳокимият томонидан ўз розилигисиз бир юрисдикциядан бошқасига ёки бир ишдан бошқа ишга ўтказилмаслиги лозим, ammo агар бундай ўтказиш суд органлари томонидан мазкур масалани чуқур таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқилган бир хил сиёсатга мувофиқ амалга оширилса, ҳеч бир судья бундай ўтказишни асоссиз равишда рад этмаслиги керак.

Суд хизматини ўташ шароитлари

31. Судьялар муносиб ҳақ олиши зарур, уларга, шунингдек, хизматни ўташнинг тегишли тартиби ва шароитлари таъминланиши керак. Ҳақ тўлаш ва судьялар томонидан хизматни ўташ шароитлари мазкур суд судьялари ёки уларнинг аксарияти розилик билдирган умумий ижтимоий-иқтисодий чоранинг ажралмас қисми бўлгани ҳолатидан ташқари, бутун хизмат муддати даврида уларга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.
32. Судьялар миллий қонунларга мувофиқ, муайян шикоят киритиш ёки давлат томонидан компенсация тўланиши ҳуқуқи ёхуд бирон бир интизомий тартибга зиён етказмаган ҳолда ўз судьялик вазифаларини бажариши жараёнида кузатилган талаб даражасида бўлмаган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар натижасида моддий зарар етказилиши муносабати билан фуқаролик даъволарига қарши шахсий иммунитетдан фойдаланиши зарур.

Ваколатлилик

33. Суд органлари суд хусусиятидаги барча масалаларга нисбатан ваколатга эга ва уларнинг берилган иш қонун билан белгиланган ваколатига кириши ёки кирмаслигини ҳал этишга оид мутлақ ҳуқуқи мавжуд.

34. Жамиятда олий суд инстанцияси ваколати мазкур суд аъзолари розилигисиз чекланиши ёки қисқариши мумкин эмас.

Суд маъмурияти

35. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш суд маъмурияти вазифаси бўлиб, унинг устидан якуний назорат тегишли суднинг бош мансабдор шахси томонидан амалга оширилиши лозим.
36. Судни идора қилиш бўйича асосий вазифалар, шу жумладан, маъмурий персонал ва ёрдамчи ходимларни тайинлаш, назорат қилиш ва интизомий кузатиш суд ҳокимияти ёки суд ҳокимияти мавжуд бўлган ва фаол қатнашаётган органга юклатилади.
37. Судлар бюджети ваколатли орган томонидан суд маъмурияти эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга оладиган суд ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши зарур. Ажратилган маблағ миқдори ҳар бир судга иш ҳажми ҳаддан ташқари ошмаган ҳолда фаолият юритиш имконини бериш учун етарли бўлиши керак.

Ижро ҳокимияти билан муносабатлар

38. Судьяларнинг эгаллаб турган лавозими, уларни рағбатлантириш ёки ресурслари ҳолати нуқтаи назаридан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижро ҳокимияти алоҳида судья ёки судьяларни кўрқитиш ёхуд уларга тазйиқ ўтказиш учун қўлланилмаслиги керак.
39. Судьяларга уларнинг ўз судьялик вазифаларини бажаришига таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган рағбатлар ёхуд манфаатлар таклиф этилмаслиги ҳамда улар томонидан қабул қилинмаслиги зарур.
40. Ижро ҳокимиятининг бошқарув органлари судьялар ва уларнинг оила аъзолари хавфсизлиги ва жисмоний ҳимоясини ҳар доим таъминлаши керак.

Ресурслар

41. Судьяларга ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур бўлган ресурслар тақдим этилиши зарур.
42. Иқтисодий чекловлар оқибатида судьялар ўз вазифаларини бажариши учун зарур, деб ҳисобланган маблағлар ва ресурслар суд тизимига ажратилиши қийин бўлган жойларда, ҳуқуқ устуворлиги тамойили ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этганлиги боис, ресурслар тақсимланишида суд ҳокимияти ва тизими эҳтиёжлари энг устувор, деб эътиборга олиншини талаб этади.

Фавқулодда вазиятлар

43. Судьялар мустақиллигидан четланиш миллат ҳаётига таҳдид қилувчи фавқулодда вазиятлар вақтида, лекин фақат қонун билан белгиланган

шароитларда ва тегишли халқаро ҳуқуқ билан эътироф этилган минимал андозаларга қатъий амал қилган ҳолда, уларнинг судлар томонидан қайта кўриб чиқиши шарт билан йўл қўйилиши мумкин. Бундай фавқулодда вазиятлар даврида давлат муайян жиноий ҳуқуқбузарликларда айбланаётган оддий шахслар ишлари фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқиши, шунингдек, шахсларни айблов қўйилмасдан маъмурий тартибда ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил орган томонидан «хабеас корпус» тартибида ёхуд бошқа шу каби тартиблар ёрдамида кўриб чиқиши учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солиши зарур.

44. Ҳарбий трибуналлар ваколати ҳарбий жиноятлар билан чекланиши зарур. Ҳар доим бундай трибуналлар қарорларини апелляция судида ёки қонун асосида ёки бошқа ҳуқуқий ҳимоя воситаси ёрдамида тузилган трибуналда қайта кўриб чиқиш ёки қарорни бекор қилиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи тақдим этилиши керак.

8. Миллатлар ҳамдўстлиги

Миллатлар ҳамдўстлигининг Парламент устуворлиги ва судьялар мустақиллигига оид Миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари («Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари»)

(1998 йил 19 июнда ҳамдўстлик мамлакатлари парламент аъзолари ассоциацияси, ҳамдўстлик магистратлари ва судьялари ассоциацияси, ҳамдўстлик юристлари ассоциацияси ва ҳамдўстлик ҳуқуқий таълим ассоциацияси вакиллари мажлисида қабул қилинган)

[...]

II. Суд мустақиллигини сақлаш

1. Суд лавозимига тайинлаш

Юрисдикцияларда суд лавозимига тайинлаш учун талаб даражасидаги мустақил жараён белгиланиши зарур. Мустақил тизим мавжуд бўлмаган жойда эса тайинлаш суд тизими комиссияси (Конституция ёки қонунчилик ҳужжати асосида тузилган) ёки давлатнинг шундай комиссия тавсиясига кўра фаолият юритаётган тегишли мансабдор шахси томонидан амалга оширилиши лозим.

Тайинлаш жараёни, унда тегишли равишда тузилган ва тақдим этилган суд тизими комиссияси иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъи назар, суд тизимининг барча даражаларида тайинлаш учун танланадиган номзодларнинг сифат кўрсаткичлари ва мустақил фикрлаш жиҳатлари кафолатланадиган тарзда шакллантирилиши керак.

Суд тизимининг барча даражаларида судьяликка тайинлаш касбий фазилатлар асосида амалга оширилиши ва гендер номуносиблиги ва бошқа тарихий камситувчи омилларни босқичма-босқич бартараф этишни назарда тутиши зарур.

Судьяларни тайинлаш, қоидага кўра, муддатсиз бўлиши керак; шунга қарамай, айрим юрисдикцияларда шартнома бўйича тайинлашлар муқаррар бўлиши мумкин, бундай тайинлашларда лавозимда бўлиш муддатлари талаб даражасида таъминланиши керак.

Судьяликка бўш лавозимлар мавжудлиги ҳақида эълонлар чоп этилиши лозим.

2. Молиялаштириш

Суд тизимига ўз вазифаларини энг юқори андозаларга мувофиқ бажариш имкониятини бериш учун у етарлича ва барқарор молиялаштирилиши зарур. Суд тизими учун қонунчилик томонидан аввал ажратилган бундай молиялаштириш олиб қўйилиши ёки ўз мақсади йўлида сарфланмасликдан ҳимояланган бўлиши керак. Молиялаштириш ёки уни тўхтатиб туриш суд тизими устидан

тегишли бўлмаган назоратни амалга оширишнинг воситаси сифатида қўлланилмаслиги керак.

Муносиб иш ҳақи ва имтиёзлар, ёрдамчи ходимлар, ресурслар ва асбоб-ускуналар суд тизими талаб даражасида фаолият юритиши учун ниҳоятда муҳим.

Суд мансабдор шахсларининг иш ҳақи ва имтиёзлари мустақил орган томонидан тайинланиши ва уларнинг миқдори пасаймаслиги ўта муҳимдир.

3. Тайёргарлик

Суд таълими маданиятини такомиллаштириш зарур.

Тайёргарлик уюшган, тизимли ва узлуксиз бўлиши керак, бунда молиялаштириладиган суд органи томонидан у талаб даражасида назорат қилиниши керак.

Суд тайёргарлиги ҳуқуқ, суд кўникмалари ва ижтимоий контекстни, шу жумладан, этник ва гендер масалаларини ўқитишни қамраб олиши зарур.

Дастур суд мансабдор шахслари томонидан юрист бўлмаган мутахассислар кўмагида назорат қилиниши керак.

Судьяларни тайёрлаш учун тегишли шароитларга эга бўлмаган юрисдикцияларда бошқа юрисдикцияларда ўқитиш воситаларидан фойдаланиш имконияти таъминланиши зарур.

Амалиётчи юристларга уларнинг касбий ўсишини давом эттириш мақсадида ўқитишнинг бир қисми сифатида суд соҳасида таълим курслари таклиф этилиши керак.

[...]

V. Суд ва парламент одоб-ахлоқи

1. Суд одоб-ахлоқи

- (а) Ҳар бир суд тизими томонидан судьяларнинг жавобгарлигини таъминлашнинг воситаси сифатида одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор Кодекси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак;

[...]

VI. Жавобгарлик механизмлари

1. Суд жавобгарлиги

- (а) Интизомий жавобгарликка жалб қилиш:

Судьяга лавозимдан бўшатилиш хавфи мавжуд бўлганда, у ўзига нисбатан қўйилаётган айблов ҳақида тўлиқ хабардор бўлиш, иши судда кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиш, ҳар томонлама ҳимояни амалга ошириш ҳамда унинг иши мустақил ва холисона суд томонидан кўриб чиқилишига оид ҳуқуқларга эга. Судьяни ишдан бўшатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- (i) суд вазифаларини бажара олмаслик; жиддий қилмишлар;
 - (ii) барча қолган масалалар бўйича иш юритуви тегишли суд раиси томонидан ўтказилиши керак;
 - (iii) интизомий чора турлари судьяларга ошкора ҳайфсан эълон қилишини назарда тутмаслиги лозим.
- (b) Ошкора танқид:
- (i) суд тизими самарадорлигининг қонуний тарзда ошкора танқид қилиниши унинг жавобгарлигини таъминлашнинг воситасидир;
 - (ii) судга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиш учун жиноий таъқиб судларни қонуний танқид қилишни чеклашнинг талаб даражасидаги воситаси эмасдир.

[...]

VII. Суд ва парламентдан ташқари муассасалар роли

[...]

2. Ижро ҳокимияти матбуот эркинлиги, шу жумладан, расмий рекламадан талаб даражасида фойдаланмаслик каби билвосита усулларни чеклашга қаратилган ҳар қандай чоралардан тийилиши зарур.
3. Мустақил, уюшган юридик касб ҳуқуқ устуворлиги тамойилини ҳимоя қилишнинг энг муҳим таркиби ҳисобланади.
4. Кам таъминланган ва ноқулай шароитда бўлган даъвогар ёки жавобгарлар учун бепул ҳуқуқий ёрдам, шу жумладан, давлат адвокатларидан фойдаланишга оид тегишли имкониятлар кўзда тутилиши лозим.
5. Касбий юридик ташкилотлар кам таъминланганларга бепул юридик хизматлар кўрсатиш орқали одил судловдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишга қўмаклашиши керак.
6. Ижро ҳокимияти мустақил юристлар иш фаолиятига уларнинг касби органларига лицензия беришни рад этиш каби воситалар орқали тўсқинлик қилишдан тийилиши зарур.

[...]

Миллатлар Ҳамдўстлигининг Давлат ҳоқимияти уч тармоғининг жавобгарлиги ва улар ўртасидаги муносабатларга оид тамойиллари

(Адлия вазирликлари ўртасида келишув бўйича тузилган ва Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукуматлари раҳбарлари мажлисида қабул қилинган, Абуджа, Нигерия, 2003 йил)

[...]

I) Давлат ҳоқимиятининг учта тармоғи

Ҳар бир Ҳамдўстлик мамлакатларидаги парламент, ижро ва суд органларининг ҳар бири ўзига тегишли соҳада ҳуқуқ устуворлиги, инсоннинг асосий ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш ҳамда ҳалоллик, пора олмаслик ва жавобгарликнинг энг юксак андозаларига асосланган талаб даражасидаги бошқарувни амалга ошириш кафолати ҳисобланади.

II) Парламент ва суд ҳоқимияти

- (a) Парламент ва суд ҳоқимияти ўртасидаги муносабатлар парламентнинг, бир томондан, қонунларни қабул қилиш бўйича асосий вазифасини ва бошқа томондан—суд ҳоқимиятининг қонунларни изоҳлаш ва қўллаш бўйича вазифаларини ҳурмат қилиш тамойилига бўйсунуши керак.
- (b) Суд тизимлари ва парламентлари ўзининг тегишли, аммо ҳуқуқ устуворлигини илгари суришдаги ниҳоятда муҳим ролини бажариши ва бир-бирини тўлдириши, ўзаро қўллаб-қувватлаши лозим.

[...]

IV) Суд ҳоқимияти мустақиллиги

Мустақил, ҳолисона, ҳалол ва малакали суд ҳоқимияти ҳуқуқ устуворлигини сақлаш, жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишнинг ажралмас қисмидир. Суд ҳоқимиятининг функцияси ҳар бир Ҳамдўстлик мамлакатлари миллий ҳуқуқий асоси қанчалик имкон берса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ миллий конституциялар ва қонунчиликни шарҳлаш ва қўллашдан иборат.

Мазкур мақсадларни таъминлаш учун:

- (a) Суд лавозимларига тайинлаш аниқ белгиланган мезонлар асосида ва ошқора эълон қилинган тартиблар орқали амалга оширилиши лозим. Жараён қуйидагиларни таъминлаши керак:
 - суд лавозимида тегишли танловнинг мезонларига мос бўлган барча номзодлар учун имкониятлар тенглиги;
 - хизматларига яраша тайинлаш;
 - гендер тенглигига босқичма-босқич эришиш ва бошқа тарихий камситиш омилларини бартараф этиш зарурлигига етарлича эътибор;

- (b) Судьяларнинг лавозимда бўлиш муддатларини ва рағбатлантириш миқдорини талаб даражасида ҳимоя қилиш учун чоралар кўриш зарур;
- (c) Суд тизимига кутилган мустақилликни сақлашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирон-бир номақбул босимсиз самарали иш юритиш учун етарлича ресурслар тақдим этилиши керак;
- (d) ижро ва суд ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорлик, агар бу мавжуд бўлса, судьялар мустақиллигини хавф остига қўймаслиги зарур.

Судьялар ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги ёки уларнинг вазифаларни бажариш учун яроқсиз эканлигини яққол намоён этувчи қилмиш содир этилганлиги сабаблигина лавозимдан четлатилиши ёки бўшатилиши мумкин.

Суд иш юритуви, агар бошқаси қонун ёки жамоатчиликнинг эътироф этилган манфаатлари билан белгиланган бўлмаса, жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак. Юқори инстанция суди қарори чоп этилиши ва жамият учун очиқ ҳамда ўз вақтида чиқарилиши зарур.

Профессионал юристларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва ваколатлиги ҳуқуқ устуворлигини сақлаш ва суд ҳокимияти мустақиллигининг асоси ҳисобланади.

V) Давлат мансабдор шахслари

- (a) Давлат лавозимларига тайинлаш ишлари хизматдаги ҳиссаси ва юксак маънавий фазилатлари каби мезонларга биноан амалга оширилиши лозим.
- (b) имкон қадар (a) бандидаги каби давлат лавозимларини эгаллаган шахслар, умуман олганда, жинси, миллати, ижтимоий ва диний гуруҳлар ҳамда минтақавий вакиллик нуқтаи назаридан жамият таркибини акс эттиришини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим.

VI) Одоб-ахлоқ бўйича қўлланма

Вазирлар, парламент аъзолари, суд ва давлат мансабдор шахслари ҳар бир юрисдикцияда хулқ-атворга оид тегишли амалий тамойилларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва мунтазам қайта кўриб чиқиши зарур. Улар шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик ишончи даражасини ошириш мақсадида манфаатларнинг амалдаги ёки тахмин қилинаётган низолари масаласини тартибга солиши лозим.

VII) Жавобгарлик механизмлари

[...]

- (b) Судьялар жавобгарлиги

Судьялар Конституция ва қонунлар олдида жавобгар бўлиб, уларни ҳалоллик, мустақил ва адолатли тарзда қўллашлари зарур. Суд жавобгарлиги ва мустақиллиги тамойиллари жамоатчиликнинг суд тизимига ишончини ва суд ҳокимиятининг масъулиятли бошқарув

асосини ташкил этувчи учта устуннинг бири сифатидаги ролини мустаҳкамлайди.

Судьяларнинг ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги ёки муайян қилмишни содир этганлиги сабабли лавозимдан бўшатишга оид тегишли жараёнлардан ташқари, суд ҳокимияти мустақиллигини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган чоралар адолатли ва холисона амалга оширилиши керак. Суднинг мансабдор шахсини лавозимдан бўшатишга олиб келиши мумкин бўлган интизомий иш юритуви адолатни таъминлашга қаратилган тегишли ҳимоя механизмларидан иборат бўлиши зарур.

Судга нисбатан ҳурматсизлик учун жиноий таъқиб суд тизимини қонуний тарзда танқид қилишни чеклаш мақсадида қўлланилмаслиги керак.

(с) Суд назорати

Демократиянинг асосий тамойиллари ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари қабул қилинган қарорлар Конституция, тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари, шу жумладан, одил судлов тамойилларига оид ҳуқуқларга мослигини таъминлаш мақсадида судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини талаб этади.

[...]

9. Халқаро гуманитар ҳуқуқ

1949 йилдаги тўрттала Женева конвенциялари учун умумий бўлган 3-модда

Халқаро хусусиятга эга бўлмаган ва Юксак Келишув Томонларидан бирининг ҳудудида юзага келадиган қуролланган тўқнашув ҳолатида можарода қатнашаётган томонларнинг ҳар бири энг камида қуйидаги меъёрларни қўллаши шарт:

1. Ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган шахслар, шу жумладан, қуролни топширган қуролли кучлар таркибидаги шахслар ҳамда касаллиги, жароҳати, қўлга олиниши ёки бошқа ҳар қандай сабабга кўра ҳарбий ҳаракатларда қатнашишни тўхтатган шахслар барча вазиятларда ирқи, миллати, дини, жинси, келиб чиқиши ёки мулкӣ ҳолати ёхуд ҳар қандай бошқа мезонлар бўйича бирон-бир камситишсиз уларга нисбатан инсонийлик муносабатидан фойдаланишлари мумкин.

Шу мақсадда юқорида қайд этилган шахсларга нисбатан қуйидаги ҳаракатлар тақиқланган, ҳар доим ва ҳар қаерда ман этилади:

[...]

- (d) Тараққий этган миллатлар томонидан зарур деб эътироф этилган кафолатлар мавжудлигида таъсис этилган суд томонидан талаб даражасида қабул қилинган дастлабки қарорларсиз ҳукм этилиши ва жазо қўлланилиши.

Халқаро қуролли тўқнашувлардан жабрланганларни ҳимоя қилишга оид 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциясига қўшимча протокол (I протокол)

75-модда. Асосий кафолатлари

[...]

4. Қуролли тўқнашув билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор, деб ҳисобланган шахсга ҳеч қандай ҳукм чиқарилиши мумкин эмас, шунингдек, у оддий суд иш юритувининг умум-эътироф этилган тамойилларига риоя этувчи, тегишли тарзда таъсис этилган, холисона суд қароридан ташқари ҳеч қандай жазога тортилиши мумкин эмас.

[...]

Нохалқаро қуролли тўқнашувлардан жабрланганларни ҳимоя қилишга оид 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциясига қўшимча протокол (II протокол)

6-модда. Жиноий таъқиб

1. Ушбу модда қуролли тўқнашувлар билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарликлар учун суд таъқиби ва жазосига нисбатан қўлланилади.
2. Ҳуқуқбузарликда айбдор, деб ҳисобланган шахсга нисбатан ҳеч бир суд қарори чиқарилмайди ва ҳеч бир жазо тайинланмайди, мустақиллик ва холисликнинг асосий кафолатларини таъминлаётган суд ҳукми бундан мустасно.

ХҮОК — Комиссиянинг аъзолари

2017 йилнинг январига бўлган аҳвол бўйича

(Янгиланган рўйхатни ушбу манзилдан топиш мумкин: www.icj.org/commission)

Президент

Проф. Сэр Найжел Родли, Буюк Британия

Вице-президентлар

Проф. Роберт Голдман, АҚШ

Судья Мишел Риве, Канада

Ижрочи қўмита

Проф. Карлос Аяяла, Венесуэла
Судья Азар Качалия, Жанубий Африка
Проф. Эндру Клапхэм, Буюк Британия
Хоним Имрана Жалал, Фижи

Хоним Хина Жилани, Покистон
Судья Радмила Драгичевич-Дичич, Сербия
Жаноб Белисарио дос Сантос кенжа, Бразилия

Бошқа Комиссия аъзолари

Проф. Кён-Ван Ан, Корея Республикаси
Судья Адолфо Азкуна, Филиппин
Жаноб Муханнад ал-Хассани, Сурия
Д-р Катарина де Албукерке, Португалия
Жаноб Абделаиз Бензакур, Марокаш
Судья Иан Бинни, Канада
Судья Сэр Николас Братца, Буюк Британия
Жаноб Рид Броди, АҚШ
Проф. Мигел Карбонелл, Мексика
Судья Мозес Чинхенго, Зимбабве
Хоним Роберта Кларк, Барбадос-Канада
Судья Элизабет Эватт, Австралия
Жаноб Роберто Гарретон, Чили
Проф. Женни Е. Голдшмидт, Нидерландия
Проф. Михело Хансунгуле, Замбия
Хоним Гулнора Ишанханова, Ўзбекистон
Жаноб Шаван Жабарин, Фаластин
Судья Калсум Канну, Тунис
Проф. Дэвид Крецмер, Исроил
Проф. Сезар Ланда, Перу
Судья Кэтил Лунд, Норвегия
Судья Кинисиле Мабуза, Свазиленд

Судья Хосе Антонио Мартин Пайин, Испания
Проф. Хуан Мендес, Аргентина
Судья Чарлз Мкандавайр, Малави
Жаноб Катурима М'Иноти, Кения
Судья Ивонн Мокгоро, Жанубий Африка
Судья Санжи Монагенг, Ботсвана
Судья Тамара Моршакова, Россия
Проф. Витит Мунтарбхорн, Таиланд
Судья Эгберт Майер, Нидерландия
Судья Жон Лоуренс О'Милли, Австралия
Судья Фатсах Угергуз, Жазоир
Д-р Ярна Петман, Финляндия
Проф. Моника Пинто, Аргентина
Проф. Виктор Родригес Ресция, Коста-Рика
Жаноб Алехандро Салинас Ривера, Чили
Проф. Марко Сассоли, Италия-Швейцария
Судья Ажит Пракаш Шах, Ҳиндистон
Судья Кальян Шреста, Непал
Жаноб Ражи Сурани, Фаластин
Судья Филипп Тексье, Франция
Судья Штефан Трехсел, Швейцария
Проф. Родриго Упримни Йепес, Колумбия

Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси ва қонун устуворлигини таъминлашда мамлакатнинг суд ва ҳуқуқий тизими марказий ўрин тутди. Инсоний ҳуқуқлари поймол этилган жабранувчилар ҳимояси ва ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишда судья, адвокат ва прокурорлар асосий ролларни ўйнашади. Бундан ташқари, улар одил судлов ҳуқуқини кафолатлашади. Яна қонун чиқарувчи ва ижрочи муассасалар томонидан халқаро инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш учун суд органлари масъулдир.

Ушбу қўлланманинг мақсади ҳуқуқ амалиётчилари ва стратегик даражадаги мансабдор шахсларни суд ва ҳуқуқий тизимнинг мустақиллигига оид халқаро андозалар тўғрисидаги батафсил ва амалий манбалар билан таъминлашдир. Ушбу қўлланманинг биринчи қисми ҳуқуқий таҳлил ҳамда халқаро амалиётдан муайян мисолларни тақдим этади. Унда яна мустақил адвокатура ҳамда холис ва объектив прокуратура органларининг тутган ўрни ҳам ёритилади. Иккинчи қисм мавзуга оид барча тегишли халқаро ва минтақавий андозаларни қамраб олиб, улардан манба сифатида фойдаланишни осонлаштиради.



International Commission of Jurists
P.O. Box 91
33 Rue des Bains
CH-1211 Geneva 8
Switzerland

ISBN 978-92-9037-252-3

